Для того, чтобы активизировать эти и другие резервы предлагается система мер, направленная на активизацию новых факторов развития, основанная на совершенствовании механизмов генерации инвестиционного потенциала, который, в конечном счёте, оказывает определяющее влияние на экономический рост.

В долгосрочном плане система реформ должна быть направлена на повышение качества государственных институтов, улучшение инвестиционного климата, повышение качества человеческого потенциала, стимулирование инноваций.

Имея исключительно практическую направленность, такой подход, однако, страдает и рядом серьезных недостатков. Как правило, эти меры не увязаны друг с другом на системной основе. Кроме того, любая мера, будучи реализованной на практике, влечет за собой как позитивные, так и негативные последствия. Очень важно количественно оценить эти последствия, вывести общий баланс издержек и приобретении. Однако абсолютное большинство таких мер, за исключением, пожалуй, крупных инвестиционных проектов, носят чисто описательный характер и не подкрепляются необходимыми расчетами, что снижает обоснованность, а следовательно - и перспективы принятия таких мер органами государственного управления.

Причина сложившегося положения - отсутствие надежных оценок реакции национальной экономики на изменения в параметрах

генерации инвестиционного потенциала. Например, оценка последствий реализации инвестиционных программ по снижению энергоемкости должна учитывать влияние на этот индикатор ценового фактора, изменении в структуре экономики, уровня либерализации энергетического рынка, а также стоимость самих этих мер. При обосновании предложений, направленных на повышение уровня монетизации экономики, необходимо учитывать влияние качества банковской системы на инфляционный потенциал роста денежной массы, энергоемкость экономики - на уровень инфляции.

Понятно, что без реализации целенаправленной программы усиления влияния генерации инвестиционного потенциала на экономический рост решить проблемы его активизации не представляется возможным. Поэтому во главу угла сегодняшнего момента следует поставить разработку новых подходов к созданию современного инструментария механизма генерации инвестиционного потенциала с учётом обеспечения его направленности на решение проблем устойчивого экономического роста. [5]

Следует обратить внимание на то, что в целом по Узбекистану за последние годы на объектах государственной собственности большая доля средств направляется на реконструкцию и модернизацию действующих предприятий, на объектах же негосударственной собственности – на строительство новых объектов. Это означает, что необходимо создание особого механизма, стимулирующего инновационные процессы реконструкции и модернизации действующих предприятий в частном секторе экономики.

Особое внимание следует обратить на оптимизацию структуры источников финансирования инвестиций, существенного повышения роли дешёвых долгосрочных кредитных ресурсов банковской сферы в инвестиционных процессах. Кроме того, серьёзной проблемой выглядят вопросы равномерности регионального развития и здесь, очевидно, необходимо задействовать механизмы реализации инвестиционной политики стратегического экономического районирования, с учётом развития и размещения производительных сил.

Одна из серьёзнейших проблем влияния генерации инвестиционного потенциала на экономический рост заключается в неоправданных перекосах структуры инвестиций в создание активной и пассивной части основных фондов. В целом по республике почти две трети инвестиций вкладывается в строительство «стен и заборов».Именно в создании пассивной части основных фондов, образно говоря, безвозвратно «тонет» почти две трети инвестиций. Лишь в Ташкенте 53% инвестиций направляется на приобретение машин и оборудования, а в Бухарской области, к примеру, на эти цели тратится чуть больше 15 % инвестиций. [5]

Ещё более серьёзной негативной тенденцией является снижение пропорций между темпами роста инвестиций и ВВП. Известно, что для того, чтобы обеспечить прирост инвестиций на один процент, нужно увеличить инвестиции примерно на три процента. Именно столько вкладывалось в экономику республики в кризисные 2008-2009 гг. Однако в 2011 г. этот показатель составлял 0,46, а в настоящее время колеблется на уровне 1,5%, то есть в два раза ниже необходимого. [5] Учитывая лаг времени между вложением инвестиций и получением результата, последствия нынешней диспропорции проявятся в последующие годы. Поэтому, для усиления влияния генерации инвестиционного потенциала на экономический рост необходимо принятие действенных мер, направленных на ликвидацию диспропорций в соотношении темпов роста инвестиций и ВВП.

Наиболее значительным фактором внешнего воздействия на инвестиционные процессы и экономический рост в настоящее время является глобализация мировой экономики, усиливающая зависимость национальной экономики Узбекистана от нестабильности мировых цен, потоков капитала, товаров, трудовой миграции, что подтверждается мировым финансово-экономическим кризисом и нынешними тенденциями нестабильности мировых цен на энергоносители и волатильности валютных курсов. В этих условиях «преимущество получают те страны, которые демонстрируют гибкую экономическую политику, способность оперативно реагировать на возникающие внутренние и внешние вызовы, своевременно переходя от одних альтернативных стратегий макроэкономического регулирования к другим, основанным на учёте эффективности принимавшихся ранее антикризисных мер и оценённым по наиболее вероятным последствиям их реализации». [6] Поэтому наличие эффективного механизма долгосрочной инвестиционной стратегии является обязательным условием устойчивого экономического роста страны, в особенности в условиях обострения проблем глобализации и роста внешней конкуренции за инвестиционные ресурсы и рынки сбыта.

Создание такого рода инвестиционной стратегии традиционно базируется на мето-

дологии программно-целевого подхода, учитывающего как внешние, так и внутренние факторы макроэкономического развития. Мы уже отмечали, что нынешнее сложное положение с генерацией инвестиционного потенциала во многом связано с процессами, развитие которых проходит вне рамок национальной экономики и её макроэкономической политики. Нам представляется, что стратегические проблемы формирования инвестиционного потенциала нельзя решать лишь с позиций разрешения внутренних противоречий. Необходимо ориентироваться на создание достаточных условий для реализации стратегии экономического роста не только внутри страны, но и во внешней среде. А это во многом определяется глобальными экономическими процессами и эффективной внешнеэкономической политикой.

Однако это не значит, что инвестиционная стратегия должна ориентироваться лишь на глобальные макроэкономические процессы. В ней должны быть заложены лишь основные стратегические приоритеты регулирования, а в целом весь механизм должен раскрываться в специальной инвестиционной программе. Детализация регулирующих воздействий должна проходить по всем уровням территорий, отраслей и предприятий, вплоть до рабочего места. В низовом звене это уже конечно не программы, а конкретные регулирующие воздействия.

Необходимо различать также методы регулирования. На каждом уровне они различны, но в целом их группы объединяются по общим признакам. Отсюда процесс регулирования представляет собой активное воздействие на инвестиционную деятельность на всех ее стадиях с помощью налоговых, финансовых, денежных, административных и правовых инструментов. Итак, регулирование инвестиционной деятельности отрасли может быть представлено в следующей таблице1.

**Таблица 1**

**Матрица элементов механизма регулирования инвестиционной деятельности**

| Уровни | Экономическое регулирование | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Налоговое | Финансовое | Денежное | Административное | Правовое |
| Макроэкономический | C1.1 | C1.2 | C1.3 | C1.4 | C1.5 |
| Территориальный | C2.1 | C2.2 | C2.3 | C2.4 | C2.5 |
| Отраслевой | C3.1 | C3.2 | C3.3 | C3.4 | C3.5 |
| Предприятия | C4.1 | C4.2 | C4.3 | C4.4 | C4.5 |
| Цехи, участки, бригады, | C5.1 | C5.2 | C5.3 | C5.4 | C5.5 |
| Рабочие места | C6.1 | C6.2 | C6.3 | C6.4 | C6.5 |

*Источник: Разработано автором.*

С созданием двухуровневой банковской системы появился новый источник финансирования инвестиций кредиты негосударственных коммерческих банков.

Сравнение источников финансирования инвестиций в Узбекистане и в развивающихся странах показывает, что внешнее (долговое и долевое) финансирование у последних играет гораздо большую роль. В Узбекистане до сих пор доля долговых источников финансирования очень низка и имеет место только в виде банковских кредитов. Следовательно, по мере развития финансового сектора и внедрения новых финансовых инструментов доля внешнего финансирования будет увеличиваться. [3]

Региональная инвестиционная политика также предусматривает создание условий для эффективных вложений в его экономику. Под эффективными вложениями обычно понимаются те, которые, помимо платы за риск инвестиций, позволяют получить приемлемую для инвестора и для региона, принимающего инвестиции, экономическую выгоду в виде, например, прибыли от инвестиций. Поэтому основным критерием для инвестора является ожидаемая доходность на вложенный капитал в сопоставлении со степенью риска, а для региона - повышение бюджетной эффективности его экономики, то есть положительное изменение регионального бюджетного сальдо. Инвестиции должны привести либо

к росту доходов, либо к снижению расходов регионального бюджета.

- формирование новых источников налоговых и рентных платежей;
- образование новых рабочих мест;
- развитие инфраструктуры региона;
- восстановление исторических объектов на территории региона;
- формирование здоровой конкурентной среды;
- поддержание благоприятного экологического климата в регионе;
- создание условий для развития малого бизнеса на базе объектов недвижимости.

Для достижения этих задач регион может использовать предоставленные законодательством полномочия, основывая свою инвестиционную политику на принципах:

- доброжелательности во взаимоотношениях с инвестором;
- презумпции добросовестности инвесторов;
- сбалансированности общественных и частных интересов;
- открытости и доступности информации для всех инвесторов;
- ясности и простоты организации инвестиционного процесса.

Для привлечения инвестиций региональные администрации должны использовать все имеющиеся у них возможности, практиковать заключение прямых инвестиционных договоров с крупными зарубежными инвесторами для реализации инвестиционных проектов.

Способствовать консолидации экономики региона, повысить ее конкурентоспособность на финансовом рынке и, как следствие, инвестиционную привлекательность может организация региональных инвестиционных фондов. Именно они могут стать одним из ключевых элементов в модернизации развития экономики. Однако для их эффективного функционирования необходимо дальнейшее законодательное оформление их деятельности. [7]

Предполагается, что региональные инвестиционные фондов должны сконцентрировать наличествующие активы и финансовый капитал, направить их на развитие территории в рамках комплексных инвестиционных проектов.

Одной из задач региональных инвестиционных фондов является организация и активизация хозяйствующих субъектов в регионе, обуславливающие их выход на рынок, для чего предполагается создать целый ряд компаний и корпораций: трастовых, лизинговых, финансовых, страховых и т. п., возможно, в качестве структурных элементов региональных инвестиционных фондов или с их участием.

Задачами региональных инвестиционных фондов должны стать инвентаризация активов территориального образования и текущий мониторинг ресурсов. Под активами в данном случае понимаются природный, финансовый, производственный, социальный и другие потенциалы. Их рациональное использование является важной задачей инвестиционной стратегии.

Консолидация производственного потенциала региона в рамках, объединяющих инвестиционные фонды регионального уровня, позволит предприятиям улучшить систему планирования, социальную инфраструктуру, ресурсосбережение и экологию, наладить взаимодействие, повысить инвестиционную привлекательность. В рамках этих новых структур для достижения общих целей должны суммироваться средства государства, предпринимателей и населения. Основу стабильного развития составят вложения в реальный сектор экономики.

Массированные инвестиции в производство должны дополняться соответствующими вложениями в «человеческий капитал» и научно-технический потенциал предприятий и отраслей. Иначе возникают диспропорции между различными факторами производства. Развитие же человеческого капитала и научно-технической политики предполагает использование других методов нежели при проведении инвестиционной политики.

В странах с развитой экономикой основную инвестиционную нагрузку берет на себя частный сектор. [8] В нашей республике частный сектор еще не настолько развит, чтобы на него можно было возложить проведение структурных преобразований в экономике. По мере развития рыночных механизмов и институтов государство, в соответствии с принципами синергетики, должно постепенно перекладывать ответственность за принятие инвестиционных решений на самих предпринимателей, регулируя эти процессы лишь косвенными методами.

Важнейшей задачей структурной политики государства на новом этапе реформ должно стать стимулирование частных сбережений и инвестиций, и государство должно способствовать формированию сбережений и их направлению на приоритетные инвестиции посредством создания предсказуемой правовой и экономической среды. Это приоритетный путь расширения инвестиционного потенциала экономики. Достигается это, прежде всего,

обеспечением макроэкономической стабильности, созданием здоровой конкурентной рыночной среды, либерализации валютного рынка, повышением рыночной активности финансовых инструментов. Для активизации инвестиционной деятельности необходимо максимально использовать как мобилизацию национальных финансовых ресурсов, так и привлечение иностранного капитала. Это требует дальнейшего улучшения инвестиционного климата, создания таких условий, при которых финансовые ресурсы будут мобилизованы и эффективно вложены в дальнейшую модернизацию экономики.

Сопряжение всех этих направлений регулирования инвестиционной стратегии развития возможно только в рамках Государственной инвестиционной программы формирования и развития инвестиционного потенциала. Реализация такой программы должна осуществляться в рамках государственно-частного партнерства и обеспечивать единый, согласованный подход к разработке Программы со стороны органов государственной власти, представителей частного бизнеса, а также иных заинтересованных физических и юридических лиц.

Разработке Программы предшествует анализ текущего состояния экономики, её территорий и отраслей, выявление на его базе основных проблем требующих решения.

В отечественной экономике следует выделить ряд негативных факторов, частично возникших на базе указанных тесно взаимосвязанных и взаимообусловленных проблем, создающих достаточно острый кризис в процессах генерации инвестиционного потенциала, к числу которых можно отнести:

• высокие производственные издержки (металлоемкость, энергозатраты, транспортировка), низкую рентабельность производства и, как следствие, недостаток оборотных и инвестиционных средств для развития;

• неэффективную кадровую политику, не способствующую привлечению квалифицированных специалистов в сферу промышленного производства, научно- технической и технологической деятельности;

• несовершенство законодательной базы по государственной промышленной политике, техническому регулированию, ценообразованию на продукцию и уровень налогообложения, заметно сокращающий оборотные средства предприятий;

• недостаточное взаимодействие финансово-кредитных организаций и реального сектора экономики;

• ограниченную емкость внутреннего рынка вследствие низкой платежеспособности потенциальных потребителей продукции.

Очевидно, что выход из создавшегося положения возможен только при реализации системного, программно-целевого подхода к стратегии формирования и развития инвестиционного потенциала.

Сложность развития экономики Узбекистана состоит в том, что в ближайшей перспективе необходимо решать одновременно три основные задачи:

• интенсивную модернизацию производства и его технического перевооружения;

• подготовку и переподготовку кадрового потенциала с формированием нового инженерно-технического и управленческого поколения, способного обеспечить инновационное развитие;

• создание условий для повышения инвестиционной привлекательности предприятий и обеспечения притока частных инвестиций.

При этом следует учитывать, что в развитых зарубежных странах в настоящее время используются технологии, которые относятся к четвертому и пятому технологическим укладам, но четвертый уже идет на спад, а пятый находится на пике подъема, есть примеры появления и технологий шестого уклада.

В Узбекистане доминирует четвертый технологический уклад, который, по оценкам специалистов, достигнет высшей точки подъема только к 2017 году. Применительно к национальной экономике это означает, что необходимо преодолевать отставание от мирового уровня в полтора-два технологических поколения (одно поколение 10-15 лет), с одновременным формированием и распространением в перспективе наиболее эффективных направлений пятого и шестого технологических укладов.

Предстоит реализовать на практике широкомасштабный экономический и интеллектуальный маневр, суть которого заключается в том, чтобы в кратчайшие сроки восстановить и развить до высокотехнологичного уровня экономику, находящуюся в настоящее время в техническом состоянии, отстающем от развитых стран. Очевидно, что для этого необходимо обеспечить опережающие темпы развития.

***Заключение***

Тем не менее, несмотря на все проблемы и трудности, в Узбекистане имеются все необходимые условия для дальнейшего, опережающего развития экономики.

Это, прежде всего, собственные энергетическая и сырьевая база, развитая коммуникационная сеть, научный, интеллектуаль-

ный, кадровый, производственный и иные потенциалы. Но, главное, имеется ясное понимание ситуации со стороны руководства государством и политическая воля к ее изменению в лучшую сторону.

Важным резервом генерации инвестиционного потенциала следует считать малый и средний бизнес.  В настоящее время конкуренция в инновационной сфере означает борьбу за вывод на рынок полностью готовых продуктов. Главной задачей для мировых промышленных компаний является поиск конкурентных технологий. А реализация всех инновационных проектов строятся на условиях разделения рисков между его участниками и активного использования системы аутсорсинга. При этом во всем мире главный интегратор проекта занимается только сборкой, логистикой и продажами, а все остальное передается малому и среднему бизнесу. У нас же пока сохраняется старая система, когда одно предприятие делает практически все - от переработки сырья до выпуска готового продукта. Поэтому для выпуска конкурентоспособной продукции необходимо следовать указанной общемировой тенденции. Помимо этого следует иметь в виду, что именно малый и средний бизнес определяет философию инновационного развития общества в силу его многочисленности.

Отсюда вытекает, что есть все основания считать, что Узбекистан располагает необходимыми возможностями для решения задачи модернизации и обеспечения опережающего развития своей экономики.

В настоящее время в условиях глобализации многие развитые страны «сбрасывают» большинство низкорентабельных отраслей в страны третьего мира, что связано с их вхождением в надстрановые блоки. [8] Но подобная стратегия, связанная с определенной утратой национального суверенитета, для Узбекистана не приемлема. Поэтому объектом государственной поддержки должен быть весь производственный комплекс. Причем, при определении градиентов государственной поддержки целесообразно исходить, прежде всего, из необходимости обеспечения инновационного развития.

С учетом этого целесообразно выделить приоритетные уровни предприятий в зависимости от конкурентоспособности и наукоемкости выпускаемой продукции.

Как один из вариантов можно рассматривать следующую градацию:

• производства, имеющие заделы для развития высоких технологий - эти производства (преимущественно экспортоориентированные) наиболее нуждаются в разных формах государственной поддержки (государственная научно-техническая политика, государственные целевые программы, государственные инновационные центры, свободные экономические зоны, льготная налоговая и кредитная политика и др.);

• производства, имеющие потенциал, в том числе и экспортный, для развития и совершенствования.  Здесь государственная поддержка может ограничиваться регулированием финансово-экономическими и институциональными рычагами, в зависимости от выбранных научно-технических приоритетов;

• производства, уже сформировавшиеся, где возможны лишь отдельные совершенствования преимущественно улучшающего порядка (улучшение качества и внешнего вида, упаковки, способов продвижения на рынки и др.) в зависимости от рыночной конъюнктуры, не требующие больших капитальных вложений и политики государственного вмешательства;

• производства третьего, уходящего технологического уклада, производящие наиболее простую продукцию, имеющую спрос на рынке.

Как уже было сказано выше, в формировании стратегии развития экономики уже сделаны важные шаги. Однако говорить о завершённости в Узбекистане системного подхода к модернизации экономики на основе эффективной инвестиционной стратегии пока не приходиться.

В этой связи, на данном этапе представляется целесообразным разработку системной стратегии модернизации экономики реализовать через формирование Государственных стратегических отраслевых и территориальных программ на основе эффективной инвестиционной стратегии.

Необходимость решения проблемы программно-целевыми методами и с участием государства обусловлена:

• государственным значением проблемы модернизации производства и опережающего развития новых технологических укладов;

• острой необходимостью решения проблемы в рамках единого замысла и единых системных стратегических подходов;

• сложностью и многоуровневым характером проблемы, в которой переплетаются интересы государства и частного бизнеса;

• необходимостью осуществления контроля за соблюдением государственных интересов Узбекистана в ходе решения проблемы;

• важностью политического и социально-экономического эффекта от участия государ-

ства в решении данной проблемы.

Программа должна стать составной частью новой инвестиционной стратегии, стать ориентиром развития инновационной экономики страны. В ней должны быть определены приоритетные направления научно-технического развития, сформированы стратегические задачи по обеспечению предпринимательской деятельности отечественных товаропроизводителей по выпуску конкурентоспособной наукоемкой продукции и реструктуризации экономики. Главным результатом реализации Программы должно стать ускоренное наращивание инвестиционного потенциала и обеспечение его эффективной генерации.

В целом же реализация Программы должна обеспечить:

• преодоление технологического отставания отечественного производства от ведущих стран мира на основе инновационного обновления отрасли и диверсификации производства;

• удовлетворение запросов отечественных потребителей в современной технике, отвечающей перспективным мировым требованиям по экономической эффективности, экологическим характеристикам и ресурсосбережению;

• увеличение экспорта продукции.

В Узбекистане многое делается в этом направлении. Важным инструментом выступают, ежегодно принимаемые правительством государственные инвестиционные программы реализации крупных проектов. Механизм построения этой важной сферой работает уже много лет и реализуется под управлением Министерства экономики Республики Узбекистан. Эта же структура осуществляет мониторинг реализации инвестиционных проектов. К сожалению, информация о реализации этих крупных инвестиционных проектов не унифицирована с требованиями государственной статистики и не отражается в её отчётах. Кроме того, если запуск любого инвестиционного проекта в обязательном порядке подлежит обоснованию экономической эффективности всего проекта, то после его завершения и пуска производства получение фактического экономического эффекта никогда не рассчитывается. Поэтому по всем ныне существующим государственным инвестиционным программам так никогда и не будет известно, какой же эффект принёс тот или иной инвестиционный проект и насколько фактические результаты соответствуют расчётным.

Поэтому, считаем целесообразным создать систему мониторинга фактического экономического эффекта, полученного после реализации каждого инвестиционного проекта.

Расчёты показывают, что реализация указанных приоритетных направлений в механизме реализации инвестиционной стратегии должна позволить достичь уровня контрольных социально-экономических индикаторов экономического роста Республики на период до 2030 года, впредусматривающие не менее, чем в 2 раза рост объема валового внутреннего продукта. Обеспечение за счет структурных преобразований ускоренного роста промышленности и доведение ее доли в ВВП до 40 процентов, снижение доли сельского хозяйства до 8-10 процентов, сокращения энергоемкости ВВП примерно в 2 раза в результате широкого внедрения современных энергосберегающих технологий (табл. 2).

**Таблица 2**

**Прогноз показателей роста экономики на основе реализации инвестиционной стратегии до 2030 года**

| | ед.изм. | 2014 | 2020 | 2030 |
|---|---|---|---|---|
| Темпы роста ВВП к 2014 г. | % | 100 | 140 | 200 |
| Доля промышленности в ВВП | % | 24,8 | 29,0 | 40,0 |
| Объём промышленного производства | млрд.сум | 75194,2 | 89700 | 121190 |
| Инвестиции в основной капитал | млрд.сум | 35233,3 | 44993 | 54753 |
| в том числе за счёт собственных средств | % от общего итога | 54,7 | 55 | 55 |
| привлечённых средств | % от общего итога | 45,3 | 45 | 45 |
| Стоимость основных фондов | млрд.сум | 130688,6 | 146437 | 162867 |

*Источник: расчёты автора согласно данным Госкомстата и целевых установок правительства*

Таким образом, необходимо констатировать, что в республике за годы экономической реформы созданы экономические механизмы регулирования инвестиционной стратегии. Однако в ряде случаев они функционируют малоэффективно, что связано с наблюдающимися противоречиями в нормативной базе регулирования по видам и уровням регулирования. Вместе с тем, есть все основания считать, что Узбекистан располагает необходимыми возможностями для решения задачи модернизации и обеспечения опережающего развития экономики. Для использования в этих целях имеющегося инвестиционного потенциала, необходимо продолжить реализацию эффективной экономической политики, которая соответствовала бы современными условиями и могла бы обеспечить многоаспектность процесса преобразований. В основе механизма должна лежать разработка комплекса долгосрочных государственных программ формирования инвестиционного потенциала в разрезе отраслей экономики и регионов, совершенствование структуры государственного регулирования и саморегулирования инвестиционных процессов, запуск инновационных механизмов генерации инвестиционного потенциала.

***Источники и литература:***

*1. Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшимприоритетным направлениям экономической программы на 2016 год // Народное слово, 17.01.2016 г.*

*2. Доклад о мировых инвестициях 2015 год. Реформирование управления международными инвестициями. Организация Объединенных наций. Нью-Йорк и Женева 2015г.*

*3. Инвестиционный потенциал в Узбекистане. Доклад. Международный институт политической экспертизы. Москва,2013, с.25*

*4. Федяшева Г., Каримов М. Накопление инвестиционного потенциала и его эффективное использование. // Рынок, деньги и кредит. №8, 2014г.с.56.*

*5. Хашимова Н.А. Инвестиционный потенциал./Монография/ Т.:«Ozbekistonmillyensiklopediyasi», 2014. 319с.*

*6. Чепель С.В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана. /Монография/ Ташкент: IFMR, 2014. – 316 с.*

*7. Thomas Pistorius The Rhetoric of Investment Theory. Erasmus Universiteit Rotterdam; Bourreau, 2010.p.76-94;*

*8. Johan E Eklund. Theories of Investment: A Theoretical Review with Empirical Applications. Swedish Entrepreneurship Forum and Jonkoping International Business School.2012. P.56-57*

## МАМЛАКАТИМИЗДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ УСЛУБИЁТИ ВА УНИНГ ИСЛОҲОТИ


**Каримов Неъматилла Фатхуллаевич**

И.ф.д., Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси кенгаши раиси

**Шанасырова Нодира Абдуллаевна**

Катта илмий ходим-изланувчи, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси



***Аннотация.*** Мақолада бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш жараёнида халқаро стандартлардан фойдаланишнинг илмий-услубий жиҳатлари ёритиб берилган. Тадқиқот жараёнида хорижий ва мамлакатимиз олимларининг ислоҳ қилиш тўғрисидаги фикрлари, таърифлар, шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил қилиниши масаласи хусусида фикр юритилган.



***Таянч тушунчалар:*** бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари.



***Аннотация.*** В статье рассматривается реформирование международных стандартов бухгалтерского учета, использование научных и методологических аспектов. Исследования по вопросу о реформе идей зарубежных и отечественных ученых, определений, в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности.



***Ключевые слова:*** бухгалтерский учет, национальных стандартов бухгалтерского учета, международные стандарты финансовой отчетности.


Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг жамият тараққиётининг барча соҳаларида, шу жумладан иқтисодиёт соҳасида хам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарни яратилишига эришилди ва бу борада амага оширилаётган ишлар босқичма босқич ислоҳ қилиниб келмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонининг 1-иловасида: Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;
- юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш. [1] вазифасининг қўйилиши мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини мавжуд чет эл инвестициялари иш-

тирокида ташкил қилинган ва фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилиш ва юритишни талаб этади.

***Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.*** Маълумки, бухгалтерия ҳисоби тизими Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан буён ислоҳ қилиниб, такомиллаштирилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, бухгалтерия ҳисобини юритишда ислоҳотлар амалга оширила бошлади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида "Бухгалтерия хисоби тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши энг муҳим қадамлардан бири бўлди. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404-сонли "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. [2]

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш бўйича кўплаб мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқот ишлари ҳамда рисолаларида ўз фикрларини билдиришган.

Жумладан иқтисодчи олим Р. Холбеков ўзининг рисоласида "Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири – ҳисоб услуби ва ташкил қилинишини бозор талабларига кўтариш даражасидир" деб ҳисоблайди. [3]

Ж.Курбанбаев ва С.Джумановларнинг таъкидлашича, "Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши, Ўзбекистон Республикасининг жахон иқтисодий тизимига интеграциялашуви ва ўз навбатида мажуд бухгалтерия ҳисобини доимий равишда такомиллаштириб, уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни тақозо қилади." [4]

Б. Маматовнинг ёзишича, " Хозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби мамлакатимиз амалиётини янада такомиллаштиришнинг асосий ғояси – молиявий хисоботни халқаро стандартларда ўрнатилган тамойилларга ва талабларга яқинлаштириш тенденциясига асосланади" деб ҳисоблайди. [5]

Профессор З.Н.Қурбанов ва Ф.А.Акрамовларнинг фикрича " Республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикамизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади" [6]

Россия Федерацияси мисолида кўрадиган бўлсак, Т.М. Одинцова шундай дейди, "Россия Федерациясида миллий ҳисоб тизимининг асосий вектори сифатида 1998 йилда МҲХС га мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш дастури ишлаб чиқилди. Молиявий ҳисоботлар бўйича миллий кенгаш 2006 йил июнь ойидан молиявий ҳисоботларни ташкил қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 2011 йилдан Россия Федерацияси ҳудудида МҲХС ларни тан олиш ва фойдаланиш тўғрисида низом қабул қилинди" [7]

Украинада 2011 йил 12 майдаги 3332-VI-сонли "Украина бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот" Қонунига ўзгартиришлар киритилди. Бу қонун 2012 йил 1 январдан кучга кирди. Ушбу қонунга асосан 2012 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта компаниялари, 2013 йил 1 январдан бошлаб эса молиявий хизмат кўрсатадиган хўжалик субъектлари ва нодавлат пенсия таъминоти ташкилотлари МҲХСга асосан молиявий ҳисоботларни тузиш белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқий нормани ижроси Украина молия вазирлигининг 2011 йил 9 декабрдаги 1591-сонли буйруғига асосан таъминланмоқда. [8]

Республикамизда олиб борилаётган ишлар юзасидан, Н. Мирзараҳимова қуйидагича фикр юритган "МҲХС га ўтишнинг биринчи босқичи ниҳоясига етди, барча корхоналар ўз ҳисоботларини ҳалқаро стандартларга мослаштирди, бугунги кунда хатолар устида ишлаш ёки келажак учун режаларни ишлаб чиқишга вақт бор." [9]

Умуман олганда, Ҳалқаро молиявий ҳисобот бу, молиявий ҳисобнинг ҳалқаро стандартлари (МҲХС) ёки АҚШ нинг GAAP стандартларига мувофиқ холда тузилган молиявий ҳисобот шаклидир. МҲХСлар Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади.

Ю.А Бабаев ва А.М. Петровларнинг "Международные Стандарты Бухгалтерского Учета " номли дарслигида: молиявий ҳисобнинг ҳалқаро стандартлари (МҲХС)нинг ривожланишини 1973 йилдан 2001йилгача МҲХС Қўмитаси (International accouting standarts committee, IASC ) томонидан такомиллаштирилиб, Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (БҲХС) номи остида (International accouting standart, IAS )ишлаб чиқилган. 2001 йилда IASC Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кенгаши (International accounting standards board, IASB) деб қайта номланди. 2001 йил Апель ойидан бошлаб IASB, олдинги чиқарилган стандартлар БҲХС (IAS) маъқуллаган ҳолда молиявий ҳисобнинг ҳалқаро стандартлари (International financial reporting standards , IFRS) номи остида ўз ишини давом эттирди. [10]

МҲХСларига тушинтиришларда хозирги кунга қадар 41 та IAS/ БҲХС ва 91 та IFRS/ МҲХС мавжуд. Стандартларнинг айрим қоидаларини тушунтириш учун Шарх бериш қўмитаси (IFRIC , IFRS) ва МҲХСни жорий этиш бўйича тезкор хукумат фаолият юритади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш ва маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни асосан бухгалтерия ҳисоби тақдим этади. Бухгалтерия ҳисоби тизимидаги олиб борилаётган ислоҳотлар замирида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди.

Халқаро стандартлар (IAS ва GAAP) талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориладиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг соддалаштирилган тизими субъектнинг кўрсатаётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоботларининг барча фойдаланувчиларга, жумладан, чет эл сармоячиларга қулайлигини оширади.

***Мунозара.*** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, Халқаро амалиётга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби тизимида амалий таҳлил қилиш орқали белгилаб берилган амалдаги қонун хужжатларга мувофиқ камчилликларни ҳамда эскирган меъёрий хужжатларни бартараф этишга қаратилган. Юқоридаги иқтисодий адабиётлар таҳлили натижаларига таянган ҳолда ислоҳ қилиш борасида олдимизда бир қатор долзарб масалалар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз яъни, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг меъёрий ва хуқуқий тизими яратилган эди, яъни 1996 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг 279- сонли “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. **Ушбу Қонун амалда 20 йил давомида мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи миллий тизимимизни шаклланиши ва ривожланишида,турли мулкчилик шаклларига асосланган барча корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳисоб юритишда давлат томонидан тартибга солинишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилди**. **Ушбу қонун мустақиллигимизни дастлабки йилларида хамдўстлик давлатлардан олдин, халқаро экспертлар ёрдамида,халқаро стандартлар асосида замонавий талабларга мос равишда ишлаб чиқилган. Мазкур қонунни янада такомиллаштириш, ҳалқаро меъёрлар ва халқаро хисоб стандартлари талабларга мос равишда ислоҳ қилиш мақсадида** “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан ушбу қонунда қуйидаги моддаларга ўзгартиришлар киритилган бўлиб, бухгалтерия ҳисобининг асосий прициплари, “бухгалтерия ҳисоби”, “бухгалтерия ахбороти” тушунчалари ҳамда унинг субъектлари ёритиб берилган.

Шу билан бирга бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига юклатилган.

Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир минимал талаблари, уни ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир махсус талабларни белгилайди.

Қайд этиб ўтиш жоизки, бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қонун ҳужжатларида белгиланлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ташкилот раҳбарияти ва бухгалтерия бўлими ходимлари хуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида очиб бериш билан бирга, бухгалтерия ички назорат бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора-тадбирлар тизимидир, деб белгиланган;

Ушбу қонунга киритилган ўзгаришлар долзарб бўлсада, ундаги талаблардан амалиётда фойдаланиш борасида қийинчилилар юзага келиши мумкин. Шунинг учун хам ушбу Қонуннинг такомиллаштириш борасида фикр мулоҳазаларни билдирмоқчимиз.

- Биринчидан, қонуннинг 10- “Бухгалтерия ҳисоби стандартлари” моддасида “Бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллаши **мумкин**” дейилган. Бизнинг фикримизча, “Бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллаши **шарт**”деб кетилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

- Иккинчидан, Бухгалтерия ҳисоби хизмати тўғрисида маълумот берилган, лекин бухгалтерия бўлими тўғрисида маълумот йўқ. Яъни бугунги кунда мавжуд булган бухгалтерия ҳизмати еки бухгалтерия бўлимларининг ке-

лажакдаги ўрни ва вазифаларига ойдинлик киритилиши лозим.

- Корхонанинг ҳисоб сиёсати расмий хужжат ҳисобланади, у бош бухгалтер томонидан ишлаб чиқилади ҳамда раҳбарнинг буйруғи ёки фармойиши билан тасдиқланади. Лекин бу тўғрисида Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга киритилмаган, шунинг учун хам амалиётда корхона хисоб сиёсатини тасдиқлаш ва уни ижросини назорат қилиш маъсулияти тўғрисида аниқлик киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда Республикамизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишда бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро стандартлар асосида ташкил қилиш, юритиш ва бу борада олиб бориладиган ишларни такомиллаштириш жараёни жуда жадаллашмоқда, лекин бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритишда бир қатор муаммолар юзага келтириши мумкин бўлиб улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги халқаро ташкилотлар билан келишган ҳолда, олимлар ва амалиётчилардан иборат гуруҳни МҲХС бўйича ўқитиш, тайёрлаш ва сертификат бериш жараёнини оммавийлаштириш лозим. Сертификатга эга мутахассислар томонидан Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва амалиётчи бухгалтерларни белгиланган ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, Республикамизда **CAP/CIPA, ACCA – дастурлари мавжуд, бу жараён секинлашмоқда. Лекин, Халқаро молиявий ҳисобот бўйича (DipIFR)** - дастур Республикамизда мавжуд эмас, бизнинг фикримизча ушбу дастур асосида ўқитишни йўлга қўйиш иш сифатини яхшилашга олиб келади. Албатта, таълим вақтида олинган билимлар амалиёт билан мустаҳкамланмоғи керак. Яъни мумкин қадар хорижий тажриба асосида малака оширишни таъминлаш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз-ки, ҳозирги иқтисодиётимизни глобаллашуви шароитида ишончли ва сифатли ахборотларни шакллантиришда ягона ёндошув яъни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар (МҲХС)ни тан олиш ҳамда унга мувофиқ ҳолда хисоботларни тузиш орқали эришиш мумкин.

***Хулоса.*** Мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб қилиниши, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида ташкил қилишни заруриятқилиб қўймоқда. Ҳозирги вақтда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташқи фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондиришга ва жозибадорлигини таъминлашга йўналтирилган бухгалтерия ахборотини тайёрлашда тобора кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ислоҳ қилиш, МҲХСнинг қабул қилиниши бўлди. Бу эса, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати ва ҳақиқий молиявий ахволини намойиш этиш, мулкни мавжудлиги ва харакатини назорат қилиш учун бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар учун шаффофликни оширилишини таъминлайди.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.*

*2. Ўзбекистон Республикасида "Бухгалтерия хисоби тўғрисида"ги Қонуни. Халқ сўзи газетаси 2016 йил 14 апрель.*

*3. Р. Холбеков Бозор пул ва кредит 2002 йил №6 сон,56б.*

*4. Ж. Курбанбаев, С. Джуманов " Moliya ilmiy jurnal" № 1сон, 2016 йил, 100 б.*

*5. Б.Маматов "Soliq solish va buxgalteriya hisobi" журнали №11-сон, 2015 йил, 15б.*

*6.З.Н. Қурбанов, Ф.А. Акрамов "BIZNES-ЭКСПЕРТ" журнали № 4-сон, 22.05.2015 йил.*

*7. Т.М. Одинцова "Бухгалтерский учет и аудит" журнали №6-сон,2016 йил.*

*8. Ю. Кловская Украинская финотчетностьпо МСФО журнал "Дебет-Кредит" 2012г.№4. Украина.*

*9. Н. Мирзараҳимова "Soliq solish va buxgalteriya hisobi" журнали №11-сон, 2016 йил, 20б.*

*10. Ю.А Бабаев ва А.М. Петров "Международные Стандарты Бухгалтерского Учета " (МСФО) Учебник-М.: Вузовский учебник: ИНФРА-М, 2012,-398с.*

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Абдурахманов Рамазан Абдуллаевич**

Катта ўқитувчи,Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мақолада хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот таннархини калькуляция қилишда замонавий усуллардан фойдаланишни афзаллик томонлари ёритиб берилган.

***Таянч тушунчалар:*** харажатлар ҳисоби, таннарх, бошқарув фаолияти, харажатларни ҳисобга олиш усуллари, стандарт-кост, директ-кост.

***Аннотация.*** В статье рассмотрены вопросы эффективности калькуляции себестоимости продукции используя современные модели в хозяйствующих субъектах.

***Ключевые слова:*** учет затрат, себестоимость, управленческая деятельность, методы принятия в учет затрат, стандарт-кост, директ-кост.

Хўжалик юритувчи субъектда ва унинг айрим олинган бўлимлари ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг умумий тизимида таннарх кўрсаткичи асосий ўрин тутади. Таннархнинг таркиби уни ташкил киладиган тегишли харажатларнинг йиғиндисидан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни бошқариш энг қийин жараёнлардан ҳисобланади. Чунки у аҳамияти бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини бошқариш мажмуаси деб тушунилади, ваҳоланки ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлаётган воқеалар ва муомалаларни ўз ичига қамраб олган.

Харажатлардан самарали фойдаланишни бошқаришни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш муаммоси қатор йиллар давомида хориж давлатларининг иқтисодчи олимлари ва мамлакатимиз олимлари ўртасида кенг мухокама қилинмоқда.

Харажатларни ҳисобга олишнинг умумқабул қилинган таърифи қуйидагича: "Харажатларни ҳисобга олиш бу тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти - таъминот, ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш - истеъмолчига етказиб бериш жараёнларида содир бўлган воқеаларни миқдорий ўлчаш (миқдор ва қиймат ўлчовида), қайд қилиш, гуруҳлаштириш, тайёр маҳсулотлар таннархининг таркиб топиши чегараси бўйича таҳлил қилишга қаратилган фаолиятдир.

Бошқарув ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ҳисобланади. Чет мамлакатларда бу ҳисобнинг турли усуллари кенг тарқалган.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг стандарт-кост усули Европада, Америка қитъасида кенг тарқалган. Манбаларга кўра, бу усулнинг ғоявий файласуфи Г.Эмерсон, масаланинг назарий жиҳатларини ишлаб чиққан ва қўллаган Ч.Гаррисон ҳисобланади.

Стандарт-кост - бу харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив харажатларга таянган усулидир. Унга мувофиқ ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар иккига бўлинади: ўзгарувчан ва доимий харажатлар.

Бу жами харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига кўра ўзгариб боради. Бу боғлиқликни тасаввур қилиш учун фирманинг жами харажатларини қуйидагича математик формула билан ифодалаш мумкин: **Х = ТХ + /УХбир * У/**

Бу ерда:

Х – харажатларни умумий суммаси;

ТХ – ўзгармас (турғун) харажатлар;

УХбир – бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар;

У – ишлаб чиқариш ҳажми.

Бу формула билан топилган корхонанинг жами харажатларини ишлаб чиқариш ҳажмига бўлиш йўли билан бир бирлик маҳсулотга кетган ўртача харажатларни, яъни бир бирлик маҳсулотнинг ўртача таннархини топиш мумкин:

$$\text{Т} = \frac{\text{Харажатларнинг умумий суммаси}}{\text{Ишлаб чиқариш ҳажми}}$$

Жорий даврда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи ўзгармас харажатлар суммасининг пасайишига, шунингдек ўзгарувчан харажатларни энг қуйи меъёрига етказишга олиб келади.

Стандарт-кост тизимининг характерлари хусусиятларига қуйидагилар киради:

Биринчидан, у тўлиқ харажатлар, яъни тўлиқ таннархни ҳисоблашга йўналтирилган;

Иккинчидан, у харажатларнинг барча турларини, яъни ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларни тасдиқланган нормалари бўйича ва улардан фарқланишини ҳисобга олишга мўлжалланган.

Стандарт-кост тизимида жами маҳсулотлар, шу жумладан бир бирлик маҳсулот танархини

ҳисоблашда ва калькуляция қилишда махсус норматив харажатлар (стандарт-кост вароғи) тузилади. Бизнинг тушунчамизда бу ҳужжат норматив калькуляция, режали калькуляция, калькуляция карточкаси деб аталади.

Стандарт-кост варағи ҳар бир маҳсулот тури бўйича тузилади. Унда маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган материаллар номи, норматив миқдори, норматив баҳоси ва норматив харажат суммаси кўрсатилади. Сарфланадиган материаллар ва уларнинг миқдори рецептурадан, технологик карталардан олинади. Норматив баҳолар фирма учун белгиланган баҳолар шкаласидан олинади. Норматив харажатлар суммаси материалларнинг норматив миқдорини норматив баҳога кўпайтириш йўли билан топилади.

Ушбу варақда, шунингдек, бевосита (ўзгарувчан) меҳнат харажатлари ҳам норматив бўйича ҳисобланади. Бу норматив харажатлар суммаси маҳсулотни ишлаб чиқаришда бажариладиган ишларга кетган норматив вақтни норматив расценкага кўпайтириш йўли билан топилади.

Умумий хўжалик харажатлари нормативни бевосита (ўзгарувчан) ва билвосита (ўзгармас) умумхўжалик харажатлари учун белгиланган нормативлар асосида топилади. Бунда, ўзгарувчан умумхўжалик харажатлари бир соатлик иш соатига белгиланган тўлов нормаси асосида, ўзгармас умумхўжалик харажатлари эса ҳисобот даврига белгиланган бундай харажатлар нормаси асосида топилади. Шу йўл билан топилган ўзгарувчан ва ўзгармас умумхўжалик харажатларининг норматив суммаси даврига умумий норматив иш соатларига бўлиниб, бир норматив соатга тўғри келувчи ўртача умумхўжалик харажатлари нормаси белгиланади.

Стандарт-кост варағи компанияга маҳсулотнинг баҳосини аниқлаш бўйича қатъий қарор қабул қилишга асос бўлади. Бошқариш бухгалтерияси эса унинг асосида материалларини, маҳсулотларнинг заҳираларини, сотиш ҳажмини, ундан олинган фойда ёки кўрилган зарарларни норматив ва ҳақиқий қийматлари бўйича, шунингдек, улар ўртасидаги четланишларнинг ҳисоби олиб боради.

Барча харажатлар норматив қийматида «Тугалланмаган ишлаб чиқариш», «Умумхўжалик харажатлари» ҳисобварақларида, нормативдан четланишлар эса шу мақсадда очилган махсус ҳисобларда алоҳида акс эттириб борилади. Агар ҳақиқий харажатлар нормативдан юқори бўлса, улар салбий ҳисобланади ва четланишлар ҳисобварақларнинг дебет тарафида акс эттиради. Агар ҳақиқий харажатлар нормативдан паст бўлса, улар ижобий ҳисобланади ва четланишлар ҳисобларининг кредит тарафида акс эттирилади.

Бошқарув ҳисобининг муҳим вазифаси юз берган четланишларни тақсимлаш ва ҳисобдан чиқариш бўйича қарорни қабул қилиш ҳисобланади. Бундай ҳолда икки вариант бўлиши мумкин:

1-вариант. Юз берган четланишлар пропорционал равишда «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» - «Тайёр маҳсулот» - «Сотилган маҳсулот» ҳисоблари занжирида тақсимлаб чиқилиши лозим. Бундай тақсимот молиявий ҳисоб нуқтаи назаридан, жумладан «Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот»ни реал тузиш учун жудда катта аҳамиятга эга. Чунки бу ҳисоботда харажатлар, одатда, маҳсулотни ишлаб чиқарган даври бўйича эмас, балки сотилган даври бўйича акс эттирилади. Шунинг учун ҳам кўпинча бу вариант бошқарувчиларга қулай эмас, у асосан молиявий бухгалтерия томонидан қўлланилади.

2-вариант. Бошқарувчилар юз берган четланишларни жуда тез ҳал қилишлари зарур. Акс ҳолда уларнинг роли пасаяди. Шунинг учун юз берган четланишларни улар жорий ой харажатлари деб ҳисоблайдилар ва бундай четланишларни «Сотиш танархи» ёки «Фойда ва зарарлар» ҳисобига ўтказадилар. Шундай йўл билан четланишлар ҳисобларнинг қолдиқлари бартараф этилади, яъни бу ҳисоблар ёпилади.

Стандарт-кост тизимининг афзалликларидан бири, уни вақт бўйича тежамкорлиги ҳисобланади. Норматив базанинг мавжудлиги умумий харажатлар суммасини топишни анча енгиллаштиради. Бу тизим ҳозирги ЭҲМларни қўллашда жуда катта самара беради, четланишлар ҳисобини ЭҲМларда юритиш қўл меҳнатига нисбатан ишларни бир неча марта тез ва аниқ бажаришга имкон яратади.

Стандарт-кост тизимида товар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ харажатлари уларнинг қиймати билан тўлиқ қопланади. Бу хусусияти билан стандарт-кост ҳисобнинг умумқабул қилинган принциплари, шунингдек солиқ солишнинг тугалланмаган ишлаб чиқаришни ва тайёр маҳсулотларни тўлиқ таннархи бўйича акс эттириш талабига жавоб беради. Бундан ташқари, бу молиявий ҳисобда барча активларни таннархи бўйича акс эттириш концепциясига ҳам мос келади.

Халқаро ҳисобнинг бу усули ҳам чет мамлакатларида кенг тарқалган ва ўзининг кўп сонли тарафдорларига эга. Бу усул «бевосита харажатлар ҳисоби тизими», «харажатлар сотиш тизими», Франция эса «маржинал бухгалтерия» деган номлар билан ҳам аталади.

Кўпгина китобларда «директ-костинг» ёки «харажатлар-сотиш» усулининг муаллифи сифатида америкалик олим, Нобель мукофоти лауреати В.В.Леонтьев тан олинади. Бу усул Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Умумевропа иқтисодий ҳамдустлиги (ЕҲ), Иқтисодий ривожланган ва ҳамкорлик ташкилоти, Ҳисоб бўйича Африка кенгаши, Бухгалтерия ҳисоби андозалари бўйича халқаро қумита ва бошқа нуфузли халқаро жамоат ташкилотлари томонидан

қўллаб-қувватланган.

«Стандарт-кост» усулидан фарқли уларок, «Директ-костинг» усулида таннарх ҳисобини юритишда фақат ўзгарувчан, ялпи бевосита сарфланган материал, меҳнат ва молиявий харажатлар киритилади. Узгармас характердаги умумхўжалик харажатлари таннарх таркибига кирмайди, бундай харажатлар бевосита фирманинг молиявий натижаларига олиб борилади. Бу усул тарафдорларининг фикрича, билвосита харажатлар бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмайди, улар фақатгина маълум ҳисобот даврига тааллуқли бўлиб, вақт тақозоси билан вужудга келади.

Шундай қилиб, «Директ-костинг» учун энг характерли хусусият, ҳисобга бевосита харажатларни билвосита харажатлардан қатъий ажратиш ҳисобланади. Таннарх фақатгина бевосита харажатлар бўйича ҳисобланади ва ҳисобга олинади. Билвосита харажатлар фирманинг қўшимча харажатлари ҳисобланиб, улар бевосита фирма фойдасидан қопланади ва шунга мос равишда ҳисобда акс эттирилади.

**«Директ-костинг» тизими бўйича молиявий натижани аниқлаш тартиби**

| |
|---|
| Маҳсулот сотишдан тушган тушум |
| - |
| Ўзгарувчан харажатлар |
| = |
| Маржинал даромад |
| - |
| Доимий харажатлар |
| = |
| Операцион фойда |

Директ-костинг ёки бошқачасига «Харажатлар - сотиш» усулида бошқарув қарорини қабул қилиш бевосита сотиш натижаларига асосланади. Бу дегани, фирма фаолиятининг молиявий натижалари сотиш кўрсаткичларида ифодаланади.

Директ-костинг» тизими бўйича молиявий натижани аниқлаш қуйидаги кўринишда бўлади:

Директ-костинг фирма фойдасини яхлит ҳолда молиявий ҳисоб маълумотлари бўйича ҳисоблашга имкон беради. Яъни, бу усулда фойда ишлаб чиқарилган, жунатилган ва сотилган маҳсулотларни хақиқий таннархини изчил, кетма-кет ҳисоблашсиз топилади. Бу ўз навбатида, молиявий натижани кейинги ойнинг биринчи саналаридаёқ тез аниқлашга, яъни «Реализация» ҳисоби бўйича молиявий натижани услубига қараганда қарииийб икки ҳафта олдин аниқлашга имкон беради.

Директ-костинг тизимида, юқорида айтганимиздек, билвосита умумхўжалик харажатлари давр харажатлари ҳисобланиб, улар бевосита молиявий натижаларга олиб боради. Бу харажатларни фойдадан қоплаш, шунингдек фойдадан қилинган бошқа сарфларни алоҳида ҳисобга олиш молиявий натижаларни (фойда ва зарарларни) алоҳида фаолият турлари, жумладан, сотиш, умумхўжалик, тасодифий ҳамда бошқа фаолият ва ҳоллар бўйича аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, директ-костинг солиққача фойда, соф фойда каби кўрсаткичларни ҳам ҳисобда алоҳида акс эттиради. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ҳисобга олинишининг бундай тартиби мулк эгаси учун ҳам давлат назорат органлари учун ҳам жуда қулай ҳисобланади. Айнан шу афзалликлари директ-костинг усулини дунё мамлакатлари амалиётига тез кириб бориши ва тарқалишига сабаб бўлмоқда. Лекин «Директ-костинг» усулини камчиликлардан ҳоли, деб бўлмайди. Бу усулнинг фирма ва компания эгалари ҳамда раҳбарларини тўлиқ қониқтирмайдиган томонлари мавжуд. Жумладан, харажатларни шартли равишда бевосита ва билвосита турларга ажратган ҳолда ҳисобга олиш вақтни талаб қилади, айримлар вақтда ишончсизлик туғдиради, айниқса, баҳони белгилашда. Бундан ташқари, тадбиркорлар ҳамма вақт ҳам барча сарф ва тўловларни бевосита фойда ҳисобидан қоплашни хоҳламайдилар, солиққа тортиладиган фойдани камайтиришга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам директ-костинг усулини кенг куламда ёпиш аксарият мамлакатларда бевосита давлат органлари талаби асосида амалга ошмоқда.

Бошқарув ҳисобининг «Стандарт-кост» ва «Директ-костинг» усулларини ҳозирги даврда такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири, уларни жавобгарлик марказлари бўйича жорий қилиш ва шу асосда турли марказлар устидан бошқарув назоратини ўрнатиш ҳисобланади.

Умуман олганда, хорижий мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция қилиш усулларини Ўзбекистон амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

# АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

**Хажимуратов Низомжон Шукуруллаевич**

Мустақил-изланувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мақолада молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш тартиби ёритилган, молиявий ҳисоботни текширишда аудит амалларини қўллашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** молиявий ҳисобот, аудит, аудиторлик хулосаси, аудиторлик ҳисоботи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, актив, мажбурият, хусусий капитал, даромад, харажат.

***Аннотация.*** В статье раскрыты порядок проведения аудита финансовой отчетности, разработаны предложения по совершенствованию применения аудиторских процедур при проверке финансовой отчетности.

***Ключевые слова:*** финансовая отчетность, аудит, аудиторское заключение, аудиторский отчет, международные стандарты финансовой отчетности, активы, обязательства, собственный капитал, доходы, расходы.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида хусусий секторни кенгайтириш, тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, умуман бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш - муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз - кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат» [1, 15].

Мамлакатимизда эркин иқтисодиётнинг ривожланиб бориши, акциядорлик жамиятларнинг ўзаро ва халқаро иқтисодий алоқаларининг кенг кўламда жадаллашиб бориши, шубҳасиз, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида нашр эттириш ва юқори савиядаги аудиторлик хизматларига бўлган талабни тақозо этади.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил субъектларнинг ташкил топиши жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилил қилишда молиявий ҳисобот шакллари муҳим ўрин тутади.

Фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот ахборотларига бўлган қизиқиши ортиб бориши шароитида, унинг ишончлилигини таъминлаш муаммосини ҳал қилишда аудитнинг роли ошиб боради. Аудитнинг халқаро стандартларига ўтишда аудитнинг фаолият соҳасини асослаб бериш, шунингдек аудит қилинаётган ташкилот ҳисоботларининг ишончлилиги долзарб масалага айланади.

Аудитнинг халқаро стандартларида “бухгалтерия ҳисоботини тузиш қоидалари” атамаси ўрнига “раҳбарият тасдиғи” тушунчаси қўлланилади. Уларнинг талқинида гап бухгалтерия объектлари тўғрисида эмас, балки молиявий ҳисобот тўғрисида боради: тасдиқ (Assertions) – молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган ва аудитор томонидан эҳтимоли бўлган хатоликларнинг турли категориялари таҳлилида фойдаланиладиган раҳбарият томонидан тўғри ифодаланган ёки бошқа кўринишда берилган маълумотлардир. Шундай қилиб, аудит халқаро стандартларида эълон қилинган ёндашув аудит мақсадига – молиявий ҳисобот ишончлилигини тасдиқлашга мос келади.

“Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари” номли халқаро стандартда молиявий ҳисобот иқтисодий ресурслар ёки мажбуриятлар маълум санага тўғри келадиган ҳолати ёки маълум давр давомида уларда юз берган ўзгаришлар тўғрисида ахборот беришга мўлжалланган тарихий молиявий ахборотнинг таркиблаштиришган ҳолда ифодаланиши [2, 31], деб талқин қилинади. Ҳисобот иқтисодий тавсифига мос равишда йирик тоифаларга бирлашган операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг молиявий ҳолатга таъсирини акс эттиради.

Молиявий ҳисоботни тузишда “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (БҲМС) таянилади. Маз-

кур ҳужжатга биноан молиявий ҳисоботлар молиявий натижаларни ва бошқа хўжалик операцияларини акс эттиради, уларни молиявий ҳисоботларнинг элементлари деб аталувчи иқтисодий тавсифларига мувофиқ алоҳида моддаларга гуруҳлайди. Активлар, хусусий сармоя ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир. Даромадлар ва харажатлар фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботда хўжалик юритувчи субъектнинг кўрсаткичларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот фаолият натижалари ва бухгалтерия баланси элементларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботнинг элементларидир [3, 11]. Демак, тадқиқ қилинаётган соҳага тегишли халқаро ва республикамиз норматив ҳужжатларидан келиб чиқиб, аудитор молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини тасдиқлашда унинг элементларини ўрганиб чиқади.

Молиявий ҳисобот элементларини аниқлаш имконини берувчи халқаро ва республикамиз норматив ҳужжатлари талаблари 1-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, таққосланаётган ҳужжатларда молиявий ҳисобот ҳар бир элементининг иқтисодий моҳияти очиб берилади. Бевосита молиявий ҳолатни баҳолаш билан боғлиқ бўлган элементлар активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал ҳисобланади. Молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини аниқлаб берувчи молиявий ҳисобот элементларига даромад ва харажатлар киради.

Айрим молиявий ҳисобот халқаро стандартлари ва бухгалтерия ҳисоби стандартларида актив ва мажбуриятлар гуруҳи (асосий воситалар, номоддий активлар, моддий-ишлаб чиқариш захиралари, қарз ва кредитлар бўйича мажбуриятлар)ни ҳам, молиявий ҳисобот элементлари (даромадлар, харажатлар)ни ҳам ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш принциплари очиб берилади.

1-жадвал маълумотлари молиявий ҳисоботнинг хусусий капиталдан ташқари барча элементлари, “иқтисодий наф” тушунчаси билан таърифланиши мумкин эканлигини кўрсатади. Иқтисодий нафнинг ўсиши деганда, пул маблағлари ёки бошқа мулкка эга бўлиш, иқтисодий нафнинг камайиши деганда, пул маблағлари ёки бошқа мулкнинг чиқиб кетиши тушунилади.

Молиявий ҳисобот таркибига қўшиладиган объект ҳисобот элементи таърифига мос келишдан ташқари, қуйидаги молиявий ҳисобот концептул асослари қоидаларини тан олиш мезонларига мос келиши лозим [4].

“Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (БҲМС) биноан «Ушбу активдан фойдаланиш натижасида хўжалик юритувчи субъектга бўлғуси иқтисодий фойда тушиш эҳтимоли мавжуд бўлганида ушбу актив бухгалтерия балансида акс эттирилади ва актив аниқ ифодаланадиган чиқимлар ёки қийматни ўз ичига олади», деб таърифланган [5].

Келгусидаги иқтисодий фойда эҳтимоллиги келгусида иқтисодий фойда келтириш ноаниқлигини баҳолаш орқали аниқланади. Тан олишда иккинчи мезон бўлиб объект бошланғич қийматининг мавжудлиги ёки ишончли равишда баҳоланиши мумкинлиги ҳисобланади. Бу жараён маълум баҳолаш базасини танлашни кўзда тутади.

Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молиявий таҳлил муаммоларига оид иқтисодий адабиётларда «молиявий ҳисобот элементлари» тушунчаси мос меъёрий базага қараганда кўпроқ учрайди. Масалан, А. Аренс, Дж. Лоббеклар «аудитни циклик ёндашувни қўллаб молиявий ҳисобот элементлари бўйича сегментларга бўлиш аудиторга буюртмани бажаришда ёрдам беради», деб кўрсатганлар [6, 152]. 1999 йилда Ю. А. Данилевский, С. М. Шапигузов, Н. А. Ремизов, Е. В. Старовойтовалар молиявий ҳисобот элементларига бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни, бухгалтерия баланси ва фойда ва зарарлар ҳисоботига тушунтириш хатини, аудиторлик хулосаси якуний қисмини киритганлар [7, 391]. В. В. Ковалев, В. Ковалевлар молиявий таҳлил нуқтаи зараридан «...бевосита баланс билан боғлиқ бўлган тизимни ташкил қилувчи элементлар: активлар, капитал, мажбуриятлар»ни ва фойда ва зарарлар ҳисоботи билан боғлиқ бўлган даромад ва харажатларни тадқиқ қилганлар [2]. А.Суворов молиявий ҳисобот элементларини «...кредит ташкилотининг молиявий ҳолати тўғрисида ахборот тақдим қилиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий категория ... уларнинг иқтисодий характеристикасига мос равишда тоифаларга гуруҳланган молиявий операциялар» деб изоҳлайди [8, 45].

Иқтисодчи олимлар А.К.Ибрагимов, М.Д.Марпатов ва Н.К.Ризаевлар “Бир хил умумий иқтисодий тавсифларга эга бўлган энг катта даражадаги гуруҳлар молиявий тоифаларни вужудга келтиради ва ушбу тоифалар молиявий ҳисобот элементлари” деб таъкидлашган [9, 47].

**1-жадвал**

**Молиявий ҳисобот элементларини (МҲЭ) аниқлаш мақсадлари учун қўлланиладиган қоидалар тўғрисида маълумот**

| Молиявий ҳисобот элементининг номи | Молиявий ҳисобот концептуал асосларидаги молиявий ҳисобот элементи таърифи | "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос" номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (БҲМС)даги молиявий ҳисобот элементи таърифи |
|---|---|---|
| Активлар | Ўтган воқеа-ҳодисалар натижасида келгусида иқтисодий фойда келиши кутилаётган компания назоратидаги ресурс | субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир |
| Мажбуриятлар | Қопланиши, кутилгандек, компаниядан иқтисодий фойдага эга бўлган ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келадиган ўтган воқеалар натижасида юзага келган компаниянинг мавжуд мажбуриятлари | шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқа мажбуриятларидир ёхуд муайян хатти-ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир |
| Хусусий капитал | Барча мажбуриятлар айириб ташлангандан сўнг компания активларида қолдиқ улуши | субъектнинг мажбуриятларни чегириб ташлагандан кейинги активларидир |
| Даромадлар | ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активлар оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларни қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ қилувчи ўсишига олиб келувчи камайиши | ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир |
| Харажатлар | ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келиши | ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайишидир |

*Манба: Муаллиф ишланмаси*

«Аудиторлик далиллари» номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти 4-бандида келтирилган қоидага кўра: аудиторлик далилларини олишда молиявий ҳисоботнинг асоси бўлган бошланғич ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувлари, шунингдек бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан фойдаланилади [10]. Молиявий ҳисоботни унинг ҳисобот элементларини таркиблаштирилган шаклда бир-бирига нисбатан жойлаштирилган ҳолда қараб чиқиш молиявий ҳисобот элементларини унинг базавий таркиб бирлиги сифатида тадқиқ қилиш имконини беради. Ўз навбатида, хўжалик операциялари молиявий ҳисобот элементларининг ўзгариши (активлар, капитал ҳаракати, мажбуриятларнинг юзага келиши ва қопланиши ва ҳ.к.) жараёнида қийматнинг бир ҳисобот таркибий компонентидан бошқасига «оқиб ўтиши»га сабаб бўлади. Демак, хўжалик операциялари молиявий ҳолат ва фаолиятнинг молиявий натижаларига таъсир қилувчи битимлар, воқеаларнинг содир бўлиши, операцияларнинг бажарилиши билан боғлиқ молиявий ҳисобот элементлари билан бевосита алоқадор ва иқтисодий субъект функцияларининг бажарилишидан ажралмасдир.

Молиявий ҳисобот ва хўжалик операцияларининг ўзаро боғлиқлиги аудит қилинаётган ташкилот фаолиятининг исталган даврини молиявий ҳисоботнинг таркибий ва функционал компонентлари намоён бўлувчи «молиявий-хўжалик ҳаёти кесими» кўринишида ифодалаш имконини беради (1-расм). Аудиторга ҳисобот санасидаги бундай «кесим» айниқса долзарб эканлигини айтиб ўтиш жоиз.




*Манба: Муаллиф ишланмаси*

***1-расм. Иқтисодий субъект молиявий-хўжалик фаолиятида молиявий ҳисоботнинг шаклланиши*** (МҲЭ – молиявий ҳисобот элементи, ХО – хўжалик операциялари)

Бундан келиб чиқадики, молиявий ҳисобот таркибий компоненти сифатида унинг элементлари намоён бўлади, хўжалик операциялари функционал роль ўйнайди.

Аудит қилинаётган молиявий ҳисобот компонентлари тадқиқоти ҳисобот тузиш қоидаларидан фойдаланиб, таркибий-функционал ёндашув асосида аудит моделини ишлаб чиқиш имконини яратди (2-расм).

Аудиторлик фаолияти стандартлари талабларига асосланиб, аудит мақсадидан келиб чиқиб, аудитор текширув жараёнида молиявий ҳисобот ишончлилигини, уни тузиш бошланғич шартларидан келиб чиқиб, тасдиқлаши лозим. Аудитга таркибий-функционал ёндашув доирасида бундай бошланғич шартларни уч гуруҳга бирлаштириш мақсадга мувофиқ:

– бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан молиявий ҳисоботни тасдиқлаш мезонлари;

– молиявий ҳисоботни шакллантириш билан боғлиқ мезонлар;

– молиявий ҳисоботни умумлаштиришга оид мезонлар [11, 17].

Шуни таъкидлаш жоизки, юзага келиши, мавжуд бўлиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот регистрларида акс эттирилишига тааллуқли молиявий ахборот бирламчи ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан тасдиқланади.

Бундан “Юзага келиши”, “Мавжуд бўлиши”, “Ҳуқуқ ва мажбуриятлар”, “Баҳолаш” мезонларини молиявий ҳисобот элементларининг ўзгаришига сабаб бўладиган хўжалик операцияларини тасдиқловчи бошланғич шартлар гуруҳига (активлар, капитал, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар) бирлаштириш мақсадга мувофиқ.

Аудитор томонидан «Таснифлаш», «Баҳолаш», «Даврийлик», «Тушунарлилик», «Тақсимлаш» мезонларини тадқиқ қилиш молиявий ҳисобот қоидаларини белгилаш ва унга риоя қилишни баҳолаш билан боғлиқ. Масалан, “Баҳолаш” мезонини шакллантиришда иқтисодий субъект ҳисоб сиёсатида ҳисоб объектлари қийматини аниқлаш қоидаларини акс эттириш ва кейинчалик ички назорат тизими доирасида ушбу талабларнинг бажарилишини назорат қилиш лозим. “Тўлиқлик” ва “Аниқлик” каби мезонлар мазмуни иқтисодий субъект томонидан бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларни аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларига ва кейинчалик ҳисоб регистрларидан молиявий ҳисоботга тўлиқ ва аниқ изчиллик билан кўчириб ўтказилиб, молиявий ҳисоботдаги ахборотларни умумлаштиришдан иборат бўлади. Бунда ҳисобот ахборотларини тасдиқлаш мақсадида аудитор молиявий ҳисоботни ҳар бирига маълум аудиторлик амалларига хос бўлган элементларни алоҳида текширади.

Шундай қилиб, иқтисодий субъект хўжалик операциялари ва молиявий ҳисобот элементлари аудит амалларини бажариш жараёнида ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилинади. Хўжалик операциялари бошланғич ҳужжатларда, аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларида акс эттирилади.




*Манба: Муаллиф ишланмаси*

***2-расм. Таркибий-функционал ёндашув асосидаги молиявий ҳисобот модели***

Хўжалик операциялари айрим гуруҳларини ўрганиш асосида аудитор унинг таркибий компонентлари – молиявий ҳисобот элементларини тан олиш ва ҳисоботда акс эттириш шартларига риоя қилинишини текширади. Бу аудитор томонидан ҳисоботнинг норматив ҳужжатларга; бухгалтерия ҳисоби маълумотларига; молиявий ҳисоботнинг шаклланиш қоидаларига; молиявий ҳисоботни умумлаштириш талабларига мос келишини тасдиқлаш учун оптимал шароит яратиб беради. Таркибий-функционал ёндашувнинг ривожланиши молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида асосланган фикр билдириш мақсадида ҳисобот тузиш аниқ шартларини ва мос аудиторлик амалларини аниқлаш бўйича аудиторлик фаолиятида батафсил методология ишлаб чиқишни кўзда тутади.

***Манба ва адабиётлар:***


1. *Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.// Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -56 б.*
2. *Суворов А . Финансовая отчетность по МСФО // Аудит и налогообложение. 2012. № 1. С. 31–37.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари. –Т.: ЎБАМА, 2001.*
4. *The Conceptual Framework for Financial Reporting. IFRS Foundation and the IASB. Available at: http://www.iasplus.com/en/standards/other/framework*
5. *Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос" номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (БҲМС). 65-банд. http://www.lex.uz*
6. *Аренс А. , Лоббек Дж. Аудит: Пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 1995. 560 с.*
7. *Данилевский Ю.А., Шапигузов С.М. , Ремизов Н.А., Старовойтова Е.В. Аудит: Учеб.пособие. М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 1999. 544 с.*
8. *Ковалев В.В., Ковалев Вит. В. Финансовая отчетность и ее анализ (основы балансоведения): Учеб. пособие. М.: ТК Велби: Изд-во Проспект, 2004. 432 с.*
9. *Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.К. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. –Т.: "Moliya", 2010. -272 б.*
10. *"Аудиторлик далиллари" номли 50-сон аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти. www.lex.uz*
11. *Василенко А.А. Взаимосвязь предпосылок составления бухгалтерской отчетности и аудиторских процедур //Актуальные проблемы социально-экономического развития России. 2012. № 3. С. 15–19. 17-бетдан.*

## КОРХОНАЛАРДА СОЛИҚЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ


**Худойқулов Садирдин Каримович**

и.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети



***Аннотация.*** Хўжалик юритувчи субъектлар(корхона ва ташкилотлар) солиқ тўловчи сифатида солиқ тўлаш мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида уларни режалаштириш масаласини ҳал этиши уларнинг давлат бюджети олдидаги солиқ қарздорлигини, бошқа субъектлар билан ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришга имкон яратади. Мақолада тавсия қилинаётган модель корхоналарда солиқ тўловларини оқилона режалаштиришнинг ташкилий ва услубий жиҳатларини ёритиб беради. Мазкур модельдан ўринли фойдаланиш бир томондан, давлат бюджетига солиқ тушумларининг ўз вақтида тушишини таъминласа, бошқа томондан, корхонани турли хил жарималар ҳамда кредиторлик қарзларини камайтиришга хизмат қилади.



***Таянч тушунчалар:*** Солиқ прогнози, солиқларни режалаштириш, солиқ мажбурияти, солиқ потенциали, ҳисоб-сиёсати, маркетинг стратегик режаси, харажатларни бошқариш стратегияси, молиявий натижаларни тақсимлаш сиёсати, модел, солиқ тушумлари.



***Аннотация.*** Субъекты хозяйственного ведения в качестве налогоплательщика осуществляя обязательства налоговой оплаты и решая задачи их планирования, создаёт возможности снижению налоговой задолженности перед государственным бюджетом и способствуют уменьшению взаимных дебиторских и кредиторских долгов.

Значение рекомендуемой модели в том, что освещены организационные и методические стороны разумного планирования налоговой оплаты.

С одной стороны, уместное использование данной модели обеспечивает своевременное поступление налоговых доходов в государственный бюджет, с другой, служит снижению различных штрафов и кредиторских долгов предприятия.



***Ключевые слова:*** налоговый прогноз, налоговое планирование, налоговые обязательства, налоговый потенциал, учетная политика, стратегический план маркетинга, политики распределения финансовых результатов, моделев, налоговых поступлений.


Солиқларни прогноз қилиш жараёни солиқларни режалаштириш жараёнидан фарқли равишда микродаражада амал қилиши ҳудудларда маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларининг потенциалини аниқлаш жараёнини қамраб олади. Солиқларни режалаштириш микродаражада корхоналар, яъни солиқ тўловчиларда улар зиммасига юклатилган солиқ мажбуриятларини бажаришнинг молиявий режаси-солиқларни режалаштириш шаклида намоён бўлади. Аксарият иқтисодчи олимлар солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнларининг моҳиятини изоҳлашдаги ёндашувга эътибор берилса, уларни синоним категориялар деса бўлади. Бизнингча бундай эмас. Айрим иқтисодчилар[12,с.3; 6,с.51-61, 10,с.152-153 11, с.208-209] солиқларни режалаштириш жараёнини корхоналарда солиқ қонунчилиги доирасида солиқлар бўйича харажатларни минималлаштириш ва корхонанинг молиявий натижасини максималлаштиришга қаратилган молиявий режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида изоҳлайдилар. Бу ерда солиқларни минималлаштириш деганда, мавжуд қонунчиликдаги ўзгаришларни чуқур таҳлил қилган ҳолда мавжуд имтиёзлардан тўлақонли фойдаланиш, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида амалга ошириш ҳисобига ортиқча жарималарни тўламаслик ҳисобига харажатларни камайтириш назарда тутилади. Шу боисдан солиқларни режалаштириш жараёнида харажатларни минималлаштиришни солиқларни тўлашдан қочиш, бўйин товлаш ёки солиқларни реал ҳажмдан кам тўлаш каби тушунча ва жараёнлардан фарқланади.

Баъзи адабиётларда[13,с.26-29, 5,с.12, 4, с.78-86]солиқларни режалаштириш жараёнини корхоналарда бюджетлаштириш жараёни сифатида изоҳлашса, баъзи иқтисодчилар солиқларни бюджетлаштириш жараёнини солиқларни тўғри режалаштириш оқибатида иқтисод қилиб қолинган даромадлар ва солиқларни режалаштириш жараёни билан боғлиқ харажатларнинг солиштирма таҳлили сифатида қарайдилар. Шунингдек, ушбу қайд этиб ўтилган адабиётларда корхона доирасида амалга оширишнинг методлари сифатида корхонанинг солиқ сиёсатини шакллантириш, корхонанинг иқтисодий-ҳуқуқий фаолиятини таҳлил қилиш, хўжалик муносабатларини алмаштириш, муносабатларни тақсимлаш, солиқ тўловларини кечиктириш, солиқ объектларини тўғридан-тўғри қисқартириш ва шу каби методларни келтириб ўтади.Аммо, корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнининг ташкилий босқичлари билан боғлиқ ёндашувларнинг аҳамиятини тўла инкор этмаган ҳолда уни ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан ўзимизнинг илмий ёндашувимизни келтириб ўтмоқчимиз. Буни биз қуйида таклиф этилаётган "Корхоналарда солиқ мажбуриятини бажаришнинг модели"(1-чизма) орқали изоҳлаймиз.

Бу модельнинг моҳияти шундан иборатки, корхонада солиқ мажбуриятлари билан боғлиқ жараёнларнинг ўзаро кетма-кетликда уларнинг комплекс натижаларини акс эттиради. Корхоналарда молиявий режалаштириш, ҳисоб-сиёсати, маркетинг стратегик режаси, харажатларни бошқариш стратегияси, молиявий натижаларни тақсимлаш сиёсати, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш принциплари ва шу кабилар солиқларни режалаштириш жараёни билан узвий ҳолда олиб борилиши лозим. Модельнинг тўлақонли самараси аввало солиқларни режалаштиришдан асосий мақсад аниқлаб олинишига боғлиқ бўлади. Бу мақсад аслида корхона молиявий сиёсатининг мазмунидан келиб чиқади. Шу жиҳатдан олганда, унинг мақсади турлича бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш қобилиятини аниқлаш, корхонанинг солиқ мажбурияти ва пул фондлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш, корхонанинг солиқ мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ёки корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашни минималлаштириш йўлларини ишлаб чиқиш каби мақсадлардан бирини асос қилиб олиш мумкин. Чунки, таъкидлаганимиздек, бошқа жараёнлардаги (масалан, корхонанинг стратегик молиявий сиёсати, ҳисоб сиёсати, молиявий ресурсларни бошқариш сиёсати) режалаштирилган ёки амалга оширилган тадбирларни солиқларни режалаштириш жараёнидаги такрорланишларга йўл қўймаслик керак, чунки, ортиқча харажатлар билан бирга меҳнат сарфни ошириб юборади. Солиқларни режалаштиришнинг мақсадини аниқлашда қайд этилган жараёнларни эътиборга олиш зарур бўлади. Модельнинг кейинги қисмини мақсадда белгиланган вазифаларни бажаришнинг ташкилий механизмларини шакллантириш ҳисобланади. Бунда жараённи амалга оширувчи мутахассисларни аниқлаш ва уларнинг малака ва лавозим хизматларидан келиб чиқиб вазифаларини белгилаш, хизмат қилувчи бўлинмалар фаолиятининг йўналишларини белгилаш, жараённи амалга ошириш учун ахборотлар базасини шакллантириш ва уларни қайта ишлаш, қўлланиладиган усул (статистик, эконометрик, математик, экстраполацияли, экспертлар хулосасидан фойдаланиш ва шу кабилар)ларни аниқлаш ишлари амалга оширилади. Таъкидлаш керакки, ахборотларни қайта ишлашда иқтисодий таҳлил ва бошқа методларга амал қилиш, жараённи амалга ошириш усулларини танлашда эса айнан самара берувчи усулларни танлаш катта аҳамиятга эга.

Корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнида уни амалга ошириш энг мураккаб жараён ҳисобланади. Бу босқич бир неча муҳим таҳлил ва ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади. Бунинг учун аввало, солиқ қонунчилигига кўра корхона зиммасига юклатилган солиқ ва мажбурий тўловларнинг рўйхати ва уни тўлашнинг тақвим графигини тузиб чиқиш лозим бўлади. Тақвим графигини тузишда солиқ хизмати органларининг маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кейинги босқичда солиқ қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда солиқ тўловларини қонуний камайтириш имкониятларини аниқлаш лозим. Бунда ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ кодекси, ҳукумат қарорлари асосида берилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларни аниқлаш, уларни қўллаш тартиблари ва муддатларини аниқлаган ҳолда корхона даврий муддатларда қанча микдорда солиқ имтиёзлари суммасига эга бўлиши ҳисоблаб чиқилади. Таъкидлаш керакки, бу жараёнда корхона иқтисодчи мутахассисларининг солиқ қонунчилигидан хабардорлигидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда солиқ маслаҳатчилари хизматидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Даврий(ой, чорак, йиллик) муддатлар бўйича корхонанинг барча даромадлар тушуми


Корхоналарда солиқ мажбуриятларини бажариш модели
Корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш қобилиятини аниқлаш
Мақсадни аниқлаш
Корхонанинг солиқ мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи омилларни баҳолаш
Корхонанинг солиқ мажбурияти ва пул фондлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш
Корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашни минималлаштиришнинг йўлларини ишлаб чиқиш
Мутахассислар ни аниқлаш ва уларнинг вазифларини белгилаш
Мақсадда белгиланган вазифаларни бажаришнинг ташкилий механизмларини шакллантириш
Жараённи амалга ошириш учун ахборотлар базасини шакллантириш ва уларни қайта ишлаш
Жараёнда қўлланиладиган метод(статистик, эконометрик, математик, экстраполацияли, экспертли ва шу кабилар)ларни аниқлаш
Жараёнга хизмат қилувчи бўлинмаларнинг фаолиятининг йўналишларини белгилаш
Корхона тўлайдиган солиқлар ва тўловларнинг тақвим графигини ишлаб чиқиш
Жараённи амалга ошириш
Солиқлар ва тўловларнинг тақвим графигини бажарилишин и мониторинг қилиш
Солиқ қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда солиқ тўловларини қонуний камайтириш имкониятларни аниқлаш
Корхонанинг маҳсулот(хизмат) сотиш жараёни, маркетинг тадқиқотлари натижалари, пул маблағларининг келиб тушиши ва харажатлар ҳажми ўртасидаги боғлиқларни таҳлил қилиб бориш
Даврий(ой, чорак, йиллик) муддатлар бўйича корхонанинг барча даромадлар тушуми ва харажатлар нисбатини аниқлаб бориш
Даврий муддатлар бўйича корхонанинг молиявий имкониятлари ва солиқ мажбуриятлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни аниқлаб бориш
Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари фарқ динамикасини аниқлаш, муддати ўтган(яқинлашган) кредиторлик қарзларини тўлаш ва дебиторлик қарзларини келиб тушишини аниқлаш
Корхонанинг солиқ мажбуриятларини тўлашнинг етарлилик коэффициентини аниқлаш ва унинг даражасидан келиб чиқиб молиявий қарорлар тайёрлаш(қабул қилиш)

ва харажатлар нисбатини аниқлаб бориш ва бу муддатлар бўйича корхонанинг молиявий имкониятлари ва солиқ мажбуриятлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни аниқлаган ҳолда уларни таққослаш лозим. Бунинг учун корхонанинг банкдаги асосий корреспондентлик ҳисобварақларидаги дебет ва кредит оборотлари суммасини солиштириш асосида корхонанинг молиявий имкониятлари билан солиқ мажбуриятлари ўртасидаги нисбат таққосланади. Бу ерда шу нарсага эътибор бериш лозимки, харажатлар йўналиши ва уларни амалга оширишнинг мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олиш зарур. Баъзида вазият корхонанинг ишлаб чиқариш технологик хусусиятидан келиб чиқиб, энг муҳим материаллар ва заҳираларни катта ҳажмда сотиб олишни тақозо қилса, баъзи вақтларда мавсумий вақтинчалик ишга қабул қилишни талаб қилади. Бу ҳолатлар корхонанинг кўзда тутилмаган харажатларини оширади ва солиқларни режалаштиришга таъсир қилади. Солиқларни режалаштиришнинг ушбу босқичида корхонада янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ёки қўшимча фаолиятни амалга оширишни йўлга қўйиш жараёнининг корхона солиқ мажбуриятларига таъсир этиш ҳолатини ҳам таҳлил қилишни тақозо қилади. Албатта бу жараёнда корхонанинг маҳсулот(хизмат) сотиш жараёни, маркетинг тадқиқотлари натижалари, пул маблағларининг келиб тушиши ва харажатлар ҳажми ўртасидаги боғлиқликларни таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Корхонанинг маҳсулотларига бўлган талаб даражасини доимо тадқиқ этиб бориш бозор муносабатларининг муҳим талабларидан бири саналади. Маҳсулотлар бозорининг коньюктурасини прогноз қилмасдан ёки корхона билан тузилган олди-сотди шартномаларини таҳлил қилмасдан туриб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бориш маблағларнинг музланишига олиб келади. Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари уртасидаги фарқ динамикасини аниқлаш, муддати ўтган(яқинлашган) кредиторлик қарзларини тўлаш ва дебиторлик қарзларининг келиб тушишини аниқлашни амалга ошириш солиқларни тўғри режалаштиришга хизмат қилади. Бунинг учун корхонанинг барча маблағларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариб бориш динамикасини ўрганган ҳолда корхона тўлаши зарур бўладиган кредиторлик қарзларининг муддатларини аниқлаб уларни амалга оширишнинг молиявий имкониятлар билан солиштириш керак бўлади. Чунки, кредиторлик қарзларининг ҳажми ва уларни тўлаш муддатларига амал қилмаслик қўшимча жарималар сифатида харажатларни кўпайтиради. Албатта бунда корхона кредиторлари томонидан дебиторлик қарзларининг келиб тушиш жараёнини таҳлил қилган ҳолда шубҳали(молиявий интизомга амал қилмайдиган) кредитор корхоналардан маблағларни ундиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини шакллантиришни тақозо этади.Корхоналарда солиқларни режалаштиришнинг энг муҳим босқичи бу солиқ мажбуриятларини етарлилик даражасини аниқлаб бориш ҳисобланади. Буни аниқлашда фикримизча, солиқ мажбуриятларини бажаришнинг етарлилик коэффициетидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун корхонанинг банкдаги корреспондентлик ҳисобварақлари (асосий, валюта, қўшимча)нинг дебет ва кредит обороти жами суммаларининг фарқини корхонанинг шу даврдаги солиқ мажбуриятлари нисбатини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Корхонанинг солиқ мажбуриятларини бажариш коэффициенти:

СМЕк = (корхона ҳисобварақларининг дебет ва кредит обороти суммасининг фарқи)+(навбатдаги ойда келиб тушиши аниқланган дебиторлик суммаси)-(навбатдаги ойда тўланиш муддати келган кредиторлик суммаси)-солиқлар бўйича қарздорлик сўммаси) / (навбатдаги ой учун жами солиқ мажбуриятлари суммаси). Агар буни математик ифодалар билан изоҳласак, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\text{СМЕ}_\text{к} = \frac{\text{ҲДКФ}+\text{КТДС}-\text{ТМКС}-\text{СҚ}}{\text{ТСМ}} \qquad (1).$$

Бу ерда шу нарсани эътиборга олиш лозимки формуладаги биринчи кўрсаткич яъни, корхонанинг ҳисобварақларининг дебет ва кредит обороти сўммасининг фарқида кредит обороти сўммаси кўп чиқадиган бўлса, у ҳолда формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\text{СМЕ}_\text{к} = \frac{\text{КТДС}-\text{ҲДКФ}-\text{ТМКС}-\text{СҚ}}{\text{ТСМ}} \qquad (2).$$

Солиқларни прогноз қилиш, солиқ потенциалини аниқлаш ва корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнлари умумий тартибда солиқларни режалаштиришга ва у орқали бюджетни оқилона режалаштиришга таъсир қилади. Уларнинг бундай ўзаро боғлиқлиги қуйидаги чизмада акс эттирилган(2-чизма).




*Манба: Муаллиф ишланмаси*

***2-Чизма. Корхоналарда солиқларни режалаштириш, солиқ потенциали ва солиқларни прогноз қилиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлик даражалари.***

Корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёни корхона фаолиятини тўғри бошқариш ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида амалга оширилсада, бошқа томондан у корхона, тармоқ ва ҳудудлар доирасида солиқ потенциалини аниқлашга ва шу орқали солиқларни прогноз қилиш жараёнига таъсир қилади, қолаверса корхоналар томонидан тўланадиган солиқларнинг бюджетга бир маромда келиб тушишини таъминлайди. Келтирилган чизмадан кўринадики, корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнинг солиқ прогнозига таъсири икки томонлама хусусият касб этган.

Хулоса қилиб айтганда, бир томондан, солиқ потенциалини аниқлашсолиқларни прогноз қилишга таъсир қилган бўлса, бошқа томондан, солиқларни прогноз қилиш жараёни натижаларига қараб белгиланган солиқ сиёсати йўналишлари корхоналарнинг молиявий сиёсати орқали солиқларни режалаштиришга таъсир қилади. Бу учала жараённи тўғри ташкил этиш бюджет-солиқ сиёсатида мақсад қилиб белгиланган вазифаларни бажаришга таъсир қилади.

*Манба ва адабиётлар:*


*1. Алехин С.Н. Налоговое прогнозирование на проблемном этапе развития экономики / С.Н. Алехин, В.В. Чернов // Налоговая политика и практика. 2009. - №3. - с. 32-37.*

*2. Астафьева Е.В. Налоговые поступления: краткосрочное прогнозирование на основе эконометрических моделей / Е.В. Астафьева, Р.А.Саакян// политика и практика. 2007. - №4. - с. 22-25.*

*3. АрженовскийС.В. Методы социально-экономического прогнозирования: Учебное пособие / С.В.Арженовский. — М.: «Дашков и К0», 2013.-236с.*

*4. Барулин. Е. А.Налоговое менеджмент. Учебник. "Финансы и статистика", 2015. 78-86 с.*

*5. Блохин К.М.Технология формирования налогового бюджета организации.// "Финансовый менеджмент" 2006.№5, с.12.*

*6. Васильева М.В.Анализ эффективности управления финансовым результатом деятельности организаций в целях налогового планированияУправленческий учет, (2009), 11 (ноябрь), с. 51-61.*

*7. Джон Пеппер. Практическая энциклопедия международного и финансового планирования. -М.: ИНФРА-М, 1998. 228с.*

*8. Ендронова В.Н. Прогнозирование налоговых поступлений в субъекте Российской Федерации / В.Н. Ендронова,Акимов Н.Н. // Финансы и кредит. 2008. - №17. - с. 51-54.*

*9. Кашина Н.В. Методика расчета налогового потенциала // Налоговый вестник 2003 - № 3 - С. 129*

*10. Киров А.В. Влияние налогового планирования на обеспечение финансовой устойчивости предприятия.Финансы и бизнес, (2009), 3 (осень), с.152-153.*

*11. Лепа Р.Н., Дзюба Б.П. Информационное обеспечение оперативного налогового планирования на предприятиях. Налоги и финансовое право, (2012), 3 (март), 208-209 с.*

*12. Разник Е.Д., Самсонова И.А. Р. Прогнозирование и планирование в налогообложении: Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2006.213 с.*

*13. Халезин: В. Ю.Формирование налогового бюджета.// «Планово-экономический отдел», 2014 год№1, с. 26-29.*

*14. ПанасенковаТ.В Модернизация системы налогового планирования и прогнозирования в современной России Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ростов-на-Дону, 2004. 128 с.*

*15. Попова, Л.В. Прогнозирование и планирование в налогообложении: учеб.пособие для вузов/ Л.В. Попова, Н.Г.Варакса, М.В. Васильева. Орел: ОрелГТУ, 2007. – 264с.*

*16. Agell, J. Tax Reform of The Century The Swedish Experiment / J. Agell, P.Englund, J. Sodersten // National Tax Journal. - December 1996. - Vol.49, № 4. - p. 643-664.*

*17. Aim, J. Tax Structure and Tax Compliance / J Aim., R. Bahl, M.N. Murray // The Review of Economics and Statistics. November 1990. - Vol.72. -p.603-613.*

*18. Fiscal Policy in Transition. Forum Report of the Economic Policy1.itiative №3 / M. E. Schaffer, LorandAmbrus-Lakatos, eds. London: Centre for Economie Policy Research; Warsaw and New York: Institute for East West Studies, 1997.*

*19. Goolsbee, A. Evidence on the High-Income LafferCurve from Six Decades of Tax Reform / A. Goolsbee // Brookings Papers on Economic Acivity. -1999. №2.*

*20. Van den Noord, P. Surveillance of tax policies: a synthesis of findings in economic surveys / P. Van den Noord, C. Heady // Economics Department Working Papers.-2001.-№303.*

# МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Курбанова Дилдора Абдурахмоновна**

Ассистент, Тошкент давлат техника университети

***Аннотация.*** Мақолада мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожланиш динамикаси кўриб чиқилган ҳамда молиялаштириш тизимининг асосий йўналишлари Марказий Банк маълумотларига асосан кўрсатиб берилган. Шунингдек, молиялаштириш тизимида амалга оширилаётган ишларга ижобий таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, улар асосида мақола сўнггида хулосалар ишлаб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** молия, пул – кредит сиёсати, капиталлашув даражаси, ликвидлик, молиялаштириш манбалари, инвестициялар, инфляция, резерв пуллар, девальвация, монетар сиёсат.

***Аннотация.*** В статье рассмотрена общая динамика развития государственной экономики и показаны основные направления системы финансирования по данным Центрального Банка. А также с научной точки зрения проанализованы несколько положительно влияющич факторов на осуществляемые мероприятия в системе финансирования и приведены заключения.

***Ключевые слова:*** Финансы, денежно – кредитная политика, уровень капитализации, ликвидность, источники финансирования, инвестиции, инфляция, резервные деньги, девальвация, монетарная политика.

Маълумки, молия тизими молия муносабатларининг турли бўғинлари йиғиндисини билдиради. Уларнинг ҳар бири пул маблағлари фондларини шакллантириш ва ишлатилишидаги ҳусусиятлари, такрор ишлаб чиқаришдаги ролининг турличалиги билан ҳусусиятланади. Молиявий тизим таркибан таҳлил этилганда унга ҳар хил ёндошиш мумкин. Молия пул муносабатлари бўлар экан, уларни объекти ва субъекти, уларга хос механизмлар мавжуд.[2] Шу жиҳатидан қаралганда молия тизимига пул фондлари, молия иштирокчилари, молия институтлари, молия механизми ва молия сиёсатини киритиш мумкин. Қуйида келтирилган чизмада молия тизимининг асосий таркибий қисмлари кўриб чиқилган.

***Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.***

1. Vahobov A., Malikov T. Moliya. Darslik. T.: «Noshir», 2011, 712 b. дарслигида молиянинг моҳияти ва функциялари, молиявий сиёсат ва молия бошқаруви, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги, давлат молияси ва шу каби мавзулар ҳақида назарий билимлар келтирилган, Давлат молиясини амалга оширишда қўлланилувчи усуллар тадқиқ этилган.

2. Ronald W. Melicher, Edgar A. Norton. Introduction to Finance. 15 th Edition. 2014, 2008, 2005 John Wiley&Sons. Inc. китобида молиявий институтлар ва бозорлар ҳақида, молиявий муҳит ҳақида, пул ва монетар сиёсат ҳақида, банклар ва бошқа молиявий институтлар, федерал заҳира тизими, ҳалқаро молия ва саноат ва бошқа мавзулар атрофлича ёритилган бўлиб, давлатмолиясини ҳисоблаш ва молия назоратини олиб бориш усуллари кенг тадқиқ этилган.

3. E.Thomas Garman, Raymond E. Forgue. Personal finance. 3 third edition. 1992 by Houghton Mifflin Company Boston. дарслигида молиявий режалаштириш, шахсий молия, карьерани режалаштириш, маблағни бошқариш, солиқлар тизими менежменти, инвестициялар ва бошқа шу каби масалалар ўрганилган бўлиб, асосий урғу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиясини самарадорлигини баҳолаш тизими кўрсаткичлари тадқиқ этишга қаратилган.

4. David N. Hyman, North Carolina State University. PublicFinance. 3 thirdedition. китобида давлат молиясининг асосий тамойиллари, давлат ва давлат харажатларининг асосий вазифалари, солиқ назарияси ва сиёсати ҳамда давлат молиясининг асосий назарий ва ҳуқуқий манбалари асослаб кўриб чиқилган.

5. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011г. – 640 стр.Дарслик ўз ичига 3 бўлимни олиб, унда молия назариясининг асослари ва уларни бошқариш, давлат молияси ва хусусий хўжалик молияси кўриб чиқилган. Молия назарияси молия ва маблағ ўртасидаги, пул ва молиявий муносабатлар ўртасидаги чегараларни олиб ташлаган ҳолда ноодатий усуллар билан тадқиқ этилган.

Давлат миқёсида олиб борилаётган макроиқтисодий фаолият, хусусан, давлатнинг молия тизимини янада ривожлантириш, бюджет даромадлари ва харажатларининг оқилона тақсимоти, молия муносабатларини ташкил этиш ва бошқариш амалиётини тўғри йўлга қўйиш, пул – кредит сиёсатини оқилона олиб бориш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, пул массасини минтақалараро тўғри тақсимлаш масалалари давлатимиз то-

монидан олиб борилаётган молия сиёсатининг муҳим бўғинларидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйичаҲаракатлар стратегияси жамият ва давлат тарққиётининг ҳар бир босқичини ўз ичига олган бўлиб Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган бешта устувор йўналишлар қаторидаги 3 – йўналиш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида белгилаб берилганидек, харажатларни ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаган ҳолда Давлат бюджетининг барча миқёсларида мувозанатни сақлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш; илғор халқаро тажрибага мувофиқ инструментлардан фойдаланиш ҳисобига пул – кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш; эркин конвертацияни таъминловчи валютага оид муносабатларни тартибга солиш ва бошқа йўналишлар белгилаб берилган.




***Таҳлил ва натижалар.***

Давлат молия тизимининг асосий бўғини бўлган банк тизимининг капиталлашув даражасини ошириш, унинг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлигини янада кучайтириш борасида 2016 йилда кенг кўламли чора – тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида банк тизимидаги кўрсаткичлар баъзи йўналишлар бўйича халқаро меъёрлар асосида ижобий сальдони қайд этди. Тижорат банкларининг умумий капитали 2015 йилнинг 1 октябр ҳолатига нисбатан 22,8 фоизга ошиб, 2016 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 8,9 трлн сўмдан ошиқ кўрсаткичга эга бўлди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси белгиланган халқаро меъёрлардан қарийб 3 баробар кўп, банк тизимининг ликвидлиги эса талаб этиладиган энг кам даражадан 2 баробар ортиқ бўлди.

Банк активлари 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига нисбатан 25,5 фоиз ўсиб, 2016 йил 1 октябрь ҳолатига 76,7 трлн. сўмга етди.

Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига нисбатан 25,7 фоиз кўпайиб, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 50,7 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Банкларнинг инвестиция ҳажми ҳам 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 баробар ошиб, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ўра 9,4 трлн.сўмни ташкил этди.

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган чора – тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига нисбатан 1,3 баробар кўпайиб, 2016 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 12,6 трлн.сўмни ташкил этди.

2016 йилга мўлжалланган иқтисодиётни ислоҳ этиш, таркибий ўзгартириш, тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда илғор технологиялар ва ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жорий этиш ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши 2016 йилда ҳам иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлади.

Хусусан, республикамиз иқтисодиётида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга ошиб, 16,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Бунда ўзлаштирилган инвестицияларнинг 53,3 фоизи корхона ва аҳолининг ўз маблағлари, 15,3 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлар, 10,3 фоизи тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар, 4,5 фоизи давлат бюджети, 4,7 фоизи давлат мақсадли жамғармалари ҳамда 4,7 фоизи Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.




Ўз навбатида, иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳисобидан мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда.

Шунингдек, самарали инвестиция сиёсатининг муҳим бўғини сифатида республикамизда замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Жаҳон банки ва Халқаро Молия Корпорациясининг 2016 йил якунлари бўйича берган ҳисоботлари бўйича Ўзбекистон кредитлаш шартлари бўйича 154 ўриндан 42 ўринга кўтарилди. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган молия тизими, унинг асосий бўғинларининг ташкил этилганлиги ва самарали фаолият олиб бораётганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Хусусан, монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Жорий йилда ҳам Марказий банк томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсатининг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш бўлиб қолади.Ушбу мақсадга, ўз навбатида, ички бозорда нархлар барқарорлигини ва инфляция даражасининг 2017 йил учун ўрнатилган 5,7-6,7 фоизлик мақсадли прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишини таъминлаш орқали эришилади.

Шу билан бирга, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор 2017 йилда мамлакатимизда иқтисодиётнинг прогноз қилинаётган

7,8 фоизлик реал ўсиш суръатлари пулга бўлган талабини тўлиқ қондириб бориш ва реал сектордаги инвестицион жараёнларни рағбатлантиришга қаратилади.

Инфляция даражасини мақсадли кўрсаткичлари доирасида сақлаб туриш ва иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўйилаётган вазифаларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш мақсадида иқтисодиётдаги пул таклифи мақбул даражада шакллантириб борилади. Бунда пул-кредит сиёсати пул таклифини бошқариб боришга қаратилган монетар таргетлаш режимида амалга ошириб борилиб, оралиқ ҳамда операцион мақсадлар сифатида мос равишда резерв пуллари ва пул массасининг динамикаси қўлланилади.

Ўз навбатида, банк тизимидаги ликвидликни самарали бошқариш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини мақбул даражада шакллантириш мақсадида Марказий банк ўз тасарруфидаги монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан кенг фойдаланади. 2017 йилда инфляция даражасининг белгиланган мақсадли кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, қайта молиялаш ставкасини 9 фоиз даражасида сақлаб туриш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, банк тизимидаги ликвидлик ҳолати ҳамда иқтисодиётдаги пул маблағларига бўлган талаб ва таклиф даражасидан келиб чиқиб, мажбурий резервлар нормаси зарур ҳолларда мақбуллаштириб борилади.2017 йилда ҳам валюта сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор, инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга қаратилади.Бунда ташқи бозорлардаги ноқулай конъюнктуранинг, шунингдек, асосий савдо ҳамкор давлатлар валюталари курсларининг кескин девальвациясининг мамлакатимиз иқтисодиётига, шу жумладан, тўлов балансига салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида сўмни босқичма-босқич девальвация қилиб бориш сиёсатини давом эттириш кўзда тутилмоқда.

Банк тизимида ислоҳотларни амалга оширишда асосий эътибор тижорат банк¬ларининг

молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодийривожлантириш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш борасидаги вазифалар ижросига қаратилади.

Шу билан бирга, 2017 йил учун мўлжалланган монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб олишда мамлакатимиздаги макроиқтисодий ҳолат ва реал секторнинг таҳлили, шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ва асосий савдо ҳамкор давлатлардаги вазият ҳамда ушбу давлатлардаги иқтисодий ўсиш истиқболлари инобатга олинди .

***Хулоса ва таклифлар.***

Юқорида келтирилган йўналишлар асосида иқтисодий стратегик вазифаларни амалга оширишда қўйидаги йўналишларда молиявий тактика ишлаб чиқилиши ва тегишли молия механизми шакллантирилиши таклиф этилади:

• қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети дефицитини иложи борича камайтириш, дотация ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириб бориш;

• бюджетдан маблағларни энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина ажратишлар, аҳолини ижтимоий тарафлама қўллаб – қувватлаш, кам таъминланган қатлами учун моддий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар.

• инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш; бунда давлат томонидан амалга ошириладиган инвестициялашни имкон қадар камайтириб, хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада рағбатлантириш, иқтисодиёт соҳаларида инвестицион жозибадорликни янада ошириш ҳамда ривожлантириш кўзда тутилаётган соҳаларга ҳам хорижий инвесторларни жалб этиш учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича амалий ишларни ташкиллаштириш;

• солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадларини барқарор бўлиб туришини таъминлайдиган ҳар тарафлама пухта ўйланган солиқ сиёсатини олиб бориш ва ҳ.к.

Юқорида келтириб ўтилган таклиф ва мулоҳазалар давлат молия тизими ва бўғинларининг янада самарали ишлаши, шунингдек, молиялаштириш тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора – тадбирларни изчил амалга ошириш ҳамда тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган натижаларга эришишда таянч бўлиб хизмат қилиши кутилади.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 16 январ, №11 (6705).*

*2. Vahobov A., Malikov T. Moliya. Darslik. T.: «Noshir», 2011, 712 b.*

*3. Ronald W. Melicher , Edgar A. Norton. Introduction to Finance. 15 th Edition. 2014, 2008, 2005 John Wiley&Sons. Inc.*

*4. E.Thomas Garman, Raymond E. Forgue. Personal finance. 3 third edition. 1992 by Houghton Mifflin Company Boston.p. 807.*

*5. David N. Hyman, North Carolina State University. PublicFinance. 3 thirdedition.P. 689.*

*6. Маликов Т. Ҳайдаров Н. «Молия: умумдавлат молияси» ўқув қўлланма. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. 556 б.*

*7. Тухлиев Б.К., Қурбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж., Бижанова М.Б. Давлат бюджети: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010, 199 б.*

*8. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС , 2011 г. – 640 стр.*

*9. Нешитой А.С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. - М.: «Дашков и К», 2010 г. – 592 стр.*

*10. Ковалева, А. М. Финансы : учебник для бакалавров. 6-е изд., перераб. и доп. - М. : Издательство Юрайт, 2013. - 443 с.*

# АҲОЛИНИНГ ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШНИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Рузиев Ғанишер Усарович**

Мустақил изланувчиси, Тошкент молия институти

***Аннотация.*** Мақолада аҳолини шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини юритишнинг иқтисодий аҳамияти ёритилиб берилиши билан биргаликда, ушбу хўжаликларда ер участкаларидан самарали фойдаланишни, янги иш ўринларини яратишни, ресурсларни тежаш ҳамда фаолиятига замонавий технологияларни кенг жорий этишни рағбатлантириш орқали аҳоли даромадларини янада ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** шахсий ёрдамчи хўжалик, деҳқон хўжалик, аҳоли даромадлари, реал даромад, янги иш ўринларини яратиш, ресурсларни тежаш, рағбатлантириш.

***Аннотация.*** В статье наряду с освещением экономической сущности ведения личных подсобных и дехканских хозяйств, даны предложения и рекомендации по дальнейшему повышению доходов населения посредством эффективного использования земельных участков, создания новых рабочих мест, экономии ресурсов и стимулирования внедрения современных технологий в свою деятельность.

***Ключевые слова:*** личные подсобные хозяйства, дехканские хозяйства, доходы населения, реальные доходы, создание новых рабочих мест, экономия ресурсов, стимулирование.

Ҳозирги вақтда дунёда озиқ-овқат етишмовчилиги, ишсизлик, ижтимоий табақаланиш каби масалалар долзарб муаммоларга айланиб бораётганлиги жаҳон мамлакатларини бу масалаларга янада эътиборлироқ бўлишга ундамоқда. Жумладан, умумий озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳажми билан ер юзи аҳолиси сонининг тез суръатлар билан кўпайиши ўртасидаги номутаносиблик йилдан-йилга инсониятнинг озиқ-овқат билан таъминланиш даражасини тушириб юбормоқда. Натижада, жаҳонда озиқ-овқат етишмовчилиги муаммосини бартараф этишнинг ечими сифатида айрим давлатлар маҳсулот ишлаб чиқаришда генетик модификацияланган организмлардан кенг фойдаланишни амалиётга жорий этаётган бир пайтда, мамлакатимизда ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг энг мақбул вариантларидан бири сифатида аҳолининг томорқа хўжаликларини ривожлантириш, улардан самарали фойдаланишини ташкил этиш, деҳқон хўжалигини юритишни янада ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Чунки, аҳолининг томорқа хўжаликлари ривожланиши бир томондан, мамлакатда табиий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга, озиқ-овқат мўл-кўлчилигига эришилишига хизмат қилса, иккинчи томондан, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларда қўшимча даромад манбаларига эга бўлиши ҳисобига аҳоли даромадларининг янада ошишига замин яратади. Демак, аҳолининг қўшимча даромадлар манбаи бўлган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада жонлантириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш орқали аҳолининг даромадларини ошириб бориш бугунги кунда мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бу борада мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ босқичма-босқич кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1989 йилда, қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг даромадларини ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида кўплаб оилаларга томорқа бериш бошланганди. Узоқни кўзлаган ҳолда бошланган ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 1,5 миллион оила шахсий томорқа майдонларини кенгайтириш, 500 мингдан ортиғи янги томорқа олиш имкониятига эга бўлди. Натижада мазкур ислоҳот туфайли республикаги 2 миллиондан ортиқ оила, яъни ўртача 10 миллиондан зиёд қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муаммоси ижобий ҳал этилди. 1990 йилда юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, импорт ҳисобига қондирилган бўлса, бугунги кунда уларнинг деярли барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига қопланмоқда. Бу бир томондан қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқаришнинг ўсганлигини, иккинчи томондан аҳолининг

даромадлари, жумладан, томорқаларида шахсий ёрдамчи хўжаликларни ташкил қилиш ҳисобига натурал даромадларининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, 2015 йили 98 фоиз аҳоли ўзи ва оиласининг моддий ҳолати яхшиланганини билдирган [7.1]. Турмуш даражаси ва сифати, халқ фаровонлиги юксалаёттанини таъкидлаб, келажакка катта ишонч билан қарашини айтган. Чунки, мамлакатимизда аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориши, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар аҳоли жон бошига умумий ва реал умумий даромадларнинг ошишини таъминлади (1-расм).

Аҳоли даромадларининг ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгаймоқда. Чакана савдо айланмаси бир йилда 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми эса 10,8 фоизга ўсди.




*Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

***1-расм. Аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан фоизда)***

Статистик маълумотларга кўра, аҳолининг умумий даромадлар таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар, жумладан шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар улушининг ҳам ортиб бораётганлигини 1-жадвал орқали кузатиш мумкин бўлади.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари таркиби %**

| Кўрсаткичлар | 2011 й. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Умумий даромадлар, ундан | 100 | 100 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| 1) Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар | 71,0 | 69,1 | 68,4 | 71,3 | 75,5 |
| Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар | 69,4 | 67,4 | 66,6 | 69,2 | 73,2 |
| Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар | 1,6 | 1,7 | 1,8 | 2,1 | 2,3 |
| 2) Мол-мулкдан олинган даромадлар | 2,5 | 2,4 | 2,9 | 2,6 | 2,7 |
| 3)Трансфертлардан даромадлар | 26,5 | 28,5 | 28,6 | 26,1 | 21,8 |

*Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Шу ўринда, айтиш жоизки, томорқа ер участкаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эркин савдога чиқариш ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш (деҳқон хўжалигини юритиш учун), шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир. Демак, аҳоли мазкур ер участкаларидан нафақат якка тартибдаги уй-жой қуриш, уларни ободонлаштириш, балки оила эҳтиёжлари ҳамда эркин савдо қилиш

мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириши, яъни деҳқон хўжалигини юритиши мумкин бўлади. Шу билан бирга, аҳолига тадбиркорлик мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини доимий етиштириш учун алоҳида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш учун ҳам ер берилади. Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва реализация қилишга асосланган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин. Демак, аҳолига ўзининг томорқа ер участкаларида деҳқон хўжалигини юритиши билан биргаликда алоҳида берилган ерларда деҳқон хўжалигини ташкил қилиши бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, шаҳарча, қишлоқ, овулларда яшовчи фуқаролар ўзларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун берилган участкаларнинг бир қисми – томорқасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёжлари учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқчасини бозорларда сотиш билан шуғулланиши мавжуд бўлиб, оилавий хўжалик шахсий ёрдамчи хўжалик дейилади.

Бугунги кунда оилаларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларни юритиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини шакллантириш ва оширишнинг асосий манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Бу эса аҳоли турмуш даражасини янада яхшиланишига хизмат қилади. Шунга кўра, Президентимиз раҳбарлигида давлат томонидан аҳолининг томорқалардан унумли фойдаланишлари, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ташкил этишлари, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтиришни молиявий рағбатлантириш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш бўйича ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада, давлатимиз раҳбари аҳоли билан суҳбатлар ўтказиш кераклигини, хонадонларда парранда боқишни йўлга қўйиш, иссиқхоналарда лимон экиб, даромад олишни одамлар онгига сингдириш лозимлигини таъкидламоқда. Чунки, аҳолининг ўз томорқасидан фойдаланиб, даромад топишга иштиёқи кучайса, уларнинг фаровонлиги ортади. Натижада Президентимиз айтганидек: “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади”[5]. Шунга кўра, ушбу масала нақадар долзарб аҳамият касб этганлиги боис, “Ҳаракатлар стратегияси”[2] да ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таркибида 3.4. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, 4.1. Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш масалалари қайд этилган бўлиб, стратегияни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида ушбу устувор йўналишлар доирасида 2017 йил давомида қуйидаги асосий тадбирлар амалга оширилиши белгилаб берилган, жумладан:

- аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжаликлари ва 6885 та аҳоли шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш;
- аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларида муқобил электроэнергия манбаларидан фойдаланиладиган енгил конструкцияли иссиқхоналар, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжаликларини тузиш ва бошқа юқори самарали даромадли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш;
- шахсий томорқалардан фойдаланиш, деҳқон хўжаликларини юритиш, ер участкаларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, улардан юқори ҳосил ва даромад олиш бўйича замонавий технологияларни тарғибот қилиш ҳамда тарқатиш;
- тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирларни комплекс тарзда амалга оширишни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартда “Деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, сувга чидамли, экспортбоп дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 119-сонли қарори билан 2017 - 2019 йилларда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 бошдан парранда боқиш, лимон, унаби ва грек ёнғоғи етиштиришни янада ривожлантириш чора-тад-

бирлари дастури тасдиқланди ва унга кўра тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, чорвачилик, йилқичилик, туячилик, балиқчилик, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, қуён боқиш ва етиштириш, иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек уруғ ва кўчатлар сотиб олиш учун энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда микрокредитлар берилиши йўлга қўйилган. Мазкур кредитлар шартнома асосида қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз имтиёзли давр билан 2 йилдан 5 йилгача Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган миқдорда берилади.

Мамлакатимизда аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини ошириш, уларни истиқболли ижтимоий ҳимоясини ташкил қилиш борасида ҳам бир қатор имтиёзлар йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахсларга, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъий назар, агарда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг камида тўрт ярим баравари миқдорида суғурта бадаллари тўлайдиган бўлсалар, ушбу шахслар иш билан таъминланган ҳисобланиб, меҳнат стажига ҳамда давлат пенсияси билан таъминланиш кафолати берилган[3].

Шу билан бир қаторда, уй хўжалигида, деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини (бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно) сотишдан олинадиган даромадлар солиққа тортилмайди[1].

Бунинг учун жисмоний шахсларда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкати бошқаруви томонидан берилган сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома) бўлиши лозим. Маълумотномада жисмоний шахс доимий яшайдиган жойнинг манзили, ер участкасининг жойлашган жойи ва майдони, бир йилда ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишнинг мумкин бўлган ҳажми мажбурий тартибда кўрсатилади. Шунга кўра, фақатгина, жисмоний шахслардан ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун бозор маъмурияти томонидан бир марталик йиғим ундирилади. Бир марталик йиғим миқдори етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини сотишда 1 савдо ўрин/кунга, чорва молларини сотишда эса ҳар бир чорва мол туридан келиб чиқиб белгиланади [4]. Шунингдек, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари фақатгина жисмоний шахслар тўлайдиган ер ва сув ресурсларини тўлайдилар. Уларнинг даромадлари ҳам солиққа тортилмайди. Бу деҳқон хўжалиги бошлиғи ва унинг аъзолари даромадларини ошишини рағбатлантиради. Шунинг билан биргаликда, аҳолига ер солиғидан ҳам қатор имтиёзлар берилган бўлиб, булар асосан, боқувчисини йўқотган кўп болали, пенсионер, ногирон ва уруш қатнашчиларига нисбатан берилиши назарда тутилган. Бу имтиёзлар асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, меҳнат қобилиятини қисман йўқотган кишиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг мавжуд томорқа ерларидан унумли фойдаланишга, деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни кўпайтириш, ресурсларни тежашга ундовчи, шунинг билан биргаликда, иш билан бандликни таъминлашни рағбатлантирувчи имтиёзларларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда аҳолининг ўз томорқаларида шахсий ёрдамчи хўжаликларни ташкил этилишини, шунингдек деҳқон хўжаликларини юритилишини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларга ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилиши, қуйидаги ижобий натижаларга эришишга хизмат қилади. Жумладан:

биринчидан, аҳолининг ўз томорқа ерларидан унумли ва самарали фойдаланиши таъминланади;

иккинчидан, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, аҳоли учун ҳар жиҳатдан табиий, экологик тоза, витаминларга бой қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирилиши натижасида аввола оила эҳтиёжлари, шунингдек, жамият эҳтиёжлари қондирилади;

учинчидан, қишлоқ хўжалигида ЯИМнинг ўсишига эришилади, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари билан бозорнинг тўйиниши соф рақобат муҳитининг юзага келишига, нархларнинг пасайиши ҳисобига инфляциянинг мўътадиллашишига хизмат қилади;

тўртинчидан, аҳолининг иш билан бандлиги таъминланади, янги иш ўринлари яратилади;

бешинчидан, давлат томонидан аҳолининг ҳақиқатда ижтимоий нафақаларга муҳтож қисмини аниқлаштириш, нафақаларни оптималлаштириш ҳисобидан уларга тўланадиган манзилли нафақалар миқдорини ошириш имкониятини беради;

олтинчидан, зарур иш стажига эга бўлиш ҳисобига аҳолининг ижтимоий ҳимояси, яъни пенсия олиши таъминланади;

еттинчидан, энг асосийси, аҳолининг қўшимча даромад манбаларининг яратилиши ҳамда натурал даромадлари кўпайиши ҳисобига уларнинг реал даромадлари ошиши натижасида турмуш фаровонлигига эришилади.

Юқорида қайд этилган хулосаларга таянган ҳолда аҳолининг шахсий томорқалардан фойдаланиш, деҳқон хўжаликларини юритиш, мавжуд ер участкаларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот қилишни кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, юқори ҳосил олиш ҳисобига даромадларни янада ошириш мақсадида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида фаолият юритаётган аҳолига нисбатан солиқлардан қуйидаги рағбатлантириш чораларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Деҳқон хўжаликларини ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга ер солиғидан озод қилиш лозим.

2. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари томонидан тўланадиган суғурта бадалларининг миқдори тўлов кунига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда эмас балки, йил бошида белгиланган энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши лозим.

3. Жисмоний шахслар томонидан юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг умумий фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар) ерларига солиқ солмаслик лозим.

4. Оила аъзоларининг асосий қисми шахсий ёрдамчи хўжалик ва деҳқон хўжалигида иш билан банд бўлган жисмоний шахсларга мавжуд томорқаси ёки деҳқон хўжалигини ташкил қилган ерлари бўйича ер солиғидан имтиёз бериш.

Бизнинг фикримизча, мазкур имтиёзлар аҳолининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш, аҳоли даромадларини янада оширишга хизмат қилади.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т.: “Адолат”, 2016 й.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 23 март, ПҚ-308-сон.*

*4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2012 йил 28 август, 253-сон*

*5. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 15 декабрь.*

*6. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» номли маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Маънавият”, 2016. – 376 бет.*

*7. Интернет сайтлари:*
*http://uza.uz.*
*http://lex.uz.*

# МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ
# ЭКОНОМИКА ТРУДА

## МОДЕЛИРОВАНИЕ И ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ: ОБЗОР ИССЛЕДОВАНИЙ

**Ашурали Худайназаров**

Заведующий кафедрой, Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

***Аннотация.*** Ушбу мақолада муаллиф инсон капиталининг иқтисодий ўсишга таъсирини моделлаштириш ва баҳолаш бўйича жаҳонда машҳур бўлган иқтисодчи-олимлар тадқиқотлари натижалари шарҳини келтирган. Хусусан, эндоген иқтисодий ўсиш моделлари туркумидан Лукас ҳамда Мэнкью-Ромер-Вэйл моделлари кўрилиб, уларда инсон капиталининг иқтисодий ўсишга қандай таъсир қилиши тушунтириб берилган. Бундан ташқари, мақолада инсон капиталининг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашга бағишланган бир қатор эмпирик тадқиқотлар натижалари умумлаштирилган. Хулосада таълим соҳасида давлат сиёсати ҳамда инсон капиталига инвестицияларни прогнозлаштириш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

***Таянч тушунчалар:*** инсон капитали, иқтисодий ўсиш, таълим тизими, таълимга инвестиция, эндоген иқтисодий ўсиш модели.

***Аннотация.*** В данной статье автор даёт обзор результатов исследований всемирно известных экономистов по моделированию и оценке влияния человеческого капитала на экономический рост. В частности, рассмотрены такие модели эндогенного экономического роста, как модель Лукаса и модель Мэнкью-Ромера-Вэйла, в которых показаны каналы влияния человеческого капитала на экономический рост. Кроме этого, в статье обобщаются результаты ряда эмпирических исследований, посвящённых оценке влияния человеческого капитала на экономический рост. В заключении приводятся предложения для совершенствования государственной политики в сфере образования и методологии прогнозирования вложений в человеческий капитал.

***Ключевые слова:*** человеческий капитал, экономический рост, система образования, инвестиции в образование, модели эндогенного экономического роста.

Как известно, на основе сбора, глубокого изучения и обобщения поступивших предложений 7 февраля 2017 года был принят Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в соответствии с которым были утверждены: Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах (далее — Стратегия действий); Государственная программа по реализации Стратегии действий в «Год диалога с народом и интересов человека». Целью Стратегии действий являются коренное повышение эффективности проводимых реформ, создание условий для обеспечения всестороннего и ускоренного развития государства и общества, модернизация страны и либерализация всех сфер жизни. В частности, в нём определены пять приоритетных направлений развития страны: совершенствование государственного и общественного строительства; обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебно-правовой системы; развитие и либерализация экономики; развитие социальной сферы; обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики. В рамках четвёртого направления Стратегии действий, помимо прочих мер, предусматривается также реализация мер по повышению занятости населения, совершенствованию системы социальной защиты и охраны здоровья граждан, реформированию сферы здравоохранения, обеспечению доступности дошкольных образовательных учреждений, повышению качества и развитию общего среднего образования, среднего специального и высшего

образования.

В настоящее время учёных, руководителей органов государственного управления и специалистов-практиков интересует ряд вопросов, касающихся обеспечения в нашей стране развития социальной сферы. К ним относятся также следующие вопросы: Какая теория изучает вопросы инвестиций в образование, здравоохранение и социальную защиту? Каковы каналы влияния инвестиций в образование на экономический рост? Почему многие развитые страны направляют значительные средства государственного бюджета в развитие системы образования и здравоохранения? В данной статье мы попытаемся найти ответы на эти вопросы.

Теория, которая изучает процессы накопления знаний, умений и навыков у индивидуумов, повышения образовательного уровня населения, и отдачу от инвестиций в образование, называется теорией человеческого капитала, а накопленный уровень знаний, умений и навыков у индивидуумов, а также в целом по стране, – человеческим капиталом. Современная теория человеческого капитала зародилась на основе работ лауреатов Нобелевской премии Т. Шульца, Г. Беккера, Дж. Минцера в 1950–1960-е годы. Первый учебник по теории человеческого капитала, написанный Т. Шульцем, был опубликован в 1963 году [1]. В 1970-е гг. появились учебники ещё восьми авторов, а также семь классических статей по теории человеческого капитала. В 1980-е годы были изданы ещё три учебника по этой тематике.

Впервые, в 1961 году, словосочетание «человеческий капитал» использовал Теодор Шульц [2], а его последователь – Гэри Беккер развил эту идею с 1962 года [3], обосновав теоретически и подтвердив эмпирически эффективность вложений в человеческий капитал, сформулировав, в результате, экономический подход к человеческому поведению.

Дж. Минцер, в свою очередь, на основе эмпирических исследований выявил, что 60% всех различий в уровне трудовых доходов приходятся на такие переменные, как уровень образования, практический опыт (или стаж) и количество отработанного времени в году (что, в основном, связано с состоянием здоровья), причём на долю образовательных различий приходится около 25% общего неравенства в заработках, а на долю опыта работы – примерно столько же [4].

В последнее время появились исследователи, которые предлагают включать в человеческий капитал также здоровье, морально-психологическую устойчивость (или уровень духовно-нравственного развития) и мотивацию к труду. Но исследователи, придерживающиеся консервативных взглядов, предполагают в своих теоретических конструкциях, что факторы, не связанные с получением знаний, умений и навыков, являются второстепенными или заданными.

Теория человеческого капитала позволяет объяснить структуру распределения располагаемых доходов населения, половозрастную дифференциацию и динамику заработков, причины миграции и множество других явлений.

Имеются, в основном, два подхода к изучению влияния человеческого капитала на экономический рост. Первый, неоклассический подход, сформулированный Р. Лукасом, делает упор на накопление человеческого капитала как фактора, объясняющего экономический рост [5]. Р. Лукас акцентирует внимание на социальном эффекте образования, предполагая, что средний уровень накопления человеческого капитала позитивно влияет на производительность индивидов. В 1992 году появился второй, неошумпетерианский подход П. Агиона и П. Ховитта, согласно которому экономический рост зависит, в первую очередь, от качественного уровня человеческого капитала [6].

Исследования, посвящённые оценке влияния человеческого капитала на экономический рост, можно разделить на две группы: работы по оценке влияния объёма человеческого капитала на экономический рост; работы по оценке влияния качества человеческого капитала на экономический рост.

Можно выделить следующие три проблемы, возникающие при оценке влияния человеческого капитала на экономический рост:

- оценка влияния человеческого капитала может быть завышена за счёт игнорирования влияния других факторов, влияющих на производительность труда (объём инноваций, улучшение рыночной инфраструктуры и оптимизация размещения ресурсов и т. п.);
- ошибки, связанные с неточностью различных измерителей человеческого капитала, приводят к смещению оценок эффектов человеческого капитала;
- в случае использования международных данных, связанных с различиями в классификации уровней образования и в качестве образования, возникают ошибки в оценках эффектов человеческого капитала.

**Измерители человеческого капитала.** Основными количественными показателями, с помощью которых измеряют объём человеческого капитала, являются такие показатели, как охват населения образованием, уровень грамотности (или уровень образования

взрослого населения), продолжительность обучения (среднее число лет обучения занятых в экономики), расходы на образование на одного обучающегося по отношению к ВВП. Так, Azariadis и Drazen [7], а также Romer [8] использовали в своих работах в качестве измерителя человеческого капитала уровень грамотности взрослого населения (adult literacy rates), в то время как Mankiw, Romer, Weil [9], Levine и Renelt [10] ограничивались использованием такого показателя, как охват населения школьным образованием (schooling).

Показатели уровня грамотности измеряют только самую начальную стадию образования, т.е. охватывают лишь малую часть человеческого капитала, оказывающего влияние на производительность труда. Кроме этого, они практически не применимы для сравнительного анализа стран с развитыми образовательными системами, поскольку практически всё взрослое население этих стран грамотно.

Среднее число лет обучения, накопленное в экономике, является наиболее подходящим измерителем уровня человеческого капитала и может быть получен в результате специальных опросов или построен на основе ретроспективных данных о численности учащихся в образовательных учреждениях. Данные, полученные из опросов, являются более надёжными, но, как правило, они относятся к разным периодам времени, что ограничивает возможности их использования в динамических регрессиях.

**Макроэкономические модели эндогенного экономического роста: теоретические модели с человеческим капиталом.** Базовой теоретической макроэкономической моделью экономического роста, в которой объясняется влияние человеческого капитала на экономический рост является модель Лукаса [5], а прикладной моделью – модель Мэнкью-Ромера-Вейла [9]. Другими альтернативными теоретическими моделями являются так называемые модели обучения на практике (leaming-by-doing) – модели Ромера [8], Ребело [11] и Барро [12].

Модель Лукаса [5] является первой моделью эндогенного экономического роста, рассматривающего человеческий капитал в качестве важнейшего фактора экономического роста. В данной модели Лукас делит экономику на два сектора: первый сектор производит товары и услуги, второй – человеческий капитал. Предполагается, что численность населения не изменяется: изменяется лишь доля тех, кто решает учиться с отрывом от производства. Определить эту долю должно общество – так называемый репрезентативный потребитель товаров и услуг. Лукас впервые сумел обосновать концепцию своеобразного «дуализма» человеческого капитала: он выделил два канала влияния человеческого капитала на экономический рост. Эти два типа влияния могут быть определены как внутренние (описывающие непосредственное повышение эффективности производства, связанное с ростом знаний работников) и внешние эффекты (экстерналии). Внешние эффекты человеческого капитала измеряются некоторым средним значением человеческого капитала в экономической системе в целом. Механизм накопления человеческого капитала в модели Лукаса предполагает обучение с «отрывом от производства» в отличие от известной модели К. Эрроу «learning-by-doing» [13]. Модель Лукаса является хорошей теоретической моделью, однако, она не совсем пригодна для прикладного использования. На практике многие экономисты используют модель Мэнкью-Ромера-Вэйла, теоретическое содержание и практическое применение которой описано в работе «Вклад в эмпирику экономического роста» [9].

Национальная экономика в модели Мэнкью-Ромера-Вэйла рассматривается как экономика с агрегированным выпуском, задаваемым производственной функцией от численности рабочей силы в экономике, физического капитала и человеческого капитала, который вводится в функцию Кобба-Дугласа и рассматривается как фактор производства. Темп прироста населения считается постоянным, также неизменными предполагаются норма выбытия и норма сбережений физического и человеческого капитала, а норма обесценения человеческого капитала предполагается равной норме амортизации для физического капитала. В результате они получили следующее уравнение, определяющее уровень выпуска в экономике на одного занятого:

$$ln\frac{Y(t)}{L(t)} = lnA_0 + gt + \frac{\alpha}{1-\alpha-\beta}\ln(s_k) + \frac{\beta}{1-\alpha-\beta}\ln(s_h) - \frac{\alpha+\beta}{1-\alpha-\beta}(n+g+\delta)$$

Это уравнение описывает зависимость среднедушевого дохода от роста населения и накопления физического и человеческого капитала. Как и в классической модели Солоу, в MRW-модели предполагается, что коэффициенты в последнем уравнении показывают вклад факторов производства, то есть  – доля физического капитала в доходе, которая составляет 30–50 %.

Следовательно, оставшиеся 50–70 % определяют β – долю отдачи от человеческого капитала. Относительно коэффициента $A_0$ делается следующее предположение: $lnA_t = a + \varepsilon$, где $a$ – константа, а $\varepsilon$ – ненаблюдаемые шоки, характерные для страны. Таким образом, получим следующую спецификацию для регрессионной модели подушевого экономического роста:

$$ln\frac{Y(t)}{L(t)} = a + gt + \frac{\alpha}{1-\alpha-\beta}\ln(s_k) + \frac{\beta}{1-\alpha-\beta}\ln(s_h) - \frac{\alpha+\beta}{1-\alpha-\beta}(n+g+\delta) + \varepsilon$$

Для того чтобы проверить точность оценок, полученных в регрессионной модели, можно воспользоваться известными из официальных источников оценками долей факторов - оплаты труда в ВВП, прибылей на физический капитал в ВВП. Оценку доли человеческого капитала в ВВП можно рассчитать на основе сбора статистических данных о среднем уровне начисленной заработной платы работников организаций в зависимости от уровня образования (посредством выборочного обследования). Затем нужно рассчитать среднюю премию за образование по отношению к работникам с основным общим образованием.

**Эмпирические исследования влияния человеческого капитала на экономический рост.** Применив регрессионную модель (44), приведённую выше, на практике, Mankiw, Romer и Weil [9] показали, что предложенная ими модель объясняет около 80% межстрановых различий в доходе, т.е. она лучше объясняет экономический рост по сравнению с неоклассической моделью Солоу, принимающей во внимание накопление только физического капитала.

Barro [14] исследовал эффекты влияния образования на экономический рост, изучив выборку из 100 стран для периода 1965-1995 гг. Он использовал в своей работе два измерителя человеческого капитала - охват населения школьным образованием учащихся подросткового возраста и качество школьного образования. Выяснилось, что: экономический рост положительно связан с охватом школьным образованием мальчиков, но слабо связан охватом школьным образованием девочек; охват начальным школьным образованием слабо коррелирует с экономическим ростом. Для оценки влияния качества обучения на экономический рост он использовал данные об оценках учащихся по международно-сопоставимым экзаменам в области науки, математики и чтения. Выяснилось, что оценки учащихся имеют сильную положительную связь с экономическим ростом.

Hanushek и Woessman [15] измерили влияние продолжительности обучения на экономический рост и выявили, что каждый год обучения статистически значимо связан с долгосрочным темпом роста, который повышается на 0,58 процентного пункта. При этом положительная связь оказалась существенно выше на выборке стран, не входящих в ОЭСР (0,56), чем на выборке стран ОЭСР (0,26), что соответствует подтверждённой гипотезе, согласно которой в развивающихся странах отдача от образования выше. Однако, если учесть влияние контрольных переменных - открытости экономики и защищённости прав собственности в стране, то эта связь заметно слабеет и становится незначимой.

Вместе с тем использование количественных характеристик человеческого капитала приводит к снижению качества исследований. Так, использование продолжительности обучения в качестве показателя, характеризующего человеческий капитал, неявно предполагает, что один год обучения приводит к одинаковому приросту в человеческом капитале независимо от системы образования, т.е. что один год обучения, например, в Папуа — Новой Гвинее создаёт такой же прирост знаний, умений и навыков, что и год обучения в Японии. Говоря иначе, в таких исследованиях не учитываются такие факторы как эффективность функционирования системы образования, качество преподавания, образовательная инфраструктура, качество учебных программ.

В одной из ранних работ, посвящённых оценке влияния качества человеческого капитала на экономический рост с использованием данных Первого международного обследования по естественным наукам 1970—1971 гг. по 17 странам было выявлено, что количественные показатели образования не оказывали значимого влияния на экономический рост [16].

Hanushek и Kimko [17] на основе изучения выборки, состоящей из 31 стран, выявили,

что добавление качества образования в качестве измерителя человеческого капитала к базовой спецификации регрессионной модели экономического роста на душу населения, включающей только первоначальный доход и продолжительность образования, увеличивает объясняющую силу модели с 33 до 73%. Показатель качества образования был построен с использованием данных международных тестов успеваемости учащихся в период с 1960 до 1991 гг. Индикатор качества образования можно построить, получив простое среднее значение баллов по математике и естественным наукам во всех международных тестах.

Они установили, что в результате добавления качества образования в модель влияние продолжительности обучения резко сокращается и становится практически незначимым, в то же время как добавление других контрольных переменных почти не меняет значение коэффициента при переменной качества образования. Таким образом, Hanushek и Kimko показали, что качество образования оказывает статистически и экономически значимое положительное влияние на экономический рост в 1960—1990 гг. Говоря иначе, если тестовые баллы на уровне страны возрастут на одно стандартное отклонение (т.е. на 47 баллов по математике на тестовых испытаниях PISA), то это приведёт к увеличению ежегодных темпов экономического роста примерно на 1%. Однако, если в состав предикторов включить такие переменные как начальный уровень ВВП на душу населения и продолжительность обучения, то показатель качества обучения будет оказывать статистически значимое влияние на темп роста реального ВВП на душу населения в период 1960—2000 гг.

**Таблица 1.**

**Образование как фактор роста дохода на душу населения, 1960—2000 гг.**

| | 1 | 2 | 3 | 4 |
|---|---|---|---|---|
| ВВП на душу населения (1960) | -0,379 (4,24) | -0,302 (5,54) | -0,277 (4,43) | -0351 (6,01) |
| Число лет обучения (1960) | 0,369 (3,23) | 0,026 (0,34) | 0,052 (0,64) | 0,004 (0,05) |
| Баллы по тестам (среднее) | | 1,98 (9,12) | 1,548 (4,96) | 1,265 (4,06) |
| Открытось | | | | 0,508 (1,39) |
| Защита от экспроприации | | | | 0,388 (2,29) |
| Константа | 2,785 (7,41) | -4,737 (5,54) | 3,701 (3,32) | -4,695 (5,09) |
| Объём выборки | 50 | 50 | 50 | 47 |
| Скорр. коэффициент детерминации | 0,252 | 0,728 | 0,741 | 0,784 |

*Примечание: зависимая переменная — среднегодовой рост ВВП на душу населения, 1960—2000 гг.; Т-статистики приведены в скобках.*

Доля дисперсии экономического роста, объясняемая моделью (т.е. скорректированный коэффициент детерминации), резко увеличивается с 0,25 до 0,73. В рамках этой модели повышение баллов в тесте на одно стандартное отклонение (измеряемое для учащихся по всем странам ОЭСР, участвующим в PISA) приводит к росту среднегодового темпа роста ВВП на душу населения на 2% (Таб. 1).

Таким образом, можно сделать следующие выводы: продолжительность обучения статистически значимо связана с экономическим ростом в модели, не включающей качество обучения, но связь между продолжительностью обучения и ростом резко становится незначимой и приближается к нулю, если в модель в качестве регрессора добавить качество обучения.

**Таблица 2**

**Качество образования как фактор роста дохода на душу населения, 1960—2000 гг.**

*(Зависимая переменная – среднегодовой рост ВВП на душу населения, 1960-2000 гг.)*

| | **Развитые страны (страны не вхлдящие в ОЭСР)** | **Страны ОЭСР** | **Страны низким уровнем доходов*** | **Страны с высоким доходов**** |
|---|---|---|---|---|
| ВВП на душу населения (1960) | 0,262 (1,77) | 0,301 (5,81) | 0,063 (0,28) | 0,294 (6,38) |
| Число лет обучения (1960) | 0,025 (0,2) | 0,025 (0,26) | 0,006 (0,05) | 0,152 (1,7) |
| Баллы по тестам (среднее) | 2,056 (6,1) | 1,736 (4,17) | 2,286 (6,98) | 1,287 (5,37) |
| Константа | -5,139 (3,63) | -3,539 (1,96) | -6,412 (4,52) | -2,489 (2,86) |
| Объём выборки | 27 | 23 | 25 | 25 |
| Скорр. коэффициент детерминации | 0,676 | 0,83 | 0,707 | 0,783 |

** Страны, в которых объём ВВП ниже среднего объёма ВВП на душу населения в 1960 г.*

*** Страны, в которых объём ВВП выше среднего объёма ВВП на душу населения в 1960 г.*

Hanushek и Kimko делят выборку на группы стран, находящихся выше и ниже выборочной медианы исходного ВВП на душу населения (два последних столбца таблицы 2). Значимое влияние качества образования на экономический рост сохраняется в обеих подвыборках. Эффект качества заметно выше в странах с низкими доходами, а различие в коэффициентах при тестовых баллах статистически значимо на 5% процентном уровне. Так или иначе, они приходят к выводу, что эффект качества образования в развивающихся странах выше, чем в развитых.

Используя более обширный набор международных тестов, Barro [18] также приходит к выводу о том, что хотя и качество, и объем образования влияют на экономический рост, воздействие качества образования является гораздо более существенным.

В некоторых работах предполагается, что образование играет роль и в качестве инвестиций в человеческий капитал, и в качестве фактора, способствующего научным исследованиям и разработкам, а также распространению технологий. Что касается значения двух последних механизмов, то Vandenbussche, Aghion и Meghir [19] показали, что для стран, близких к состоянию полной занятости, инновации более важны, чем имитация. Как следствие, существенным может оказаться соотношение базового и высшего образования в структуре человеческого капитала, причём начальные этапы образования будут более важными для имитации, а высшее образование — для инноваций.

**Государственная политика в сфере образования: обзор современных тенденций.** Расходы на образование продолжают оставаться приоритетным направлением в государственной политике многих развитых стран мира. Начиная с 2008 г., в странах Европейского Союза наблюдается увеличение расходов на образование в процентном соотношении к ВВП (рост с 5,08 % до 5,41 %). Так, например, в Дании расходы на образование выросли с 7,68 % в 2008 г. до 8,80 % в 2010 г. Аналогичная тенденция наблюдается также в Ирландии (рост расходов с 5,71 % от ВВП до 6,47 %), в Бельгии (с 6,43 % до 6,57 %), Нидерландах (с 5,50 % до 5,96 %). Стабильно высокие показатели в сфере расходов на образование остаются у США (5,49 %), Швейцарии (5,22 %), Исландии (7,6 %). По данным Института международных организаций и международного сотрудничества Университета «Высшая школа экономики» государственные и частные инвестиции в образование продолжают увеличиваться даже во время экономического кризиса. С 2008 г. по 2009 г. общее инвестирование правительств, предприятий и частных предпринимателей в человеческий капитал возросло в 24 из 31 стран ОЭСР, для которых были доступны данные. Государственные расходы на образование в среднем составляли 13 % общих государственных расходов в странах ОЭСР в период 2005–2009 гг. Частные инвестиции в образование, в основном из домохозяйств, в среднем составляют 30 % общих расходов на

высшее образование. Эта доля варьируется от менее 5 % в Дании, Финляндии и Норвегии до более 40 % в Австралии, Израиле, Японии и США, и до 70 % в Чили, Корее и Великобритании [20].

Как отмечают аналитики Института международных организаций и международного сотрудничества, в среднем страны ОЭСР расходуют 9252 долл. США на одного учащегося в год. В начальной школе на одного учащегося расходуется 7 719 долл. в год, в средней школе – 9312 долл. в год и в высшей школе – 13 728 долл. в год.

В Республике Узбекистан расходы на сферу образования составляли за последние годы чуть более трети всех расходов государственного бюджета или примерно 8% по отношению к ВВП. По данному показателю республика может смело конкурировать с развитыми странами мира. Однако, подавляющая часть этих расходов относится к расходам на сферу начального общего и среднего специального образования, а расходы на сферу высшего образования не превышали даже 1%, тогда как в развитых странах мира на сферу высшего образования направляются средства в объёме, равном примерно 3% по отношению к ВВП. Охват населения республики в возрасте с 17 до 25 лет высшим образованием не превышает 9%, тогда как в развитых странах значение данного показателя колеблется в пределах 70-80%. Мониторинг качества образования в республике не организован на должном уровне. Так, в силу ряда причин ни один вуз республики до сих пор не представлен в списках 500 самых лучших вузов мира, таких как QS World University Rankings, Times Higher Education (THE) Rankings и ARWU World University Rankings, а система среднего школьного образования республики не участвует в международных программах по оценке образовательных достижений учащихся PISA, TIMSS и PIRLS и не представлена в международных рейтингах качества школьного образования. Проблематично также обстоит дело с интеграцией образования с производством в системе среднего профессионального образования. Поэтому в республике, в первую очередь, крайне необходимо провести ряд институциональных преобразований.

**Направления мер по обеспечению ускоренного накопления человеческого капитала и повышению его качества: рекомендации для Республики Узбекистан.** Исходя из вышеизложенного, в Республике Узбекистан предлагается осуществить ряд комплексных мер в следующих направлениях, в частности:

1) распространить также и на другие вузы практику реорганизации Ташкентского государственного юридического университета в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы и повышению эффективности подготовки кадров в Ташкентском государственном юридическом университете» от 28 апреля 2017 г. № ПП–2932 в целях повышения самостоятельности и конкурентоспособности вузов;

2) создать в каждом городе, население которого превышает 100 тыс. человек, двух университетов – технического и гуманитарного на основе укрупнения узкоспециализированных вузов в целях формирования конкурентной среды среди вузов, обеспечения регионов республики высококвалифицированными кадрами прямо на местах и экономии ресурсов вследствие укрупнения вузов;

3) реализовать комплекс мер по повышению международной конкурентоспособности вузов республики и организации их участия в международных рейтингах, таких как QS World University Rankings, Times Higher Education (THE) Rankings и ARWU World University Rankings;

4) осуществить комплекс мер по повышению международной конкурентоспособности школьного образования республики и организации участия школ в международных рейтингах PISA, проводимых раз в три года в целях мониторинга качества школьного образования;

5) внедрить в профессиональных колледжах республики систему дуального обучения (на основе опыта Германии), т.е. прохождения учащимися практики в форме трудовой деятельности на предприятии (организации) с получением заработной платы (в первой половине недели) и учёбы в колледже (во второй половине недели);

6) увеличить долю финансирования сферы высшего образования в структуре расходов на образование до 2% по отношению к ВВП, предусмотрев при этом расширение возможностей вузов по привлечению внебюджетных средств;

7) увеличить поэтапно охват высшим образованием до 25% в среднесрочной перспективе (до 2022 г.) и до 45% в долгосрочной перспективе (до 2030 г.) в целях обеспечения повышения отдачи человеческого капитала и, тем самым, ускорения экономического роста;

8) усовершенствовать статистическую отчётность по сбору данных в области накопления человеческого капитала, а также методологический инструментарий для прогнозирования экономического роста в целях учёта вклада человеческого капитала в рост экономики.

***Источники и литература:***


*1. Schultz T. W. The Economic Value of Education. – N. Y.: Columbia University Press, 1963.*

*2. Schultz T. W. Investment in Human Capital // The American Economic Review, Vol. 51, No. 1 (1961), pp. 1-17.*

*3. Becker G.S. Investment in Human Capital: A Theoretical Analysis // Journal of Political Economy. 1962. Vol. 70. N 5. pp. 9-49.*

*4. Mincer J. Schooling, Experience, and Earnings. – N. Y.: Columbia University Press, 1974.*

*5. Lucas R.E. On the mechanics of economic development // Journal of Monetary Economics.1988. Vol. 22, pp. 3-42.*

*6. Aghion P. & Howitt P. A model of growth through creative destruction // Econometrica. 1992. Vol. 60, pp. 323–351.*

*7. Azariadis C. & Drazen A. Threshold externalities in economic development // The Quarterly Journal of Economics, May 1990.*

*8. Romer P. Endogenous technological change // Journal of Political Economy. 1990. Vol. 98, pp. 71-102.*

*9. Mankiw N. G. Romer D., & Weil, D. A contribution to the empirics of economic growth // Quarterly Journal of Economics. 1992. Vol. 107, pp. 407–438.*

*10. Levine R. & Renelt D. A Sensitivity Analysis of Cross-Country Growth Regressions // The American Economic Review. 1992. Vol. 82, pp. 942-963.*

*11. Rebelo, S. Long-Run Policy Analysis and Long-Run Growth // Journal of Political Economy. 1991. Vol. 99, pp. 500-21.*

*12. Barro R.J. Government Spending in a Simple Model of Endogenous Growth // Journal of Political Economy. 1990. Vol. 98, pp.103-125.*

*13. Arrow K. J. The Economic Implications of Learning by Doing // The Review of Economic Studies, 1962. Vol. 29, No. 3, pp. 155-173.*

*14. Barro R.J. Economic Growth in a Cross Section of Countries // The Quarterly Journal of Economics, 1991. Vol. 106, pp. 407-443.*

*15. Hanushek E.A. & Woessmann L. The Role of School Improvement in Economic Development // NBER Working Paper, No. 12832. January 2007.*

*16. Lee D.W. & Lee T.H. Human capital and economic growth: tests based on the international evaluation of educational achievement //Economics Letters 47, 1995. 219-225.*

*17. Hanushek E.A. & Kimko D.D. Schooling, Labor-Force Quality, and the Growth of Nations //The American Economic Review, 2000. Vol. 90, pp. 1184-1208.*

*18. Barro R.J. & Lee J.W. International data on educational attainment: updates and implications // Oxford University Press, 2001. Vol. 3, pp. 541-563.*

*19. Vandenbussche J., Aghion P. & Meghir C. Growth, distance to frontier and composition of human capital //Journal of Economic Growth, 2006. Vol 11, pp. 97–127.*

*20. Статистическая служба Европейского союза «Евростат». http://epp.eurostat.ec.europa.eu.*

# АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАРИНИ БАЖАРИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

**Арабов Нурали Уралович**

Доцент, и.ф.н., Самарқанд давлат университети

***Аннотация.*** Ушбу мақолада меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиши учун ҳар томонлама самарали ва истиқболли аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларини тузиш мақсадида унинг ҳар бир бўлими учун кўрсатилиши зарур бўлган давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

***Таянч тушунчалар:*** меҳнат бозори инфратузилмаси, аҳоли, меҳнат ресурслари, ишчи кучига талаб, ишчи кучи таклифи, рақобат, ишсизлик, фаол сиёсат, пассив сиёсат, ишга жойлаштириш.

***Аннотация.*** В данной статье, в целях создания региональных программ обеспечения занятости в полной мере эффективного и перспективного населения для развития инфраструктуры рынка труда, исследованы основные направления деятельности государственной службы занятости, которое необходимо оказать для каждого его отдела.

***Ключевые слова:*** инфраструктура рынок труда, население, трудовые ресурсы, спрос на рабочую силу, предложения рабочей силы, конкуренции, безработица, активная политика, пассивная политика, трудоустройство.

Давлат иш билан бандлик сиёсати мамлакат ривожланиши ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва унинг ривожланиши бўйича иш билан бандлик муаммоларини ечишга йўналтирилган иқтисодиётнинг ўтиш даврига мувофиқ иш билан бандлик сиёсати иш кучини тармоқлар ва иш билан бандлик кўриниши бўйича қайта тақсимлашда ижтимоий жиҳатдан мувофиқ иш билан бандлик даражасини таъминлашга йўналтирилиши зарур.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ” [4]. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда “янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” [5] долзарб масала ҳисобланади.

Давлат иш билан бандлик сиёсати доирасида иш билан бандликка кўмаклашиш икки йўналишда, пассив ва фаол иш билан бандлик сиёсати кўринишларида амалга оширилади.

Иш билан бандликнинг пассив сиёсати давлат иш билан бандлик хизмати орқали ишсизларга нафақалар тўлаш, ишсизларни касбларга қайта ўқитиш ва жамоат ишларини ташкил этиш каби фаолиятларни ўз ичига олади. Иш билан бандлик сиёсатининг бу варианти давлатнинг амалга оширадиган жорий харажатлари нуқтаи-назаридан бир мунча тежамлидир. Бироқ, иш билан бандликнинг пассив сиёсати иқтисодиётнинг юксалиши даврида меҳнат бозорининг юқори эгилувчанлиги ва ишчи кучининг касбий ҳаракатчанлиги, иқтисодиётнинг истиқболли мустақил иш излаш учун бир мунча кенг шарт-шароитлари мавжуд бўлгандагина ўзини оқлаши мумкин. Қолган ҳолатларда пассив сиёсат ишсизлик узоқ муддат давом этишини қисқартириш, иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан бандлигини рағбатлантиришни кучайтириш омили бўлиб ҳисобланади.

Давлат иш билан бандлик сиёсатини анча самарали ва мақбул йўналиши – фаол иш билан бандлик сиёсати бўлиб, ишчи кучига талабни ошириш мақсадида давлат иш билан бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобига иш жойларини яратиш, корхоналарга қўшимча иш жойларини яратиш мақсадида кредитлар бериш йўли билан иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат.

***Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).***

**1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: - «Меҳнат» - 2009. -512 б.**

Ушбу дарсликда меҳнат бозори сифат ху-

сусиятининг энг муҳим мезони уни инфратузилмасининг ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифалари ва функцияларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, меҳнат бозори муносабатлари тизимига махсус органларининг қўшилиши улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳуқуқий нормалар ёрдамида иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъминлаш зарурати асослаб берилган.

2. **Бейсенов С, Мухамбетов Т. Инфраструктура рынка труда // Человек и труд. - 1999.- №1. -С. 25-28.**

Ушбу мақолада меҳнат бозори инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари ёритиб берилган бўлиб, унинг ташкилий таркиблари ва устқурмавий элементлари, вазифалари ва функциялари, даражавий бўлимларининг поғонали тизими ҳамда меҳнат бозори инфратузилмасидаги иш фаолиятини ташкил қилиш асослари илмий жиҳатдан асосланган.

3. **Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. 150-155 б.**

Мазкур ўқув қўлланмада меҳнат бозори инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, уни ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва истиқболлаштириш услубияти ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланган. Шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепцияси ишлаб чиқилган.

4. **Смирнов С. Методы оценки государственной политики занятости // Вопросы статистики. - 1998. -N2 4. - С. 29-34.**

Мазкур мақолада иш билан бандлик давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, давлат иш билан бандлик сиёсатини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичлари, иш билан бандликни таъминлаш ва иш жойларини рағбатлантириш механизми, аҳолини самарали иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тадқиқ этилган.

***Тадқиқот методологияси (Research Methodology).***

Тадқиқот жараёнда меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди ҳамда иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг оптимал усуллардан фойдаланиш зарурати асосланди. Модомики, меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш вазифасини ҳал этишнинг бирдан-бир асосий масаласи бўлиб, ҳам ишсизлар, ҳам иш билан банд бўлган, лекин асосий иш жойини ўзгартиришни хоҳлайдиган меҳнат бозори қатнашчилари ҳисобланади.

Меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиш самарадорлиги унинг таркибий қисмлари самарадорлиги билан аниқланади, уларнинг ҳар бири унинг натижаларига ўз ҳиссасини қўшади. Лекин меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишини умумлашган ҳолда баҳолашни таъминловчи иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари, унинг таркибий қисмларининг қайтимини тавсифлаш, ривожланишининг истиқболли йўналишларини аниқлаш асосида кучли ва кучсиз томонларини ажратиш имконини бермайди. Шунинг учун ишчи кучига талабнинг тақчиллиги шароитида меҳнат бозори ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иш билан бандлик хизмати фуқароларни аниқ ишларга тайёрлаши зарур. Шундай экан, давлат иш билан бандлик хизматининг Дастури меҳнат бозорида фаол иш билан бандлик сиёсати доираларини қамраб олиши зарур. Вилоятлар даражасида бу ҳудудий аҳолини иш билан таъминлаш Дастури сифатида ифодаланади.

***Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)***

Ташкилий жиҳатдан меҳнат бозори ижтимоий институтлар тизими сифатида майдонга чиқар экан, мазкур бозор инфратузилмаси ривожланиши аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шаклланишида муҳим ташкилий тузилмалар мажмуи ҳисобланади. Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишининг асосий мақсадлари меҳнатдан фойдаланиш муаммолари, унинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида “Аҳолини иш билан таъминлаш Дастури”нинг бажарилиши вилоятлар кесими бўйича қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида Бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб мўрожат қилганлар ва ишга жойлаштирилганлар сони динамикаси**

| Ҳудудлар (вилоятлар) номи | Бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар сони, киши ҳисобида | | | Ишга жойлаштирилган-лар сони, киши ҳисобида | | | Мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлашти-рилганлар улуши, % | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2007 й. | 2011 й. | 2015 й. | 2007 й. | 2011 й. | 2015 й. | 2007 й. | 2011 й. | 2015 й. |
| Қорақалпоғ. Республикаси | 40151 | 45115 | 20033 | 36227 | 43333 | 19834 | 90,2 | 96,1 | 99,0 |
| вилоятлар: | | | | | | | | | |
| Андижон | 44852 | 68236 | 31754 | 39451 | 62577 | 30546 | 87,9 | 91,7 | 96,2 |
| Бухоро | 31976 | 44475 | 21173 | 27272 | 40507 | 20559 | 85,2 | 91,1 | 97,1 |
| Жиззах | 27693 | 21457 | 14639 | 23821 | 18170 | 13767 | 86,0 | 84,7 | 94,0 |
| Қашқадарё | 55603 | 56419 | 25435 | 49712 | 50671 | 24441 | 89,4 | 89,8 | 96,1 |
| Навоий | 29940 | 23121 | 12508 | 26220 | 21373 | 11610 | 87,5 | 92,4 | 92,8 |
| Наманган | 50010 | 49655 | 27761 | 41450 | 45103 | 26547 | 82,8 | 90,8 | 95,6 |
| Самарқанд | 53753 | 76350 | 38545 | 48708 | 68360 | 37691 | 90,6 | 89,5 | 97,8 |
| Сирдарё | 18367 | 16210 | 12055 | 15212 | 14407 | 11181 | 82,8 | 88,9 | 92,7 |
| Сурхондарё | 30695 | 42689 | 6737 | 28220 | 38913 | 6092 | 91,9 | 91,2 | 90,4 |
| Тошкент | 37216 | 56743 | 20331 | 33099 | 52943 | 19288 | 88,9 | 93,3 | 94,9 |
| Фарғона | 65777 | 87934 | 41042 | 57332 | 77128 | 40227 | 87,1 | 87,7 | 98,0 |
| Хоразм | 37055 | 36291 | 16064 | 28266 | 31401 | 14139 | 76,2 | 86,5 | 88,0 |
| Тошкент ш. | 34350 | 36746 | 12106 | 31545 | 30805 | 8216 | 91,8 | 83,8 | 67,9 |
| **Республика бўйича** | **557438** | **661441** | **300183** | **486535** | **595691** | **284138** | **87,3** | **90,1** | **94,6** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Республикамизда 2007 йилда жами давлат иш билан банлик хизмати органларига мурожаат қилганлар сони 557438 кишидан иборат бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилга келиб 53,8 %ни ташкил этган. Шунингдек, бу даврларда БКМларга иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлашганлар ҳиссаси 2007 йилда 87,3 %ни, 2015 йилда эса 94,6 %ни ташкил этган (1-жадвал). Бундан кўринадики, БКМлари орқали ишга жойлашганлар ҳиссасининг иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан бу даврлар оралиғида ўсиб бориш тенденцияси кўзатилди .

Бундай ўзгаришлар асосан янги ва қўшимча иш ўринларининг яратилиши ҳисобига амалга оширилган. Бироқ БКМларига иш сўраб мурожаат қилганлар сонининг йиллар мобайнида нисбатан пасайиб боришининг асосий сабаби бўш иш ўринлари ҳақида маълумотларнинг етишмаслиги, мавжуд бўш иш ўринлари нуфуз даражасининг пастлиги каби омиллар ҳисобланади. Шу билан бирга, муайян йилда БКМларга иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлашганлар ҳиссасининг ошиб бориши марказлар фаолияти самарадорлигини ошаётганлигини ифодалайди.

Иш билан бандлик хизмати меҳнат бозорида амалга оширадиган фаол сиёсатнинг навбатдаги муҳим йўналиши ишсизларга вақтинча ва жамоат ишларининг дастурларини ривожлантириш орқали меҳнат бозорига қайтишда ёрдам кўрсатишдир [1, 158-б.]. Мазкур дастурлар ишсизларга махсус касб тайёргарлигисиз ҳамма учун қулай фаолият турларини тақдим этади.

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган ва касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони динамикаси (киши ҳисобида)**

| Ҳудудлар (вилоятлар) номи | Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган кишилар сони | | | | Касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2007 й. | 2011 й. | 2015 й. | 2007-2015 й.й.да ўзгариш, % | 2007 й. | 2011 й. | 2015 й. | 2007-2015 й.й.да ўзгариш, % |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 4461 | 3487 | 1041 | 23,3 | 317 | 980 | 238 | 75,1 |
| вилоятлар: | | | | | | | | |
| Андижон | 1379 | 5010 | 310 | 22,5 | 1288 | 2520 | 230 | 17,9 |
| Бухоро | 1475 | 4246 | 121 | 8,2 | 778 | 1622 | 135 | 17,4 |
| Жиззах | 1208 | 1880 | 497 | 41,1 | 700 | 908 | 373 | 53,3 |
| Қашқадарё | 3324 | 4504 | 486 | 14,6 | 695 | 1261 | 263 | 37,8 |
| Навоий | 790 | 1990 | 165 | 20,9 | 495 | 1007 | 165 | 33,3 |
| Наманган | 3474 | 3600 | 2087 | 60,1 | 501 | 805 | 456 | 91,0 |
| Самарқанд | 1633 | 5596 | 1106 | 67,7 | 555 | 1125 | 582 | 104,9 |
| Сирдарё | 728 | 3293 | 233 | 32,0 | 489 | 1677 | 233 | 47,6 |
| Сурхондарё | 918 | 1297 | 155 | 16,9 | 329 | 730 | 162 | 49,2 |
| Тошкент | 1273 | 4274 | 280 | 22,0 | 1028 | 2181 | 209 | 20,3 |
| Фарғона | 3071 | 6343 | 702 | 22,9 | 1735 | 3000 | 652 | 37,6 |
| Хоразм | 1771 | 2661 | 767 | 43,3 | 934 | 1313 | 876 | 93,8 |
| Тошкент ш. | 2122 | 2716 | 22 | 1,0 | 3832 | 5230 | 2920 | 76,2 |
| **Республика бўйича** | **27627** | **50897** | **7972** | **28,9** | **13676** | **24359** | **7494** | **54,8** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Республикамизда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этганлар сони 2007 йилда 27627 кишини, 2011 йилда 50897 кишини, 2015 йилда эса 7972 кишини ташкил этган ва мос равишда бу кўрсаткич 2007-2011 йилларда 84,2 %га ошган бўлса, 2015 йил 2007 йилга нисбатан 28,9 %гача (7972 киши) камайган. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган кишилар сонининг энг кам кўрсаткичи таҳлил этилаётган даврлар орлиғида Тошкент шаҳри (1,0 %), Бухоро (8,2 %), Қашқадарё (14,6 %), Сурхондарё (16,9 %), Навоий (20,9 %), Тошкент (22,0 %), Андижон (22,5 %), Фарғона (22,9 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган (2-жадвал).

Касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлов меҳнат бозоридаги фаол сиёсатнинг асосий йўналиши ҳисобланади, чунки ҳозирги дунёда ишга эга бўлиш истиқболи тез ўзгаришлар ва таркибий ислоҳотлар билан боғлиқ бўлиб, инсон капиталига қўйилган маблағлар билан юқори сифатли маълумот ва замонавий касб эгаллашга ёрдам беради, булар ишсиз бўлиб қолишдан кафолатлайди [1, 198-б.].

Мамлактимиз БКМлари томонидан касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони 2007 йилда 13676 кишидан иборат бўлиб, бу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 2011 йилда 78,1 %га ошган бўлса, 2015 йилга келиб эса 54,8 %га қисқарган. Бундай тенденцияни вилоятлар кесимида ҳам кўришимиз мумкин: Андижон – 17,9 %, Бухоро – 17,4 %, Тошкент – 20,3 %, Навоий – 33,3 %. Фақатгина Самарқанд вилоятида касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони 2007-2015 йилларда 104,9 %га ошган.

Биз, ҳар томонлама самарали ва истиқболли иш билан бандлик Дастурини тузиш мақсадида унинг ҳар бир бўлими учун кўрсатилиши зарур бўлган давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқдик ва улар

қуйидагилардан иборат [3, 124-б.]:

**I. Аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш ва ишсиз фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.**

1. Фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

2. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

3. Ишсизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

**II. Иш берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш.**

1. Вилоятда иш кучига бўлган талабни таъминлашда иш берувчиларга кўмаклашиш ва ҳудудлараро иш кучини қайта тақсимлаш.

2. Жамоат ишларини ташкил этиш.

3. Ишсизларнинг тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш ва кўмаклашиш.

**III. Иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларни касбий ҳаракатчанлиги (мобиллиги) ва рақобатбордошлигини ошириш.**

1. Фуқароларни касбга ўқитишни ташкил этиш.

2. Иш билан бандлик хизматига мурожаат қилувчиларни касбий йўналишларини аниқлаш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш.

**IV. Давлат иш билан бандлик хизмати ривожланиши.**

Самарқанд вилояти иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятлари бўйича юқорида келтирилган йўналишларининг таҳлилий натижаларига фикримизни қаратсак.

**I.1. «Фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш»** пункти бўйича.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётнинг юксалиш даврида иш билан бандлик хизмати нафақат янги турдаги фаолиятларга ишчи кучини жойлаштириш, балки меҳнат ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш, ишсизларни қайта ўқитишни турли дастурларини ишлаб чиқиш, зарур малакага эга ишчиларни танлаб олиш усуллари ва ишчи кучига талабни ошириш имкониятлари ҳамда шарт-шароитларига эга бўлади. Иқтисодиётнинг таназзули даврида, иш билан бандлик хизмати органлари меҳнат бозорининг канъюуктурасидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларининг ечими тўғрисида мақбул таклифларни бериши мумкин. Меҳнат бозорини таҳлил қилишда иш билан бандликка кўмаклашиш доирасидаги йўналишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, нафақат иш билан бандлик хизматининг самарали фаолиятини баҳолаш, иш билан бандлик сиёсати йўналишларини ишлаб чиқиш, балки иш билан бандлик муаммолари бўйича янги ечимларни таклиф қилиш имкониятлари юзага келади.

Ишга жойлаштиришда **бўш иш ўринлари ярмаркаларининг** ўтказилиши самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Республикамизда 2011 йилда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркалари натижалари бўйича жами 1281 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, бунда 429182 киши иштирок этди. Шундан, ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркалари натижалари бўйича мазкур йилда 47,3 %дан ортиқроқ кишилар иш жойлари билан таъминландилар. Мамлакатимизда 2011-2015 йиллар 1 январ ҳолатига ўтказилган ярмаркалар бўйича таҳлилий натижаларга кўра, ўтказилган ярмакалар сони 2015 йил 2011 йилга нисбатан 149 тага кам бўлган ҳолда, ишга жойлашишга йўлланма берилганлар ҳиссаси ҳам 68,4 %ни ташкил этган.

Бизнинг фикримизча, ишсизларни ишга жойлаштиришнинг яна самарали усулларидан бири булар бир тармоққа тегишли корхоналар ва ташкилотлар маъсул ходимлари билан иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ касбий малака ва мутахассисликга эга бўлган ишсиз фуқаролар ўртасида, давлат иш билан бандлик хизмати воситачилиги асосида ходимларни танлаш бўйича ўтказиладиган **тўғридан-тўғри мулоқотлар усули** ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, юқоридаги ишга жойлаштиришнинг тўғридан-тўғри ўтказиладиган мулоқотлар усули аҳолини иш билан бандлигига кўмаклашишнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.

Бўш иш жойлари бўйича ўтказиладиган ярмаркадан фарқли равишда, ишга жойлаштиришнинг тўғридан-тўғри ўтказиладиган мулоқотлар усули ходимларни танлашда ишчи кучининг бир мунча касбий ҳаракатчан эканлиги ҳамда қисқа босқичда касбий тайёргарликдан ўтиши билан ажралиб туради. Бунда иш берувчиларнинг хоҳиш ва истакларига биноан мулоқат ўтказиш жойи ва вақти белгиланади, номзодларга талаблар олдиндан тушунтирилади, масалан, маълумоти, иш тажрибаси, касбий малакаси, транспорт воситаларига эгалиги ва бошқалар.

Шунингдек, иш билан бандлик хизмати органларига мурожаат қилиб келган фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича бирдан-бир самарали ахборот шакли бўлиб, аҳолига **экспресс-хизматлар** марказларини яратилишидир.

Жойлардаги меҳнат органларининг юқоридаги масалалар бўйича хизматларидан экспресс хизмати марказларининг

фарқи шундаки, иш сўраб мурожаат қилувчи фуқароларга тез хизматлар кўрсатилади, шунингдек фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишлари амалга оширилади. Ишга жойлашиш масалалари бўйича барча асосий ахборотлар очиқ, ҳаммабоп кўргазмали тахталар ёки махсус автоматлашган қурилмалар орқали ҳар бир киши бўш иш ўринлари ҳақида барча ахборотларни кетма-кет махсус автоматлар тугмачаларини босиш натижасида маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, экспресс-хизмат марказларининг ташкил этилиши фуқароларни ишга жойлашиши ва касбий таълим олиши бўйича мустақил иш излашнинг ривожланишига эришилади.

Бизнинг фикримизча, давлат иш билан бандлик хизмати қошида экспресс-хизмат марказларининг яратилиши ташкилий-иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Бундай марказларнинг ташкил этилиши давлат иш билан бандлик хизмати органларининг иш сўраб мурожаат қилувчи фуқаролар билан иш билан бандлик масалалари бўйича мулоқат доираси кенгаяди. Бу эса, фуқароларнинг жойлардаги меҳнат бўлимларига кетма-кет равишда, ишсиз сифатида қайд қилдириш учун ташрифлари камаяди.

**І.2. "Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш"** пункти бўйича давлат иш билан бандлик хизматининг ёшлар ва ногиронлар билан иш билан бандлик доирасида олиб бориладиган ишларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

**І.2.1. Ёшларни иш билан бандлигига кўмаклашиш.** Республикамиз БКМларига мурожаат қилган аҳолининг асосий тоифаси ёш фуқаролар – ўқув билим юртлари битирувчилари (38%-40%) ва иш жойини ўзгартираётганлардир (45%-48%).

Ҳозирги кунда, республикамиз ҳудудларида турли йўналишлардаги ўқув юртларининг иш билан бандлик муаммолари кучаймоқда. Бундай, ҳолат яқин 3-5 йил ичида ҳам сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Давлат иш билан бандлик хизмати органлари у ёки бу мутахассисликлар бўйича меҳнат бозоридаги талабни илмий асослаш мақсадида меҳнат бозори мониторингини ўтказиши зарур. Меҳнат бозори мониторинги ўтказилиши ўқув юртларини битирувчиларни ишсиз бўлиб қолишининг олдини олиш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш имкониятини юзага келтиради. Чунки ўқув юртларини битирувчилар эртага ишсиз бўлиб юрсалар, уларни ўқитиш учун кетган харажатларни молиялаштириш самарасиз бўлиб чиқади.

Шу билан бирга, олий ўқув юртларининг олий маълумотга эга битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи ҳам долзарбдир.

Бизнинг фикримизча, кўп функцияли тизим сифатида талабаларга уларнинг касбий шаклланиши ва меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида олий ўқув юртлари қошида битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича жамғарма ташкил этилиши керак. Бу жамғарманинг битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича фаолияти ҳокимият органлари ва иш билан бандлик хизматлари билан мувофиқликда амалга оширилиши ҳамда давлат иш билан бандлик хизмати органлари амалдаги қонунчилик базаси асосида касбий-таълим хизматларини меҳнат бозорида тартибга солиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Бизнингча, бу тадбирлар қуйидагилардан иборат: касбий таркибнинг йиллик таҳлили, битирувчи ишсизлар сони ва уларни ишга жойлаштириш мониторингини ўтказиш; ёш мутахассислар учун бўш иш ўринлари тузилмаси ҳақида маълумотлар банкини шакллантириш; битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида иш берувчилар билан алоқадорликни ташкил этиш; ҳудудий ҳокимият органлари билан ўқув юртлари раҳбарияти ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ўқув юртлари жамғармалари билан алоқаларини ташкил этиш; олий маълумотли мутахассисларга вилоят иқтисодиёт тармоқларидаги талабни истиқболлаштириш; олий ўқув юртларига қабул қилинаётган талабаларга меҳнат бозоридаги талабни ўрганиш; янги очилган мутахассисликларга хулоса бериш.

**І.2.2. Ногиронларни иш билан бандлигига кўмаклашиш.** Вилоят давлат иш билан бандлик хизмати ва унинг жойлардаги меҳнат бўлимлари томонидан ногиронларни иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилган ва амал қилмоқда.

Республикамизда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун квоталанган иш ўринларига ишга жойлаштириш динамикаси эътиборимизни қаратсак, 2010 йилда 94912 киши ишга жойлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 7,2 % ва 2012 йилда 8,6 %га ошган. Шу билан бирга, бу кўрсаткич 2013-2015 йилларда нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлган. Республикамиз ҳудудларида квоталанган иш ўринларига ишга жойлашганларнинг салмоғи 2010-2015 йилларда 94,6 %га камайган бўлса, 2012-2015 йилларда 87,1

%га қисқарган. Бунинг асосий сабаби БКМларидаги квота иш ўринларининг нуфузли эмаслиги, мустақил равишда ишга жойлашиш ҳиссасининг ортиб боришини ифодалайди.

Ҳозирда вилоятда ногиронларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида, давлат иш билан бандлик хизмати хокимият органлари билан биргаликда, корхона ва ташкилотларга ногиронлар учун қўшимча иш ўринларини яратиш учун рағбатлантирувчи омиллар таъсири остида фаол тадбирларни амалга оширмоқдалар. Буни ногиронлар учун яратилаётган квота иш ўринларини йиллар давомида ўсиш тенденциясини аниқлаш орқали кўзатишимиз мумкин.

**III. “Иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларни касбий ҳаракатчанлиги (мобиллиги) ва рақобатбардошлигини ошириш”, пункти бўйича.**

**III.1. Фуқароларни касбга тайёрлашни ташкил этиш.**

Ҳозирги кунда ишчи кучи шаклида ва юқори малакали кадрларга талабнинг ўсиб бориши ўртасидаги номутаносиблик муҳим муаммолардан биридир. Шунинг учун муаммони ҳал этишнинг долзарб йўналиши бўлиб, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими орқали ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини ошириш ҳисобланади. Маълумки, ишсизлар армияси катта қисмини  давлат томонидан нафақа билан таъминлаш, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни молиялаштиришга нисбатан қимматга тушади. Бундай йўналишдаги фаолият равшанки самаралидир.

Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, ўқув жараёнида замонавий ўқув технологиялари ва усулларини таълим дастурига киритиш ва фойдаланиш, келажакда уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширади.

Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида янги йўналиш бўлиб, иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ мақсадли ўқитиш ва конкрет иш ўринлари бўйича алоҳида касбларга ўқитиш ҳисобланади. Бунда корхоналарга керакли мутахассисларни тайёрлашда касбга ўқитиш хизмати олдида буюртмачи сифатида чиқадилар. Шунингдек, буюртмачи корхоналар ўзларининг ишчи-ходимлари учун ўқув дастурлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш курсларини ўтиш, мақсадли ўқитишни ташкил этиш, малака ошириш мақсадларида буюртмалар беришлари мумкин.

Иш билан бандлик хизматида қайта ўқитиш тизими ривожланишининг   мақсади уч томонлама мувоффақиятли натижаларга эришишни таъминламоғи керак, яъни [3, 130-б]:

– **ишсизлар** учун – меҳнат бозорида малакасини ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш орқали ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаш;

– **иш берувчилар** учун – бир мунча мос келадиган, касбий тайёргарликка эга ишсизлар захирасидан мустақил равишда танлаш имкониятининг кенгайиши;

- **иш билан бандлик хизмати** учун – қайта тайёргарликдан ўтган ишсизлар ва уларни ёлловчи иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини тузиш бўйича мақбул натижаларга эришиш, бўш иш жойларини  малакали кадрлар билан тўлдириш, иш жойига қабул қилинган ишчиларни узоқ муддатга мустаҳкамлигини таъминлаш, ишсизлик даражасининг камайиши, ишсизликни давомийлигининг қисқариши, иш жойларини банд қилиш даражасининг ошишига эришишни таъминлашдан иборат.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, иш билан таъминлашнинг фаол тадбирларига қилинадиган харажатлар натижасида ишсизлар миқдори қисқариши ҳисобига ижтимоий тўловларга қилинадиган харажатларни мутаносиб равишда камайтирди. Шунинг учун ишга жойлаштиришни такомиллаштиришга (ахборот хизматлари, компьютерлаштириш, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарга) сарфланиши ишга жойлаштириш жараёнини жадаллаштириш ва ишсизликни қисқартиришни таъминлайди. Касбга ўқитишга қилинган харажатларни қоплаш шуни кўрсатдики, касбий тайёргарликдан ўтгандан кейин ишга жойлашганлар ҳиссаси касбий тайёргарликсиз ишга жойлашганларга нисбатан 1,9 марта ўсган, мавсумий жамоат ишларига йўналтириш ҳар бир ишсизга қилинадиган харажатларни 3-5% га қисқартиради.

Иш билан бандликнинг фаол тадбирларига қилинадиган харажатлар шуни кўрсатадики, ҳар бир сўм қилинадиган сарфларнинг қайтими 1,1-1,2 сўм самара беради , шундай суммага ишсизларга ижтимоий туловлар учун қилинадиган харажатларни камайишига олиб келади.

**III.2. Иш билан бандлик хизматига мурожаат қилувчиларни касбий йўналишларини аниқлаш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш.**

Аҳолини касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар, имкониятлар ва эхтиёжларни ҳисобга олган ҳолда оптимал иш билан бандлик кўринишларини танлаш ва касбий шакллантиришда давлат ва фуқаролар жамиятлари томонидан ижтимоий кўмак беришга йўналтирилган комплекс махсус чора-

тадбирларни ўзида намоён этади.

Иш билан бандлик хизматининг касбга йўналтириш бўйича янги ва ноанъанавий шакли бўлиб, кадрларни кабга йўналтириш ва қайта тайёрлаш дастури ҳисобланади. Бу дастур касбга йўналтириш бўйича психолог маслаҳатлари ва психологик таъсир кўрсатиш тавсифига эга маърузалар ўтказишни ўз ичига олади.

Айнан касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш янги бозор шароитларига касбий карьерани амалга ошириш учун оптимал шарт-шароитларни яратиш орқали инсоннинг мослашувчанлигини ошириш, меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг индивидуал хусусиятлари билан мувофиқликда фуқароларни ишга жойлаштиришни оптималлаштириш имкониятлари ва ҳаёт йўлининг ҳар қандай босқичида касбий ўз-ўзини аниқлаш жараёнини фаоллаштиришга йўналтирилган. Бунинг натижасида иш билан бандлик хизматининг касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва психологик қўллаб-қувватлаш бўлими мутахассисларини психологик тайёрлашга талаби кучаяди. Улардан психологик имкониятлар, шахснинг ички ресурс имкониятлари, унинг яшрин салоҳияти, касбга кириш ва касбий устунликга эга эканлиги, маслаҳат беришнинг психотехнологик билимлари ва ахлоқ-одоб нормалари ва тамойилларига мувофиқ мижоз билан суҳбат қуриш лаёқати тўғрисида билимларни талаб этади [2].

Узоқ муддатли ишсизлар билан ижтимоий мослашишнинг мазкур дастурини амалга оширишда бош муаммо янгича курслар ва иш изловчилар курсини ташкил этиш бўйича меъёрий базанинг етишмаслиги ҳисобланади. Амалиётда дастурни жорий қилиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, дастур маълумотлари ижтимоий мослашиш ёки таълим олиш эмас, балки касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш дастурлари бўлиб ҳисобланади. Бироқ мавжуд меъёрий жиҳатдан таъминлашда бу ҳисобга олинмаган.

**4. “Давлат иш билан бандлик хизмати ривожланиши” пункти бўйича.**

Бизнингча, қонунчилик тизими билан мувофиқликда иш билан бандлик хизматининг асосий умумий мақсади бўлиб, фуқароларга кўмаклашиш ҳисобланади. Мазкур мақсад иш билан бандлик хизмати фаолиятини кенг миқёсда – мурожаат қилган фуқаролар учун мувофиқ иш қидиришга кўмаклашишдан, иш билан бандлик хизмати жамоасини ижтимоий ривожланиш муаммоларини ечимигача талқин этишни назарда тутади.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни бартараф этиш соҳасида давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг аҳамияти юқори бўлиб, айнан шу ерда ишчи кучига талаб ва таклиф тўқнаш келади. Шунинг учун меҳнат бозори инфратузилмасининг самарали ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

***Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations)***

Бизнингча, вилоят иш билан бандлик хизматини иш билан бандлик соҳасидаги асосий йўналишлари бўйича фаолияти ҳолатининг натижалари шуни кўрсатадики, меҳнат бозорини тартибга солишда фаол иш билан бандлик сиёсати қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилмоғи зарур:

- бозор иқтисодиёти талабаларига мувофиқ ишчи кучи сифатини оширишда иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;
- ишчи кучини касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш;
- ёшларни ишга жойлаштириш учун мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жамоат ишлари ривожланишини ўз ичига олувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож (ногиронлар, болалари бор ёлғиз аёллар, ўспиринлар ва бошқалар) фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;
- иш билан банд бўлмаган аҳолини тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни ўз ичига олувчи самарали иш ўринларини сақлаш ва янги иш жойларини яратиш;
- ишдан бўшатилаётган ишчиларни касбга қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича олдиндан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- бўш иш жойлари сони ва таркиби, касбий таълим кўрслари ва ҳ.к.лар тўғрисида фуқароларга хабар бериш мақсадида аҳолига ахборот хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш;
- меҳнат бозорида мониторинг тадқиқотларини ўтказиш;
- умумий, ўрта махсус, олий таълим тизимини иш берувчилар талабларига йўналтирган ҳолда такомиллаштириш;
- таълим муассасаларида келгусида мутахассисларни тайёрлаш йўналишлари ва ҳажмига тузатишлар киритиш, ўқув юртларида битирувчилар ўртасида ишсизлик хавфхатарини олдини олиш;
- ишлаб чиқаришда корхона (фирма) ичида таълим тизимини ривожланиши;
- меҳнат бозори коньюнктурасидан келиб чиқиб, иш берувчиларга маслаҳат хизматла-

рини ташкил этиш.

- иш билан бандлик соҳасида ижтимоий ҳамкорлик механизмини ривожлантириш.

Шундай экан, фаол иш билан бандлик сиёсати ишчи кучининг сифатли ва динамик таркиби шаклланишини ўз ичига олади, эгилувчан меҳнат бозори шаклланишини рағбатлантиради, қачонки потенциал ишчилар томонидан таклиф иш берувчилар томонидан талабга мувофиқ келса.

Шунинг учун ушбу йўналишда меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни таклиф этамиз:

- касбга йўналтиришга бағишланган давлат статистика ҳисоботлари бўлимларида ҳисобот шакллари ва харажатлар сметасига мувофиқликда касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш статусини мазкур дастурларга киритиш;

- касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш йўналиши мутахассислари учун ушбу дастурни ўтказиш бўйича узвий боғланган фаолият, меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш.

Бизнингча, аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда бу йўналиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: давлат иш билан бандлик хизмати таркибида ходимларни касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш бўлимларини ташкил этиш; касбга йўналтиришни психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича илмий асосланган дастурларни ишлаб чиқиш; бу йўналиш бўйича етук мутахассислар ва психологларни жалб этиш; ишсизларни касбга йўналтириш бўйича психологлар маслаҳатини бериш ва бошқалар.

***Манба ва адабиётлар:***


1. *Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: - «Меҳнат» - 2009. -512 б.*
2. *Дудников С.В. Эффективность активной политики содействия занятости населения мегаполиса. // Дисс. ...д-ра экон. наук. – М.: РГБ, 2006. -С. 195.*
3. *Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. -332 б.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 16 январ, №11 (6705).*
5. *“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 4.1-банд.*
6. *Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2007-2016 йиллардаги статистик тўплам.*

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Акрамова Шахноза Ганишеровна**

Сектор мудири ўринбосари, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази

***Аннотация.*** Мақолада жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг замонавий босқичида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимидаги глобал ўзгаришлар таҳлил қилинган. Корреляцион таҳлил асосида олий таълимнинг инновацион иқтисодиётни шакллантиришдаги ўрни изоҳланди.

***Таянч тушунчалар:*** олий таълим, юқори малакали кадрлар, инновацион иқтисодиёт.

***Аннотация.*** В статье рассмотрены глобальные изменения в системе подготовки высоко квалифицированных кадров на современном этапе социально-экономического развития. На основе корреляционного анализа определена значимость системы высшего образования в инновационном развитии экономики .

***Ключевые слова:*** высшее образование, высококвалифицированные кадры, инновационная экономика.

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар иқтисодий муносабатлар ва жамият тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтаётган бир пайтда тадқиқотчилар бу жараёнларнинг турли жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилишмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, турли адабиётларда «инновацион иқтисодиёт», «билимлар иқтисодиёти», «янги иқтисодиёт», «ахборотлашган иқтисодиёт», «креатив иқтисодиёт», «номоддий иқтисодиёт» каби атамалар, жаҳон ҳамжамияти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичини ифодаловчи атамалар сифатида ишлатилиб келинмоқда. Ушбу атамаларнинг барчаси замонавий ривожланиш босқичининг у ёки бу хусусиятларини ифодалайди, умумлаштирган ҳолда эса, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичига хос бўлган хусусиятлар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

– миллий чегараларнинг барҳам топиши ва глобаллашув жараёнларининг кучайиши, масофа ўз моҳиятини йўқотиши;

– инсоннинг яратувчанлик қобилиятлари, билим ва малакаси иқтисодий тараққиётнинг асосий омилига айланиши;

– иқтисодиётнинг инсонпарварлашиш жараёнининг рўй бериши, яъни инсон иқтисодий ривожланиш учун эмас, балки иқтисодий тараққиёт инсон учун хизмат қилиши;

– ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг фан сиғими ортиб бориши;

– ахборот технологияларининг ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бориши ва уларнинг шиддат билан ривожланиши;

– кўринмас активлар қийматининг моддий активларга қараганда кескин даражада ортиши рўй беради.

Тараққиётнинг замонавий босқичи иқтисодий муносабатларининг асосий объекти хисобланган билимларга хос бўлган хусусият шуки, аграр ёки индустриал иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш омилларидан бўлган табиий бойликлар чекланган бўлса, билимларнинг асоси бўлган инсон қобилияти чексиздир. Яъни билимлар хосил килинишига йуналтирилган амалий фаолият натижаларининг айирбошланиши унинг камайишига эмас, балки ундан ҳам зиёда бўлишига олиб келади.

Таълим барқарор ривожланишни таъминловчи, камбағалликка чек қўювчи, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантирувчи, жиноятчиликни камайтирувчи ва халқларни муваффақият сари етакловчи асосий куч сифатида намоён бўлмоқда. Олий таълим алоҳида бир шахс ва бутун жамиятнинг фаровонлигини ошириши кўплаб назарий ва эмпирик тадқиқотлар асосида исботланган.

Шу сабабли айни даврда билимларнинг иқтисодиётдаги ўрни эътироф этилган ҳолда, билимларни яратиш ва тарқатиш каби асосий вазифани бажарувчи таълим тизими ва хусусан, олий таълим тизимига эндиликда ижтимоий соҳа элементидан кўра купрок иқтисодий соҳанинг таркибий қисми сифатида қаралмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишинг янги босқичига хос иқтисодиётдаги тарки-

бий ўзгаришлар бандликнинг соҳа ва касблар бўйича ўзгаришини тақозо этиб, олий таълимга бўлган талабни оширмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, илгари юқори малакани талаб этмаган мехнат фаолияти хам бугунги кунда олий маълумотли мутахассислар томонидан амалга оширилиши талаб этилмоқда. Прогнозларга қараганда, рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олга ҳолда янги босқичда олий таълимга эҳтиёж ошиб боради (1-расм). Билимларга асосланган жамиятда аҳолининг 60% олий маълумотли бўлиши талаб этилади.




***1-расм. Инсоният жамиятининг олий таълимга бўлган эҳтиёжининг ўзгариш динамикаси [1]***

Миллий иқтисодиётлар ва умуман олганда, жаҳон иқтисодиёти доирасида юз бераётган таркибий ўзгаришлар миллий меҳнат бозорлари ва глобал меҳнат бозорига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бутун дунёда иш билан бандлик динамикасининг бирламчи, иккиламчи сектордан учламчи сектор, яъни хизмат кўрсатиш сектори томон барқарор силжиб бориши кузатилмоқда. Бирламчи ва иккиламчи сектордаги кул меҳнати тобора купрок  ва кенгрок куламларда машиналаштирилган меҳнат жараёнига ўрин бўшатиб бермокда. Шунга ўхшаш тенденцияни шаклланиб бораётган ажборотлашган жамиятларда ҳам кузатиш мумкин. Иш фаолиятининг автоматлаштирилиши натижасида девонхона ишида ва бошқарув фаолияти соҳасида банд бўлган ходимларнинг аксарияти ўз ишишни йўқотмоқда. Мисол учун, ривожланган давлатларда электрон молиявий транзакцияларнинг жорий этилиши банк секторида иш билан бандлар сонининг кескин қисқаришига олиб келди.

Иш билан бандликнинг таркибий ўзгариши билан биргаликда унинг хусусияти ҳам ўзгариб бормоқда. Кўпгина касбларнинг ахборотлашув интенсивлиги ошиб бориб, иш вақтининг аксарият қисмини ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот технологиялари билан ишлашга сарфланиши талаб этилмоқда. Албатта бу хусусият ўзига яраша қулайлик ва устунликларга эга бўлса-да, камчиликлардан ҳам холи эмас. Ахборот технологияларидан иш жараёни давомида кенг фойдаланиш иш вақтининг маълум бир қисмини уйда бажариш имконини беради, лекин бу оилавий ҳаёт ва иш орасидаги чегаранинг йўқолишига олиб келади.

Буюк Британияда меҳнатга лаёқатли аҳоли малакасини прогнозлаштириш натижасида 2022 йилга келиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлган аҳолининг деярли ярми камида бакалавр даражасига эга бўлиши аниқланган. Бу эса қуйи малакали ишчилар меҳнат бозорида мураккаб вазиятнинг юзага келиши окибатда малакасиз ва паст малакали ишчилар орасида ишсизликнинг 20% га етиб, бакалавр ва ундан юқори малакага эга бўлганлар орасидаги ишсизликдан тўрт баробар ортиши прогноз қилинган [2]. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, олий маълумотли кадрларнинг олий маълумот талаб этилмай-

диган касб сохаларида ишлаши ривожланган давлатларда ҳам кўпайиб бормоқда.

Сўнгги йилларда бутун дунёда олий таълим олиш имкониятлари сезиларли даражада ошди. 2000-2014 йиллар орасида бутун дунё бўйича олий таълим билан қамров икки баробарга кўпайди ва 100 млн. кишидан 207 млн. кишига етди (1-жадвал). Бошланғич ва ўрта таълим тизимидан фарқли ўлароқ олий таълим билан қамров кўрсаткичлари давлатлараро ва ҳудудлараро микёсида кескин фарқланиши тенденцияси сақланиб қолмоқда. Аҳолининг олий таълим тизимида иштирок этиш даражаси ўрта таълим тизимидаги миллий сиёсат, қабул меъёрлари, кириш имтихонлари, олий таълимга харажатлар ва молиявий ёрдам, ОТМларнинг ўқув режалари кабилар асосида шаклланади. Дунё бўйлаб 2000-2014 йиллар оралиғида олий таълим билан қамров даражаси (олий таълим олиш ёшидаги (одатда 19-23 ёшдаги) аҳоли гуруҳига нисбатан ҳисобланади) 19% дан 34% га ошди. Ушбу кўрсаткич Марказий ва Жанубий Африка давлатларида ўртача 8% бўлса, Европа ва Шимолий Америка давлатларида 75% атрофида.

**1-жадвал.**

**Олий таълим билан қамров кўрсаткичларининг ўзгариши[3]**

| | **Қамров (минг киши)** | | | **Умумий қамров даражаси (%)** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **2000** | **2014** | **2014 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши, %** | **2000** | **2014** | **2014 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши, %** |
| Дунё | 99516 | 207272 | 208,3 | 19 | 34 | 178,9 |
| | | | | | | |
| Паст даромадли | 1237 | 4460 | 360,5 | 3 | 8 | 266,7 |
| Ўртачадан паст даромадли | 24996 | 58642 | 234,6 | 11 | 22 | 200 |
| Ўртачадан юқори даромадли | 24798 | 78729 | 317,5 | 14 | 41 | 292,9 |
| Юқори даромадли | 48485 | 65441 | 134,9 | 55 | 74 | 134,5 |
| | | | | | | |
| Кавказ ва Марказий Осиё | 1427 | 1956 | 137,1 | 22 | 24 | 109,1 |
| Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё | 24213 | 67351 | 278,2 | 15 | 39 | 260 |
| Европа ва Шимолий Америка | 39940 | 51870 | 129,9 | 56 | 75 | 133,9 |
| Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси | 11318 | 23845 | 210,7 | 22 | 44 | 200 |
| Шимолий Африка ва Ғарбий Осиё | 6854 | 15261 | 222,7 | 20 | 37 | 185 |
| Тинч океани ҳавзаси | 1044 | 1748 | 167,4 | 46 | 62 | 134,8 |
| Жанубий Осиё | 12162 | 38097 | 313,2 | 9 | 23 | 255,6 |
| Марказий ва Жанубий Африка | 2557 | 7145 | 279,4 | 4 | 8 | 200 |

Юқоридаги жадвалдан маълум бўлишича, жаҳон бўйича олий таълим билан қамров даражасининг юқори суръатлар билан ўсиши асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига рўй бермоқда. Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё, Жанубий Осиё, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси, Африка давлатлари ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари бўйича етакчилик қилмоқда. Тинч океани ҳавзаси, Европа ва Шимолий Америка давлатларида кўрсаткичларнинг шундоқ ҳам юқорилигига қарамай, таҳлил қилинаётган давр мобай-

нида сезиларли ўсиш кузатилди. Аҳолининг олий таълим билан қамров даражасининг энг суст ўсиш кўрсаткичлари Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари орасида сақланиб қолган. Фикримизча, бунинг асосий сабаби ушбу гуруҳга кирувчи бир қатор давлатларда олий таълимга қабул меҳнат бозоридаги бугунги даврдаги талабдан келиб чиққан ҳолда белгилашни асос қилиб олишдир.

Ҳозирги даврда дунё бўйлаб талабаларнинг 17,5% хусусий ОТМда таҳсил олмоқда. Аксарият давлатларда хусусий секторнинг ушбу соҳадаги улуши юқори эмас. Бразилия, Чили, Колумбия, Япония, Индонезия, Мексика ва Корея бундан мустасно бўлиб, хусусий ОТМ давлат тасарруфидаги олий таълим тизимининг имконият даражасини оширувчи омил сифатида юзага чиқади. Айни вактда талабаларнинг 80% га яқини хусусий ОТМларда таълим олмоқда.

Олий таълимнинг ижтимоий иқтисодий самарасини тадқиқ этувчи тадқиқотлар олий таълимнинг алоҳида шахс ва бутун жамият фаравонлигини ошириб, иқтисодий ўсиш ва технологик ривожланишга ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган. Ишимизда олий таълимнинг мамлакатда инновацион иқтисодиётни шакллантиришга таъсирини баҳолашга уриниб кўрдик (2-расм). Олий таълим тизимининг самарадорлигини ва потенциалини ифодаловчи кўрсаткич сифатида аҳолининг олий таълим билан қамров даражаси, инновацион иқтисодиётнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи кўрсаткич сифатида эса глобал инновацион индекс танланди.




***2-расм. Олий таълим билан қамров даражаси ва глобал инновацион индекс орасидаги боғлиқлик[4]***

Статистик база сифатида Жаҳон банкининг маълумотларидан фойдаланилди. Иккала кўрсаткич бўйича статистик маълумот дунёнинг 96 та давлатлари бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида олий таълим билан қамров даражаси ва глобал нновацион индекс орасидаги тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланди, корреляция коэффициенти 0,70 ни ташкил этди. Боғлиқлик чизиқли модель асосида қаралганида, олий таълим билан қамров даражасининг бир бирликка ошиши пировардида мамлакат глобал инновацион индекс кўрсаткичининг 0,3 бирликка кўпайишига олиб келишини кўрсатди. Демак, ҳар қандай мамлакатда олий таълим соҳасининг ривожланиши унинг иқтисодиётининг инновацион қобилиятини ошириши яна бир бор ўз тасдиғини топади. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу энг содда миқдорий кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилган ҳисоб китобдир. Олий таълим сифат кўрсаткичларининг ҳисобга олиниши унинг иқтисодий ва ижтимоий самарасини янада ошириши аниқ.

Ахборот технологиялари ривожланаётган пайтда масофадан ўқитиш технологиялари олий таълимни ривожлантириш ва олий таълим билан қамров даражасини ошириш омили сифатида намоён бўлиши мумкин. Дистанцион таълим анъанавий таълимдан фарқли равишда бир қатор устунлик ва камчиликларга эга бўлиб, бугунги кунда олий таълим оммавийлашиб бораётган пайтда долзарблиги ошмоқда. Нисбатан кам харажатлилиги билан турли тоифадаги аҳолининг катта қисмини жалб эта олиш имкониятига эга. ЮНЕСКО илгари сураётган “Бутун ҳаёт давомида таълим олиш” концепцияси доирасида дистанцион таълим хусусан, катта ёшдаги аҳоли учун

меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаб туриш мақсадида ёки фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар, иш жойидан ажралмаган ҳолда таълим олиш истагида бўлган аҳоли тоифаси учун жуда қулай. Ривожланган давлатларда ҳатто, қамоқхонадаги маҳбуслар ҳам ушбу таълим туридан фойдаланган ҳолда ўз малакасини ошириб бориши учун шароитлар яратилган.

Он-лайн режимида таълим олиш бўйича етакчи бўлган давлат шубҳасиз АҚШ. Sloan Consortium ҳисоб-китобларига қараганда, 2011 йилда 6 млн. талаба он-лайн режимидаги ўқув дастурларида иштирок этган. Бу жами талабаларнинг учдан бирини ташкил этган. АҚШ абсолют кўрсаткичларда етакчилик қилиш билан бирга ушбу таълим турини интернет ёрдамида жорий қилиш ва ривожлантириш борасида тақлид қилиш учун модель сифатида хизмат қилади.

Ҳиндистон ўзининг демографик хусусиятларидан ҳамда олий таълимга бўлган талабнинг узлуксиз равишда юқори суръатлар билан ошиб бораётганлигидан келиб чиқиб олий таълимнинг дистанцион туридан жуда кенг фойдаланаётган давлатлар қаторидан жой эгаллайди. Ҳиндистонда олий таълимга жалб этилган умумий талабаларнинг 40% он-лайн режимида таълим олади. Таълимнинг айнан шу тури сўнгги 10 йил давомида мамлакатда олий таълим билан қамров даражасининг 3 баробарга ортишига олиб келган етакчи омиллар қаторидан жой эгаллайди.

Хорижлик талабаларни жалб этиш бўйича етакчи давлатлардан бири бўлган Австралияда жами талабаларнинг 17% масофадан олий таълим олиш шаклидан фойдаланмоқда. 1990 йилда бу кўрсаткич 10% атрофида бўлган[5].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичи олий таълим тизимининг узлуксиз равишда ривожланишини тақозо этмоқда. Мамлакат аҳолисининг муносиб таълим даражасини таъминлаш ва халқаро таълим бозорида рақобатбардошликни сақлаб туриш мақсадида олий таълим муассасалари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълимнинг янги шаклларини жорий этиш замон талабига айланди.

***Манба ва адабиётлар:***

1. *Карпенко М.П. Телеобучение. М.: СГА, 2008. С.53.*
2. *UKCES / The Labor Market Story: Skills for the Future. Briefing paper, 2014. P. 15.*
3. *UNESCO (2016). Global Education Monitoring Report 2016. Education for people and planet: creating sustainable futuries for all. P. 229. http://www.unesco.org/openaccess/*
4. *www.worldbank.org маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб китоблари*
5. *Norton, A., & Cakitaki, B. (2016) Mapping Australian higher education 2016, Grattan Institute. P.26.*

# МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Мансурова Наргиза Шамсидиновна,**
**Абдусаидов Акмал Абдувалиевич**

Мустақил изланувчилар, Самарқанд давлат университети

**Алимов Абдувакил Комил ўғли**

Талаба, Самарқанд давлат университети

***Аннотация.*** Мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳоли иш билан бандлигини оширишнинг билвосита ва бевосита усулларини такомиллаштириш йўллари тадқиқ этилган.

***Таянч тушунчалар:*** меҳнат бозори, ишчи кучи, иш билан бандлик, тартибга солиш, меҳнат бозори коньюнктураси, билвосита усуллар, бевосита усуллар.

***Аннотация.*** В данной статье исследованы прямые и косвенные методы регулирования рынка труда и повышения занятости населения в условиях модернизации экономики.

***Ключевые слова:*** рынок труда, рабочая сила, занятость, регулирование, конъюктура рынка труда, косвенные методы, прямые методы.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳоли бандлигини ошириш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Модернизациялаш босқичида меҳнат муносабатларининг изчиллик билан ислоҳ қилиниши, ишчи кучи таклифи ва талабини шакллантириш, меҳнат бозорини тартибга солиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш илмий аҳамиятга эга. Меҳнат бозори орқали мамлакатдаги ҳудудлар, корхоналар, тадбиркорлик субъектлари, фирмалар, фермер хўжаликларининг иқтисодий ривожланишига асос яратилади. Шунингдек, меҳнат бозори мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб, барча иқтисодий ўзгаришлар унда ўз ифодасини топади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ” [5]. Шунга кўра, республикамизда “янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” [6] муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

***Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)***

**1. С.Бейсенов, Т.Мухамбетовлар "Инфраструктура рынка труда"** мақоласида меҳнат бозори инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари ёритиб берилган бўлиб, унинг ташкилий таркиблари ва устқурмавий элементлари, вазифалари ва функциялари, даражавий бўлимларининг поғонали тизими ҳамда меҳнат бозори инфратузилмасидаги иш фаолиятини ташкил қилиш асослари илмий жиҳатдан асослаб берган.

**2. Ш.Р.Холмўминов ва Н.У.Арабовлар "Меҳнат бозори инфратузилмаси"** ўқув қўлланмасида меҳнат бозори инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиб, уни ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва истиқболлаштириш услубияти ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари аниқлаб берган. Шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепци-

яси ишлаб чиқилган.

**3. С.Смирнов "Методы оценки государственной политики занятости"** номли мақоласида иш билан бандлик давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, давлат иш билан бандлик сиёсатини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичлари, иш билан бандликни таъминлаш ва иш жойларини рағбатлантириш механизми, аҳолини самарали иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тадқиқ этган.

**4. Исроилова Д. "Меҳнат бозорининг шаклланиш тенденциялари"** номли ўқув қўлланмасида меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши, унинг турлари ва шакллари, ишлаш механизми, меҳант бозори моделлари ҳамда ишсизликни камайтириш йўллари ва иш билан бандликни тартибга солиш механизмлари тадқиқ этилган. Шунингдек, мавзуга доир жиҳати бўйича аҳолини иш билан таъминлаш дастури ва иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таснифининг илмий асослари тадқиқ этган.

***Тадқиқот методологияси (Research Methodology).***

Тадкиқот жараёнда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди ҳамда иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг оптимал усуллардан фойдаланиш зарурати асосланди. Модомики, меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш вазифасини ҳал этишнинг бирданбир асосий масаласи бўлиб, ҳам ишсизлар, ҳам иш билан банд бўлган, лекин асосий иш жойини ўзгартиришни хоҳлайдиган меҳнат бозори қатнашчилари ҳисобланади.

Меҳнат бозорини тартибга солувчи асосий субъект давлат бўлганлиги учун у меҳнат бозорини тартибга солишни амалга ошира олмайдиган бошқа субъектларнинг умумий ва ўзига хос функцияларини бажаради. Айнан давлат ҳамма мамлакатларда ишсизлик даражасини кузатади ва тартибга солади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий механизми меҳнат бозорини тартибга солишнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Ушбу механизмни ишлаб чиқиш иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишни иқтисодий механизми меҳнат бозорини турли хил параметрларига давлат таъсирини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий усуллари асосида меҳнат муносабатларининг шаклланиш тизимини ифодалайди. У меҳнат бозори элементлари ва омилларига, уларга таъсир қилувчи турли хил шакллар, усуллар ва воситалар ёрдамида таъсир қилиш йўлларини акс эттиради.

***Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).***

Тартибга солишнинг мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ ҳолда, давлат меҳнат бозорига таъсир қилишнинг қолган усуллари ва воситаларини танлайди. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг йўналишлари бўйича усуллари қўйидагиларга ажратилади: меҳнат бозорига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи (масалан, қонунчилик) ёки унга билвосита таъсир қилувчи (солиқ, бюджет, пул-кредит сиёсати; ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва давлат томонидан нарх шаклланишини тартибга солиш орқали даромадларни тартибга солиш сиёсати).

Билвосита усулларни қўллаган ҳолда меҳнат бозорини тартибга солишда иш билан бандликни тармоқ ва ҳудудий тузилмасини шакллантириш орқали давлат аҳамиятли роль ўйнайди. Молиявий рағбатлар ва давлат капитал қўйилмалари ёрдамида шаклланган, алоҳида қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва ҳудудлар учун нисбатан яхшироқ шароитларни таъминлаши мумкин. Айрим ҳолатларда узоқ чузилган инқироз ҳолатида бўлган ҳудуд ва хўжалик бирликларига ёрдам кўрсатилади; бошқа ҳолатда – ҳудуд ва тармоқ ичида прогрессив силжишларга олиб келувчи, ишлаб чиқариш турлари ва хўжаликнинг янги тармоқларини ривожлантириш маъқулланади. Бу эса уларда иш билан бандликни ўсишини рағбатлантиради. Шу билан бирга тескари мақсадда ишлаб чиқаришни ҳаддан зиёд концентрациясини пасайтириш бўйича ҳам чоралар қабул қилиниши мумкин.

Тартибга солишнинг билвосита чораларига солиқ ва солиққа тортиш, давлат хариди, давлатнинг молиявий, инвестицион, пулкредит сиёсатлари кабилар тегишли. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг билвосита усуллари давлат томонидан тартибга солишнинг воситалари асосида амалга оширилади. Давлат томонидан нархга таъсир кўрсатиш омиллари қуйидагилардан иборат: давлат томонидан товарларни харид қилиш; товарлар заҳирасини шакллантириш; ташқи бозорга ортиқчасини чиқаришни рағбатлантириш; экспортни рағбатлантириш ва кенгайтириш; молия-кредит сиёсати, иш билан бандлик

соҳасидаги сиёсат ва б.

Меҳнат бозори ва иш билан бандлик динамикасига бевосита таъсир этиш усулига асосан иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий омиллар тегишли бўлиб, инвестицион, солиқ ва пул-кредит сиёсати, юридик актлар, бошқа ташкилий чоралар иш билан бандлик соҳасида салбий натижаларини бартараф этиш билан боғлиқ оператив натижаларга эришишини таъминлайди.

Меҳнат бозорини тартибга солишда такомиллашган бошқарув қарорларини амалга ошириш кўпроқ билвосита таъсир қилиш усулига мос келади. Бунда бошқарув органлари меҳнат муносабатлари жараёнига тўғридан-тўғри аралашмайди. Улар фақат мамлакат иқтисодий стратегиясига мос бўлган меҳнат бозори субъектлари хўжалик фаолиятларини эркин танлаш учун шарт-шароит яратади. Ушбу усулларнинг авзалликлари шундаки, улар меҳнат бозори ривожланишида мутаносибликни бузмайди ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш соҳасида рўй бераётган асосий нормаларнинг катализатори ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, ушбу усуллар тизимини иқтисодиётнинг турли соҳаларида турли ижтимоий-демографик аҳоли гуруҳлари меҳнатидан бевосита фойдаланиш, ишчи кучини соҳалар ва тармоқлар бўйича тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, уларни шакллантиришга ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий усулларнинг йиғиндиси сифатида эътироф этиш мумкин.

Ҳудудий меҳнат бозорини тартибга солишнинг муҳим методологик вазифаси бўлиб, мақсадли дастурий ёндашиш ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, меҳнат ресурсларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш муаммолари комплекс муаммо ҳисобланади. Шунингдек, аниқ мақсадларни, вазифаларни, дастурларни ва ташкилий тадбирларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича ечимидан иборат. Мазкур ҳолатда иш ўринларини яратиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, ишсизлик кўламини қисқартириш, таклифни мувофиқлаштириш ҳақида гап бормоқда.

Шундай экан, меҳнат бозорига ёндашув бир вақтда тартибга солиш объекти сифатида ва яхлит тизим сифатида зарур моддий ва молиявий ресурслар билан таъминланган ва вақт ижроси бўйича мувофиқлаштирилган тадбирлар ўртасида ўзаро боғлиқ мақсадга йўналтирилган комплекс мақсадли дастурлардан фойдаланишни назарда тутади. Бундай дастурнинг шаклланиши иккита тизимли тамойилга – дастурий ва мақсадли йўналишларга асосланади.

Комплекс мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш мақсадли муаммолар асосида шаклланади. Бу меҳнат бозорини бошқариш ва тартибга солишнинг энг муҳим масалаларига диққатни жамлашни намоён этади. Ташкилий иқтисодий тадбирлар учун зарур элементлар ўзаро алоқадорлигини назарда тутади. Мақсадли дастурлаш усули тадқиқотидан барча чоралар билан фойдаланиш меҳнат бозорининг турли хил органлари ва кучларини бирлаштириш ва мувофиқлаштиришни уларни истиқболда ҳудудлар бўйича тармоқлар ва корхоналарнинг ресурс имкониятлари билан узвий боғлаш асосида мақсадли комплекс дастурлар мақсади ва тадбирларини ихтисослаштиришни назарда тутади. Бошқача айтганда, мақсадли комплекс дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш, яхлит меҳнат бозори узоқ муддатли ривожланишининг тармоқлараро энг муҳим муаммоларини комплекс ечимини замонавийлигини таъминлаш, ҳудудда иш билан бандлик муаммоларини комплекс ечиш ва узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, мақсадга йўналтирилган истиқболли ҳисоб китобларни кучайтиришга йўналтирилган.

Меҳнат бозоридаги вазиятни тадқиқ қилиш ва башоратлашда бинобарин, меҳнат салоҳияти ва меҳнат ресурсларини бошқаришда стратегия ва тактикани аниқлашда муҳим жиҳат бўлиб аҳоли бандлиги ҳисобланади, чунки бошқариш ва режалаштириш эҳтимолий мазмунга эга ва муайян минтақадаги ишчи кучига талаб ва таклифга, бандлик даражасига, аҳолини ишга жойлаштириш жараёнини ташкил қилишга ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади [1].

Республикамизда меҳнат бозори ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ерда нафақат макро ва микроиқтисодий омиллар, балки шулар билан бирга иш кучи баҳоси иш ҳақига доимо ҳам регуляторлар ҳисобланади.

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда, юртимизда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда. Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, кейинги йиллар мобайнида меҳнат ресурслари 2895 минг кишига кўпайиб, ушбу кўрсаткич мазкур йилларда 10,9 фоизга ошганини кўрсатмоқда. Бундай ҳолат республикамизда демографик вазиятнинг мураккаблигидан далолат беради. Чунки меҳнат бозорида демографик «босим»нинг кучайиши ёшларнинг иш билан таъминлаш муаммосини кучайишига сабаб бўлади.

1-жадвал

**Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши)**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | 2015 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | +,- | фоиз |
| Жами аҳоли сони | 28001,4 | 28453,7 | 30123,3 | 30492,8 | 31567,4 | 3566,0 | 112,7 |
| Шундан: | | | | | | | |
| Шаҳар аҳолиси | 14327,8 | 14618,4 | 15897,4 | 15551,3 | 15964,0 | 1636,2 | 111,4 |
| Қишлоқ аҳолиси | 13673,6 | 13835,3 | 14225,9 | 14941,5 | 15612,4 | 1938,8 | 114,2 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маъ¬лу¬мотлари асосида ҳисобланган.*

Таҳлил этилаётган даврларда Ўзбекистон Респуб¬ликасида аҳоли сони 12,7 %га ошган. Шунингдек, республи¬камизда шаҳар аҳолисини мунтазам кўпайиб бориши кузатил¬моқда, яъни 2015 йилда 15964,0 минг кишига кўпайган (1-жадвал).

Шунингдек, меҳнат ресурслари сони энг юқори ўсиш кўрсаткичига эга бўлиб, 2011-2015 йилларда 1772,9 минг кишига, 110,7 %га ўсган. Республикамизда иш билан бандлар сони эса бу даврлар оралиғида 12,3 %га ошган. Республикамизда ишсизлик даражаси 2015 йилда 5,2 %ни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва иш билан банд аҳоли сони динамикаси, (минг киши)**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | 2011-2015 й.й.да ўсиш (%) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | +,- | фоиз |
| Аҳоли сони | 28001,4 | 28453,7 | 30123,3 | 30492,8 | 31567,4 | 3566,0 | 112,7 |
| Меҳнат ресурслари | 16504,2 | 17309,8 | 17911,7 | 18048,0 | 18277,1 | 1772,9 | 110,7 |
| Иш билан бандлар | 11628,4 | 11919,1 | 12268,2 | 12814,8 | 13058,3 | 1429,9 | 112,3 |
| Ишсизлик даражаси, % | 4,8 | 4,7 | 4,6 | 4,7 | 5,2 | - | - |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Ҳозирги кундаги иш билан бандлик даражаси иқтисодиётнинг турли тармоқларида турличадир. Иқтисодиёт тармоқларини бандлик даражаси етарлича барқарор бўлган соҳаларга: қишлоқ хўжалиги (мавсумийлигини ҳисобга олмаганда), давлат сектори, чакана савдо, молиявий сектор кабиларга ва бандлик даражаси анчагина тебраниб турадиган тармоқларга, масалан, қайта ишлаш саноати, қурилиш, юк транспорти кабиларга ажратиш мумкин (3-жадвал). Бундан ташқари, касблар ва мутахассислар бандлиги нуқтаи назаридан нисбатан барқарор бўлган ва кам барқарор бўлган (малака талаб қилмайдиган меҳнат) тармоқларга ажратиш мумкин. Агар иқтисодий пасайиш туфайли барқарор касблар ёки тармоқлар ишчилари ўртасида ишсизлик ошса вазият оғирлашганлигини билдиради.

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида банд аҳоли таркибини ўзгаришнинг таҳлилий маълумотларига кўра, жами иш билан бандлар 2000 йилда 8983,0 минг кишини ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб, 45,4 %га ошган.

Мустақиллик йилларида саноатнинг замонавий тармоқлари ривожланиши натижасида, унда банд бўлганлар ҳиссаси 2015 йилга

келиб, 45,7 %га ошган. Қишлоқ хўжалигидаги таркибий ислоҳотлар натижасида ҳамда қишлоқ жойларда ноқишлоқ хўжалиги соҳасида бандларнинг мунтазам равишда ўсиб бориши натижасида, тармоқда бандларнинг ҳиссаси (2000-2015 йилларда – 16,7 %) нисбатан паст сураътларда ўсган.

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасида бандларнинг улуши 2000 йилда 45,3 % бўлган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич жами бандларнинг 50 % ни ташкил этган. Хусуан, бундай ўсиш суръатлари савдо, умумий овқатланиш, таминот ва тайёрлов (96,4 %), уй-жой, коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатишда (91,5 %), соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминотда (57,7 %), таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатишда (43,6 %), молия, кредит ва суғуртада (25,4 %) кўзатилган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида банд аҳоли сони, (минг киши)**

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | 2015 йилда 1991 йилга нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2000 | 2005 | 2010 | 2015 | % да | + ; - |
| 1. | **Жами бандлар** | **8983,0** | **10196,3** | **11628,4** | **13058,3** | **145,4** | **4075,3** |
| | Шу жумладан, | | | | | | |
| 2. | Саноат | 1145,0 | 1347,5 | 1539,6 | 1668,2 | 145,7 | 523,2 |
| 3. | Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги | 3093,0 | 2967,4 | 3127,5 | 3610,9 | 116,7 | 517,9 |
| 4. | Транспорт ва алоқа | 382,0 | 488,1 | 603,8 | 710,6 | 186,0 | 328,6 |
| 5. | Қурилиш | 676,0 | 848,5 | 1065,1 | 1248,5 | 184,7 | 572,5 |
| 6. | Савдо, умумий овқатланиш, таминот ва тайёрлов | 754,0 | 903,9 | 1243,2 | 1481,0 | 196,4 | 727,0 |
| 7. | Уй-жой, коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш | 251,0 | 316,4 | 400,5 | 481,5 | 191,8 | 230,5 |
| 8. | Соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот | 587,0 | 735,5 | 894,1 | 925,6 | 157,7 | 338,6 |
| 9. | Таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш | 1146,0 | 1385,1 | 1609,9 | 1645,8 | 143,6 | 499,8 |
| 10. | Молия, кредит ва суғурта | 52,0 | 54,2 | 66,3 | 65,2 | 125,4 | 13,2 |
| 11. | Бошқалар | 897,0 | 1149,7 | 1078,4 | 1221,0 | 136,1 | 324,0 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Аҳолини иш билан таъминлаш унинг такрор ишлаб чиқарилиши учун зарур шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси, жамиятнинг кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарф қиладиган чиқимлари аҳолининг иш билан таъминланишига боғлиқ [3]. Иш билан бандлик инсон ижтимоий камолотининг энг муҳим томонларидан бирини очиб берадики, бу унинг меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоқадордир [2].

Бугунги кунда мамлакатда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагиларни қамраб олади:

- Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатбардош касб-ҳунарларга ўргатиш.

- Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашга эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутади.

- Иш билан бандликка кўмаклашувчи мар-

казлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Меҳнат бозорини тартибга солишнинг бошқа воситаси **давлат томонидан дастурлаш** ҳисобланади. Инқироз, оммавий ишсизлик шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш воситаси сифатида давлат томонидан дастурлаш қўлланилади. Фавқулодда дастурлар оғир (критик) ҳолатларда ишлаб чиқилади ва улар маъмурий тартибга солиш усуллари орқали амалга оширилади. Амалда барча бозор иқтисодиётли давлатларда мақсадли дастурлар амалга оширилади. Дастурларнинг тузилишига, уларни амалга оширилишига ва улар устидан назоратга жавобгар, давлат муассасалари иқтисодий дастурлашнинг субъектлари ҳисобланади. Дастурлар давлат ҳукумати органлари томонидан ишлаб чиқилади, хусусан, Республикамизда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади. Молия вазирлиги ҳам дастурларни молиялаштириш режасини ишлаб чиқади. Дастурларни ишлаб чиқишга касаба уюшмалар вакиллари, тадбиркорлар уюшмаси, марказий банк, савдо-саноат палатаси ҳам кенг даражада жалб қилинади. Миллий даражада аҳоли иш билан бандлигига кўмаклашувчи дастурлар ва молиявий режа ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси, ҳудудий даражада бўлса маҳаллий ҳукумат органлари томонидан тасдиқланади. Давлат томонидан иқтисодий дастурлаш меҳнат бозорини тартибга солишнинг бир қатор муаммоларини ечишда етарлича самарали ҳисобланади. Меҳнат бозорини либерал тартибга солишнинг модели шароитида дастурлаш мақсадли тавсиявий ундовчи характерни ўзида мужассамлаштириши мумкин, шунга қарамай у турли даражадаги иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ечишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Дастурлар керакли йўналишда меҳнат бозорини иқтисодий ривожланишини таъминлайди. Дастурлаш давлатнинг барча усулларини қўллашга ва айрим давлат органларининг тартибга солувчи тадбирларида қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликларга йўл қўймасликка имкон беради. Иқтисодий дастурлар доирасида давлат томонидан молиявий рағбатлантириш айрим ижтимоий гуруҳларнинг рақобатбардошлигига сезиларли ва нотекис таъсир кўрсатадилар, ҳамда манфаатлари камситилганларнинг қаршиликларини келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли давлат томонидан дастурлаш органларига айрим гуруҳларнинг қарама-қарши манфаатларини акс эттирувчи хилма-хил таъсирлар кўрсатилади, ҳамда уларни мафаатларини ҳисобга олиш уларнинг вазифаси ҳисобланади. Шундай қилиб, иш билан бандликка кўмаклашиш давлат дастурларини тузишда меҳнат бозорини тартибга солиш механизмини умумий тартибга солиш тизимининг элементи сифатида қараш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида нархларни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги мақсадларни назарда тутади: бозор иқтисодиёти субъектлари манфаатларини мувофиқлаштириш; мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш; миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш; бирламчи товарларга асоссиз нархи ўсишидан кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш; бозорда эркин рақобатчилик муҳитини яратиш; монопол корхоналар фаолиятига давлатнинг таъсир кўрсатиши; ишлаб чиқариш омилларига нархнинг бирдан ошиши ва товарлар камомади юзага келиши натижасида инфляцион нархларнинг ўсишини чегаралаш; нархлар мутаносиблигини қўллаб-қувватлаш.

Давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга таъсир кўрсатиш чоралари тўғридан-тўғри ёки билвосита бўлиши мумкин. Тўғридан-тўғри чоралар асосида нарх шаклланишининг муайян қоидаларини ўрнатиш тушунилади, билвосита усулларга эса иқтисодий дастаклардан фойдаланиш воситасида нархга таъсир кўрсатиш назарда тутилади [4].

Туғридан-тўғри усулларни иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин: биринчидан, тартибга солинадиган ёки қайд қилинган нархлар, иккинчидан, қонунни бузиш натижасида озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима ундириш (товарлар ҳаракатининг ҳар қандай иштирокчиларига нархлар ўрнатишга тўсиқ, нарх ўрнатиш чеклови, демпинг, инсофсиз нарх рекламаси) асосида қонуний чеклов. Масалан, АҚШда ишлаб чиқарувчилар ва улгуржи савдо қилувчилар ўртасида нархлар келишуви қонуний тақиқланган. Австрияда иқтисодиёт вазири ё ижтимоий аҳамиятга эга товарларга нархларнинг юқори чегарасини ёки нарлар кўламини ўрнатади. Назоратни маҳаллий бошқарув органлари ва ижтимоий ҳамкорлар амалга оширади. Францияда молиявий маъмурият ва корхоналар конфедерацияси ўртасидаги келишув баъзи товарларга нархлар индеки ёки нархларнинг чегарасини аниқлайди.

***Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations)***

Бугунги кунда мамлакатда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагиларни қамраб олади:

- аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатбардош касб-ҳунарларга ўргатиш;

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашга эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутади;

- иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади;

Хулоса қиладиган бўлсак, меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг хуқуқий ва иқтисодий имкониятларини янада кенгайтириш, ишчи кучига бўлган талабни иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солиш лозим. Бандлик масалалари бўйича текширув дастурини миллий ҳисоб тизими доирасида ва халқаро қоидаларга мувофиқ, норасмий сектордаги банд бўлган барча тоифаларни ҳам қамраб олган ҳолда такомиллаштириш зарур ҳамда вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази орқали банд бўлган хизматчи аёл ва эркакларни бандлигининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш керак.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Абдураҳмонов Қ.Х., В.Имомов. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш –Т.: “Академия”, 2008.*

*2. Генкин Б. М. «Экономика и социология труда»; -М.: Норма, 2007. -Кибанов А.Я. и др. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности. Учебник. -М.: ИНФРА-М, 2009.*

*3. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. -332 б.*

*4. Якимова Л.А. Регулирование рынка труда. Теория, методология, практика // дисс. Автореферат на соискание ученной степени д.э.н. –М.: Российский аграрный экономический университет –МСХА. 2007. –С 25.*

*5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 16 январ, №11 (6705).*

*6. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 4.1-банд.*

*7. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2007-2016 йиллардаги статистик тўплам.*

## АҲОЛИНИ ОҚИЛОНА ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Шарифов Шухрат Саидахмадович**

Катта илмий ходим-изланувчи, Самарқанд давлат университети

***Аннотация.*** Ушбу мақолада аҳолини оқилона иш билан бандлигини таъминлашнинг меъзон ва кўрсаткичлари, уларни аниқлаш йўллари ва усуллари, шунингдек бандликни таъминлашда моддий манфаатдорликни оширишнинг таъсири таҳлил этилиб, таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** Ишчи кучи, иш билан бандлик, иш билан бандлик меъзонлари, меҳнат бозори, моддий манфаатдорлик.

***Аннотация.*** В статье изложены критерии и показатели обеспечения рациональной занятости населения, методы определения и оценки, а также проанализировано влияние материального стимулирования к обеспечению занятости и приведены соответствующие предложения и рекомендации.

***Ключевые слова:*** рабочая сила, занятость, критерии занятости, рынок труда, материальная заинтересованность.

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ислоҳатларнинг муҳим йуналишларидан бири аҳолини иш билан бандлигини таъминлашдир. Ушбу стратегик мақсадга эришиш учун ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИда “янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасининг мутаносиблиги ва ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш”; масаласига алоҳида эътибор берилган. Айниқса, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида унинг ижтимоий-иқтисодий имконияти ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, чорвачиликни, боғдорчиликни ривожлантириш, иссиқхоналарни ташкил этиш, тадбиркорлик билан шуғулланишни истаётган шахсларга кенг имкониятлар яратиш каби тадбирлар аҳолини оқилона иш билан бандлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда оқилона бандлик тизимининг самарали фаолиятини шакллантириш бирламчи вазифа ҳисобланади.

***Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили*** шуни кўрсатадики, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даврида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг оқилона, замонавий мезон ва кўрсаткичлари хусусида бир қатор иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий қарашларини билдиришган. Хусусан, А.Б.Наумов [4]. В.Ф.Онищенко[5]. Ш.Р.Холмўминовлар [3]. аҳолини оқилона иш билан бандлигини таъминлашни турлича тавсифлайдилар. Уларнинг нуқтаи- назарига кўра аҳолини оқилона иш билан бандлигини таъминлаш асосан ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқроқ рўёбга чиқади. Бу ҳолда бандлик кўпроқ миқдорий кўрсаткич сифатида намаён бўлади. Аммо, аҳолини оқилона иш билан бандликни “моддий манфаатдорлик”, яъни сифатий кўрсаткич сифатида тўлақонли, оқилона таъминлаш масаласи илмий ва амалий жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаган.

***Тадқиқот методологияси.*** Мазкур муаммони тадқиқ килиш жараёнида статистик ва иқтисодий таҳлил, қиёслаш, гуруҳлаш, танлаб кузатиш ҳамда индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик, тизимли ёндашув, илмий абстракция, мантиқий ёндашув каби услублардан фойдаланилди.

***Таҳлил ва натижалар.*** Бандликда фуқароларнинг манфаатдорлиги уларнинг яшаши, турмуш даражаси ва сифати, ривожланиши ва эртанги куни билан боғлиқдир. Республикамиздаги мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги даврда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосини ташкил этади. Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишда ишчи кучининг манфаатдорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда бандликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатида ушбу масала бирламчи аҳамият касб этиб бормоқда. Аммо мамлакатимиз меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабга нисбатан таклифнинг юқори бўлиши бандлик-

ни таъминлашда манфаатдорлик масаласини иккинчи даражага тушириб қуяди.

Меҳнат бозорида ишчи кучи таклифини юқори бўлиши сабабли давлат ўзининг бандлик сиёсатини қуйидаги бир қатор имтиёз ва кафолатларнинг берилишига сабаб бўлмоқда:

- иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

- ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;

- мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

- ҳаммага касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

- янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

- бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.[6]

Давлат томонидан қўлланиладиган тартибга солувчи механизмларнинг (иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий) ўрни меҳнат бозорида зиддиятларни юмшатиш, ишчи кучига талаб ва таклиф коньюктурасидаги номутаносибликдан ва уларни инқирозий бузилиш оқибатларидан (ялпи ишсизликнинг пайдо бўлиши, ижтимоий хўжаликда ишга жойлашишга имконият йўқлиги, даромадларнинг пасайиши ва бошқалардан) огоҳлантириш орқали белгиланади. Баъзида бозор муносабатларининг ижтимоий оқибатлари натижасида шундай ҳолатлар шаклланадики, унда аҳолининг, жумладан қишлоқ аҳолисининг бир қисми меҳнат қилиш ва даромад олиш ҳуқуқларига эга бўлишида жиддий қийинчиликлар вужудга келади. Оқибатда уларнинг нисбатан турмуш даражаси пасаяди. Иқтисодий тартибга солувчи механизмлар, яъни, солиқлар, меҳнат ҳақи, молия-кредит воситалари, инвестицияларнинг жалб этилиши, иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва бошқалар ишлаб чиқариш жараёнида бандлик масаласида ижтимоий-иқтисодий муҳитни яратишга қаратилган бўлиб, унда қишлоқ ишчи кучининг ҳаракати талаб ва таклифга мувофиқ мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишда содир бўлади. Тартибга солувчи механизмларнинг асосий мақсади меҳнат бозорида нисбий мувозанатликга эришишдан иборат.

Мамлакат меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва ишсизликни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бу – «Аҳолини иш билан таъминлаш» ҳудудий дастурларининг амалга оширилишидир. Мазкур дастур Мамлакатимизнинг барча вилоятлари миқёсида уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиб, унда иқтисодиёт тармоқларида янги иш ўринларини яратиш параметрлари белгиланади. Аммо, фикримизча, мазкур ҳудудий дастурларни амалга оширишда иш ўринларининг таркибий тузилмасига жиддий эътибор берилмайди. Кўп ҳолларда ишчи ўринларини яратишга миқдор кўрсаткичи сифатида урғу берилиб, яратилаётган иш ўринларининг сифатий жиҳатлари бир мунча эътибордан четда қолган. Дастур кўрсаткичларининг бажарилиши бирламчи ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда “оқилона иш билан бандлик” тушунчаси ҳақида турли хил нуқтаи назарлар мавжуд. Рус иқтисодчи олими А.Б.Наумовнинг фикрича, “оқилона иш билан бандлик” тушунчаси самарали тўлиқ иш билан бандлик ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш жойларига талабини бутунлай қаноатлантирганлигини билдиради. Агар аҳолининг ишчи жойларига талаби тўла қаноатлантирилса ва ишчи кучидан энг катта самара билан фойдаланилса, унда аҳоли иш билан бандлиги оқилона бўлади.[4]

Украиналик иқтисодчи олим В.Ф.Онищенко ҳам худди шундай нуқтаи назарни қўллаб – қувватлашни таъкидлаб, “оқилона иш билан бандлик тўлиқ ва самарали иш билан бандликнинг бирлашмасидир” деган фикрни илгари суради. Унинг фикрича, оқилона иш билан бандлик ўз ичига қўйидагиларни олади:

1) аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатга эҳтиёжини тўлиқ қаноатлантириш;

2) ишлаб чиқариш воситалари ва жонли мехнатни самарали мувофиқлаштириш;

3) ижтимоий меҳнат унумдорлигининг энг катта имкондаги даражаси ва унинг самарадорлиги;

4) ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг маълум даражасида аҳолининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини имкони борича тўлиқроқ қаноатлантириш”.[5]

Меҳнат бозорининг замонавий ривожланиши ва ҳудудий хусусиятларидан ке-

либ чиққан ҳолда бу олимларнинг оқилона иш билан бандлик – меҳнатга қобилиятли аҳолининг доимий иш жойларига талабини тўлиқ қондиради, деган фикрларига қўшилиш бир мунча қийин. Бизнинг фикримизча, меҳнат бозори ёппасига бандликни таъминлай олмайди ва рақобат асосида сони ўзгариб турган "доимий" иш жойларининг яратилишини кафолатламайди.

Ш.Р. Холмўминовнинг фикрича, аҳолининг оқилона иш билан бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда йўл қўйилиши мумкин бўлган ишсизликнинг табиий даражаси вужудга келади. Ушбу мувозанат иш берувчилар ва "Меҳнатга қобилияти" кишиларининг иқтисодий манфаатларини энг муқобил даражада амалга оширилишини таъминлайди. Бунда ишчи кучига касб-малакали тайёргарлиги бўйича мос нархлар белгиланади. Худди шулар туфайли, аҳолининг оқилона иш билан бандлиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ишчи кучининг қиймати асосида "меҳнат қилиш қобилиятини бозорда сотиш учун таклиф қилганларнинг турмуш даражаси шаклланиши ҳам таъминланади.

Иқтисодиёт ва инсоннинг эҳтиёжларига тўғри келиши даражасига қараб оқилона, самарали маҳсулдор ва энг мақбул иш билан бандлик даражаларига ажратилади.

Оқилона иш билан бандлик кўп қиррали ижтимоий – иқтисодий тушунчадир. Унинг мазмуни бир неча поғоналарни ўз ичига оладики, уларнинг меҳнат бозоридаги бор – йўқлигига қараб иш билан бандлик оқилона эканлиги ёки оқилона эмаслигини аниқлаш мумкин. Буларга, жамият, ижтимоий гуруҳ ва шахснинг манфаатларини ҳисобга олиш; жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланишни таъминлаш; жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ўзгаришларига ҳозиржавоблик кабилар киради.

Оқилона иш билан бандликни иқтисодий фаол аҳоли умумий сонида маҳсулдор иш билан бандлар улуши тавсифланади. Иш билан бандликнинг оқилона иш билан бандлик каби шакли мавжудлигини барча олимлар ҳам тан олавермайди. Кўпчилик фақат тўлиқ ва самарали иш билан бандликни ажратишга мойил. Ҳолбуки, оқилона иш билан бандликни таснифлаш элементи бўлиши лозим. Бунда бандликни самарали деб қатор йиллар ўтганидан кейин, узоқ истиқболдагина баҳолаш мумкин, меҳнат соҳасида ва иш билан бандлик борасида жараёнларни бошқариш учун эса қисқа ва ўрта муддатли истиқболдаги иш билан бандлик ҳолати баҳоланиши зарур. Оқилона иш билан бандликни самарали иш билан бандликка қарама-қарши қўймаслик керак. Оқилона иш билан бандлик – самарали иш билан бандликнинг шарт-шароити, унга эришишдаги поғонадир. Оқилона иш билан бандликсиз самарали иш билан бандлик ҳам бўлмайди.

Юқорида таклиф этилган тушунча нуқтаи назаридан қараганда, республикамизда аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шаклланишига ҳали тўла эришилгани йўқ. Аммо республика қишлоқ жойларида ишчи кучига талабнинг камайиши ва унинг таклифи ошиши кузатилмоқда. Ноқишлоқ хўжалигида иш жойлари сони етарли эмаслиги ва ишловчиларнинг касбий билими пастлиги республиканинг барча қишлоқ ҳудудларида мавжуд бўлган ишчи кучига ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик ва ишсизликнинг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Техник воситалардан самарасиз фойдаланиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишда илғор усулларни секинлик билан жорий этиш, ишлаб чиқаришда жонли меҳнат меъёрдан юқори даражада сарфланишига ҳамда яширин иш билан бандликни ортишига олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, халқ хўжалигини ҳозирги техник жиҳозланиш даражасида ҳам камроқ сонли ходимлар билан юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши ва ишловчиларнинг касбий билимлари ва иш жойларининг унумли техника билан таъминланишини пастлиги нафақат ишлаб чиқариш корхоналари қувватларидан самарасиз фойдаланишга, балки ички ва ташқи бозорларнинг талабларига тўлиқ мос келмайдиган паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади. Натижада кўпгина ишчи ходимларнинг меҳнати ижтимоий тан олинмайди (амалда меҳнат ҳақи орқали тан олинган бўлса ҳам) ва халқ хўжалиги нуқтаи назаридан уларнинг иш билан бандлиги иқтисодий мазмунга эга бўлмайди. Меҳнат натижаси ижтимоий тан олинган иш билан бандликни оқилона деб ҳисоблаш мумкин.

Буларнинг барчаси иш билан бандликни тартибга солишнинг самарали механизми мавжуд эмаслигини кўрсатиб, аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шакллантиришга салбий таъсир этишига сабаб бўлади. Бандликни таъминлашнинг замонавий механизми қўйидаги асосий шарт-шароитларнинг тартибга солиши лозим: ишчи кучига талабнинг ошиши ва унга таклифнинг камайиши; ёлланма иш кучига меҳнат ҳақини (нархни) энг паст миқдорини аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш; меҳнатга

қобилиятли ўсмирлар, пенсионерлар, кўп болалик аёллар ва ногиронлар иш билан бандлигини оширишни рағбатлантириш; ишсизларнинг малакаси, рақобат қобилияти ва экспортабеллигини ошириш; иш билан бандлик хизмати инфраструктурасининг самарали ривожланишни таъминлаш ва бошқалар.

Аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шаклланишини муҳим шарт-шароитлари, машғулотлар тури, иш ва яшаш жойини эркин танлаш, аҳоли мобиллигининг турли маъмурий чекланишларини (рўйхатга олиш, виза, ишдан асоссиз бўшатишни ман қилиш ва ушлаб қолишлар) бекор қилиш, меҳнат ҳақидаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда ишга жойлашиши кафолатини беришдан иборат бўлади. Мажбурий меҳнат қилишдан воз кечиш ҳар бир шахснинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлаш ёки ишламасликни ҳақиқий танлашни билдиради. Бунда меҳнат қилишнинг ҳуқуқий амалга оширилиши, шубҳасиз ходимларни меҳнат бозорида ёлланишнинг энг яхши шароитлари учун мусобақалашувларини кўзда тутади. Аммо ходимларни расмий озод қилиш етарли эмас. Ёлланма меҳнат учун иқтисодий шароитлар ва ижтимоий кафолат зарур. Улар ичида келажакда энг кам иш ҳақини аҳоли жон бошига кун кечириши учун зарур бўлган энг кам миқдоргача қонун асосида ошириш ва меҳнат даромадларини чеклашни бекор қилиш – асосий ҳисобланади. Ўшандагина ходим иқтисодий фаол бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан оқилона иш билан бандлик ишчи кучидан шундай фойдаланишни акс эттирадики, у ялпи ички маҳсулот ва меҳнат унумдорлигининг ўсишни таъминлайди ва кўп мулкчиликнинг шакллари, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг самарали услубларини қўлланиш сохаларини кенгайишига кўмаклашади.

Меҳнатга қобилиятли аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шакллантиришнинг асосий демографик манбаларидан бири – унинг иқтисодий фаол қисмини кўпайишидан иборат. Аҳолининг иқтисодий фаол қисми ўз ичига мулкчиликнинг турли хил ташкилий – ҳуқуқий ва иқтисодий шаклларига эга корхоналарда иш билан банд бўлган ёлланма ходимларни, мустақил шахслар ва тадбиркорларни, иш қидираётган (шу жумладан ишсиз) меҳнатга қобилиятли, иш билан банд бўлмаган аҳолини қамраб олади. У меҳнатга қобилиятли, иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли қисми яъни, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар, ҳарбий хизматда бўлганлар ва турли сабабларга кўра иш билан банд бўлмаганлар ҳисобига янгиланади ва тўлдирилади. Сўнгги пайтларда оқилона бўлмаган иш билан бандликнинг асосий сабалардан бири – иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги мутаносиблик ҳисобланади.

Шундай қилиб, замонавий бозор муносабатларининг холати ва ишсизлик, унинг барча кўринишларида тан олиниши, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги тенгсизликни камайтириш бўйича масалани ҳал қилишни кўзда тутади. Аммо шундай бўлиши керакки, меҳнат ҳар бир иш жойида иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлсин, яъни аҳолининг иш билан бандлигини оқилона тузилишига эришилсин.

Оқилона иш билан бандликни шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қўйидаги мезонларда ўз аксини топади:

-ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш;

-қишлоқ хўжалиги бўлмаган иш жойларини кўпайтириш;

-иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш;

-меҳнат унумдорлигининг ўсишни таъминлаш;

-қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини кўпайтириш;

-ишсизликни камайтириш ва бошқалар.

Анъанавий иқтисодиётдаги сингари билимлар иқтисодиётида ҳам истеьмол жараёни рўй беради. Билимлар бошқа барча махсулотлар сингари (агар кимларгадир зарур бўлса) қадр-қийматга эга. Бозор маҳсулотлари учун уларни тан олиниши сотиб олишда намоён бўлади. Маҳсулот сифатида билимлар учун, улардан у ёки бу шаклда фойдаланиш жараёнида тан олинишдан иборат. Билимлардан фойдаланиш турлича бўлиши мумкин. Фойдаланишнинг энг оддий, содда усули бу унга мурожаат қилиш (талаб қилиш) актидир. Фойдаланишнинг бир мунча чуқурроқ кўриниши улар билан танишиш, ўқиш, ўрганиш, тадбиқ этиш жараёнидир. Яна ҳам чуқурроқ кўриниши - бу билимларни эслаб қолиш, такрор яратиш қобилияти, бошқаларга узатиш (етказиш) жараёнидир, илгари фойдаланилган билимлар асосида янги билимларни яра-

тишдир. Юқоридаги фикрдан хулоса қилиш мумкинки, билимларни истеьмол қилиш акти (жараёни) мавжуд билимларга талабдан минимал даражада фойдаланиш орқали намоён бўлади. Билимларга қизиқишнинг пайдо бўлиши, бу унга бўлган талабдир. Ушбу таьрифдан хулоса қилиш мумкинки, билимларга қизиқишнинг қанчалик юқори бўлиши билимлар миқдорини (кўрсаткичини) ҳам шунчалик юқори бўлишига сабаб бўлади. Демак, бир турдаги билимнинг истеьмоли, истеьмол қилинган бошқа турдаги билимларга қўшилиб боради, ҳамда билимлар мажмуаси ҳажмини кенгайишига сабаб бўлади.

Билимлар истеьмоли тушунчасини таҳлил қилиш орқали нима учун талаб (қизиқиш) билимлар иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниб олиш мумкин. Буни қуйидаги ҳолатда кўришимиз мумкин. Мисол учун, «Бухгалтерия ҳисоби» ҳақидаги билим асосчиси италиялик олим (XV аср) Луко Пагола деб эьтироф этилади. Ваҳоланки, бу фан ҳақидаги илк билимлар Марказий Осиё мутаффаккири Ибн Сино томонидан илгари сурилган. У давлат даромади ва харажатларини ҳисобини юритиш хақида фикр билдирган. Аммо, Ибн Сино томонидан («Бухгалтерия ҳисоби», яьни икки ёқлама ёзув) яратилган билим жамият иқтисодий ҳаётида ўз ўрнини топмади. Шунинг учун ҳам таклиф билим иқтисодиётида муҳим ахамиятга эга, аммо ҳал қилувчи (белгиловчи) рольни ўйнамайди. Фақат талаб билимларни «яшовчанлигини» белгилайди. Агар, биз ҳозирги даврда инсонлар томонидан қилинган илмий (билим) янгиликлар, ғоялар, кашфиётларни «яшовчанлигини» таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг кўпчилиги «туғилмасидан» йўқ бўлиб кетган. Бу ҳолатни биз дохий инсонларга нисбатан ҳам қўллашимиз мумкин.

Билимлар иқтисодиёти шароитида билимларни қўллаш орқали олинган натижаларни ҳам ҳисоблаш муҳимдир. Чунки, бу жамият томонидан билимларни қўллаш натижасида олинган самара нуқтаи назаридан тўғридир. Агар билимлар ҳеч ким томонидан фойдаланилмаса, у ҳолда унинг қадр-қиймати «нольга» тенг. Агар билимлар қанчалик кўп инсонлар томонидан фойдаланилса унинг «қадр-қиймати» шунчалик юқори бўлади.

Билимлардан «фойдаланиш» тушунчасининг моҳиятини билиш муҳимдир. Бу борада кўплаб илмий фикрлар бўлиб, уларнинг ичида билимлар асосчилари илмий ишларидан «Цитата олиш индекси» кенг тарқалган. Бу ҳолда жамиятнинг билим муаллифига эьтибори кучаяди, агар «янги билимлар» компанияларга тегишли бўлса, у ҳолда уларнинг даромад олиш имкониятлари ошади. «Билимли» шахслар ёки компаниялар билимлар иқтисодиёти бозорида устунликларга эга бўлишади. Билим иқтисодиётида бундай субьектлар миқдорининг қанчалик кўп бўлиши, яратилган маҳсулотлар миқдорини ҳам кўпроқ бўлишига сабаб бўладики, агарда яратилган билимларнинг истеьмолчилари ҳам кўп бўлса.

Билимлар иқтисодиёти ривожланишида яна бир муҳим омил катта таьсир кўрсатади. Бу ғоялар, илмий янгиликлар, кашфиётлар фундаментал тадқиқот натижаларини амалиётда фойдаланиш учун зарур бўлган муҳит, яьни инновацион муҳитдир. Агар инновацион муҳит канчалик яхши бўлса, билимларни амалиётга қўллаш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади[5]. Шунинг учун ҳозирги вақтда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари ўз миллий иқтисодиётида асосий эьтиборини инновацион муҳитни яратишга қаратишмоқда. Чунки, инновацион муҳитнинг ривожланганлик даражаси билимлар иқтисодиётини ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Инновацион муҳитнинг ривожланганлик даражасини миллий иқтисодиёт ва жамиятнинг у ёки бу жиҳатдан ҳолатини ифодалайдиган индекслар ёрдамида ўлчаш мумкин. Бундай индексларга демократиянинг ривожланганлик даражаси, иқтисодий эркинлик, маьмурий тўсиқларнинг йўқлиги, кичик бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароитлар мажмуи, рақобатбардошлик, тижорат ютуқларига жамиятнинг тўғри муносабати, ишлаб чиқарувчи субьектларнинг хуқуқий ҳимояланганлиги, шартномаларнинг бажарилиш механизмлар кабилар киради. Бу индекслар жамиятда билим иқтисодиётини ҳамда жамиятни қанчалик ривожланишини ифодалаб берадиган муҳим ахборотлар мажмуидир[4].

***Хулоса ва таклифлар (Conslusion/ Recommendation).***

Бу борада Ўзбекистон Республикасида давлат даражасида бир қатор ишлар амалга оширилмокда. Хусусан, хўжалик юритувчи субьектларнинг иқтисодий эркинлиги, рақобат муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби тадбирларга давлат даражасида эътибор берилмоқда. Чунки, бу тадбирлар мамлакат миллий иқтисодиётини ривожлантириш билан бир қаторда билимлар иқтисодиётини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мамлакатимизда билимлар иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантиришда, фикримизча, биринчи навбатда йирик корпоратив корхоналар, ташкилотлар, қўшма корхоналар

ўз фаолиятларини тубдан ўзгартиришлари лозим. Бу ўзгаришлар қўйидагилардан иборат: биринчидан, йирик корхоналар таркибий тузилмасида амалий ва фундаментал тадқиқотлар билан шуғулланадиган илмий марказлар, лабораториялар ташкил этиш ва уларга амалиётчи олимлар, мутахассислар жалб этилиши мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, корпорациялар, йирик ишлаб чиқарувчилар фаолияти доирасида кичик ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятларини ташкил этишни йўлга қўйишлари лозим. Бу ҳол бир томондан кичик ишлаб чиқарувчиларни барқарор ривожланишини таьминласа, иккинчи томондан, кичик ишлаб чиқарувчилар қўшимча имкониятларга эга бўлишади. Буларга бино, иншоатлар, ишлаб чиқариш учун буюртмалар кабиларни киритиш мумкин. Ҳозирги вақтда дунёнинг йирик корпорациялари фаолияти доирасида 3000-5000 тагача кичик ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятларини ташкил этишган. Мисол учун, «ТОЙОТА» корпорацияси 5000 га яқин кичик ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган.

Билим иқтисодиёти ҳақида фикр юритганда, унинг асосий ва бош механизми билимлар бозорини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Билимлар бозори - бозор институти сифатида махсус ташкил этилиб, аньанавий бозордан тубдан фарқ қилади ва ўзига хос қўйидаги таркибдан (институтлардан) иборат:

-билимларга мулкдорлик ҳуқуқини таьминловчи институтлар (муаллифлик ва патент бериш ҳуқуқлари, интеллектуал мулкни ҳимояловчи қонунлар ва х.з.);

-бозорнинг ўзи;

-инновацион менежерлар;

-илмий маслаҳат марказлари;

-суд тизими (шартномаларнинг бажарилиши);

-бизнес инкубаторлар, инновацион ҳудудлар, технологик парклар, инновацион кўргазмалар.

Юқорида эътироф этилган институтларнинг барчаси ўзига хос амал қилиш жиҳатларига эга бўлиб, уларни ўзлаштириш махсус тайёргарликни талаб этади. Илмий адабиётларда ушбу институтларнинг амал қилиш хусусиятларига катта эьтибор берилган. Аммо, амалий адабиётларда, уларнинг хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаган.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегияси. www.my.gov.uz электрон сайти.*

*2. Глухов В. В. Экономика знаний (учебник). Изд.: «Питер» 2003.- С. 15-25.*

*3. Пирогов С. В. Управление наукой (социально-экономический аспект).-М.: Мысль, 1983.*

*4. Инновационное развитие: экономика, интелектуальные ресурсы, управление знаниями. Под редакцией Мильнера Б.З.-М.: ИНФРА-М, 2013.-С. 120-125, С. 180-194.*

*5. Букович У., Уильямс Р. Управление знаниями: руководство к действию.-М.: ИНФРА – М, 2002.- С. 55-80.*

# ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ
# ОТРАСЛЕВАЯ ЭКОНОМИКА

## СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НЕФТЕГАЗОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА

**Тарахтиева Гульмира Кульбаевна**

Старший преподаватель, Ташкентский государственный технический университет

***Аннотация.*** Мақола «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси мисолида Ўзбекистон нефтегаз саноатининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва инвестицион ривожланиш нуқтаиназаридан нефтегаз соҳасида ечилаётган масалаларга бағишланган. Инвестицион фаолиятнинг таҳлили асосида тармоқдаги таркибий ўзгаришларнинг босқичлари ва ҳозирги инновацион йўналтирилган ривожланиш босқичида ечилаётган масалалар ёритилган.

***Таянч тушунчалар:*** нефтегаз саноати, инвестиция, инновация, таркибий ўзгаришлар, самарадорлик.

***Аннотация.*** Статья посвящена анализу современного состояния нефтегазовой промышленности Узбекистана на примере Национальной холдинговой компании (НХК) «Узбекнефтегаз» и задачам которые решает нефтегазовая отрасль в контексте инвестиционного развития. На основе анализа инвестиционной деятельности определены этапы структурных преобразований отрасли и задачи, решаемые отраслью на современном инновационном направлении развития.

***Ключевые слова:*** нефтегазовая промышленность, инвестиции, инновации, структурные преобразования, эффективность.

Республика Узбекистан уверенно идет по пути независимого развития. Сегодня в стране уже достигнута макроэкономическая и финансовая стабильность, реализуется программа структурных преобразований, осуществляются модернизация и техническое перевооружение производств, формируются новые отрасли, создаются необходимый фундамент и условия для дальнейшего устойчивого и динамичного роста экономики.

Проводя экономические реформы Узбекистан стремится максимально использовать преимущества международного разделения труда, современные технологии для обновления собственного производства, укрепления и дальнейшего развития отечественной экспортоориентированной и конкурентоспособной промышленности. Для этого создается благоприятный инвестиционный климат. Современная нефтегазовая промышленность Узбекистана – одна из крупнейших отраслей экономики, важнейшая энергетическая база страны. В отрасли создан значительный научно-технический потенциал, достигнуты определенные успехи в ее развитии. Ускоренное развитие топливно-энергетического комплекса является приоритетным направлением политики нашего государства. В начале 90-х годов государством была поставлена задача по достижению топливно - энергетической независимости, которая была достигнута уже к 1995 году.

Национальная холдинговая компания "Узбекнефтегаз" сегодня является крупным многоотраслевым промышленно-хозяйственным комплексом, осуществляет работы по поиску, разведке, добыче, реализации нефти и газа, продуктов их переработки, обеспе-чивает строительство объектов производства и социального развития. За 1991-2016 годы

проделана огромная работа по совершенствованию структуры отрасли, ее техническому оснащению и перевооружению, интенсификации разработки месторождений, наращиванию объемов добычи нефти и газа. Нефтяная и газовая промышленность Узбекистана показала успешные темпы развития по всем производственным и технико-экономическим показателям. В настоящее время Национальная холдинговая компания (НХК) «Узбекнефтегаз» представляет сейчас собой двухуровневую вертикально интегрированную холдинговую систему, включающую в себя предприятия, осуществляющие все стадии производственной цепочки от разведки запасов и добычи углеводородов до реализации природного газа, продуктов его переработки и нефтепродуктов. В Республике Узбекистан открыто более 250 месторождений, в том числе за последние 12 лет – 57. В результате этого прирост запасов за эти годы составил 894,8 млн.т.у.т., в том числе в 2015 году 51,3 млн.т.у.т. Динамика эффективности открытых месторождений (прирост запасов на 1 открытое месторождение) приведена на рисунке 1




***Рисунок 1- Динамика эффективности открытых месторождений[3]***

Объем добычи углеводородного сырья (природного газа, нефти и конденсата) за анализируемые годы составил 894,8 млн.т.у.т., в т.ч в 2015 г. 56,3 млн.т.у.т.




***Рисунок 2- Динамика прироста запасов и добычи углеводородов[3]***

В связи с изменениями объёмов добычи к 2015 году изменилась и её структура. Если в 2004 году на долю природного газа приходилось 88%, а на долю жидких углеводородов – 12% всей добычи, то в 2015 году, соответственно, 92% и 8%.

За 2004-2015 годы нефтеперерабатывающими и газоперерабатывающими заводами НХК «Узбекнефтегаз» переработано более 377,3 млрд.куб.м природного газа и 50,1 млн. тонн жидких углеводородов (нефти и конденсата), из которых произведено 50 млн.т продукции, в том числе в 2015 году 3,4 млн.т нефтепродуктов, сжиженного газа, серы и по-

лиэтилена. Наибольший удельный вес из произведенных нефтепродуктов приходится на бензин – 19,7%, дизтопливо – 21,3%, авиа керосин - 14 % и мазут –11,5%. Из общего объема добычи газа на переработку в 2015 году было направлено только МГПЗ (Мубарекский Газоперерабатывающий Завод) и ШГХК (Шуртанский Газоперерабатывающий Завод) 25,3 млрд.куб.м. и ими было произведено 527,6 тыс.т сжиженного газа, 260 тыс.т серы и 134,2 тыс.т полиэтилена.

***Инвестиционная политика нефтегазовой отрасли.***

Главным фактором ускорения развития отрасли послужило создание благоприятного инвестиционного климата. В развитие отрасли в 2015 году за счет всех источников финансирования было вложено инвестиций в размере 4169,3 млрд. сум, в том числе в основной капитал 3903,4 млрд. сум.

В общем объеме инвестиций вложения в основной капитал составили более 95 %. Почти 94 % было вложено в развитие добывающих предприятий и 5 % - в развитие газотранспортной системы.

В структуре инвестиций в основной капитал, на строительство новых предприятий было направлено в 2015 году более 30 % и на реконструкцию предприятий - почти 18 %, то есть фактически шла последовательная реализация политики, направленной на дальнейшее ускоренное проведение модернизации, технического и технологического перевооружения предприятий с целью обеспечения устойчивых позиций отрасли, как на внешнем, так и внутреннем рынке.

За 12 лет на финансирование инвестиций в основной капитал в целом по отрасли было направлено 19897,1 млрд. сум, в том числе собственных средств предприятий – 14007,1 млрд. сум (70,4 %), иностранных кредитов – 1292,1 (6,5 %), средств бюджета – 39,9 млрд. сум (0,2 %), заемных и прочих средств – 654,6 млрд. сум (3,3 %). Высок приток в отрасль прямых иностранных инвестиций. За 2004 -2015 годы иностранными инвесторами в экономику отрасли вложено 16,6 млрд. долл., в том числе в 2015 году – 2,2 млрд долл. [2]

Этапы структурного преобразования, обеспечивающие эволюционный переход от командно-административных методов к рыночным механизмам функционирования, сопровождались решением следующих трех стратегических задач:

1. Существенное увеличение добычи нефти и газового конденсата в целях достижения энергетической независимости республики. Выполнению этой задачи способствовало ускоренное обустройство и ввод в эксплуатацию ряда крупных и уникальных месторождений, таких как Кокдумалак, Алан, Урга, Южная Тандырча и др.

2. Углубление технологических процессов по переработке нефти и газа с целью доведения качества выпускаемой продукции до уровня мировых стандартов.

Внедрение новой технологии в нефтепереработке позволило сохранить уровень производства светлых нефтепродуктов при уменьшенном объеме перерабатываемого сырья. [2]

Такую же позитивную картину можно проследить в области газопереработки.

3. Наращивание запасов углеводородов путем открытия новых месторождений для обеспечения нефтегазовую отрасль Узбекистана надежной сырьевой базой.

За годы Независимости в стране были реализованы такие значимые проекты, как строительство Бухарского НПЗ с производственной мощностью 2,5 миллиона тонн, реконструкция Ферганского НПЗ, строительство Шуртанского газохимического комплекса по производству 125 тысяч тонн полиэтилена в год. Начал функционировать один из крупнейших проектов в Центральноазиатском регионе - Устюртский газохимический комплекс на базе месторождения Сургиль, реализованного с участием консорциума корейских компаний.

Такой современный комплекс впервые строится на постсоветском пространстве. Проект с технологической точки зрения является одним из самых передовых в мире и предусматривает внедрение газохимических технологий последнего поколения, что обеспечивает извлечение из природного газа до 97% этана, пропана и других ценных компонентов (для сравнения, средний показатель извлечения в странах СНГ в настоящее время составляет 80%). Проект имеет следующие показатели: среднегодовая проектная мощность производства 387 тыс. тонн полиэтилена, 3,8 млрд. м3 товарного газа, 83 тыс. тонн полипропилена.[2]

Международными финансовыми организациями проект строительства Устюртского ГХК признан лучшим проектом 2015 года в нефтехимической промышленности, крупнейшим нефтехимическим проектом на постсоветском пространстве и крупнейшим инвестиционным проектом в Центральной Азии.

Он станет стартовым пунктом для создания в республике промышленности по производству многокомпонентных пластиковых соединений (компаундов), различных видов

пластиковой продукции промышленного и потребительского назначения, а это, как показывает мировой опыт, в основном сфера деятельности малого бизнеса с созданием более тысячи новых промышленных производств, конкурентоспособных как на национальном, так и на экспортном рынках.

Программой развития отрасли на 2015 - 2019 годы предусматривается реализация 51 инвестиционного проекта, что позволит увеличить объем добычи углеводородов на 20 процентов, удвоить объем производства газохимической продукции и продуктов нефтепереработки, а также увеличить объем производства машиностроительной продукции на 60 процентов. Только в 2016 году предусмотрено завершение работ и ввод мощностей по семи проектам НХК «Узбекнефтегаз».[1]

Реализация проектов в нефтегазовой сфере осуществляется с участием ведущих мировых компаний, таких как: «Газпром» и «Лукойл» (Россия), «CNPCInternational» (Китай), «Petronas» (Малайзия), «Korea National Oil Corporation», «Korea Gas Corporation» (Южная Корея), «Petro Vietnam» (Вьетнам), «Sasol» (ЮАР) и др.

***Заключение.***

Сегодняшние прогнозные ресурсы нефти и газа, наличие подготовленных и выявленных перспективных месторождений нефти и газа позволяют успешно вести разведку и добычу во всех нефтегазоносных регионах Узбекистана. Проводимые в нефтегазовой отрасли преобразования и условия и уникальные возможности, созданные для потенциальных инвесторов, получают высокую оценку авторитетных зарубежных органов и специалистов. На современном этапе нефтегазовая отрасль решает следующие задачи:

- увеличение ресурсной базы углеводородного сырья путем проведения широкомасштабных работ по поиску и разведке нефтегазовых месторождений в перспективных нефтегазоносных регионах;
- внедрение в систему добычи нефти и газа современных технологий бурения и капитального ремонта скважин с применением вторичных и третичных методов добычи из длительно эксплуатируемых месторождений;
- ввод в действие ряда открытых нефтегазовых месторождений;
- увеличение производства сжиженного углеводородного газа как аль¬тернативного вида топлива на базе газоперерабатывающих комплексов для дальнейшего газоснабжения республики и экспорта в страны ближнего и дальнего зарубежья;
- реализация программы по обеспечению надежности магистральных газопроводов;
- развитие нефтегазового машиностроения на базе созданного машиностроительного комплекса отрасли;
- создание совместных с иностранными компаниями производств по обустройству и вводу в промышленную эксплуатацию месторождений нефти и газа, глубокой переработке природного газа на основе криогенных процессов для извлечения этана, пропана, бутана и др.;
- реализация программы по развитию в нефтегазовой отрасли энерго- и ресурсосбережения.

Привлечение иностранных ком¬паний к инвестиционной деятельности по геологоразведке позволило узбекским специалистам освоить передовые методики и тех-нологии сейсморазведки в условиях переходной зоны, мелководья, горного рельефа, требующих специальных средств и оборудования. На практике освоены работы с современными цифровыми геофонами для пространственного изучения залежей нефти и газа. В настоящее время проводится модернизация парка бурового оборудования путем приобретения новых буровых установок, что значительно увеличит коммерческую скорость бурения скважин и обеспечит снижение себестоимости работ.

Предусмотрено увеличение объемов и расширение ассортимента производства продукции с высокой добавленной стоимостью в нефтегазохимической промышленности на основе глубокой переработки природного газа и газового конденсата. В целях обеспечения стабильных поставок «голубого топлива» особое внимание уделяется модернизации газотранспортной системы, реконструкции установок переработки газа и сероочистки.

Следовательно, нефтяная и газовая промышленность является одной из важнейших отраслей народного хозяйства страны и способна решать дальнейшие задачи по успешному развитию топливно-энергетического комплекса для обеспечения энергетической безопасности и экономических преобразований в республики Узбекистан.

Перспективы нефтегазоносности недр, накопленный научно-технический потенциал, богатый производственный опыт создают благоприятные предпосылки для дальнейшего развития отрасли. В компании разработана масштабная программа действий по интенсивному развитию нефтегазового комплекса на базе применения в производстве качественно нового оборудования, материалов, самых современных технологий, ускорения темпов обновления и замены устаревшей техники, реализации крупных проектов с за-

рубежными компаниями и для решения комплекса социальных задач. Освоение этой программы позволит Узбекистану значительно укрепить топливно-энергетическую независимость и ускорить его интеграцию в мировую экономику.

***Источники и литература:***


*1. Указ Президента Ислама Каримова «О Программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» от 4 марта 2015 года №УП-4707.*

*2. Ивонина И.Э. Перспективы дальнейшего устойчивого развития нефтегазовой отрасли Узбекистана. Специальный выпуск Узбекского журнала нефти и газа. Май 2016 г. стр.82-86*

*3. Отчетные данные НХК «Узбекнефтегаз» за 2004-2015 годы*

*4. Горфинкель В.Я., Попадюк Т.Г. Инновационный менеджмент. – М. : ЮНИТИ, 2013. – 391 с.*

*5. Янковский К., Мухарь И. Организация инвестиционной и инновационной деятельности. - СПб.: Питер, 2001. - 448 с.*

*6. Heshelow K. Investing in Oil and Gas: the ABC's of DPPs (DirectParticipation Program): The state of Oil & Gas, and why you need to learnabout this now. – Universe. 2008. – 148 p.*

*7. Inkpen A., Moffet M.H. The Global Oil & Gas Industry: Management,Strategy and Finance. – Penn Well Corporation. 2011. – 584 p.*

## КРЕАТИВ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ОРАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Абдуллаева Мадина Камиловна**

Доцент в.в.б., и.ф.н., Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Раджабова Назира Искандаровна**

Ўқитувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мақолада креатив иқтисодиётнинг назарий-услубий асослари, унинг ҳозирги кундаги аҳамияти ва зарурлиги, ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришда инсонларнинг ижодий фаоллигини ошириш, унинг интеллектуал муҳитни шакллантиришдаги роли ифодаланган. Креатив иқтисодиётга хориж мамлакатлари мутахассис олимларининг назарий қарашлари таҳлил қилинган. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда таълим ва фаннинг ривожланиши натижасида креатив секторни шаклланиши ёритиб берилган.

***Таянч тушунчалар:*** креатив иқтисодиёт, креатив сектор, юқори технология, билимларга асосланган иқтисодиёт, янги ғоялар, инновацион ривожланиш, янги кашфиётлар, ижодий имконитлар.

***Аннотация.*** В данной статье рассматриваются научно-методические основы креативной экономики, делается попытка выявления роли активизации творчества в формировании интеллектуальной среды в социально-экономическом развитии страны. Анализированы научные подходы к креативной экономике зарубежных стран, сделаны обобщения и заключения. Так же, в статье рассматриваются, развитие науки и образования в повышении экономического роста и благосостояние населения в формировании креативного сектора.

***Ключевые слова:*** креативная экономика, креативный сектор, высокие технологии, экономика основанная на знание, новые идеи, инновационная развитие, новые открытие, творческие возможности.

Бозор иқтисодиётининг тизимли ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ ижтимоий соҳани ривожлантириш, шунингдек инновацион иқтисодиётни янада такомиллаштиришда таълим ва фан соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозимлиги белгиланган. Бу бежиз эмас, сабаби бозор иқтисодиётини чуқур ва кўламли амалга оширишда бозор механизмларини самарали фаолият юритиши билан бир қаторда, жамиятни глобаллашув жараёнлари кучли тус олган бир вақтда таълим ва фан, ишлаб чиқариш ва фаннинг ўзаро интеграциялашувини кучайтириш инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим ҳисобланади.

Фанлар академияси аъзолари билан ўтказилган учрашув асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: “Бу ўринда, менинг назаримда, иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур: биринчи – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт; иккинчи – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”[1] масалаларини таъкидлаб ўтдилар. Илмий муассасаларни ривожлантириш инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда замонавий фан ва технология тобора рақобатли бозор курашига жалб қилиб борилмоқда. Фундаментал билимлар ва уларнинг якуний маҳсули - илмий-техник маҳсулот – иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитларида давлатларнинг геосиёсий манфаатларини амалга оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши, мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръати, таълим, фан ва маданиятнинг ривожланиши, мудофаа қобилияти бевосита юқори технологияли комплексни таркибий-технологик қайта тузишга боғлиқ. Бу соҳада юқори малакали илмий тадқиқотчи ва муҳандис кадрларнинг потенциалини, ижодий имкониятларни кенгайтириш муҳим ҳисобланади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда замонавий жамият кўп даражада креатив (ижодий) хусусият касб этиб бормоқда. Ушбу мамлакатларда креативлик иқтисодий қадриятларнинг асосий манбасига айланмоқда. Бу хозирги замонда интеллектуал мулк маълум даражада ер, ишчи кучи ва капитал каби асосий иқтисодий ресурсларнинг ўрнини қоплашга хизмат қилаётгани билан изоҳланаши мумкин.

Ҳозирги вақтда креатив ривожланиш босқичидаги давлатлар жумласига АҚШ, Япония ва Жанубий Кореяни киритса бўлади. Креатив босқичга ўтишга ҳаракат қилаётган давлатлар қаторига эса Европа Иттифоқининг етакчи мамлакатларини ва Хитойни киритиш мумкин.

Креатив жамиятнинг ривожланишида асосий рольни янги ғоялар ва инновациялар ташкил қилади. Айнан креатив жамиятда инсоннинг ижодий потенциали энг юқори даражада очиб берилади. Шундан келиб чикиб, “креатив иқтисодиёт” тушунчасига кенгроқ тўхталамиз.

“Креатив иктисодиёт„ тушунчаси ҳозирги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларида кўп учраб туради. Кўпгина олимларнинг фикрича, айнан креатив иқтисодиёт келгусида ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг асосий шаклига айланади. Интеллектуал муҳитнинг шаклланишида ижтимоий–иқтисодий турмушдаги алоқалар, асосан инсонларнинг ижодий қобилиятини очишга, яъни ижодий ғояларни ҳаётга қўллаш имкониятини кенгайтиришга эътиборли булиш катта ахамият касб этади.

“Креатив иқтисодиёт„ илмий атама сифатида 2000 йилда Джон Хокинс томонидан киритилган. Биринчи бор ушбу атама унинг концепциясини билиш билан бирга креатив бизнесни ривожлантиришда ўз аксини топди. Креатив иқтисодиёт бўйича турли хил олимларнинг узига хос қарашлари шаклланган. Жумладан, Д.Самародова креатив иқтисодиёт интеллектуал ва ижодий имкониятлардан интенсив фойдаланиш натижасида янги креатив секторнинг ривожланишга олиб келади, деган ғояни илгари суради[2], Ричард Флорида эса “Креатив иқтисодиёт” атамасини талқин қилганида креатив иқтисодиётнинг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб, креатив индустрияда ишловчи алоҳида касблар, ишчиларнинг иш турлари мавжудлигини кўрсатиб берган[3].

Назарий жиҳатдан биз бу каби ёндашувларни Буюк Британия ва АҚШ иқтисодиётининг креатив секторлари асосида тадқиқ этиб, бир-биридан фарқли жиҳатларини қуйидаги умумлаштириб жадвал туздик (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Креатив иқтисодиётнинг асосий секторлари**

| **АҚШдаги тараққиёт хусусияти** | **Буюк Британиядаги тараққиёт хусусияти** |
|---|---|
| Илмий изланиш марказлари, нашриёт ишлари, программа таъминоти, телевидение ва радио, дизайн, мусиқа, кино, ўйинчоқлар ва ўйинлар, реклама, архитектура, амалий санъат ва ҳунармандлик, видео ўйинлар, мода ва санъат | Реклама, архитектура, ҳунармандчилик, мебеллар дизайни, кийимларни моделлаштириш, кино ва видео, график дизайн, кўнгилочар программа таъминоти (компьютер ўйинлари), жонли ва фонограмма асосидаги мусиқа ёзиш, амалий санъат, телевидение, радио ва интернет, ёзувчилик ва нашриёт ишлари, мусиқа ва тарихий мерос |

*Манба: Жадвал маълумотлари Howkins J. The Creative economy. NY: The penguin press, 2001, p. 116; Department for culture, Media and Sport. Creative Industries Programme. Creative Industries Mapping Document. London, 2001 асосида тузилган.*

Юқорида келтирилган жадвалда Буюк Британия ва АҚШда креатив секторнинг ривожланишидаги фарқли жиҳатлардан асосийлари келтирилган. Куриниб турганидек, Буюк Британиянида креатив иқтисодиёт асосларини шакллантиришга нисбатан ёндашув негизида

алоҳида инсоннинг индивидуал иқтидорни намоён булишига имконият яратиб бериш ва устириш вазифаси биринчи ўринга чиқишини кўришимиз мумкин.

Д.Хокинс АҚШдаги креатив секторни иқтисодиётда 40,0 % фоизни ташкил қилишини таъкидлаган бўлса, Р.Флорида эса 30,0 % фоиздан ошмаслигини қайд этган. Инсонларнинг ижодий имкониятларидан самарали фойдаланиш ушбу иқтисодиёт секторларининг потенциал имкониятини янада ошириши мумкин.

Ҳозирги кунда “Креатив иқтисодиёти„ тушунчасини “Билимларга асосланган иктисодиёт„ тушунчаси билан бир хил мазмунга эга булган термин сифатида талқин қилишади. Бизнинг фикримизча, “креатив иқтисодиёт„ кенгроқ тушунча бўлиб, “Билимларга асосланган иқтисодиёт„ уни фақат маълум йўналишинигина қамраб олади. Креатив иқтисодиётнинг устувор белгиларига бир қатор муаллифлар креатив фикрлаш, креатив лойиҳалашни, энг асосийси, инсонлар ижодий потенциалини жамият тараккиёти йулида тугри, амалий йўналтириш деб қарашган.

Замонавий жаҳон хўжалигида креатив иқтисодиёт ижтимоий–иктисодий ривожланишнинг тўлиқ йўналишларини қамраб олган. Креатив иқтисодиёт ҳозирги кунда инвестицион жозибадорликни таъминловчи мотиватор сифатида майдонга чикиб таълим ва фан соҳасини модернизация қилишга ундайди, шунингдек, ижтимоий соҳанинг махсус йўналишларини ривожлатиришга олиб келади.

Креатив иқтисодиёт ривожланиши билан бир қаторда янгидан–янги иқтисодий ва маданий моделлар юзага келиб, янги шаклдаги креатив ижтимоий–иқтисодий алоқаларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Юқори эҳтиёжларнинг юзага келиши ва уларни қондиришни такомиллашган механизмини излашни тақозо этади. Бундай эҳтиёжларни қондиришнинг турли хил шакллари бор. Бу шакллар ўз навбатида анъанавий ва умумий усулларни куллаб ностандарт креатив технологиялардан фойдаланиш имкониятини беради.

Креатив шахс – ўз фикр ва қарорларини умумлаштирган ҳолда ностандарт фикрлаш қобилиятига эгадир. Креативликни эса–ноанъанавий ғояларни яратувчи, муаммоли вазиятларни тез ва самарали интелектуал жихатдан ечишдир деб карашади[4].

Юқоридаги фикрларга асосан креативликнинг юзага келиш шаклларига қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) янги ғоялар асосида инновацияларни жорий этиш;

2) янги кашфиётларни, яъни аввал мавжуд бўлмаганларини яратиш.

Креативлик асосан инсон потенциалининг ижодий фаоллигида, муаммоли вазиятларни ижодий ҳал этишда намоён бўлади.

Шунинг учун хам биз “Креатив иқтисодиёт„ деганимизда:

1) Иқтисодий фикрлашни янги махсус изланиши бўлиб, янги ижтимоий–иқтисодий алоқаларни ва моделларни амалга оширишга йўналтирилади;

2) Нусха кўчирмаган холда янги, аввал мавжуд бўлмаган шаклларни яратиш;

3) Ностандарт муаммо ва вазиятларни ечишга тайёргарликни тушунамиз.

Креатив иқтисодиёт бирон бир чигал масала (вазифа)нинг ностандарт ечимларни топишни, юзага келган муаммонинг ечимини топиш учун янги йўлларни излашга ундаши боис рақобат курашидаги муваффакият калити ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, креативликни инновациянинг бир йўналиши сифатида олиб қараш мумкин. Инновация - бу янги технологияларда мужассамлашган янги билимлар, ноу-хау, ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияларини қўллаш билан боғлиқ булиб, анча юқори бозор потенциалига эга бўлган, янги хусусиятли вазифаларни бажара оладиган, янги маҳсулотлар яратиш ёки деструктив жараёнларнинг салбий оқибатларини йўкотиш мақсадини ўз олдига қўйган максадли фаолиятдир. Бундан чикди инновацияларга ғоялар, изланишлар, ишланмалар, янги ёки мукаммал илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий қарорлар трансформациясининг натижаси сифатида қараш мумкин.

Инновацияларнинг пайдо бўлишида икки асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Бозор эҳтиёжи, яъни қандайдир товар ёки хизматга бўлган талаб. Бошқача айтганда, бу бозор эҳтиёжларига бериладиган жавоб ёки маркетинг варианти ҳисобланади. Бундай ўзгаришлар таркибига ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга ёки маҳсулотга «товар» кўринишини беришга ёрдам берувчи ўзгаришларни киритиш мумкин.

- «Кашфиётчилик» (интеллектуал фаолият) - бу одамнинг бозорда мавжуд бўлмаган талабни қондиришга йўналтириладиган янги маҳсулотни яратиш борасидаги интеллектуал фаолиятидир. бошқача айтганда, бу - янги бозорни яратиш фаолиятидир.

Мамлакат иқтисодиёти ва хўжалик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсир этишнинг асосий воситаларидан бири - бу давлат иқтисодий сиёсатининг бўгинларидан ҳисобланувчи инновация сиёсатидир. Давлат

инновация сиёсати ёрдамида бевосита ишлаб чиқариш ҳажми суръатларининг ошишига, фан-техника тараққиёти тезлашишига, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишининг ўзгариши, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга таъсир ўтказа олади. Инновация сиёсати деганда давлатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилиш мақсадида мамлакат инновация моҳиятини самарали қўллаш, инновацияларни амалга ошириш учун зарур шароитларни таъминлашга хизмат қилувчи мақсадли фаолияти тушунилади. Давлатнинг инновация сиёсати уч асосий йўналишга ажратилади:

− инновация фаолиятни фаоллаштиришни таъминлаш. У ўз навбатида, қуйидагиларга бўлинади: фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда корхоналар томонидан амалга ошириладиган тижорат инновациялари учун зарур иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;

− таълим, маданият, экология, ижтимоий ҳимоя, мудофаа каби соҳаларда давлат масъулияти талабларига жавоб берувчи инновацияларни яратиш ва тарқатиш борасидаги мақсадли дастурлар бўйича давлат буюртмаларини молиялаштириш;

− алоҳида корхоналар учун манфаатдор, аммо зарур даражада юқори даромад келтирмайдиган ишланмалар ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва танлаб рағбатлаштиришни амалга ошириш.

XXI асрда инсонинг интелектуал салохияти юксак бахоланаётган аср экан, ривожланишнинг асосий омили инсон ресурси ҳисобланар экан, миллий иқтисодиётни иқтисодий ечимларини топишда креатив фикрлаш асосий ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодиётни шакллантиришда илмий-изланиш ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарувчи ташкилотлар фаолиятига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Илмий-изланиш ва тажриба-конструкторлик ишланмаларида ишловчилар таркибига олий ва ўрта махсус таълим даражасига эга бўлган ва бевосита илмий-изланиш ва тажриба-конструкторлик ташкилотларида "Фан ва илмий хизмат" тармоқларида фаолият юритадиганлар киради. Юқоридагилардан ташқари олий таълим тизимида шартнома ёки илмий иш режаси асосида тасдиқланган илмий-изланувчилар штатига кирмаган илмий-педагок кадрлар киради.

Инновацион ривожланишда давлатларнинг глобал инновацион индекс кўрстакичлари ҳам ўзгариб бомоқда.

2016 йилдаги глобал инновацион индекс бўйича қуйидаги келтирилган давлатлар юқори индекс натижаларига эришганлар:

1. Швейцария
2. Швеция
3. Буюк Британия
4. АҚШ
5. Финляндия
6. Сингапур
7. Ирландия
8. Дания
9. Нидерландия
10. Германия
11. Жанубий Корея
12. Люксембург

Шу билан бир қаторда Япония, АҚШ, Буюк Британия ва Германия "инновациялар сифати" кўрсатгичида юқори натижалари билан ажралиб турадилар. Бу индикатор олий таълимнинг ривожланганлик даражаси, илмий мақолалар сони ва халқаро патентлар сони билан аниқланади. Юқоридаги келтирилган Япония, АҚШ, Буюк Британия ва Германия давлатларида олий таълим ва ишлаб чиқариш орасидаги интеграциянинг кучлилигини, уларнинг мақолаларида янги йўналишлар бўйича илмий ғояларнинг устунлигини, патентлар сонининг йилдан йилга ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017−2021 йилда Ўзбекистонни ривожлантириш стартегиясининг ҳаракат дастурида ижтимоий соҳани ривожлантириш, жумладан, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш масалаларига алоҳида йўналиш сифатида эътиборга олинган. Чунки айнан таълим ва фаннинг ўзаро уйғун ривожлантириш орқали инновацион иқтисодиётни самарали амал қилишига эришиш мумкин. Инновацион жараёнлар эса бошқа мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таркибий қисмларини қуйидагича акс эттириш мумкин:

− академик ва тармоқ институтлари, университетлар ва фирмаларнинг илмий-тадқиқот бўлинмалари - улар давлат томонидан молиялаштирилувчи ёки бошқа турда қўллаб-қувватланувчи фундаментал илмий

тадқиқотлар ва изланиш лойиҳалари учун масъул бўлади. Ушбу ташкилотларнинг асосий фаолияти ҳисоботлар, турли ҳужжатлар, ихтиролар, илмий мақолалар шаклида интеллектуал маҳсулот ишлаб чиқаради ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади;

− техник ва саноат-техник ташкилотлар – улар инновацион ноу-хауга эга бўлиб, бошланғич лойиҳалар устида ишлайдилар, синов намуналари яратиш ва уларни синаб кўриш билан шуғулланадилар, техник тавсифлар, патентлар, стан¬дартлар ва регламент тайёрлайдилар. Ушбу тузилмалар намуналар тайёрлаш учун кучли ишлаб чиқариш қувватлари, профессионал ва технологик марказларга эга;

− илмий ва муҳандис-техник ходимлар, шунингдек, инновацион фаолиятнинг жорий муаммоларини ечишда талаб қилинувчи малакали кадрлар учун таълим ва ўқитиш тузилмалари;

− тадқиқот ва лойиҳаларнинг бажарилишини назорат қилувчи ҳамда уларнинг саноат сектори билан ўзаро алоқаларини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар;

− илмий-техник ахборот хизматлари – улар истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланади.

Илмий-технологик инқилоб, ҳақаро рақобатнинг кучайиши принципиал жиҳатдан янги технологияларга асосланувчи янги тармоқларнинг пайдо бўлишига олиб келган бир пайтда замонавий талабларга жавоб бермайдиган, анъанавий ишлаб чиқариш корхоналарининг кўп қисми аста-секинлик билан четга суриб чиқарилади. Ривожланган давлатлар иқтисодий фаолияти назария ва амалиёти шуни кўрсатадики, ривожланишнинг жадаллашувига хўжалик тизимининг мослашувчанлигигина эмас, балки бошқарувни жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган инновацион-технологик ташабусларни излаб топиш ва амалга оширишга йўналтириш ҳам ёрдам кўрсатади.

Муваффақиятга эришиш учун мамлакат корхоналари ҳамкорлар эътиборини жалб қилиш ўзаро рақобатлашиши лозим. Бунинг учун нима сабабдан хорижий фирмалар стратегик иттифоқ ва ҳамкорликка қадам қўйишини аниқ тасаввур этиш лозим. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бунинг бир нечта аниқ ифодаланган сабаблари мавжуд.

Мамлакатимизнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида модернизация жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришнинг замон талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда истеъмолчилар ҳам наф кўради. Бизга маълумки, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали минерал – хомашё комлексидан унумли фойдаланиш, фан – техника тараққиётини жадаллаштириш имкониятларининг ўсиши ва импорт ўрнини босадиган товарларни ишлаб чиқаришни кенгайишига сабаб бўлади.

Келгусида креатив иқтисодиёт шароитида интелектуал ҳаражатларини ҳисобга олиш учун ҳам бутун ижтимоий–иқтисодий тизимни креатив иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар ва ишчиларни профессионал тайёргарлиги ва малакасини оширишга қаратилишни талаб килади. Бу эса ўз навбатида кадрларимизни бир муаммодан бошқасига осонлик билан ўтиш имкониятини, энг асосийси эса, жаҳон хўжалигида миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишга олиб келади.

***Манба ва адабиётлар***

*1. Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб–интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Халқ сўзи 15 январь 2017 й.*

*2. Самародова Д. Креативность: мифы и реальность // Смена. Январь, 2008.С.44-51.*

*3. Флорида Р. Креативный класс, люди которые меняют будущее. М.: «Классика XXI», 2005, с.-61.*

*4. Хокинс Джон. Креативная экономика. Как превратить идеи в деньги. М.: С.45-50.*

*5. Howkins J. The Creative economy. NY: The penguin press, 2001, p. 116.*

*6. Department for culture, Media and Sport. Creative Industries Programme. Creative Industries Mapping Document. London, 2001.*

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БИЛАН ЎСИМЛИК ЁҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Абдиназарова Феруза Умидуллаевна**

Катта илмий ходим изланувчи, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

**Аннотация.** Мақолада хорижий ва мамлакатимиз олимларининг ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил қилиш бўйича олиб борган илмий ишларини шунингдек, ҳозирги амалиётни умумлаштириш асосида пахтачилик ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация принциплари негизида ўзаро иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш йўллари асосланган. Ўсимлик ёғи ишлаб-чиқариш ва сотиш тизимида агрохолдинглар ташкил этиш таклиф этилган.

**Таянч тушунчалар:** ишлаб чиқариш кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари, ўзаро ҳамкорлик, кооперация принциплари, агрохолдинг.

**Аннотация.** В статье на основе обобщения научных работ зарубежных и отечественных ученных по организации производственных коопераций обоснованы пути совершенствования экономических взаимодействий предприятий сельского хозяйства производящие растительные масла, основывающиеся на принципах кооперации. Предложена организация агрохолдингов в системе производства и реализации растительных масел.

**Ключевые слова:** производственного кооператива, промышленные предприятия, взаимовыгодного сотрудничества, сельское хозяйство, принцип сотрудничества, агрохолдинг

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида янги тоифадаги хўжалик юритиш субъектлари, жумладан, фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари шаклланди. Ҳозирги даврда улар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий хўжалик субъектлари хисобланади. Шу билан бир вақтда, уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари билан иқтисодий алоқалари кенгаймоқда.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида[1], “...ҳаётнинг ўзи ва ҳалқнинг талаблари бизнинг олдимизда амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда, айниқса, қишлоқ жойларидаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганиш ва кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш лозим” деб алоҳида таъкидлади. Ушбу мақсадни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ўзаро алоқаларини тубдан яхшилаш, шулар ҳисобидан мамлакатимиз ички бозорларини сифатли ва арзон махсулотлар билан тўйинтириш, жаҳонда етакчи компаниялар маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотларини кўпайтириш орқали дунё бозорларини эгаллаш каби узоқни кўзланган стратегик вазифалар белгиланган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг самарадорлиги нафақат хўжаликларда ички меҳнат тақсимоти принципларига асосланган кооперацияга, балким хом-ашёни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг тармоқлараро кооперацияси ва интеграциясига ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз ҳудудлари миқиёсида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иҳтисослашган фермер хўжаликларини ички хўжалик кооперациясини ривожлантириш бозор рақобати шароитида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг асосий йўли ҳисобланади. Бунинг яна бир афзаллик томони шундаки, кооперацияга киришган томонлар бир-бирини кафолатли буюртма билан таъминлайди, бу уларни молиявий фаолиятини барқарор бўлишини гарови ҳисобланади.

Хорижий давлатлар ҳамда мамлакатимиз олимлари тадқиқотларида кооперацияни, шу жумладан қишлоқ хўжалиги билан саноат коперацияси ва интеграциясини ташкил қилишнинг илмий-назарий ҳамда амалий муаммолари кенг ўрганилган [2-9]. Тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики,

дастлаб қишлоқда ишлаб чиқариш ва истеъмол кооперацияларини ташкил этиш ғоялари, принциплари ва шакллари россиялик олим А. Чаянов томонидан асослаб берилган [2]. А.Чаяновнинг илмий қарашлари ҳамда амалий ҳулосалари кейинчалик кўплаб хорижий давлатларда кенг тадбиқ этилган ва ривожлантирилган. Масалан, Канада давлатини аграр сиёсати ҳам товар ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишлаш, улгуржи, баъзида чакана савдо соҳасида бирлашишларига қаратилган[3]. Ҳозирги пайтда ушбу кооперация корхоналари ҳуқуқий асосга эга бўлиб, товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг умумий тан олинган ҳаётий меъёрларига айланган.

Германияда эса ҳозирги даврда 4,2 мингдан ортиқ мустақил товар ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи ҳуқуқий мақомга эга кооперативлар фаолият кўрсатиб келмоқда[3]. Бундай кооперативлар ўзаро ёрдам, қуллаб-қувватлаш, ўз-ўзини бошқариш, натижа учун жамоа масъулиятини, рақобат қобилиятини сақлаб қолиш кабиларни ўз ичига олган принципларга асосланган. Мамлакатдаги деярли барча фермерлар ва кичик қайта ишловчи корхоналар ушбу тамойилларни тан олган ҳолда бир ёки бир неча кооперативларнинг аъзолари ҳисобланади. Ушбу принциплар негизида турли хорижий мамлакатларда ишлаб чиқариш борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кооператив шакли ва иқтисодиёт тармоқларида кооперацияга бирлашган ҳамкор корхоналарни ташкил этиш кенг қулоч ёйган. Уларнинг фаолият кўламлари тўғрисида, жадвалда келтирилган БМТ маълумотлари ҳам далолат беради[4].

**Жадвал**

**Хорижий мамлакатларда кооператив фаолият билан боғлиқ аҳоли сони**

| Мамлакатлар | Камида битта кооперативнинг аъзоси бўлган аҳоли сони (15 дан 60 ёшгача бўлган аҳоли фоизи) | Кооператив фаолият билан узвий боғлиқ бўлган аҳоли ( барча ёш гуруҳлари аҳолисининг фоизи)*) | Халқ кооператив альянсига аъзолик фоизи |
|---|---|---|---|
| Бозор иқтисодиётига эга ривожланган мамлакатлар | 33 | 62 | 24.4 |
| Ривожланаётган мамлакатлар | 20 | 57 | 63 |
| Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар | 39,3 | 70 | 12 |

*) ривожланган мамлакатларда оила 3 кишидан, ривожланаётган мамлакатларда – 5 кишидан ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда – 3 кишидан иборат бўлиши назарда тутилган.

Ушбу жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар аҳолисининг қариб 40 фоизи ҳеч бўлмаганда битта кооперативнинг аъзоси, 70 фоизи эса кооператив фаолият билан боғлиқ. Бундай ҳолат ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатларнинг кўрсаткичларидан бирмунча юқоридир. Ушбу жадвал рақамлари қишлоқ хўжалигида ўзаро ҳамкорлик кооперацияси, унинг самарали шакли бўлиб қолишидан дарак беради.

Шу билан бир вақтда Россия Федерациясининг аграр секторида ўзаро ҳамкорликнинг вертикал ҳамда горизонтал кооперация шакллари ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин . Вертикал кооперация шакллари маълум бир ихтисосликга эга бўлган агрохолдингларни ташкил этиш билан боғлиқ ҳисобланади. Горизонтал кооперацияни аввалдан фаолият юритиб келган хўжаликларни мақсадга мувофиқ равишда нисбатан кичик хўжаликларга бўлиш орқали улар ихтисослигини чуқурлаштириш ва саноат корхоналари билан хом-ашёни қайта ишлаш ва пираворд тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш негизида ташкил этилади.

Шундай йўллар билан коперацияга бирлашаётган корхоналар рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлади.

Ўзбекистонда кооперация ва интеграция алоқаларини ташкил этиш ва юритиш муаммолари олимларнинг доимий диққат марказида бўлган. Бозор муносабатлари шароитида аграр соҳада ишлаб чиқариш ва унга хизматлар кўрсатувчи корхоналар ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни ташкил этиш Ў.Умурзоқов, Н.Хушматов, Т.Фармонов, Ч.Муродов, Р.Тошматов ва бошқалар тадқиқотларида ўрганилган. Шун-

га қарамасдан қишлоқ хўжалик корхоналари билан шартномалар асосида хом-ашё сотиш ва сотиб олиш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга сотиш жараёнида ўзаро кооперацияга асосланган ҳамкорликни ташкил қилиш ва юритишнинг илмий-услубий муаммолари ҳозиргача атрофлича тадқиқ қилинмаган.

Маълумки, Ўзбекистонда ислоҳатларнинг ҳозирги босқичида саноат кооперацияси ярмаркаларини ўтказиш асосида ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил қилиш ривожланиб бормоқда. Шу орқали саноат ва бошқа тармоқ корхоналари ўртасида узоқ муддатли шартномаларга асосланган ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар мустаҳкамланмоқда. Бунга даромад манбаи ва фойда олишга қаратилган кафолатлар меҳанизми асос яратмоқда. Ушбу ижобий тажрибага таянган ҳолда ҳамда мамлакатимизда амал қилаётган йирик саноат корхоналари билан оила кооперацияси, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш тажрибалари, ушбу йўналишларда аграр соҳада ҳам фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқа шаклдаги қишлоқ хўжалик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ички ва тармоклараро саноат кооперациясини ташкил этиш ва ривожлантириш мумкин. Ушбу йўналишда ёғли дон экинлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги билан ёғли донларни қайта ишловчисаноат корхоналари ўртасида ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича кооперация алоқаларини ташкил этиш йўлларини такомиллаштириш ҳамда уларни бозор муносабатларига мослаштириш ўта долзаб вазифалар қаторига киради.

Статистик маълумотларга кўра, республикада 2015-2016 йилларда 220-230 минг тонна ўсимлик ёғи ва 10-12 минг тонна мол ёғи ишлаб чиқарилади .Аҳолининг умумий истеъмол талаби эса қариб 300 минг тоннани ташкил қилади. Шу туфайли озиқ-овқатга ишлатиладиган ўсимлик ёғининг маълум қисми импорт ҳисобига қопланади.

Шу билан бир вақтда ёғ ишлаб чиқарувчи корхоналар нархи индексини пасайишига қарамасдан, ёғ-мой бозорида уларнинг чакана нархи доимий ўсиб бориш тенденциясига эга. Ёғнинг чакана баҳосини ўсиб боришини пасайтириш ишлаб чиқарувчилар ва уни сотувчилари ўртасида кооперация принципларига мос ўзаро алоқалар тизими бўлиши лозим.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўсимлик донидан ёғ ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ўртасида икки томонлама шартномага асосланган ўзаро иқтисодий алоқалар мавжуд. Ёғли экинлар донини ҳамда пахта чигитини ёғ-мой ишлабчиқарувчи заводлар ҳамда кичик корхоналар фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи ташкилотлардан бирламчи хом-ашё сифатида сотиб олади. Шу тариқа ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш бўйича уч босқичли хом-ашё етиштирувчилар, қайта ишловчи саноат корхоналари ҳамда савдо ташкилотлари ўртасида шартномаларга асосланган ўзаро кооперация босқичлари амал қилади(расм).

Аммо, шартномага асосланган бундай алоқалар бозор муносабатлари талабларига асосланган бўлсада, узоқ муддатли ўзаро манфаатли кооперация принципларига тўлиқ мос келмайди. Бунинг натижасида хом-ашёларнинг ҳажми ҳамда сифати шартномаларда кўзда тутилган талаблар ҳамма вақт ҳам бажарилмайди. Ушбу холатларнинг амалда мавжудлигини Қарши ёғ- экстрация заводининг масқар донини сотиб олиш бўйича фермерлар билантузилган шартномаларнинг таҳлили ҳам тасдиқлайди. Шу билан бир вақтда хом-ашё таннархининг (харажатларининг) ошиб бориши эса, правордида ёғ маҳсулотининг улгуржи ва чакана савдодаги истеъмолбаҳосининг йилдан-йилга баланд бўлишига олиб келмоқда. Албатта ушбу йўналишларда мавжуд камчиликларни йўқотишга, хом-ашё ҳамда ёғ ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад (фойда) олишларига йўл очувчи ўзаро ҳамкорликни ташкилий, ҳуқуқий ҳамда иқтисодий жиҳатдан тартибга солувчи механизмларини жорий этиш зарур.

Улар тадқиқотлар кўрсатишига қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- икки томонламали шартномага хом-ашё ҳажми, сифати ва уни етказиб бериш вақти жавобгарлиги бўйича молиявий санкция қўллаш шартини киритиш;
- ўсимлик ёғи хом-ашёсига қайта ишловчи корхонанинг технологик талабларини етказиб бериш ва уларга тўлиқ риоя қилиш мониторингини олиб бориш;
- ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида иштирок этувчи томонларининг иқтисодий-молиявий манфаатларини ўзида ифода этган кўп томонламалик расмий ҳуқуқий тартибни (низомни) қабул қилиш ва уни амалга киритиш.

Ушбу механизмларни амалиётга киритиш кооперация принципларига асосланган ўзаро ҳамкорликни самарали юритиш, томонлар манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.




***Расм. Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари кооперацияси асосида ёғ-мой ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш босқичлари.***

Юқорида баъён этилган ҳолатлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги билан ўсимлик ёғи хом-ашёсини қайта ишловчи саноат корхоналари ўртасида бозор иқтисодиёти талабларига мос шаклланган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари самарадорлиги нисбатан паст даражада сақланмоқда. Буни ўсимлик ёғларини истеъмол баҳоларининг доимий ўсиб бориш тенденциялари билан изоҳлаш мумкин;

- ўсимлик ёғининг чакана нархини барқарорлаштириш, хом-ашё етиштирувчилар билан ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчилар ҳамда ёғ маҳсулотларини улгуржи ҳамда чакана савдоси билан банд корхоналар ўртасида хорижий тажрибалар негизида ишлаб чиқариш кооперация принципларига ўтиш самарали йўл ҳисобланади;

- кооперация принциплари асосида ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва сотишнинг дастлабки босқичларида кунгабоқар, масхар, кунжут ва шу каби бошқа турдаги ёғ маҳсулотини тайёрлашга ихтисослашган ҳусусий мулкчилик шаклидаги корхоналарни жалб этиш ва кейинчалик улар иштирокида йирик ёғ-экстрация заводлари (акциядорлик жамиятлари) негизида агрохолдинглар ташкил қилиш мумкин бўлади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 - йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий якунлари ва 2017 – йилдамўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган ВМнинг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. http://president.uz/uz/news/5451/?page=0.*

*2. Чаянов А.В. Основные идеи и формы организации сельскохозяйственной кооперации. –М.:Наука,1991.-455с.*

*3. Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация: учебное пособие. -3-е изд.-М.: Издательско-торговая корпорация, «Дашков и К», 2005. С.273, 285-287.*

*4. Тошматов Р.Х. Фермер хўжаликлари кооперацияси ва бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқариш. И.ф.н. илмий даражаси диссертацияси автореферати, ТДИУ, 2010. -26б.*

*5. Умурзоқов Ў.П. ва бошқ. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. –Т: Молия-иқтисод, 2008. -273б.*

*6. Хушматов Н.С. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш.: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисертация автореферати. - Т.: 1994. -22б.*

*7. Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалигини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертиция автореферати. – Т.: 2006. – 50б.*

*8. Беркинов Б.Б. Қишлоқ консалтинг хизматлар бозорининг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш масалалари: Тўплам. –Т.: Меҳнат,2002. -157-161 б.*

*9. Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида).: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: 2001. - 47б.*

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАШИНАСОЗЛИК ТАРМОҒИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Усмонов Бахтиёржон Хусанбоевич**

Мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мақолада Республика миллий иқтисодиётини ривожлантиришда машинасозлик тармоғининг тутган ўрни, жумладан, тармоқнинг ЯИМдаги, экспортнинг товар тузилмаси ва саноатнинг бандлик тузилмасидаги ҳамда саноатнинг тармоқ тузилмасидаги машинасозликнинг улуши ва тармоқнинг ўсиш суръатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада тармоқни инвестициялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** саноатнинг тармоқ тузилиши, инвестициялаш, экспортнинг товар тузилмаси, саноатнинг бандлик тузилмаси, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.

**Аннотация.** В статье проанализирована роль машиностроительной отрасли в развитии национальной экономики, в том числе доля машиностроения в ВВП, товарная структура экспорта и доля машиностроения в отраслевой структуре промышленности и показаны темпы роста машиностроения. Также в статье освещены проблемы и особенности инвестирования в машиностроительную отрасль.

**Ключевые слова:** структура отраслевой сети, инвестиции, товарная структура экспорта, структура занятости в промышленности, локализация производства.

Кейинги йилларда дунё давлатлари орасида рақобатнинг кескинлашуви, халқаро бозорларда инновация даражаси юқори бўлган маҳсулотларга талабнинг ортиши хусусан, фан-техника сиғими юқори маҳсулотларга эҳтиёжнинг кучайиб бориши, деярли барча мамлакатларда юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантиришни такозо этмокда. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқариш тармоқларини технологиялар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаб турувчи, хусусан, саноат тармоқларига юқори технологиялар етказиб берувчи машинасозлик тармоғини янада тараққий эттириш заруриятини кучайтириб юборди.

Мамлакатимизда ҳам ушбу тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Мазкур тармоқнинг 2000 - 2015 йиллар давомида ЯИМдаги улуши ўртача 8,5 фоизни ташкил этди (1-расм).

Олинган ҳисоб - китобларга кўра, тармоқнинг ЯИМдаги улуши 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этган ҳолда олдинги йилга нисбатан пасайиш характерига эга бўлди. Бу мамлакатимизда мазкур тармоқ ривожланишида маълум камчиликлар мавжудлигини курсатади ва тармоқни келгусида ривожлантириш борасида муайян чора - тадбирлар тизимини янада кучайтиришни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда машинасозлик тармоғи, хусусан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ўз моҳиятига кўра нафақат қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва фермер хўжаликларининг меҳнатини енгиллаштиришнинг мустаҳкам пойдевори, балки, айни вақтда республикамиз валюта балансини тўлдиришнинг муҳим манбаи ҳамдир.

Таҳлилларга кўра, республикамиз экспортининг товар тузилмасида машинасозлик тармоғининг улуши 2000 йилда 3,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб мазкур кўрсаткич 3,9 фоизни ташкил этган ҳолда 0,5 фоизли қиймат билан кичик силжишни қайд этди (2-расм).

2015 йилда саноатнинг бандлик тузилмасида машинасозлик тармоғининг улуши 14,0 фоизни ташкил этган ҳолда енгил саноат тармоғидан кейин (енгил саноатнинг улуши 20,4 фоиз) иккинчи ўринни эгаллади [4].

Статистик таҳлилларнинг кўрсатишича, машинасозлик тармоғининг ўсиш суръатлари 2000 - 2015 йиллар давомида нисбатан катта бўлган вариацияланиш характерига эга бўлди. Жумладан, мазкур тармоқда энг юқори (132,1 фоиз) ўсиш суръати 2004 йилда кузатилган бўлса, энг қуйи (89,7 фоиз) ўсиш суръати 2000 йилда кузатилди. 2000 - 2015 йиллар давомида ушбу тармоқда қуйидагича ўсиш суръатлари қайд этилди (3-расм).




***1-расм. Машинасозлик тармоғининг ЯИМдаги улуши (2000-2015 йиллар, фоизда) [1].***




**2ᵃ-расм.** (2000 йил)




**2ᵇ-расм.** (2014 йил)

***2-расм. Машинасозлик тармоғининг экспортнинг товар тузилмасидаги улуши (фоизда) [2,3].***

Мазкур тармоқни техник тараққиётни таъминловчи саноат тармоқлари таркибига киришини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда 2013 - 2015 йиллар давомида тармоқдаги пасайиш тенденциясини жиддий хавотирли ҳолат эканлигини қайд этишга тугри келади. Кўпгина тадқиқотларда [5,6] қайд этилишича, мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий манбаини техник тараққиёт омили ташкил этади. Ўз навбатида, техник тараққиётни жадаллаштириш - мамлакатдаги юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, бу эса, иқтисодиёт тармоқларини юқори технологиялар билан таъминлаб турувчи ва етказиб берувчи машинасозлик тармоғининг тараққиётига бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилиши ва динамикасида машинасозликнинг улуши. Саноат тармоғи тузилмасидаги машинасозлик тармоғининг улушига баҳо беришда шу тузилмадаги тармоқлар саноат маҳсулоти улушининг шаклланиш қонуниятини аниқлаш муҳим аҳамият касб

этади. Саноат тармоқлари ўртасида мақбул мутаносибликни шакллантириш тармоқда таркибий сиёсат олиб боришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Статистик кузатувларга кўра, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тузилмасидаги миқдорий ўзгаришлар тармоқда туб таркибий ўзгаришлар бўлганлигини, айниқса, мулкчилик шаклларида жуда муҳим таркибий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади [7].




***3-расм. Машинасозлик тармоғи маҳсулоти ҳажмининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда) [1].***




***4-расм. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тармоқ таркибида машинасозликнинг улуши, (жамига нисбатан фоизда) [3,4].***

Таҳлилларга кўра, машинасозлик тармоғи 2000 йилда республика саноат маҳсулотининг тармоқ таркибида 9,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб мазкур кўрсаткич 13,5 фоизни ташкил этган. Ушбу давр оралиғида тадқиқ этилаётган тузилмада 3,7 фоизга ўсди (4-расм).

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, республика саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тармоқ таркибида айрим тармоқларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш улуши пасайган бўлсада, мазкур тармоқлардаги пасайиш нисбий характерга эга бўлиб, уларда қатор йиллар давомида ишлаб чиқариш ҳажмининг мутлақ ўсиш тенденцияси кузатилади.

Бугунги кунда машинасозлик тармоғи ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаётган энг асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Таркибий қайта тузиш, модернизация ва юқори технологияли муҳим ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни тезлаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсати.

2. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини босқичма-босқич кенгайтириш.

3. Маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий қўллаб-қуватлаш.

Айтиб ўтиш жоизки, саноат тармоқларида 2001 - 2014 йиллардаги ўсиш иқтисодиётнинг умумий ривожланиш суръатларидан тезроқ юз берди [8]. Айниқса, автомобильсозлик, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника каби бир қатор машинасозлик тармоқларида жадал ўсиш суръатлари кузатилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноати тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари (2000 = 100) [4]**

| Машинасозлик | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Машинасозлик ва металлга ишлов бериш | 8,2 м. | 9,2 м. | 10,5 м. | 13,0 м. | 14,9 м. | 13,8 м. |
| Машинасозлик | 9,2 м. | 10,2 м. | 11,6 м. | 14,5 м. | 16,4 м. | 14,4 м. |
| Электртехника саноати | 12,3 м. | 16,1 м. | 18,7 м. | 22,7 м. | 27,6 м. | 29,3 м. |
| Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати | 3,0 м. | 3,7 м. | 5,9 м. | 4,1 м. | 6,0 м. | 9,4 м. |
| Приборсозлик | 3,9 м. | 5,2 м. | 4,9 м. | 3,8 м. | 3,9 м. | 4,1 м. |
| Кўтарма транспорт машинасозлиги | 4,4 м. | 7,5 м. | 11,7 м. | 9,3 м. | 11,4 м. | 7,9 м. |
| Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги | 2,3 м. | 2,2 м. | 2,3 м. | 3,7 м. | 3,5 м. | 1,8 м. |
| Машина ва ускуналарни таъмирлаш | 4,1 м. | 4,9 м. | 5,3 м. | 5,3 м. | 6,3 м. | 6,7 м. |

Жадвал маълумотларидан маълум бўладики, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 2014 ва 2015 йилларда пасайган. 2014 йилда олдинги йилга нисбатан 0,2 м.га ва 2015 йилда эса олдинги йилга нисбатан 1,7 м.га пасайган. Мазкур ҳолат юқорида таъкидланганидек, ушбу тармоқ маҳсулотига талабнинг ўсиши шароитида қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва фермер хўжаликлари меҳнатини енгиллаштиришга ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Машинасозлик тармоғини ривожлантириш, тизимдаги корхоналарнинг қимматли қоғозларига капитал қўйиш, тармоқдаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва инновацион ишланмаларни рағбатлантириш, янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоқни реконструкция ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, биринчи навбатда, ушбу тармоқда инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни талаб этади. Мазкур жараёнда қуйидаги 2 та муаммога алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади:

Биринчидан, машинасозлик тармоғига инвестицияларни жалб қилиш муаммоси. Агар жалб қилинаётган инвестициялар тармоқ корхоналарининг ўз-ўзини молиялаштириш маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда тармоқ корхоналарининг тақсимланмаган фойдаси, амортизация ажратмалари фонди, акциялар чиқариш ҳисобига

шаклантирилган маблағлар ҳамда махсус фондлар фаолиятини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Агар инвестициялаш чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда бу -“машинасозлик тармоғининг инвестицион жозибадорлиги”ни ошириш, мамлакатдаги инвестицион муҳит ва иқлимни янада яхшилаш ҳамда давлатнинг инвестиция сиёсатини такомиллаштиришни талаб этади.

Иккинчидан, машинасозлик тармоғида жалб қилинган инвестициялардан самарали фойдаланиш муаммоси. Бу қуйидаги масалаларга етарлича эътибор қаратишни талаб этади:

- машинасозлик тармоғида киритилаётган технологияларнинг тўла қувватлар билан ишлашини таъминлаш;
- тармоққа юқори малакали кадрларни жалб этиш ва уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;
- асосий капиталга киритилган 1 сўмлик инвестицияга тўғри келадиган маҳсулот қайтимини ошириш мақсадида тармоқда инвестиция қайтими юқори бўлган юқори технологиялар ишлаб чиқарувчи тармоқларга инвестициялар киритишда нисбий устунлик ва имтиёзлар бериш;
- тармоқда чет эл инвестициялари ҳисобига ташкил этилаётган янги объектларнинг қурилиш даврини қисқартириш ва бу соҳада инвестиция лойиҳалариишлаб чиқишни чўзиб юбормаслик.

Инвестициялардан самарали фойдаланиш меҳнат унумдорлиги, моддий-техника ҳамда маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланишдан ташқари, инвестиция йўналиши, унинг иқтисодий тармоқлараро тақсимланишини тўғри ташкил этиш билан ҳам бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда инвестициялар киритилишида кўпроқ ундан олинадиган даромадни ҳисобга олган ҳолда сармоялар киритилмоқда. Бу айрим ҳолларда ошиқча маблағларнинг фойдасиз туриб қолиши ёки инвестиция киритилишида юзага келадиган риск даражаларини аниқламаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ қувват билан ишлаш имкониятининг чекланиб қолишига олиб келмоқда [9].

Бундай муаммони бартараф этиш, албатта, инвестициялаш ва улардан фойдаланиш жараёнларини чуқур ўрганиш, унга таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлил этиш, инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланиши ва тўғри йўналишини (маълум бир тармоққа йўналтирилган инвестиция бошқа тармоқларга нисбатан кўпроқ даромад олиш мумкинлигини асослаш) аниқлаш ҳамда инвестиция сиёсатини такомиллаштиришни талаб этади.

Таҳлилларга кўра, 2013 йилда иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар тузилмасида жамига нисбатан машинасозликнинг улуши 3,0 фоиз (832,4 млрд. сўм), 2014 йилда 1,9 фоиз (660,0 млрд.сўм) ва 2015 йилда эса, 2,4 фоиз (993,4 млрд.сўм)ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестициялари тузилмасида машинасозликнинг улуши 1,4 фоизни, 2014 йилда 1,0 фоизни, 2015 йилда 1,2 фоизни ташкил этди [2].

Саноат тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар ва чет эл инвестициялари ҳамда кредитлари тузилмасида машинасозликнинг улуши жамига нисбатан қуйидаги тенденцияни ифода этди (5-расм).

Шунингдек, 2013 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик тузилмасида машина ва ускуналарнинг улуши 36,5 фоизни, 2014 йилда 32,0 фоизни ҳамда 2015 йилда эса, 34,3 фоизни ташкил этган ҳолда ўзгарувчан тенденцияни ифода этди [2].

Инвестиция сиёсати нафақат капитал маблағларнинг ҳажмини ошириш, балки, уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ самарадор ва рақоботбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтиришни кўзда тутади. Бундай муҳим вазифалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили амалга ошириладиган Давлат инвестиция дастурида ўз ифодасини топади.

Бундан ташқари, унда соҳа устуворликлари, мамлакат ресурс-хомашё салоҳиятига боғланган иқтисодиётни қайта таркибий тузиш ва модернизациялаш асосида халқаро бозорларга интеграция қилиш мумкин бўлган вариантлар асосланади.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури Ҳукумат қарори билан тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, мазкур дастур бир йилга ишлаб чиқилади ҳамда унга киритилган инвестиция лойиҳаларининг иштирокчиларига солиқ ва бошқа имтиёзлар берилади.

Инвестициялаш, қулай макроиқтисодий муҳит ва ташқи бозорларда рақобат қилиш қобилияти, шунингдек, ўтказилган турли чора - тадбирлар ҳамда мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш ўринларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан - тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш чора - тадбирларини қамраб олади.




***5-расм. Саноат тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар ва чет эл инвестициялари ҳамда кредитлари тузилмасида машинасозликнинг улуши (жамига нисбатан фоизда) [2].***

Машинасозлик тармоғини инвестициялаш, биринчи навбатда мазкур тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг мақсадларини инобатга олишни талаб этади. Машинасозлик тармоғининг асосий мақсади қуйидагиларда ўз аксини топади:

- миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини юқори самарадорликка эга бўлган машина ва жиҳозлар билан таъминлаш;

- ташқи бозорларда маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини, унинг техник даражасини тезда ошириш ва шу орқали жаҳоннинг эришилган илғор илмий - техник даражасига етишиш;

- машина ва механизмларнинг янги авлодини ишлаб чиқаришга тезда ўтиш, меҳнат унумдорлигининг такрорий ўсишини таъминлаш, истиқболли, биринчи навбатда энергия ва ресурсларни тежовчи технологияларни амалиётга жорий этиш;

- тайёр маҳсулотни оммавий ишлаб чиқаришгача, ишлаб чиқариш ишланмаларининг барча босқичларида автоматлаштириш ва механизациялаш даражасини кўтариш;

- ишлаб чиқаришни кооперативлаштиришни кенгайтириш ва чуқур ихтисослаштириш;

- йиғувчи ва механик турда йиғувчи корхоналарни ривожлантириш, тармоқ ва тармоқлараро ярим тайёр маҳсулотлар, агрегатлар ва деталлар тайёрлаш бўйича заводларни ихтисослаштириш;

o асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилашни жадаллаштириш ҳамда киритилаётган ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш ва амалдагиларининг фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Капитал қўйилмаларнинг технологик ва такрор ишлаб чиқариш тузилмаси. 2015 йилда капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмидамашина, ускуналар ва инвентарларнинг улуши - 34,3 фоизниташкил қилди.Айни вақтда Навоий вилояти (машина ва ускуналарга йўналтирилган инвестициялар улуши 50,8 фоизни ташкил этади), Тошкент вилояти (48,8) ва Тошкент шаҳрида (55,9) эскирган машина ва ускуналарни янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги ишлаб чиқариш объектлари. 2015 йилда 116,4 мингта иш ўрнига эга бўлган 5123 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Шу жумладан, машинасозлик ва электротехника саноатида 174 та лойиҳа амалга оширилди. Бундан ташқари, Давлат инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 7,2 млрд. доллар бўлган 158 та йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Машинасозликда “Хоразм вилоятида Лабо автомобилларини ишлаб чиқаришни йўлга

қўйиш”, “АЖ “Мотор заводи”да қўрғошин ва пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар, хусусан маиший техника таркибий қисмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Навоий” эркин иқтисодий - саноат ҳудудида автомобиль саноати учун эмалланган мис симлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш”, “Navoi Cable Connector” МЧЖ чет эл корхонасида кабель ўтказгичли янги турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш”, ХК “Trust electronics” МЧЖда компьютер техникалари учун мониторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш”, “Ройсон Электроникс” қўшма корхонасида замонавий электротехника маҳсулотларининг кенг турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш”, “Жиззах” махсус индустриал зонаси ҳудудида “Телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқариш” ва бошқалар.

Ҳудудлар бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг технологик тузилмасида машина ва ускуналарнинг улуши қуйидаги тенденцияни ифода этди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ҳудудлар бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг технологик тузилмасида машина ва ускуналарнинг улуши, (фоизда) [2].**

| Ҳудудлар | 2013 | 2014 | 2015 |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 50,0 | 26,7 | 30,7 |
| Андижон | 29,7 | 25,5 | 31,3 |
| Бухоро | 19,5 | 22,4 | 19,7 |
| Жиззах | 24,5 | 27,2 | 27,6 |
| Қашқадарё | 33,6 | 25,6 | 32,2 |
| Навоий | 41,3 | 40,3 | 50,8 |
| Наманган | 21,6 | 16,0 | 19,0 |
| Самарқанд | 19,8 | 22,2 | 20,9 |
| Сурхондарё | 20,6 | 15,4 | 17,1 |
| Сирдарё | 27,7 | 27,8 | 22,7 |
| Тошкент | 49,2 | 42,9 | 48,8 |
| Фарғона | 24,7 | 30,0 | 30,2 |
| Хоразм | 22,1 | 23,8 | 26,1 |
| Тошкент ш. | 60,1 | 55,1 | 55,9 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳудудлар бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг технологик тузилмасида машина ва ускуналарнинг улуши 2013 йилда Тошкент шаҳри (60,1), Қорақалпоғистон Республикаси (50,0) ва Тошкент вилоятларида (49,2), 2014 йилда Тошкент шаҳри (55,1), Тошкент вилояти (42,9) ва Навоий вилоятида (40,3), 2015 йилда Тошкент шаҳри (55,9), Навоий (50,8) ва Тошкент вилоятларида (48,8) энг юқори кўрсаткичларни ташкил этади.

Айтиш жоизки, ҳудудлардаги машинасозлик тармоқларига киритилаётган инвестициялардан самарали фойдаланганликни баҳолаш учун 2 та энг муҳим бўлган саволга жавоб бериш талаб этилади. Булар:

1. Киритилган инвестицияларнинг (асосий капиталга инвестицияларнинг барча молиялаштириш манбалари бўйича) 1 сўмига машинасозлик тармоғида қанча қайтим олинди?

2. Киритилган инвестиция ҳисобига машинасозлик тармоғида қанча иш ўрни яратилди?

Демак, хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш учун ҳар бир сўмлик

инвестициялардан самарали фойдаланиш, инвестиция маблағларини машинасозлик тармоқлари бўйича оптимал тақсимлаш ва йўналишини тўғри аниқлаш, инвестиция қўйилмалари шаклини тўғри танлаш, бунда фаолият соҳаси ва маҳсулот тури, лойиҳа қўйилмаси ҳажми (кичик, ўрта ва йирик) ҳамда лойиҳа муддатларига (қисқа, ўрта ва узоқ) асосий эътиборни қаратиш ва аниқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш талаб этилади.

Бироқ, бугунги кунда машинасозлик тармоғини инвестициялашгача бўлган даврда баъзи бир муаммолар мавжудки, мазкур иқтисодий муаммолар тармоқнинг барқарор ривожланиши ва уни инвестициялаш жараёнларининг самарадорлигига салбий таъсир этмоқда. Булар қуйидагилардан иборат [10]:

- автомобильсозлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кейинги уч йилда 2,8 баробар камайган. Бу нафақат саноат маҳсулотининг ўсиш суръатига, балки мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу соҳада импорт ҳажми экспортдан бир неча баробар юқори бўлиб, маҳаллийлаштириш даражаси импортга нисбатан 20 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда;

- бутун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизимини тубдан қайта қуриш таъминланмаган. Бу тизим ўз моҳиятига кўра нафақат қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва фермер хўжаликлари меҳнатини енгиллаштиришнинг мустаҳкам пойдевори, айни вақтда мамлакатимиз валюта балансини тўлдириш бўйича кафолатланган манба бўлиши керак эди;

2016 йил якунлари ва 2017 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлиси булди. Унда машинасозлик тармоғининг фаолияти ва ривожланишига бевосита ва билвосита алоқадор масалалар, муҳим муаммолар мухокама этилди. Мамлакатдаги баъзи бир тармоқларда қайта ишлаш даражасининг пастлиги, ишлаб чиқариш корхоналарида ускуналарнинг маънавий эскириш даражасининг юқорилиги кайд этилди.

Юқоридаги муаммоларнинг ечими сифатида қуйида келтирилган устувор йўналиш ва вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур йўналишларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз саноат салоҳиятини янада юксалтиришга ва инвестиция жараёнлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади:

-автомобильсозлик саноатини ривожлантириш, унинг маҳсулотлари рақобатдошлигини, энг аввало, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар бозорларида ошириш, бу борада асосий ва ёрдамчи тармоқларни барқарор ривожлантириш, ортиқча харажатлар ва таннархни камайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва импортни қисқартириш лозим;

- асбоб - ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмини ошириш учун қўшма корхона ташкил этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган аниқ чора - тадбирлар комплекси зарур;

- аҳоли учун мақбул нархда турли маиший электр техника буюмларини ишлаб чиқаришни, мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, “ноу - хау” намуналарини яратиш;

- ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш;

- жойларда иккиламчи ресурслар ва саноат чиқиндиларини қайта ишлашни ривожлантириш мақсадида замонавий технологияларни яратиш учун машинасозлик тармоқларининг янги йўналишларини ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, қурутувчи ва сақловчи технологияларни ишлаб чиқарувчи машинасозлик тармоқларига инвестициялар киритишни рағбатлантириш;

- энергияни тежовчи технологиялар ишлаб чиқариш йўналишидаги машинасозлик тармоқларига ҳамда қўшимча қиймати юқори бўлган тармоқларга технологиялар етказиб берувчи машинасозлик тармоқларига инвестициялар киритишни кўпайтириш, кичик технологиялар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш;

- био, нанотехнологиялар ва енгил саноат корхоналари ҳамда қайта ишловчи тармоқларга технологиялар етказиб берувчи машинасозлик тармоқларига инвестициялар киритишда нисбий устунлик ва имтиёзлар бериш.

Хулоса қилиб айтганда, кўрсатиб ўтилган йўналишлардаги вазифаларнинг амалга оширилиши қайта ишловчи тармоқлар ва энергетика мажмуаси учун замонавий технология ва жиҳозлар ишлаб чиқаришни ҳамда қишлоқ хўжалик техникалари ассортиментини кенгайтириш,машинасозликнинг барча тармоқларида харажатларни камайтириш имкониятини беради.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб - сайти маълумотлари. www.stat.uz.*

*2. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот - таҳлилий бюллетень. 2015 йил январь - декабрь. Тошкент - 2016. Б. 16 - 18.*

*3. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. Тошкент - 2009.*

*4. Ўзбекистон саноати 2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўмитасининг статистик тўплами. Тошкент - 2016. 73 - б.*

*5. Ha J., Howitt P. Accounting for Trends in Productivity and R&D: A Schumpeterian Critique of Semi - Endogenous Growth Theory. Brown University. January 24, 2006. 1 p.*

*6. Madsen J.B., Saxena S., Ang J.B. The Indian growth miracle and endogenous growth. Monash University, 2009. 6 - p.*

*7. Батурина В.В. Ўзбекистон саноатининг ривожланиши: таркибий ўзгаришлар ва устувор йўналишлар. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил. Б. 97-104.*

*8. Зиёев Т., Исроилова Ш. Таркибий ўзгаришлар - иқтисодий ўсишнинг асосий йўналиши. Иқтисодчи газетаси. - ТДИУ.: 2015. 3 - 4 сон (817 - 18). Март - апрель. - 6 б.*

*9. Байхонов Б.Т. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Монография. - Т.: IQTISODIYOT, 2017. - 36 б.*

*10. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 16.01.2017.*

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
# МАЛЫЙ БИЗНЕС И ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ - ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ (НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

**Ибрагимова Маъмура Мухиддиновна**

Катта илмий ходим-изланувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мақолада бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асослари, Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳозирги ҳолати,соҳани ривожлантириш зарурияти ва назарий асослари таҳлил қилиниб, таҳлиллар асосида соҳани ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш механизмлари, микрокредитлаш тизими, хизмат кўрсатиш соҳаси, ҳудудий ривожланиш, экспорт, модернизация, диверсификация.

***Аннотация:*** В статье проанализированы основы бизнеса и предпринимательской деятельности, нынешнее состояние малого бизнеса и частного предпринимательства в Наманганской области, необходимость развития сектора, на основе исследований автором даны практические предложения и рекомендации

***Ключевые слова:*** малый бизнес, частное предпринимательства, механизмы обслуживание, система микрокредитование, сфера услуг, региональное развитие, экспорт, модернизация, диверсификация.

Мамлакат иқтисодиётида реал секторнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари реал сектор соҳалари ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, минтақаларда реал сектор ривожланиши аҳолининг ижтимоий ҳолатига таъсирини баҳолаш, реал секторда ноанъанавий бизнес шаклларининг ривожланиш ҳолатини ўрганиш асосида келгусида минтақалар иқтисодиётида реал секторнинг самарали ривожланишини таъминлаш миллий иқтисодиётни ривожлантиришда устувор йўналишлардан ҳисобланади. Айниқса, иқтисодиёт соҳаларини импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган асосга ўтказилишида айнан реал сектор тармоқлари муҳим ўрин тутади.

Мамлакат ҳудудларини иқтисодий бирликларга ажратган ҳолда ҳар бир вилоят аҳолиси ҳудуднинг ҳамда шахсий потенциалини ҳисобга олган ҳолда бизнес юритишнинг у ёки бу йўналишлари танлайди. Республикамиз ҳудудлари барча заҳираларни жалб қилган ҳолда ҳудудларни мутаносиб равишда ривожлантириш масаласи долзарб ҳисобланади.

***Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).***

1. Николос К."Управление малым бизнесом" китобида кичик бизнес, уни ташкил этишнинг нозик хусусиятлари, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг элементлари таҳлил қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги ҳамда унинг ривожланишидаги юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ёритилган. Шунингдек, кичик бизнеснинг ҳудудлар иқтисодиётига таъсири ҳамда уни ривожлантириш зарурати асослаб берилган.
2. Лапуста М.Г., "Предпринимательство" дарслигида тадбиркорликка оид саволларга тизимли равишда жавоблар келтирилган, ундан ташқари бизнес ва тадбиркорлик бўйича атамалар изоҳлаб берилган.
3. Николос К.Сирополис "Управление эффективностью бизнеса" китобида кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш, уни ташкил этиш, ҳисоб-китобларнинг юритилиши, логистика, товарни сотиш билан боғлиқ маркетинг фаолиятини юритиш шакллари таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги тадқиқ қилинган.
4. Лапуста М.Г "Малое предпринимательство" дарслигида кичик бизнеснинг кучли ва

заиф томонлари таҳлил қилиниб, ушбу хусусиятлардан қай тарзда самарали фойдаланиш йўналишлари асослаб берилган. Бундан ташқари, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётидаги кичик бизнеснинг аҳамияти ва уни тартибга солишнинг илғор механизмларини таҳлил қилган. Муаллиф, солиштирма-таҳлилий маълумотларга таянган ҳолда кичик бизнесни ривожлантириш концепцияларини асослаб берган.

***Тадқиқот методологияси (Research Methodology).***

Тадқиқот жараёнида Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳозирги ҳолатини ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти қатнашчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳанинг ривожланишини жадаллаштириш, бизнес субъектларига хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, давлатнинг реал секторни қўллаб- қувватлаш борасидаги сиёсатида устуворлик айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётгани ҳудудларда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни оқилона ташкил этиш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш имконини беради.

Ҳудудларни асосий интеграцион кўрсаткич сифатида кўриш, ҳудуддаги инновациялар ҳамда ривожланиш ҳолатини аниқлашнинг имкониятини беради [12]

Республикамиз ҳудудини маъмурий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларга бўлиб кўрадиган бўлсак, алоҳида иқтисодий бирлик сифати назарда тутган ҳолда ҳар бир ҳудудлардаги табиий ресурсларнинг нотекис тақсимлангани, аҳоли сони (меҳнат ресурси) турличалиги, ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг фарқ қилишини ҳисобга олиб ҳар бир ҳудудда мос равишда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг турли соҳалари ривожланади.

***Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).***

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сонли, 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сонли Фармонлари асосида сўнгги йилларда реал сектор таркибига кирувчи тармоқларда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди ваислоҳотлар давом этмоқда. Мамлакатнинг жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаши ва рақобат афзалликларига эга бўлишини таъминлашда саноат, агросаноат мажмуаси таркибидаги соҳалар ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш талаб этилади [6].

Албатта, миллий иқтисодиётнинг яхлит ривожланиши уни ташкил этувчи ҳудудий иқтисодиёт бирликларининг алоҳида ҳолдаги тараққиётига боғлиқ бўлади. Шу маънода Наманган вилояти мамлакатнинг саноатлашган, шу билан бирга аграр сектори яхши ривожланган вилоятлардан бири ҳисобланади. Наманган вилоятида ҳам Республикамиз иқтисодиётини модернизациялаш ва иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш йўналишида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар вилоят ҳудудий иқтисодиётида амалга оширилаётган фаолият натижаларида ўз аксини топмоқда.

Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги жуда катта табиий (ер ва сув), моддий ва меҳнат ресурсларига эга. Вилоятнинг 60 фоиздан зиёд аҳолиси қишлоқ жойларида яшайди. Таҳлиллар шундан далолат берадики, вилоят қишлоқларида аҳволни барқарорлаштириш билан бирга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Вилоят қишлоқлари аҳолиси қадим-қадимдан ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган. Кичик корхоналар негизида ривожланган фаолиятнинг бу тури уста маҳорати, анъанавий буюмлар тайёрлаш борасидаги тажрибалар авлоддан-авлодга ўтишига мустаҳкам замин яратган. Ҳунармандчиликнинг заргарлик, кўнчилик, гиламчилик каби турлари халқ санъатининг ўзига хос кўринишларига айланган. Бадиий ҳунармандчилик маҳаллий аҳоли турмушига кўрку таравот берадиган буюмларгина эмас, балки экспортбоп товарлар ҳам ишлаб чиқармоқда. Аҳолининг кенг қатламини асосий ишларидан бўшаганидан кейин ҳунармандчиликнинг ана шу жабҳасига жалб этиш, шу соҳага ўқитиш ва ўргатиш, улар орасидан янги-янги истеъдодларни топиб рўёбга чиқаришга, меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбиялашга ҳам ёрдам беради.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида бу соҳа сезиларли даражада тараққий этмоқда. Бунга жумладан, республикада қабул қилинган алоҳида қонунлар тизими, меъёрий ҳужжатлар, айниқса, Давлат дастури асосида яратилган ҳуқуқий-меъёрий база замин бўлмоқда. Шу сабабли, вилоятда бу тоифадаги субъектлар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

**1-жадвал**

**Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўйича маълумот**

| Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | 2016 йил якуни | 2015 йилга нисбатан |
|---|---|---|---|
| | | Ҳажм | ўсиш, % |
| Фаолият кўрсатаётган | бирлик | 15122 | 107,3 |
| ЯҲМдаги улуши | % | 80,3 | 0,1 |
| Ажратилган жами кредитлар | млрд сўм | 665,0 | 131,8 |
| шундан узоқ муддатли кредитлар | млрд сўм | 465,5 | 131,6 |

*Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси*

Жадвал маълумотларидан кўринадики, вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 2016 йилда 15122 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 7,3 фоизга кўпдир. Соҳа фаолиятини ривожлантиришда банкларнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан 665,0 млрд. сўм ажратилган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 31,8 фоизга ошган. Ушбу кредитларнинг ўзоқ муддатга мўлжаллангани 465,5 млрд. сўм бўлиб, ўтган йилга нисбатан 31,6 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида Наманган вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулотида ушбу соҳанинг улуши 80,3 фоизни ташкил этди. Ҳудуддаги аҳолининг менталитети ҳамда ижтимоий турмуш шароитларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бизнесни ташкил этишнинг энг мақбул кўриниши бу оилавий тадбиркорликдир. Президентимизнинг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сонли қарори бу йўналишдаги фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтиришга замин яратмоқда[2].

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улушини бу даражада юқорилиги ушбу соҳанинг ишлаб чиқаришдаги моҳияти, иқтисодий-ижтимоий аҳамияти мезонларига эътибор қаратилганлигидан деб эътироф этишимиз мумкин. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- иқтисодий-таркибий жиҳатдан у тармоқ тузилишини белгилаб, ички бозорни талаб ва таклиф асосида товар ва хизматлар билан тўлдиради;

- ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қишлоқ аҳолисининг асосий қисмини иш жойлари ҳамда барқарор даромад манбаи билан таъминлайди, аҳоли турмуш даражасини оширишда асос бўлиб хизмат қилади;

- ишлаб чиқариш ва иш жойларини кўп маблағ талаб қилмасдан қайта ташкил этиш ва жиҳозлашга имкон беради;

- ижтимоий-психологик жиҳатдан оилада меҳнат кўникма ва анъаналари авлоддан-авлодга ўтишини, маҳсулот етиштириш маданияти ва маҳорати ҳамда сир-асрорларини эгаллаш жараёни давом этишини таъминлайди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, вилоятдаги мавжуд ресурслар, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш ва бу билан янги иш ўринлари ташкил этиш, ички бозорни маҳаллий товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, шу асосда аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорига мувофиқ 2012-2016 йилларда Наманган вилоятида 2016 йил учун хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури шаҳар ва туманлар кесимида ишлаб чиқилган бўлиб, дастур қуйидагиларни ўз ичига олади [4]:

- тармоқлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича саноат ишлаб чиқариши соҳасида кичик бизнеснинг янги корхоналарини ташкил этиш параметрларини ишлаб чиқиш;

- хизматлар турлари, шаҳарлар ва туманлар бўйича хизматлар соҳасида кичик бизнес корхоналари ташкил этиш параметрларини ишлаб чиқиш;

- шаҳарлар ва туманлар бўйича касаначилик соҳасида иш ўринлари ташкил этиш параметрларини ишлаб чиқиш.

Тасдиқланган дастурга асосан 2016 йил 718 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси фойдаланишга топширилган. Сервис соҳасида 2016 йил давомида жами 3853 та янги иш ўринлари яратилган.

Бугунги кунда вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал суръатларда ривожланиши натижасида, кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 116,0 фоизни ташкил қилди.

Айтиш мумкин, вилоятнинг географик жойлашуви ва иқлим шароитларининг мўътадиллиги ҳудудда экотуризм ҳамда туризмнинг бошқа турларини ривожлантириш имкониятини яратади.

Наманган вилоятида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, асосий эътибор кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, шаҳар ва туманларда фуқароларнинг хусусий мулк ва қўшимча даромадга эга бўлишини рағбатлантириш ҳамда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш орқали уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ҳақиқий мулкдорларнинг кенг қатламини шакллантиришни давом эттиришга, хусусий секторни вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини тубдан оширишга, иқтисодиёт соҳаларида кичик бизнеснинг салмоғини ошириш, аҳоли хонадонларида тадбиркорликдан олинадиган даромадни кўпайтириш, ҳар бир оилада тадбиркор бўлишига эришишга қаратилган.

Қулай иш муҳитини яратишга қаратилган чора – тадбирлар ҳамда солиқ ставкаларининг пастлиги кичик бизнеснинг иқтисодий ўсишдаги ҳиссасининг ошишига, янги иш ўринларининг ташкил этилишига ва иқтисодиётнинг бошқа муҳим йўналишларида ҳам сифат ўзгаришларининг амалга оширилишига сабаб бўлмоқда.

2016 йил давомида вилоят бўйича жами янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик корхоналари сони 1963 ташкил қилади. (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Кичик бизнес субъектлари ҳақида маълумот (фермер хўжаликларисиз)**

| № | Шаҳар ва туманлар номи | Фаолият кўрсатаётгани, бирлик | 2016 йилда ишга туширилгани | Соҳада банд аҳоли сони, (минг киши) | Кичик бизнес субъектлари ҳисобига барпо этилган ишчи ўринлари |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Наманган ш. | 6366 | 830 | 174 | 9598 |
| 2 | Мингбулоқ | 534 | 89 | 49 | 1642 |
| 3 | Косонсой | 787 | 59 | 58 | 2500 |
| 4 | Наманган | 1301 | 202 | 63 | 2855 |
| 5 | Норин | 554 | 91 | 49 | 1526 |
| 6 | Поп | 769 | 82 | 75 | 3265 |
| 7 | Тўрақўрғон | 877 | 111 | 58 | 2995 |
| 8 | Уйчи | 746 | 125 | 64 | 2723 |
| 9 | Учқўрғон | 745 | 85 | 68 | 2422 |
| 10 | Чортоқ | 616 | 91 | 52 | 2842 |
| 11 | Чуст | 1191 | 115 | 74 | 3441 |
| 12 | Янгиқўрғон | 636 | 83 | 54 | 2075 |
| **Вилоят бўйича** | | **15122** | **1963** | **837** | **37884** |

*Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Кичик бизнес субъектлари томонидан экспорт операцияларининг муваффақиятли амалга оширилиши, юртимиз валюта захираларини мустаҳкамлашга имкон яратувчи дастаклардан бири ҳисобланиб, соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини, сифат кўрсаткичларини жаҳон стандартларига жавоб беришини ҳамда маҳсулот тан-нархини пасайтириш имкониятини яратади. Кўрсаткичларга мурожаат қилсак, вилоятда 2016 йилда жами 207831,2 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиниб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,7 маротаба ўсганлиги ва умумий экспорт ҳажмининг 93,5 фоизини ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

**3-жадвал**

**Наманган вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажмлари динамикаси (минг АҚШ доллари)**

| № | Шаҳар ва туманлар номи | 2012 йил | 2014 йил | 2016 йил | 2014 йилга нисбатан % ҳисобида |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Наманган ш. | 8276,3 | 13987,0 | 37534,3 | 268,4 |
| 2 | Мингбулоқ | - | 188,5 | 1935,7 | 10 м. |
| 3 | Косонсой | 472,7 | 1208,3 | 684,2 | 56,6 |
| 4 | Наманган | 12558,0 | 2421,7 | 29775,0 | 12 м. |
| 5 | Норин | 194,6 | 438,9 | 7601,4 | 17 м. |
| 6 | Поп | 1,5 | 1053,9 | 49,4 | 4,6 |
| 7 | Тўрақўрғон | 850,2 | 744,6 | 22522,8 | 30 м. |
| 8 | Уйчи | 4315,5 | 5191,3 | 13900,0 | 2,5 м. |
| 9 | Учқўрғон | - | 766,5 | 1521,9 | 198,6 |
| 10 | Чортоқ | 553,0 | 2269,5 | 451,9 | 19,9 |
| 11 | Чуст | 5862,3 | 8096,9 | 6878,6 | 85,0 |
| 12 | Янгиқўрғон | 200,2 | 19684,7 | 46445,6 | 2 м. |
| Вилоят бўйича | | 33215 | 56051,8 | 207831,2 | 3,7 м. |

*Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган*

Вилоят бўйича вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида мавжуд инфратузилма муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ва унинг Ахборот-маслаҳат марказлари, шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари, фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят филиали ҳамда бошқа нодавлат бирлашмалари ва уларнинг шаҳар, туман бўлимлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ахборот-маслаҳат хизматлари билан таъминлаш тизимлари сифатида фаолият кўрсатаётган бўлса, молия-кредит институти тизими бўйича «Таянч», «Марвел Джус кредит Юнион» каби кредит уюшмалари, иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси, вилоятдаги 15 та тижорат банклари ва уларнинг шаҳар, туманлардаги 53 та филиаллари, 139 та мини банклари, 64 дан ортиқ валюта айрибошлаш шаҳобчалари, 65 та махсус касса ҳамда 307 та омонат шаҳобчалари фаолият юритмоқда.

Вилоятнинг чекка ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга моддий-техник ресурсларини етказиб бериш ҳажмини ошириш мақсадида, шаҳар ва туманларда товар хом-ашё биржасининг 75 та брокерлик идоралари ҳамда 11 та шаҳобчалари ташкил этилган.

Ахборот-маслаҳат марказлари томонидан йил давомида 4632 та кичик бизнес субъектларига 30,5 млн. сўмлик (таъсис ҳужжатлари, бизнес режалар, бухгалтерия ҳисоби ва

ҳисоботини тайёрлаш, юридик маслаҳат ҳамда бошқа) хизматлар кўрсатилди. Шунингдек, "Ягона дарча" марказлари томонидан 1741 нафар тадбиркорлик субъектлари вакилларини 977 нафари тайёрлов ҳамда 764 нафари қайта тайёрлов бўйича қисқа муддатли курсларда ўқитилди. 2018 - 2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, фақат тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» принципи бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали кўрсатиладиган яна 68 та давлат хизматларини жорий этиш белгиланди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, Наманган вилоятида кичик бизнес фаолияти йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, республика ҳудудларида, жумладан, Наманган вилоятида ҳам кичик бизнесни ривожлантириш, уни бошқариш имкониятларини кенгайтириш борасида бир қанча ишларни амалга ошириш талаб этилади. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдалангандагина кичик бизнес салоҳиятини ривожланган давлатлар даражасига етказиш мумкин бўлади.

Ҳозирча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, саноат асосида қайта ишлаш, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш моллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик хизмати ва шу каби бошқа соҳаларда кичик корхоналар имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Фаолиятнинг бу турида янги иш ўринларини яратиш бир томонидан ишсизлар сонини ўсишини бир мунча ушлаб турса-да, бевосита тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ иш ўринларини яратишга эътиборсизлик ҳудудий ва маҳаллий меҳнат бозори тизимини ривожлантириш самарадорлигига имкон бермайди. Айни пайтда бу масала ҳудуднинг иқтисодий тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

***Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations)***

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» принципи асосида Давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш мақсадида «Ягона дарча» фаолиятига мурожаат қилувчи корхона ишлаб чиқаришининг келгуси тараққиёти учун бизнинг фикримизча қўшимча равишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак:

- ишлаб чиқаришни тартибга солиш;
- маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;
- маҳсулот реализациясини амалга ошириш;
- корхона инновацион фаолиятини ташкил этиш;
- корхона фаолиятидан келиб чиққан ҳолда диверсификациялаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш каби хизматларни киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Янги иш бошлаган тадбиркорлар айниқса, ёшларни ҳеч қанча фаолият кўрсатмай ёпилиши ёки тўхтаб қолишининг олдини олиш (бунинг учун таълим муассасаларида ташкил этилган инновацион ҳамкорлик маркази билан алоқани кучайтириш ва тадбиркорлик йўналиши (соҳалар) бўйича ўқитиш ҳамда сертификатлар бериш назарда тутилади.

3. Кичик бизнесда четдан ускуналарни олиб келиш билан боғлиқ молиявий масалаларни ҳал қилиш. Тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш фаолияти учун замонавий асбоб-ускуналарни хорижий мамлакатлардан молиявий муассасалар кредитлари ҳисобига сотиб олишда, кретитнинг гаров масаласида анчагина қийинчиликларга дуч келишмоқда. Фикримизча, тадбиркорлар томонидан сотиб олинмоқчи бўлган ашёларни кредит гарови сифатида расмийлаштириш чораларини кўриш лозим.

4. Тадбиркорлик фаолиятига доир қонун, қарор ва фармонларнинг моҳиятини батафсил ёритиб берувчи электрон порталлар фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизмат турлари ҳамда нархлари ҳақида маълумотлар базасининг шаклланиши, солиқ ставкалари ва уларни ҳисоблаш ҳамда банк, божхона имтиёзлари тўғрисида батафсил маълумотлар бериб бориш.

5. Вилоятларда муҳандислик коммуникациялари мавжуд бўлган майдонларга (камида 5-10 гектар жойларга) "Технопарк"лар қуриш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш.

Тақдим этилган илмий таклифларнинг амалиётга жорий этилиши қуйидагича иқтисодий самара олишни таъминлайди:

1. "Ягона дарча" принципи асосида давлат хизматларини кўрсатишни такоминлаштириш орқали:

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожлантирилади, ишлаб чиқариш узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланади;

-илмий тадқиқот, таълим тизимлари ҳамда ишлаб чиқариш ўртасида инновацион ҳамкорлик муносабатлари кучайтирилади;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги мавжуд муаммоларни аниқланади ва илмий жиҳатдан бартараф этилади;

-ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги юзага келган муаммоларни илмий асосланган ечимини топишда илмий тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар иштироки таъмин-

ланади;

Энг асосийси келтириб ўтилган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш корхоналарининг мамлакат илмий-тадқиқот салоҳиятига бўлган ишончи ошади.

2. Инновацион ҳамкорлик маркази билан алоқани кучайтириш ва тадбиркорлик йўналиши (соҳалар) бўйича ўқитиш ҳамда сертификатлар бериш орқали:

- тадбиркорлик фаолиятига бўлган аҳоли қизиқишини ортишига ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сонининг ўсишига эришилади;

-тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига олиб келади ва узлуксизлиги таъминланади;

-ўқитиш асосида соҳаларда мавжуд муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан бартараф этиш имкониятини бериш орқали.

3. Тадбиркорлар ва банклар ўртасидаги кредит муомаласи такоминлаштириш орқали:

-хорижий мамлакатларда фойдаланилаётган энг замонавий ускуналар комплекслари мамлакатимизга кириб келади;

-янги технологиялар сифат жиҳатдан маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш имкониятини беради. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш эса маҳсулотлар таннархини пасайишини таъминлайди;

-маҳсулотни хорижга сотиш ҳисобига мамлакатимизга валюта оқими жадаллашади.

4. Интерактив давлат хизматларини кўрсатишни ҳамда маълумот веб сайтларни такомиллаштириш орқали:

-кенг аҳоли қатлами ҳамда бизнес субъектларининг ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича батафсил маълумот олиш имконияти яратилади;

-жамият аъзоларининг барча поғоналарида ҳуқуқий онг ва маданият янада ривожланади.

5. Вилоятларда кичик саноат зоналарини ривожлантириш орқали:

-тадбиркорлар муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд жойларни қидириб вақт сарфламайдилар;

-технопаркларда энергия манбаида узилишлар бўлмаганлиги сабабли иш сифати ошади;

-ҳудудларда бизнесни ташкил этиш учун мўътадил шароит яратилганлиги сабабли бизнеснинг ривожланиб кетиш эҳтимоли ортади.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750-сонли қарори*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сонли қарори*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарори*

*4. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарори*

*5. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармони*

*6. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг « Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида »ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли Фармони*

*7. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари*

*8. Лапуста М.Г “Малое предпринимательство”, Учебник М ИНФА-М.: 2008. 685 с*

*9. Николос К.Сирополис Управление эффекивностью бизнеса. Под рекакции Г.В.Генса (коцепция бизнеса Перформанси менежмент)-М:Альпина.Бизнес Букс, 2005.,269 с*

*10. Лапуста М.Г., “Предпринимательство”, Учебник М ИНФРА-М.: 2003. 534 с*

*11. Николос К.Сирополис Управление малым бизнесом. -М:Альпина.Бизнес Букс, 1997., 558 с*

*12. Апатова Н.В “Регион как объект анализа и управления” - ФГАОУ ВО “Крымский федереалный университет имени В.И.Вернадского ” Иқтисодиёт ва молия журнали 12-сон., 2016 й.*

# VENCHUR MOLIYALASHTIRISH TIZIMINI O'ZBEKISTONDA TATBIQ QILISH YO'NALISHLARI

**Voxidova Mehri Xasanovna**

Katta ilmiy xodim-izlanuvchi, Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti

***Annotatsiya.*** Ushbu maqolada venchur moliyalashtirish tizimining ilg'or xorij tajribasi: AQSHning investitsion kompaniyalari va Xitoyning venchur fondlari va ularning turlari o'rganilgan.

Ilmiy maqolaning asosiy maqsadi mamlakatimizda venchur moliyalashtirish tizimini yo'lga qo'yishning ijobiy tomonlarini o'rganish, mamlaktimiz iqtisodiyotida, xususan, innovatsion texnika va texnologiyalarning eksportdagi o'rnini ilg'or xorij tajribasi orqali tahlil qilib maqbul tomonlarini mamlakatimiz iqtisodiyotida qo'llash yo'llarini ko'rsatishdir.

***Tayanch tushunchalar:*** venchur, venchur moliyalashtirish, innovatsiya, venchur fond, tadbirkor, moliya bozori, fond birjasi.

***Аннотация.*** В этой статье рассматривается венчурная система финансирования капитала, передовой зарубежный опыт: были изучены инвестиционные компании США и венчурные фонды Китая.

Основной целью данной статьи, является изучение положительных аспектов венчурного финансирования в стране при создании системы, желание показать оптимальные аспекты передового зарубежного опыта инновационного оборудования и технологий для нашей страны.

***Ключевые слова:*** венчурное финансирование, венчурный капитал, инновации, венчурный капитал, бизнес, и финансовые рынки, фондовая биржа.

Global dunyoda ro'y berayotgan o'zgarishlar mamlakatning rivojlanish darajasi faqatgina u ishlab chiqarayotgan va eksport qilayotgan mahsulot va xizmatlar darajasi bilan emas, balki innovatsion texnika va texnologiyalarning, innovatsion mahsulotlarning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi o'rni bilan ham belgilanadi.

Ammo mamlakatimizda innovatsion texnika va texnologiyalarning iqtisodiyotdagi ulushini yanada oshirish zarurati mavjud. Ushbu faoliyat bilan shug'ullanuvchi alohida fondlar va tashkilotlar mavjud emas. Venchur moliyalashtirishning mexanizmi va normativ-huquqiy asoslari ishlab chiqilmagan.

Ushbu ilmiy izlanishimizdan asosiy maqsad 2017-2021 yillarga mo'ljallangan "Harakatlar strategiyasi"ning mazmun-mohiyatidan kelib chiqqan holda, mamlakatimizda mamlakatimiz iqtisodiy asoslaridan kelib chiqqan holda venchur moliyalashtirish tizimi mexanizmining maqbul ko'rinishini xorij tajribasida o'rganish va taklif etishdir.

***Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review).***

Yevropa, AQSH, Rossiya iqtisodchi olimlari uchun venchur moliyalashtirish, uning mazmuni, tavakkalchilikning mohiyati, venjur moliyalashtirish hisobi diqqat markazidagi mavzulardan biri. Jumladan, SHarqiy Evropa olimlari venjur kapitaliga quyidagicha ta'rif berishadi "iqtisodiy instrument bo'lib, investorlar tomonidan xususiy mulkni qayta tashkil etish maqsadida amalga oshiriladi". [8]

1. Garvard universiteti professori P.A.Gompersning "The venture capital evolution. Journal of economic perspectives" asarida venchur kapitalining tabiati, turlari, iqtisodiyotda uning salmog'ini oshirish yo'nalishlari bo'yicha izlanishlar olib borishgan. [1]

2. V.A.Voronsovning "Основные понятие и термины венчурного финансирование" nomli qo'llanmasida venchur kapital yangi tashkil etilayotgan kompaniyalarga, balki o'gir moliyaviy ahvolda bo'lgan kompaniyalarni qayta tiklash uchun yo'naltiriladi, venchur kapitali riskli qo'yilma ekanligi, aytib o'tiladi. [2]

3. V.L.Zininning "Государственное финансовое регулирование венчурной деятельности в Российской Федерации" dissertatsiya venchur faoliyatining Rossiya tajribasini o'rganish imkonini beradi. Unda Rosiyada venchur moliyalashtirishning huquqiy asoslari va faoliyatni amalga oshiruvchi tashkilotlar haqida to'liq ma'lumot berilgan. [7]

4. V.M.Anshin va S.A.Filinlar esa venchur loyihalarining tavakkalchiligiga e'tibor berishadi. M.Bunchuk venchur kapital uzoq muddatli xarakterga ega bo'lib, aksiyalar sotib olish orqali ulush qo'shish va undan foyda olish bilan xarakterli ekanligini, ta'kidlashgan. [8]

Rossiyada chop etilgan adabiyotlarda venchur investitsiyalash va to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalash atamalari birgalikda qo'llaniladi.

Ba'zi adabiyotlarda to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalash ham katta tavakkalchiik ostida amalga oshiriladi, degan joylari ham mavjud.

***Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).***

Tadqiqot jarayonida venchur moliyalashtirishning mohiyati, kelib chiqishi, tuzilishi, iqtisodiyotda venchur kapitalining ahamiyatini o'rganishda dialektik, qiyosiy tahlil, guruhlash, induksiya va deduksiya usullaridan foydalanildi.

***Tahlil va natijalar(Analysis and results).***

Zamonaviy adabiyotlarda "Venchur kapitali" va "venchur investitsiyalash" atamalari tez-tez qo'llanila boshladi. Xorijiy mamlakatlarda venchur moliyalashtirish orqali innovatsion faoliyatni rivojlantirish imkoni ortib bormoqda.

Ko'plab ilmiy ishlarni tahlil qilish natijasida venchur moliyalashtirish to'g'risida bir xulosaga kelindi.

Venchur moliyalashtirish tushunchasi yigirmanchi asrning 50-yillaridan boshlab AQSHda, 70-yillardan boshlab Yevropada keng qo'llanila boshladi.

Ammo MDH mamlakatlarida venchur moliyalashtirishga 90-yillarning ikkinchi yarmida (Ukraina, Rossiya) qo'llanila boshlagan bo'lsa ham, o'zini to'laqonli oqlagan emas.

Venchur moliyalashtirish tadbirkorligini ham mamlakat iqtisodiyotining rivojlanib borayotgan tarmoqlariga qo'llash tizimini joriy etish innovatsion tadbirkorlikni rivojlantish va axborot texnologiyalarining rivojlanishi uchun imkoniyatlar yaratilishi mumkin.

Umuman olganda, barcha innovatsion loyihalar riskli hisoblanadi. Shu sababli ham ularning hammasi venchur moliyalashtirish bo'lib hisoblanadi.

AQSh tajribasiga nazar tashlaydigan bo'lsak, yirik investitsion kompaniyalarning va kartel, transmilliy kompaniyalarning iqtisodiyotdagi ulushi oshib borishi, ularning innovatsion loyihalarni moliyalashtirilishining, uzoq muddatga moliyalashtirilish tizimining rivojlanishining asosiy sababi bo'lgan. Ekspertlarning xulosasiga ko'ra yalpi ichki mahsulotning o'sishi 70-85 foizi yangi mahsulot, texnika va texnologiyalarga bog'liq bo'ladi. Yalpi ichki mahsulot hajmining o'sishida innovatsiyalarning ulushi AQShda 35, Yaponiyada 42, Yevropa Itifoqida 50 foizni tashkil etadi. Pensiya fondlari venchur moliyasining asosiy manbai hisoblanadi.




Rasm. Venchur moliyalashtirishning mohiyati*
*Rasm muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Xitoy tajribasi esa mamlakatning bu sohaga alohida e'tibori bilan xarakterlanadi. Xitoy venchur tadbirkorligini rivojlantirishda, eng avvalo, kadrlar tayyorlashga, fond bozorining rivojlanishiga(jumladan, xalqaro moliya bozorlari bilan aloqalarni rivojlantirishga), venchur uchun boshlang'ich kapital manbalariga, normativ-huquqiy asoslarning ham investorlar, ham mahalliy tadbirkorlar manfaatlariga xizmat qilishiga alohida e'tibor qaratadi.

Xitoyda hozirgi kunda venchur moliyalashtirish tizimida quyidagi fondlar faoliyat olib borasi:

- davlat venchur fondlari;
- universitet venchur fondlari;
- korporativ venchur fondlari;
- xorijiy venchur fondlari. [4]

Korporativ fondlar bu birjada ro'yxatdan o'tgan korporatsiyalar tomonidan tuziladi va katta miqdorda moliyalaviy resurslardan foydalanish imkonini beradi.

Universitet venchur fondlari davlat tomonidan innovatsiyalarni rivojlantirishning bilvosita usuli bo'lib, ilmiy-tadqiqot faoliyatini rivojlantirishga davlat tomonidan moliya ajratiladi.

Xulosa va takliflar (Conclusion/ Recommendations)

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda mamlakatimizda venchur moliyalashtirishni rivojlantirish tizimini taklif etamiz:

1. Venchur moliyalshtirish tizimining asos instrumentlari sifatida mamlakatimizdagi fond birjasining xizmat sifatini yaxshilsh, birja listingida transmilliy kompaniyalar va xalqaro banklarning ulushini oshirish;

2. Venchur moliyalashtirishning normativ-huquqiy asoslarini yaratish. Innovatsion biznesning boshqa ko'rinishlari uchun ham huquqiy asoslar mavjud emas, faqatgina "Fuqarolik kodeksi"da ayrim asoslar keltirilgan. Harakatlar strategiyasida "Venchur moliyalashtirish to'g'risida"gi Qonun loyihasini tayyorlashni ham kiritish taklif etiladi.

3. Erkin iqtisodiy hududlar bilan hamkorlikda venchur kapitali ishtirokida texnoparklar va biznes inkubatorlarni tashkil etish. Bu erkin iqtisodiy hududlarning investitsion jozibadorligini oshirish bilan birga samaradorlik darajasining ko'tarilishida muhim rol o'ynaydi;

5. Oliy ta'lim muassasalari va ishlab chiqarish hamkorligini kengroq yo'lga qo'yish lozim. Bundan professor-o'qituvchilar ham, ilmiy tadqiqotchilar ham, talabalar ham moddiy manfaatdorlikga ega bo'lishi lozim. Shundagina, davlat oliy ta'lim muassasalariga subsidiya mablag'larini qisqartirish va ishlab chiqarish jarayoniga to'g'ridan-to'gri ilmiy tadqiqot natijalarini joriy qilish imkoniyatiga ega bo'lamiz.

Ilg'or xorij tajribasidan unumli foydalanish orqali mamlakatimizda ham venchur moliyalashtirish tizimini yo'lga qo'yish imkoniyati bizda mavjud.

***Manba va adaboyotlar:***


*1. Gompers P.A. The venture capital evolution. Journal of economic perspectives. 2001. vol 15. P-145-168.*

*2. Воронцов В.А. Основные понятие и термины венчурного финансирование. М. 2002. с.336.*

*3. Жихарев, К.Л. Проектное управление развитием региональной инновационной системы / К. Л. Жихарев. - М.: Социум, 2011. - 207 с.*

*4. Ивина Л.В.. Венчурный бизнес. Толковый словарь труднопереводимых англоязычных терминов / Л.В. Ивина, В.А. Воронцов. - М.: Финансы и статистика, 2006. – 232 с.*

*5. Каржаув, А.Т. Национальная система венчурного инвестирования / А.Т. Каржаув, А.Н. Фоломьев. – М.: Экономика, 2006. – 420 с.*

*6. Зинин, В.Л. Основные методы государственного финансового регулирования венчурной деятельности / В.В. Курочкин, В.Л. Зинин // Экономические науки. – 2013. – №2. (99) – С. 147-154.*

*7. Зинин В.Л.. Государственное финансовое регулирование венчурной деятельности в Российской Федерации. Диссертация на ученой степени кандидата наук. М.2014.*

*8. www.rvea.ru Rossiya venchur investitsiyalsh assotsatsiyasi sayti.*

# ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН БИЗНЕС – РЕЖАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЙЎЛЛАРИ

**Юсупов Махамадамин**

Доцент, и.ф.н., Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Абдурахманова Матлуба Махамадаминовна**

Доцент, и.ф.н., Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш, уларнинг ривожланиши учун энг муҳим масалалардан бири, улар фаолияти учун сармоя жалб этиш (шу жумладан, хорижий сармояни ҳам) муаммосидир. Бунинг учун керакли сармояни талаб этадиган аниқ ва асосли таклифлар лойиҳаси керак. Ушбу мақола ҳозирда ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётган ҳамда бизнинг хўжалик юритиш шароитларимиз учун жуда зарур бўлган асосий ҳужжат кичик бизнес корхоналари учун бизнес – режани ишлаб чиқишга бағишланган.

***Таянч тушунчалар:*** кичик бизнес, бизнес-режа, маҳсулот, бозор, савдо

***Аннотация.*** Одной из важных задач для создания предприятий малого бизнеса, их развития – это проблема привлечения инвестиций для их деятельности (в том числе и иностранной инвестиции). Для этого необходимо проект конкретных и обоснованных предложений требующее необходимой инвестиции. Данная статья посвящена разработке бизнес-планадля предприятий малого бизнеса, которая сегодня широко применяется в нашу жизнь и которая необходима как основной документ для условий хозяйствования.

***Ключевие слова:*** малый бизнес, бизнес-план, товар, рынок, торговля

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштиришга қаратилган ҳозирги босқичда айниқса кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор берилмокда.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилмоқда ҳамда кичик бизнес субъектларининг сони 2016 йил 1 октябрь ҳолатига фермер ва деҳқон хўжаликлари сонини ҳисобга олмаганда 215,8 минтани ташкил этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг хўжалик фаолиятини юритишда вужудга келадиган турли хил муаммоларни ижобий равишда ечувчи ҳамда корхона бошқарувини тўғри ташкил қилувчи асосий ҳужжат, бу бизнес - режа ҳисобланади.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари олдида турган турли муаммоларнинг ечимлари устида бош қотирилаётганда, уларни ҳал этиш йўллари таҳлил этилаётганда ана шу соҳаларда ишнинг кўнгилдагидек эмаслигига, кўп ҳолларда энг аввало кичик бизнес корхоналарни бошқарувчи кишиларни янги шароитларда вужудга келаётган иқтисодий ва хўжалик юритиш муаммоларини тўғри тушиниб, ижобий ҳал эта олмаётганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Жаҳон тажрибасида кичик бизнесни ривожлантирмай, иқтисодий ўсишга эришган, ишсизлик муамосини ижобий ҳал қилган, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга эришган биронта ҳам давлат йўқ.

Агар жаҳон иқтисодиётида XXасрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришни йириклашиш ҳолати кузатилган бўлса, иккинчи ярмидан бошлаб шу кунгача унинг акси, яъни кичик бизнесни ривожлантириш ҳолати кузатилмоқда.

Шу туфайли ҳам бизнинг мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибасига суянган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябридаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони чиқди.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бизнес – режа ҳамма учун зарурдир:

- биринчидан, банкир ҳамда сармоядорларга – чунки улардан сиз ўз лойиҳангизни амалга ошириш учун пул маблағлари сўраяпсиз;

- иккинчидан, ўз ходимларингиз учун мақсад, вазифаларни ҳамда истиқболни билиш учун;

- учинчидан, энг асосийси, ўзингиз учун – ўз ғояларингиз, уларнинг тўғрилиги ҳамда мавжудлигини билиш учун.

Бизнес - режани тузишда корхона раҳбарининг шахсий иштироки жуда зарурдир – шунинг учун ҳам кўпкина хорижий мамлакатлар банклари ва сармоялари, агар бизнес - режани бошидан охиригача, четдан маслаҳатчи орқали тузилиб, фақат раҳбар қўл қўйилганлигини билиб қолсалар, бизнес – режани кўриб, лойиҳага маблағ беришдан бош тортадилар.

Бу бизнес – режани ишлаб чиқишда маслаҳатчилар хизматидан фойдаланмаслик керак дегани эмас, аксинча, сармоядорлар томонидан эксперт – маслаҳатчиларнинг хизматидан бизнес – режани ишлаб чиқишда фойдаланиш қўллаб – қувватланади.

Бизнес – режанинг бугунги кунда долзарблигига қуйидаги уч омил таъсир этади, яъни:

- биринчидан, иқтисодиётимизга янги тадбиркорлар авлоди кириб келмоқда. Уларнинг кўпчилиги ҳеч качон тижорат корхоналарини бошқармаганлар, бозор иқтисодиётида вужудга келадиган муаммоларни тўғри тасаввур эта олмайдиганлар;

- иккинчидан, бутунлай ўзгариб бораётган хўжалик фаолияти соҳаси катта тажрибага эга бўлган раҳбарларнинг ҳам ишдаги келгуси қадамларини бошқача босишларини тақазо этади ва айниқса ҳозирги кунда ривожлананиб бораётган – рақобатга тайёр бўлиб туришга чиқарди (бу соҳада иккинчи даражали ишлар бўлмайди);

- учинчидан, агар биз иқтисодиётимизни кўтариш учун хориждан сармоя олмоқчи бўлсак, у ҳолда буюртмаларимизнинг исботлаб бериш қобилиятига эга бўлиб, сармоя маблағларининг ҳар бир томонини хорижий тадбиркорлардан қолишмайдиган даражада ишлаб чиқишимизни сармоядорларга кўрсатишимиз керак.

Бизнес – режа замонавий бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик шакллари, фаолият соҳаси ҳамда кўламидан қатъий назар кўлланиладиган менежернинг махсус қуролидир.

Қўйилган мақсадга мувофиқ – ўз ишини қандай бошлаш, ишлаб чиқаришни қандай самарали юргизиш ва товарни бозорга олиб чикиш, яни ишлаб чикаришни кандай самарали юргизиш ва товарни бозорга олиб чиқиш, янги ишлаб чиқаришни ким ташкил этади ва қачон дастлабки даромад олинади, хавфхатарни қандай камайтириш, оёққа туриб олиш, рақобат курашида ютиб чиқиш – саволларига ва бошқаларга тадбиркор ўзининг бизнес – режасини ишлаб чиқишда жавоб олади.

Бизнес – режа бўлғуси сармоядорлар ҳамда шериклар билан бўладиган музокаралар асосий бизнес – таклифи, ҳужжати сифатида намоён бўлади, у фирманинг ички ҳужжати сифатида, ташқи алоқаларни юритишда ҳам қўлланилади. Бу эса уни безаш, шакли ҳамда таркибий тузилиши маълум бир асосда бўлишини тақазо этади.

Бизнес – режада уни қизиқтирадиган шахс учун ҳамма нарса тушунарли ҳамда унда келажакда иштирок эта олишни билиши керак. Бизнес – режа бирор бир қатъий шаклдаги таркибий тузилишни талаб этмайди. У ҳар хил шаклда ҳамда таркибий тузилишда бўлиши мумкин. Унда қуйидаги нарсалар ёритиладиган бўлимлар бўлади, яъни;

- Бизнеснинг мақсади ва асосий ғояси;

- фирма ишлаб чиқарадиган маҳсулот (хизмат) нинг ўзига хос хусусияти ва улар билан бозор эҳтиёжини қондириш;

- айрим бозор сегментларида фирманинг ҳулк-атвори йўналишини белгилаш;

- ташкилий ҳамда ишлаб чиқариш таркибий тузилишини аниқлаш (белгилаш)

- ишнинг молиявий лойиҳасини шакллантириш (шу жумладан, молиялаштириш йўналишини сармоялаш бўйича таклифлар);

- фирманинг ривожланиш истиқболлари бўлимлари ёритилиши керак .

Бизнес режанинг бўлимлари ҳажми ва даражаси фирма (компаниянинг) бажарадиган иш фаолиятига боғликдир.

Бизнес – режа доим содда, тушунарли ва аниқ, равон тилда ёритилган бўлиб, аниқ таркибий тузилишда бўлиши керак. Унда айниқса (резюме) хулоса бўлимларига алоҳида ахамият берилиши керак. Бизнес режанинг бу бўлими фақатгина уни бутунлай тугатиб бўлингандан сўнг ёзилиши керак, лекин хулоса ишнинг бошида берилади. Хулоса билан доим биринчи танишадилар (у бизнес режанинг мағзини ташкил этади) ва уни шунинг учун ҳам бизнес – режанинг “Ташриф варағи” дейилади.

Бизнес – режани ишлаб чиқиш жараёнида биз қуйидагиларга эришамиз;

- Биринчидан бизнес – режани тузиш жараёнида уни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ўзимиз бошлаётган ишни пухта билишга олиб келади;

- иккинчидан, бизнес – режа ҳаракатларингизнинг тайёр режаси ва уни усталик билан қўллаш натижасида сиз ўз корхонангизни (фирмангизни) яхши бошқаришга ҳамда ўйлаган ишингизни муваффаққиятли тугатишга ёрдамлашадиган ишчи қуроли сифатида хизмат қилади;

- учинчидан, сизнинг бизнес режангиз, ғоянгизни бошқа кишиларга етказадиган энг яхши усулдир ва шу билан бирга молиявий фаолиятни режалаштириш асосидир.

Таклиф этилаётган лойиҳа турига қараб (қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат турларига қараб), бизнес режанинг бўлимлари ундаги ўзига хос хусусиятларни ўзида акс эттирган ҳолда турлича бўлиши мумкин, аммо лекин бундай турдаги иш

ҳужжатининг мазмуни озми кўпми ўлчовли бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади;

**Хулоса** (резюме). Бу бизнес – режанинг бошланувчи ва энг қисқа бўлими бўлиб, у ўзидан кейин келадиган барча бўлимларнинг умумий хулосасини ўзида жамлайди. Кўпкина патенцал сармоядорлар (чунки уларнинг аксарияти, энг аввало тадбиркорлардир) бир ёки икки варақли бизнес – режанинг ушбу қисқача мазмунли бўлимини ўқишни яхши кўрадилар, чунки улар бу орқали лойиҳанинг энг керакли хусусиятлари ва афзал томонларини кўрадилар. Қисқача, мазмунли бу бўлимни тайёрлаш жуда мушкул ишдир ва у бизнес – режани тайёрловчи ходимлардан катта маҳорат ҳамда билимлар талаб қилади.

Бу ишни фақатгина бизнес – режанинг барча бўлимлари ишлаб чиқилгандан сўнгина, юқори савияда бажариб, қисқача мазмунга киритиш мумкин. Доимо шуни ёдда тутиш лозимки, резюме (хулоса) – биринчи материал бўлиб, унинг мазмуни ҳамда ёзилиш сифати бўйича потенциал сармоядор лойиҳа ҳақида ҳукм чиқаради.

Хулосада жуда қисқа тарзда қуйидагилар ёритилади;

- Лойиҳанинг мазмуни, унинг мақсади ва потенциал самарадорлиги;
- Маълум бир аниқ бозор шароитида лойиҳани амалга ошириш мумкинлиги;
- Лойиҳани ким ва қандай амалга оширади;
- Лойиҳани молиялаштириш манбалари;
- Лойиҳани сармоялашда келадиган потенциал фойдалар: сотув ҳажми, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, фойда нормаси, сармоя маблағларини қайтариш ҳамда харажатларини қоплаш вақти.

**Бизнес – режа** (резюме) хулоса бўлимидан сўнг доимо корхона (фирма) ҳақида маълумотлар келтирилади. Унда қуйидагилар ёритилади, яъни;

- Корхонанинг (фирманинг) ташкил этилган вақти;
- Рўйхатдан ўтганлиги;
- Фирманинг капиталининг тузилмаси;
- Фирмага хизмат кўрсатаётган банк;
- Фирма раҳбарияти ҳақида маьлумот;
- Фирманинг ташкилий – бошқарув тузилиши;
- Фирманинг имиджи (яъни харидорларнинг фирма ҳақидаги фикри, фирманинг бошқа ҳудди шундай шаклдаги фирмадан афзаллик томонлари, кимлар унинг товаридан ёки хизматидан фойдаланади, фирманинг савдо белгиси қаерларда маьлум ва асосий харидорлари кимлардан иборатлиги кўрсатилади ).

Фирма ҳаракат қилаётган ички ва ташқи муҳит таҳлил қилинади.

**Товар (маҳсулот ва хизмат турлари).**

- Ишлаб чиқаришга таклиф этилаётган маҳсулот ёки хизмат қандай эҳтиёжларни қондиради;
- Бозордаги ҳозирги кунда мавжуд бўлган худди шу турдаги маҳсулот ёки хизматдан сизнинг маҳсулотингиз ёки ҳизматингиз қайси афзал томонлари бўйича ажиралиб туради;
- Таклиф этилаётган маҳсулот ёки хизмат қандай муаллифлик ҳуқуқлари билан ҳимоя қилинган;
- Таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматнинг нархлари қандай бўлиши мумкин ҳамда қанчалик рақобатга бардош беради;
- Маҳсулот ёки ҳизматни сотиш натижасида қанчалик фойда нормасига эришиш мумкин.

**Сотув бозори.**

- Маҳсулот ёки хизматнинг асосий харидорлари кимлар бўлади;
- Ҳозирги вақтда хамда келажакда сотув хажми қандай бўлиши мумкин;
- Асосан раыобатчилар кимлар, уларнинг сотув хажми қанча, маркетинг йўналиши ва даромадлари қандай;
- Рақобатчиларнинг маҳсулоти қандай, асосий тавсифномаси ҳамда сифат даражаси қандай;
- Рақобатчилар маҳсулотлари ёки хизматларини қайси нархларда сотмоқдалар, уларнинг нарх сиёсатлари қандай;

**Маркетинг йўналиши.**

- Ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ёки хизматнинг таклиф этаётган тақсимот ҳамда сотув тизими.
- Сотув нархи ва нархни ташкил этиш тизими;
- Реклама бўйича керакли – чора тадбирлар, таклиф этилаётган реклама воситалари ҳамда уларга кетадиган харажатлар тузилиши;
- Сотишга кўмаклашадиган чора – тадбирлар (паблек релейшина), харидорлар учун қўшимча имтиёзлар, сотувдвн кейинги хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар.

**Ишлаб чиқариш дастури.**

- Маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқариш қайерда ташкил этилади;
- Янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш лозимми ёки ҳаракатдаги корхона қувватларидан (қайта қуроллантириб) фойдаланиш мумкинми;
- Режалаштирилаётган корхонада ишлаб чиқаришнинг энг қулай ҳажми қандай бўлиши керак ;
- Энг мувофиқ қувватларга эришиш учун, қандай сармоялар зарур;
- Корхона хомашё, комплектлаштириш маҳсулотлари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан қандай таьминланади;
- Қандай технология ва воситалардан фойдаланилади;
- Корхона бошқа корхона билан кооперация усулида ишлайдими;

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш

- Режалаштирилаётган корхонанинг ташкилий тизими қандай бўлади;
- Корхона ходимлар билан қандай таьмин-

ланган – мавжуд мутахасисларнинг рўйхати, уларнинг малакаси ҳамда иш тажрибаси;

- Турли хил тоифадаги ишловчиларнинг ижтимоий имтиёзларини қўшган ҳолда иш ҳақи шакллари хамда даражаси қандай бўлади;

- Корхонанинг технологик тизими қандай бўлади.

**Корхонанинг ташкилий – режа шакли.**

- Режалаштирилаётган корхонанингмулк шакли ҳамда ҳуқуқий даражаси қандай (хусусий корхона, ҳиссадорлик жамияти, ижара корхонаси, қўшма корхона ва ҳакозолар);

- корхонада потенциал сармоядор қандай ҳуқуқларга эга бўлади (бошқаришда қатнашиши, акциялар пакетидаги ҳиссаси ва ҳоказолар);

- режалаштирилаётган корхонанинг ҳомийлари ёки сармоядорлари кимлар (давлат ташкилотлари, банк, хусусий корхона ва бошқалар);

- ушбу мулк шаклидаги корхона қандай юридик ҳуқуқларга эгадир (корхонанинг ҳуқуқий даражасини тартибга соладиган қонун нормаларини қисқача ёритинг), потенциал сармоядор, унга бериладиган ҳуқуқларга эга бўлиши учун, қандай юридик ҳолатларни амалга ошириш керак (биргаликда эгалик қилиш) ва бу эса миллий ҳамда жойдаги қонунлар бўйича қандай ҳуқуқий жавобгарликка олиб келади.

**Молиявий режа.**

- корхонани (фирмани) ташкил этиш учун қанча миқдордаги умумий сармоя ҳажми керак;

-молиялаштириш манбалари қандай (акция сотиш, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, банк кредитини олиш, хорижий инвестицияни жалб этиш;

- молиялаштириш манбалари ва валюта турлари бўйича тузилиши қандай бўлиши керак (агар хорижий валюталарда сармоя режалаштирилаётган бўлса, у ҳолда қайси айирбошлаш курсларида уларни жал этишмоқчи);

- узоқ муддатли сармояларга ва айланма капитал бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қандай шартлар асосида молия маблағлари жалб этилади.

**Лойиҳанинг фойдалилиги.**

- Корхонани ташкил этиш бўйича сармоя харажатларининг умумий ҳажми ҳамда маҳсулот бирлигига тўғри келиши қандай (асосий ва айланма капиталларга, инфратузилмага ва ҳоказолар учун сармоялар);

- режалаштирилаётган корхонани ишлатиш, маҳсулотини сотиш ёки хизматни ташкил этиш қанчага тушади;

- маҳсулотни сотишдан ёки хизматдан келадиган умумий даромадлар ҳажми қанча бўлиши мумкин;

- режалаштирилаётган корхона (фирма) қандай турдаги солиқларни тўлаши керак;

- қарзга олинган маблағларни қайси муддатларда ва қандай ҳажмларда қайтариш режалаштирилаяпти;

- режалаштирилаётган корхонанинг (фирманинг) умумий фойда ҳажми ва нормаси қанча бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган бизнес - режанинг бўлимларидан ташқари, яна қўшимча равишда қуйидаги ахборотларни келтириш мумкин, яъни молиявий маблағлар ҳамда мажбуриятлар, фойда ва зарарлар ҳисоботи, моддалари бўйича харажатлар ва ҳоказоларни.

**Хулоса** қилиб айтганда, муваффақиятли тузилган бизнес- режа корхонанинг (фирманинг) ҳолатини чуқур таҳлил қилади ҳамда унинг келажакдаги ривожланишига ҳолисона баҳо беради.

Бизнес-режа икки мақсад учун тузилади ҳамда ишлатилади:

- Корхонанинг (фирманинг) хўжалик фаолиятини уч-беш йилларга прогноз қилади;

- сармоядорларни, кредиторларни ёки биргаликда (ҳамкорликда) ишлайдиган шахсларни ишонтириш орқали сармоя ёки кредит маблағлари олиш учун -тижорат таклифи сифатида.

Бизнес - режа тайёрлаш ва фойдаланишда тўрт асосий мақсад кўзланади:

- корхона раҳбарларига, унинг ҳолатини аниқ билишга ёрдам берган ҳолда, уни самарали бошқаришга олиб келади;

- бозор иқтисодиёти шароитларида бизнесни қандай режалаштириш ва амалга оширишни ўргатади;

- ҳақиқий фаолиятни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослашга ҳамда ўз вақтида уларга ўзгартиришлар қиритишга ёрдам беради;

- корхона фаолияти бўйича керакли ахборотларни банкларга, сармоядорларга ва кредиторларга таклиф этади.

Бизнес - режа тайёрлаш жараёнида кенг ахборот маълумотларига эга бўлиш талаб этилади.

Бизнес - режа муҳим ҳужжат ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни бегона одамларга шунингдек, корхона бошқарувига алоқадор бўлмаган шахсларга бериш таъқиқланади.

## AXBOROT VA KOMMUNIKATSIYA TEXNALOGIYALARINING O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASI RIVOJLANISHIGA TA'SIRI

**Safarov Bahodirxon Shahriyorovich**

Kafedra mudiri, i.f.d.,dotsent, Samarqand davlat universiteti

***Annotasiya.*** Maqolada O'zbekiston Respublikasida axborot va kommunikatsiya texnalogiyalarining O'zbekistonda turizm sohasi innovatsion rivojlanishida xorijiy tajribaning qo'llash yo'llarining nazariy va uslubiy asoslari, milliy xususiyatlari, xorijiy rivojlangan mamlakatlarning turizm sohasida innovatsion faoliyatini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari va innovatsion faollikni ta'minlashning an'anaviy va noan'anaviy usullari tatqiq etildi.

Shuningdek, maqolada O'zbekiston Respublikasida axborot va kommunikatsiya texnalogiyalarining turizm rivojlanishga ta'siri bo'yicha taklif va tavsiyalar berilgan.

***Tayanch tushunchalar:*** Turizm industryasi, jahon iqtisodiyoti, axborot va kommunikatsiya texnalogiyalari, internetga murojaat miqdori, iqtisodiyotdagi o'sish, logarifmik funktsiyalar.

***Аннотация.*** В статье при помощи методов математического моделирования исследуются роль информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в развитии туризма в Республике Узбекистан. Предложенная модель даёт возможность прогнозирования информационно-коммуникационных технологий в развитии туризма в Узбекистанане в зависимости от воздействующих значимых факторов внешней среды. Предлагаются ориентиры развития рынка туризма в стране, обоснованные выводами проведенного анализа.

***Ключевые слова:*** международный туризм, рынок туризма, тенденции, модель, регрессионный анализ, информационно-коммуникационные технологии, факторы.

Turizm industryasi ko'plab mamlakatlarda iqtisodiyotning serdaromad va tez su'ratlarda rivojlanayotgan sohasidir. Turizm iqtisodiyotning transport, aloqa, savdo, qurilish, qishloq xo'jaligi kabi sohalari taraqqiyotiga ta'sir o'tkazadi, tadbirkorlik rivoji va yangi ish o'rinlari yaratilishiga turtki beradi.

O'zbekistonda turizm sohasida keng imkoniyatlarga ega, ammo hozirgi kunda dunyo turistik bozoridagi uning ulushi 1% ni ham tashkil qilmaydi. Taxminlar ko'rsatishicha, 2015-yilda mamlakatimizning jahon turistik oqimida topgan ulushi bor-yo'g'i 0,2% ni tashkil etadi. Olingan daromad ham shunga yarasha, ya'ni dunyo miqyosidagi daromadning qandaydir 0,02% miqdoridadir. Bu ko'rsatkichlar albatta, hechkimni qoniqtirmaydi. Holbuki, butunjahon turizm tashkilotining (BTT) bahosiga ko'ra, O'zbekiston har yili 5 milliongacha xorijiy sayyohlarni qabul qilish imkoniyatiga ega. Biroq, hozirgi paytda tashrif buyurayotgan horijiy fuqarolarning soni 2mln. kishidan ortmayturadi.

Turizmning jahon va alohida mintaqalar iqtisodiyotiga ta'sir darajasining o'sib borishi - doimiy va muhim an'analar biri ekanligi barchaga ma'lum. Turizm milliy iqtisodiyotning yirik hamda mustaqil sohasiga aylanayotgani kuzatilmoqda. Zero turizm industriyasi aholining o'ziga xos qismlarini qoniqtirish borasida faoliyat ko'rsatadi. Ammo ushbu talablar nafaqat turistik tashkilotlar, balki boshqa korxonalar tomonidan ham qondiriladi. Turizmning iqtisodiyot tarqqiyotiga multiplikativ ta'sir omili bo'lish aynan shundan amayonbo'ladi.

Bundan tashqari, turizm jahon iqtisodiyotida kechayotgan integratsion jarayonlarning yaqqol ko'zga tashlanadigan omillari dandir. Butunjahon turizm tashkiloti (BTT) va hamda Xalqaro valyuta fondi (XVF) ma'lumotlariga ko'ra 1998-yildan boshlab jahonda mahsulotlar xizmatlar jahonda mahsulotlar va xizmatlar eksportida 1-o'ringa chiqdi. Ma'lumotlar, shuningdek, o'sish darajasining yaqin yillar davomida saqlanishidan darak bermoqda. Mamlakatimizda turizm rivoji darajasining qoniqarsiz ekanligi turli sabablarga ega. Bular quyidagilardan iborat: mavjud material – texnik bazaning ma'naviy va jismoniy jihatidan bir muncha eskirganligi; viloyatlarda turmush sohasiga investitsiyalarni jalb qilish tajribasi yetarli emasligi; turistik imkoniyatlarning chet elda targ'ib qilishni davlat notijorat uslubidan foydalanmaslik; kadrlar tayyorgarligining kam

darajada bo'lishi hamda bozor iqtisodiyoti darajasida faoliyat yuritish tajribasi sustligi bois turmushning barcha jabhalarida ko'rsatilayotgan xizmatlar qoniqarsiz ekanligi va boshqalar.

Bozor iqtisodiyoti faoliyatiga inqiroz muhitida jadal o'tish ayrim nosozliklarni tug'dirdi, jumladan, "Turizm" bandidagi salbiy savdoning paydo bo'lishi valyutaning xorijga chiqib ketishi bilan bog'liq. Shuningdek, O'zbekistonda xorijiy kompaniyalar sonining o'sishi kirish turizmidan tushadigan daromadning xorijga chiqib ketishiga sabab bo'ladi. Bundan tashqari, turistik firmalarning ko'pchiligi tayyor mahsulotni olib sotish bilan band bo'lib, xalqaro bozorda uzoqdan buyon faoliyat ko'rsatib kelayotgan kompaniyalarga raqobat ko'rsata olmaydilar. Aholining harakatchanligi ham biroz sust, chunki oxirgi yillarda transport narxi keskin oshib bormoqda. Bularning barchasi turizmni shakllantirish, rekriativ faoliyatni rivojlantrish, turizm industriasi boshqaruvining yangi usul, modellarni yaratishga oid muammolarni tizimli ravishda va majmuaviy ko'rinishda tatqiq qilishnin dolzarbligidan darak beradi.

Ilmiy adabiyotlar obzori.

Bozor iqtisodiyotiga o'tish jarayonida turizmni tashkillashtirish borasida to'plangan tajribani umumlashtirish va tahlil qilish lozim bo'ladi. Turizm industriyasining jahondagi faoliyati ilg'or tajribasini o'rganish, iste'molchilar talablarining marketing tahlilini o'tkazish, turistik mahsulotni yaratish va bozorga taklif qilish uslublarini batafsil o'rganish payti keldi. Yana bir bor eslatmoqchimizki, turizm jamiyat barqarorligining muhim omilidir. Zotan turizm faoliyati rivoji umrni uzaytirishga sabab bo'ladi. Kasalliklarning oldini oladi, aholining ma'naviy saviyasi o'sadi.

Bundan rivojlanishni ta'minlash uchun iqtisodiy matematik modellashtirish va rejalashtirishning zamonaviy usul va vazifalariga murojaat qilish talab qilinadi. Ishimizning mazkur qismida modellashtirish muammosiga to'xtalishni ma'qul ko'rdik. Matematik modellashtirishning ayrim jihatlarini ko'rib chiqamiz. Turizm sohasi tadqiqiga tatbiq qilinib kelinayotgan matematik modellardan biri professor I.V.Zorin tomonidan taklif qilingan turistik tizimni joylashtirish modelidir [1]. Ushbu model asosida Shteyner – Veber metodining tatbiqi va birda berilgan ko'rsatkichli talablar markazidan rekreatsion tizimga kam vaqt oralig'ida xarajat qilishni tavsi flaydi.

E.A.Staroselets va B.I. Melnikaslar katta hajmdagi sanoat markazlari uchun sayyohlarni shahardan tashqarida dam oldirmasdan turib joylashtirishning eng optimal modelini yaratdilar [2].

E.S.Oleynikov o'z ishida turistik sistemaning turli bosqichlarda joylashtirish modelini tasvirlaydi va bunda samara miyori sifatida sarf qilingan xarajatlar miqdori qaraladi [3].

M.Xill va M.Shexter taklif qilinayotgan modelda esa, turizm tizimi taraqqiyotini nazarda tutuvchi loyihalarni amalga oshirish jarayonida zaxiralarni optimal taqsimlash muhimligi o'qtiriladi [4]. Ushbu ishda reaksion tizim rivojini baholovchi me'yorlar qatori ajratiladi.

A.Pens, o'z navbatida, turizm tizimi faoliyatini samarali tashkil qilishda chiziqli dasturlash modelidan foydalanish maslahatini beradi [5].

R.Meyr o'z ishida turizmga chiziqli dasturlash modelini tatbiq etishni ma'qullaydi [6]. Ushbu ishda hordiq chiqarish sifatida va imkoniyatlarni hisobga oluvchi rekreatsion qiymat tushunchalarini kiritiladfi. Bunday qiymat barcha hududlardagi talab va takliflar bir xil emasligi bilan bog'liq. Shuning uchun ham, moliyaviy faoliyat yuritishda, ayniqsa, talab va takliflardagi imkoniyatlar chegaralangan holatlarda umumiy rekreatsion qiymatni yuqori darajaga ko'tarish vazifasini qo'ydi.

Yuqorida qayt etilgan rekreatsion tuzilmalarni hududiy joylashtirish va rivojlantirish modellar tavsifidan ko'rinadiki, ularning asosiy qismi chiziqli dasturlash matematik apparatiga asoslanadi. Buning sababi, birinchi o'rinda mavjud matematik me'yorlar ushbu modellardan foydalanish jarayonida yuzaga keladigan hisoblash qiyinchiliklarini bartaraf qilishni osonlashtiradi. Shuning uchun, birgalikda chiziqli modellar ba'zan haqiqiy jarayonlarni taxminiy tasvirini berishini ham unutmaslik kerak. Bu singari jarayonlar ma'lum vaqt oralig'ida notekis kechadigan rivojlanishni aks ettiradi.

Qo'llanilgan materiallar va uslublar.

Axborot texnologiyalari hozirgi vaqtda O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy rivojining asosiy asosiy omili sifatida qaralmoqda. Turli ko'rinishdagi yuridik va jismoniy sub'yektlar faoliyatining samarasi zamonaviy axborot texnologiyalarida foydalanish darajasi bilan bog'liq.

Milliy iqtisodiyotining innovatsion sohalarida axborot industriasi mahsulotlardan foydalanish samarasi davlat tomonidan amlaga oshirilayotgan tadbirlar vositasida qo'llab-quvvatlamoqda. Innovatsion texnologiyalarning milliy va jahon iqtisodiyoti taraqqiyotidagi rolini inkor etadigan shaxs hozirgi vaqtda topilmasa kerak. Darhaqiqat, iqtisodiyotning muntazam rivoji uchun neft, gaz, ko'mir kabi tabiiy boyliklardan foydalanish yetarli emasligi ayon, chunki bu boyliklar zaxirasi vaqt o'tishi bilan tugashi mumkin hamda uni qayta yaratishning imkoni yo'q.

Biz informatsion texnologiyalar deganda, o'zaro faollikdagi texnik vositalar va dasturiy mahsulotlar majmuasini tushunamiz. Bu

majmuaga kiruvchilar milliy xavfsizlikni informatsion taminoti, davlat tashkilotlari faoliyatini avtomatlashtirish uchun xizmat qiladilar.

Axborot tizimlari, shuningdek, turli tashkilotlar, katta va kichik sanoat korxonlari, firmalar faoliyatida ham o'z o'rniga ega. Iqtisodiyotning ushbu sektori jadal rivojlanayotganligi barchaga ma'lum. Bu sektor oldiga qo'yiladigan vazifalar ijrosi korxonalar faoliyatini avtomatlashtirish uchun xizmat qiladigan texnik va dasturiy vositalarning bajarilishi va hayotga tatbiq etilishi bilan bog'liq.

Texnologiyalar qatoriga quyidagilar kiradi:

- Video korferensiyalar tashkillashtirish ham matnli xabarlar tarqatish imkonmiyatlarini kengaytirish. Ma'lumki, axborot texnologiyalar insonlar o'rtasidagi aloqani o'rnatishda internet kanallaridan foydalangan holda transport tarmoqlaridagi bandlikni kamaytirishga yordam beradi.Ushbu vositalardan foydalanishning ustuvor jihatlari mutaxassislarning bir joydan ikkinchisiga ko'chib yurishiga hojat qoldirmaydi. Ayrim soha vakillari, masalan, dasturlovchilar o'z vazifalarini masofadan turib bajarish va Skype yoki electron pochta orqali hisobot berish imkoniyatiga egadir. Bularning barchasi, shuningdek, amaliy faoliyat uchun sarflar miqdorini kamaytiradi;
- ma'lumotlar uzatishning bulutli texnologiyali taraqqiyoti. Hujjatlarning katta qismi va hisoblash amallari server zaxirasidan foydalangan holda bajariladi va bunda foydalanuvchilar qaramog'idagi terminallarga bo'lgan talabni kamaytirad;
- mexanik tebranishlarga nisbatan barqaror bo'lgan va tez suratlarda ishlov beradigan maxsus to'plagichlardan foydalanish (SSD – to'plagichi). Ushbu to'plagichlarning mavjudligi kompyuterlarning texnik holatiga ta'sir o'tkazmagan holda ularning ish qobiliyatini kuchaytiradi;
- manobloklar va monitorlar displetidagi tasvirlar aniqligini oshirish;
- aloqa texnologiyalari taraqqiyoti (WiFi me'yorini kengaytirish, mobil aloqa sifatini ko'tarish 3G /4G).

Axborot texnologiyalar rivojida davlat tomonidan yuqori texnologiyar taraqqiyotiga qaratilgan e'tibor muhimdir.

Faqat tabiiy zaxiralar bilan bog'liq bo'lib qolish iqtisodiy taraqqiyotda to'siqdir, shu sababli hozirgi kunda yangi zaxiralarni izlash va yaratish dolzarb vazifaga aylanmoqda. Zamonaviy texnologiyalar mamlakat iqtisodiy rivojini tezlashtirish, uni yuqori darajaga ko'tarish xomashyo bazasiga aylanishdan qutulish, xalqaro bozorda yetakchgi o'rinlarni egallashga imkon yaratadi.

Turizm sohasiga elektron hisoblash texnikasining joriy qilinishi uning ham xalqaro axborot texnologiyalari tizimiga aylantirishga sabab bo'ladi.

Shaxslararo muloqot jarayonida axborot almashinuvi tur mahsulotlarga bo'lgan talab darajasining va xaridorlar sonini ko'paytirish omili bo'lib, korxonalar daromadi o'sishiga turtki beradi. Inovatsion dasturlar muvaffaqiyati u yoki bu inovatsion faoliyatini iste'molchilarni qiziqtirish darajasi va ularni ushbu dasturda boshqalarga ham tavsiya etishi bilan belgilanadi. Bularning barchasi, albatta, yangilikning, mahsulotning tarqalishiga saba bo'ladi. Tavsiya omili ayniqsa, internet dasturlar uchun muhim, chunki ula r vositasida, odatda, alohida iste'molchidan kam miqdordagi daromad undirish mumkin. O'zgalar tavsiyasi vositasidan yanada ko'prow iste'molchilarni jalb qilish hamda daromad miqdorining keskin o'zgartirish imkoniyati tug'iladi. Bunday vositalar qatoriga, masalan, facebook.com, twitter.com, vikontakti.ru kabilar kiradi. Ularing iste'molchilar orasidagi mashhurligi ham foydalanuvchilarning o'z do'stlari va boshqalarni ushbu ijtimoiy tarmoqlarga jalb qilish bilan izohlanadi.

Komunikatsiya vositalarning takomillashuvi axborot uzatishning tezlashuviga sabab bo'lmoqda va natijada tavsiya omilining qiroli yanada oshmoqda. Muloqot muhitidagi o'zgarishlar tavsiya omilida sifat o'zgarishlarni yuzaga keltiradagi va bunday o'zgarishlarni alohida o'rganish talab qilinadi.

Yana shuni aytish joizki, ko'pgina holatlarda muvaffaqiyatli dasturni ziyonlisidan farqlovchi yagona omil – tavsiya omilidir. Shu bois, innovatsion dasturlar natijasini bashorat qilishda tavsiya omilini inkor etish qilinayotgan prognos sifatini pasaytirishga olib keladi.

Tavsillar asosida axborotga ega bo'lgan shaxsni mijozga aylantirish ehtimoli doimo yuqori, chunki, ko'pchilik reklamadan ko'ra, o'z do'stlari va tanishlariga ishonadi. Bundan tashqari, an'anaviy reklama amlai tobora o'z ahamiyatini yo'qotib bormoqda, chunki, odamlar undan charchab bo'lishgan, ko'pchilik uni yolg'on sifatida qabul qilib asabiylashadilar.

O'zbekistonda axborot texnologiyalarning tatbiq qilinishi miqyosining kengayishi innovatsion faoliyat sifatida qaralib ularning turli sohalardagi faoliyatini kuchaytirmoqda hamda axborot almashinuvi qatnashchilarining o'zaro muloqotini yuqori darajada ta'minlashga xizmat qilmoqda.

Iqtisodiyotning uzluksiz rivojlanib borayotgan sohasi bo'lgan turizm texnologik yangiliklarga doimo muhtoj turizm tadbirkorligi uchun axborot texnologiyali tizimidagi yangiliklar o'ta muhimdir.

Microsoft Office paketlarining turizm sohasida

faoliyat yuritayotganga firmalar ish jarayoniga tatbiq qilinishi allaqachon o'tmishga aylanib bo'lindi. Endilikda korxonalar maxsus dasturiy mahsulotlardan foydalanmoqdalar.

Quyida biz maxsus dasturiy texnologiyalarni tatbiq qilishning ustuvorlik jihatlari ularning turistik firmalar faoliyati samarasini hamda tur mahsulotlar sifati oshirishdagi roli haqida batafsil to'xtalishga xarakat qilamiz.

Axborot texnologiyalarning turizm sohasi rivojidagi o'rni V.A. Kvartalnov, V.D.Kolochanov, L.I. Kobko kabi mualliflarning asarlaridan ma'lum darajada yoritilgan [7-9]. Dasturiy tatbiqlar iqtisodiy samarasi haqida soha mutaxassislari asosli fikrlaridan ammo qo'yilgan muammo yechimini topish borasida umumiy bir yondashuv hozircha shakllangani yo'q [1-3].

Turfirma faoliyatinig avtomatlashtirish vaqt sarflashga imkon beradi va bunga xizmat ko'rsatish jarayoni hamda axborot almashinuvini turfirma bo'lishlari hamda boshqa hamsuhbatlar o'rtasida tezlashuvi hisobida bajariladi.

Bu esa, oqibatda, qo'l mehnatini minimallashga keltirish hisobidan inson va moliyaviy zaxiralarini tejash, shuningdek, tur mahsulot maksimal darajada yetkazishga imkoniyat tug'diradi. Bularning barchasi har qanday korxonaning iqtisodiy maqsadini tashkil qiladi. Turfirma faoliyati tavsiflashning mushkulligi sohaning o'ziga hech xususiyatlari bilan bog'liq. Ma'lumki, bu sohada moddiy mahsulotlar emas, balki xizmatlar yaratiladi. Shuningdek, korxonalar faoliyatini baholashda realizatsiya me'yoriga ta'sir o'tkazuvchi va boshqa tashqi omillarni ham inobatga olish lozim bo'ladi.

Oxirgi yillar davomida mamlakatimizda favqulotda nyuzaga kelgan turistik xizmatlar bozori tizimni yetarli emasligi sababli ma'lum darajada inqirozli holatdadir va ko'plab mahalliy obyektlar doimiy xalqaro turistik xalqadan o'z o'rnini topmasdan qolmoqda. Bu singari nomuvofiqlikning sabablardan biri xorijiy xaridorlarga yetkazilishi lozim bo'lgan va zamonaviy aloqa vositalari alohida tarqatiladigan ishonchli axborotning yetishmasligidandir. Kerakli miqdordagi axborot ta'minotisiz tur mahsulotning xaridor topishi muammolidir.

Aynan axborot oqimi turistik mahsulotlar yaratuvchilar o'rtasidagi aloqani ta'minlaydi. Aytish joizki, axborot tarqalishi nafaqat fanlar tarqalishidan iborat, balki, shu jarayonda xizmatlar, to'lovchilar ham bajariladi.

Binobarin, mehmonxonada tunash, avtomobil ijarasi, majmuaviy turlar va transport vositasidagio'rin kabilar turadiganlarga bevosinga borilmaydi. Bunda ushbu xizmatlarning mavjudligi, naxi va sifati haqidagi axborot uzatiladi. Xuddi shuningdek, to'lovlar bevosita yoki to'lig'icha uzatilmasdan, balki komission to'lovlar yetkaziladi.

Demak, turizm (xalqaro va ichki) axborot texnologiyalari keng miqyosda qo'llanilib berilayotgan sohadir, turizm sohasiga jalb qilinayotgan axborot texnologiyalari tizimi joylarni bront qilish, kompyuter tizimi, telekonferensiyalar uyushtirish vositalari video sistemalar, boshqaruv elekron sistemalari avia militsiyalar elektron axborot tizimlari, elektron pul jo'natish, telefon tarmoqlari kabilardan iborat. Ushbu texnologiyalar tizimi turistik agentliklar, mehmonxonalar, aviakompaniyalar tomonidan xamkorlikda tashkil qilinadi. Bundan tashqari, turizmning har bir jabhasida axborot texnologiyalarining tatbiq qilinishi boshqalari uchun ham ahamiyatlidir masalan, mehmonxonalari ichki boshqaruvchi global kompaniyalar tarmog'i bilan ulanganda butun mehmonxonalar tizimida joy band qilish faoliyatini amalga oshirishni yengillashtiradi, shuningdek, turagentlarga bu ishni avtomatik ravishda bajarishga imkon beradi. Shuningdek, bu holatda turizm sohasida axborot tizimlari umumlashgan tizimi shakllanadi.Umuman olganda, turizm industriyasiz komivektor va kommunikatsiya texnologiyalarining yaxlit tizimi faoliyat ko'rsatishi maqsadga muvofiqdir. Xuddi shunday tizim tur mahsulotlar yorituvchi turli korxona va tashkilotlarning o'zaro xamkorligini ta'minlash manbalaridan biridir.

Axborot texnologiyalarining mintaqaviy turizm sohasi rivojidagi rolini inkor qilib bo'lmaydi, albatta.

Biroq rejalashtirilayotgan loyihalar quyidagi savollarga javob berish lozimligini ham unutmaslik kerak bo'ladi:

- turizm sohasi holati va uning asosiy muammolari qay yo'sinda aniqlash lozim;
- turizmning qaysi yo'nalishlari mintaqa uchun foydali va qaysi jabhalarga mablag' kiritish ko'proq samara berishi mumkin;
- mintaqaning tizimini qanday ko'tarish va turistlar diqqatini qanday jalb qilishning qanday usullaridan foydalanish kerak;
- Turizm sohasi vositasida mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotiga qanday hissa qo'shish mumkin;

Yuqorida qayd etilganidek, turizm industriyasining rivoji mintaqada ishsizlik miqdorini kamaytiradi, mahalliy budjetga tushmlar darajasini keskin o'stiradi, obodonchilikni yuqori bosqichda ko'taradi. Ammo, shuning bilan birgalikda, turizm sohasi ba'zi to'siqlardan ham holi emasligini unutmaslim kerak. Bular qatoriga, albatta, axborot tizimlarning tatbiq qilishdagi sustlashishlar ham kiradi.

Mintaqa budjetida axborot tizimlarini tatbiq qilish borasidagi mavjud muammolarni zudlik bilan bartaraf qilish eng dolzarb vazifalardandir. Turizm faoliyatini boshqarish va rejalashtirish yo'nalishini takomillashtirish uchun turistik (TIT)

va jo’g’rofiy tizimlardan (GIT) foydalanish tavsiya qilinadi.

Ushbu yo’nalishdagi xalqaro tajriba tahlili guvohlik berishiga, yuqoridagi tizimlar o’ziga xos statistik paket (to’plam) bo’lib ulardan mintaqada turizm tadbirkorligini yuritish hamda marketing tadqiqotlarini olib borishda asosiy vosita sifatida foydalaniladi.

Turizm sohasining tizimi iqtisodiyotning boshqa sohalarinikidan farq qilmaydi – axborot oqimi turistik xizmat mahsulotini yorituvchilar o’rtasidagi aloqani ta’minlash bilan bir qatorda, ularning iste’molchilar bilan ham munosabatini yo’lga qo’ydi. Eng muhimi, axborot nafaqat ko’rsatkichlar to’plami sifatida o’zatilmasdan, balki xizmatlar va to’lovlar ko’rinishida ham namoyon bo’ladi.

Turizm sohasiga axborot tizimlar tatbiqi miqyosining toboro kengayib borayotganligidan, turizm allaqachon internet orqali mahsulotlar sotish borasida asosiy uchlikdan o’rin olganligi guvohlik beradi. O’zbekiston turizm bozori sub’ektlarining Internet tarmog’i munosabati salmog’ining o’sishi o’z samarasini ko’rsatmoqda. Jumladan, axborot manbalardan foydalanishning cheksiz imkoniyatlari tizimi, shaharlararo va xalqaro munosabatlar moliyaviy sarfi keskin kamaydi, ilg’or texnologiyalar haqidagi ma’lumotlar to’plandi. Bu borada, ayniqsa, reklama yoki mahsulotlar targ’iboti tuzishni imkoniyatlari kengdir. Chunki internet tarmog’idagi targ’ibot arzonga tushishi bilan birgalikda, mo’ljaldagi istemolchilarga tezroq yetib boradi.

Har qanday firma internatdan foydalangan holda turlarni rejalashtirilishi va tashkillashtiorishi mumkin. U yoki bu firma haqidagi axborot Web sahifa, sayt, vizitka kabilarga joylashtiriladi.

Zamon talablariga hozirjavob turizm, industriyasini yaratish mamlakatimiz iqtisodiyotini reklama qilishning muhim yo’nalishlaridan biridir ammo turistik imkoniyatlari naqadar keng bo’lishiga qaramasdan turistik industriyasining iqtisodiy samarasi jahon bozorinikiga nisbatan qanchalik past bo’lib qolmoqda. Buning asosiy sabablaridan biri ohaning mavjud imkoniyatlaridan, horijiy haridorlar talabiga mos keladigan xizmat turlari joriy qilinganligi haqidagi aniq va ishonarli axborotning yetarli darajada yetkazilmayotganligidadir. Bu borada, ayniqsa zamonaviy aloqa vositalaridan to’liq foydalanish lozim bo’ladi. Hozirgi globallashuv sharoitida to’liq axborot taminotisiz turistik mahsulot bozori faoliaytini yo’lga qo’yish qiyin.

Turistik korxonalar va boshqaruv organlari xalqaro bozordan o’rin qidirayotib o’z faoliyalarida yangi axborot tizimini joriy qilishda bir muncha muammolarga duch kelmoqdalar. Holbuki, ushbu yangi turdagi texnologiyalar tadbig’i xalqaro integratsiyaning muhim omilidan hamda turizimning axborotlarga qay sohada boy soha sifatida rivojlanish sharoitidir. Mintaqalarda turizmni rivojlantirishni rejalashtirish borasidagi qiyinchiliklar turistik nazariyalarga oid ma’lumotlarning kamligi bois yuzaga kelmoqda. Shu sababli mavjud axborot tizimni o’rganish va turmush menejmentini joriy qilishga oid maxsuldor tavsiyalarni yaratish muhim vazifadir.

Ma’lumki axborot tizimlari kompaniyalar ish faoliyatini rivojlantirishning strategic zaxirasining hamda raqobatbardoshlik darajasini kutarish manbasi sifatida qaraladi. Bunday yondashuvda bir qator notexnologik savollarga javob izlashga majburmiz:

- information texnologiyalarni tatbiq qilishdan olinadigan foyda nimada ifoda topadi;
- information tizim loyihasi to’liq joriy qilish uchun qanday tashkiliy o’zgarishlarni bajarish lozim.

Hozirgi kunda biznes olami shu qadar o’zgardiki, oldingi sharoitda ishlashga o’rgangan tashkilotlar o’z faoliyati tamoyillarini tashkillashtirmasdan turib yangi muhitga moslasha olmaydilar. Aynan shu holatda “reinjenering” tushunchasini talqin qilish talab qilinadi. Olimlar ta’rificha ushbu tushuncha zamirida ish faoliyatining asosiy ko’rsatkichlari bo’lishi, baho, sifat, xiamt tezligi kabilar borasida tubdan o’zgarishga erishishga yo’naltirilgan tadbirkorlik jarayonidagi islohotlar, qayta loyihalashtirish mazmunida anhlashiniladi [9]. Axborot tizimlari reinjenering amallarini tatbiq etish va shu yo’sinda ko’zga ko’rinarli raqobat ko’rsatish imkonini beradi.

Kompaniyaning biznes holatini o’zgartirish hamda raqobatchilardan o’zib ketish bir paytda keladigan hodisalar emas. Axborot texnologiyaning ustunliklarini kuzatish uchun ijodiy yondashuv talab qilinadi, zero innovatsion texnologiyalarning kompaniya ish amaliyotidagi o’rni va samarasi yashirin ko’rinishga ega. Biroq, kompaniyalar doimiy ravishda kechayotgan informatsion inqiloblar davrida axborot texnologik vositalridan foydalanishni asosiy omil sifatida qarashga majbur.

Bundan tashqari, umumiy metadologiyaning asosiy sharoitlarini unutmaslik lozim, zotan axborot texnologiyalarini har bir biznes sohasida qo’llanishning o’ziga xos xususiyatlari mavjud va faqat shu xususiyatlar inobatga olingandagina dunyo bozoridan yetakchi o’rinlardan birini egallash mumkin. Texnologik musobaqa har doim ham yaxshi natijalarga olib kelavermaydi, shu sabab axborot tizimi faoliyati samarasini oshirishning yo’llarini izlash, uning tatbiqida ma’lum qoidalarga riya qilish kerak bo’ladi. Bular qatoriga quyidagilarkiradi: iste’molchilar talablarini mo’ljalga olish, amaliy dasturiy ta’minotning mustaqil ishlovi, o’z axborot zaxiralarini ularni qayta ishlashga ixtisoslasgan kompaniyalarga berish va hokazo.

Axborot texnologiyalarining strategik maqsadi – tashkilot menejmentini bozor dinamikasiga muvafiqlashuvini ta'minlash hamda raqobatbardoshlik qobiliyatini shakllantirishdir. Ushbu vazifaning ijrosi quyidagi xususiyatlarga ega bo'lgan axborot texnologik tizimni joriy qilishni talab qiladi:

- o'ta erishni foydalanish – har qanday shaxs tizimidan foydalana olish mumkin;
- ilovalar harakatchanligi, ya'ni tarmoq arxitekturasiga o'tish natijasida tizim tarkibi va faoliyatida sezilarli o'zgarishlar yuzaga keladi.

Turizm telekomunikatsiya texnologiyaning eng yirik iste'mochilaridan biri kompyuterlashtirish borasida biznes dunyosida yetakchi o'rinni egallaydi. Bu qisman sayohatlar industriasida foydalaniladigan axborotlar tabiati bilan bog'liqdir.

Birinchidan, ushbu axborot zamon va makon hodisasiga moslashuvchan, chunki voqealar jadvallar kabilar bilan bog'liq muddatlar tez o'zgarib turadi.

Ikkinchidan, turistik mahsulot haqida axborot dunyoning barcha burchaklariga yetib borishi zarur.

Uchinchidan, turistik mahsulot transport, yashash, hordiq chiqarish kabi ko'plab qismlardan tarkib topadi va ularni iste'olchilarga o'z vaqtida yetkazish uchun ishlab chiqarish va boshqaruvda keng ko'lamli muvofiqlashtirish ish faoliyatini yuritiladi.

Turizm industriyasida qo'llanilayotgan eng yirik va muhim informatsion tizim band qilish kompyuter tizimidir. Ushbu tizim sayohatlarni rejalashtirish va sohaning ishlash joyi, transport, turlarni tashkillashtirish, hordiq, valyuta almashinuvi kabi ko'pgina jabhalariga oid amaliyotlarni ijaraga tizimdan to'g'ridan-to'g'ri foydalanmasdan, balki havo yo'llarining band qilish izimi yoki telefon vositasida bajaradilar. Axborot texnalogiyalarining turmush sohasidagi tatbiqi qadar ijtimoiy-nazariy, iqtisodiy va siyosiy omillarga bog'liq. Axborot texnologiyalari mustaqil ravishda turistik xizmatlarning yangi mamlakatlarini hosil qilmaydi. Yangi texnologiyalarning ijtimoiy, siyosiy, madaniy holatlarga muqobillashuvining tashkilotlarning raqobatbardoshligini muhokamalash, investitsiyalrni jalb qilish imkonini beradi. O'zbekistondagi turizm industriyasining mavqeini mustahkamlash va uning ijtimoiy, iqtisodiy mohiyatini namoyon etish uchun ushbu industriyaning barcha jabhalari o'zaro hamkorligini yuqori darajaga ko'tarish lozim. Belgilangan maqsadga erishishning muhim vositasi, albatta, turistik xizmatlar bozorini yangi tuzimdagi telekommunikatsiyasi va kompyuter tizimlarining joriy qilinishidir. Demak, axborot texnologiyalarning turizm industriasi rivojidagi o'rni beqiyosdir va ularni ushbu industriyaning turli jabhalariga joriy qilishining ilmiy va metadologik asoslarini chuqur o'rganish ehtiyoji mavjud. Biz quyidagi aynan axborot texnologiyalarin tatbiqining metadologik muammolari haqida barcha fikr va mulohazalarni bildirmoqchimiz.

***Tahlil va natijalar.***

Axborot texnologiyalarining turizm industriyasi taraqqiyotiga qo'shadigan hissani aniqlash uchun quyidagi modelga murojaat qilamiz:

$$\ln y_t = \beta_1 + \beta_2 \ln x_{1t} + \beta_3 \ln x_{2t} + \beta_4 \ln x_{3t} + \varepsilon_t$$

Bu yerda $y_t$ – ko'rsatilgan turistik xizmatlar miqdori (tashrif buyurgan horijiy fuqarolar soni bilan belgilanadi), $x_{1t}$ = internetga murojaat miqdori, $x_{2t}$ = iqtisodiyotdagi o'sish, $x_{3t}$ = kommunikatsiyaga murojaat, $\varepsilon_t$ = approksimatsiya xatosi, t-indeks – yilni ifodalaydi.

Turli logarifmik funktsiyalar asosida yagona ko'rinishga keltiriladi.

Birinchi jadvalda modemni baholashda foydalanilgan o'zgarishlarni aks ettiradi va uchinchi jadvalda turli variantlar o'rtasidagi munosabatlar keltirilgan.

**1-jadval**

**Hosil qilinadigan modellarga ta'sir etuvchi omillar ro'yxati**

| | |
|---|---|
| LNARR | Tashrif buyurgan horijiy fuqarolar soni (ming kishi) |
| LNBB | Aholining har yuz kishisiga nisbatan belgilanadigan obunachilar soni |
| LNICT | Internetdan individual foydalanuvchilar foizi |
| LNGDP | Yalpi ichki maxsulotning (YaIM) umumiy miqdori (%) |
| LNCON | Qurilish sektorning o'sishi (%) |
| LNTEL | Aholining har yuz kishisiga nisbatan telefondan foydalanuvchilar |
| LNSUM | Iste'mol narxlari indeksi bilan hisobga olingan turistik sector xizmatlarining million sumda ifodalanishi |
| CPI | Iste'mol narxlari indeksi |

Turistlar haqidagi ma'lumotlar O'zbekiston Respublikasi turizimni rivojlantirish davlat qumitasi tomonidan ma'lum qilingan bo'lsa, yalpi ichki maxsulotning (YaIM) umumiy miqdori va ko'rinishi sohasiga oid ma'lumotlar O'zbekiston davlat statistika qo'mitasi tomonidan keltirilgan. Ular iqtisodiyotdagi taraqqiyot ko'rsatkichi sifatida keltirilmoqda. Ma'lumotlar 2000-2013-yilarga oid.

**2-jadval**

**Tadqiqotning assosiy ko'rsatkichlari**

| yillar | LNARR | LNGDP (%) | LNCON (%) | LNTEL | LNICT | LNBB | LNSUM | CPI (2000 = 100) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2000 | 552.80 | 103.80 | 102.90 | -- | 0.48 | 6.67 | 6882.10 | 100.00 |
| 2001 | 529.90 | 104.20 | 103.40 | 0.00 | 0.60 | 6.63 | 10,118.90 | 127.25 |
| 2002 | 445.50 | 104.00 | 103.10 | 0.00 | 1.08 | 6.64 | 15,778.30 | 161.98 |
| 2003 | 471.43 | 104.20 | 103.50 | 0.01 | 1.91 | 6.72 | 17,528.10 | 180.72 |
| 2004 | 504.20 | 107.40 | 103.60 | 0.02 | 2.59 | 6.79 | 17,926.30 | 192.64 |
| 2005 | 475.50 | 107.00 | 107.80 | 0.03 | 3.34 | 6.89 | 40,013.90 | 211.99 |
| 2006 | 493.60 | 107.50 | 112.80 | 0.03 | 6.39 | 6.99 | 45,850.30 | 242.14 |
| 2007 | 597.50 | 109.50 | 115.70 | 0.07 | 7.49 | 6.83 | 60,274.40 | 271.89 |
| 2008 | 649.10 | 109.00 | 108.30 | 0.24 | 9.08 | 6.84 | 74,400.30 | 306.54 |
| 2009 | 712.55 | 108.10 | 133.10 | 0.32 | 17.06 | 6.78 | 93,303.40 | 349.70 |
| 2010 | 871.50 | 108.50 | 108.10 | 0.42 | 20.00 | 6.81 | 153,341.30 | 382.50 |
| 2011 | 949.10 | 108.30 | 108.50 | 0.52 | 30.20 | 6.85 | 166,433.90 | 431.54 |
| 2012 | 1,103.60 | 108.20 | 113.70 | 0.75 | 36.52 | 6.94 | 235,400.00 | 483.57 |
| 2013 | 1,669.41 | 108.00 | 116.60 | 1.06 | 38.20 | 6.91 | 269,500.00 | 537.75 |

3-jadvaldan ko'rinadiki, aholining har yuz kishisiga nisbatan belgilanadigan obunachilar soni (LNBB) va internetdan individual foydalanuvchilar (LNICT) o'rtasidagi muvofiqik yuqori darajada, shu bois bunday variantsiyalashuv inobatga olinmadi.

**3-jadval**

**Axborot texnologiyalarining turizm industriyasi taraqqiyotiga ta'sir qiluvchi omillarning o'zaro juft korrelyatsion koeffitsientlar matritsasi**

| | LNARR | LNBB | LNICT | LNGDP | LNCON | LNTEL | LNSUM |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| LNBB | 0.9439* | 1 | | | | | |
| LNICT | 0.8084* | 0.9744* | 1 | | | | |
| LNGDP | 0.5801* | 0.6243* | 0.8418* | 1 | | | |
| LNCON | 0.3899 | 0.4619 | 0.6434* | 0.5919* | 1 | | |
| LNTEL | 0.3974 | 0.2881 | 0.7536* | 0.7565* | 0.449 | 1 | |
| LNSUM | 0.8334* | 0.9464* | 0.9729* | 0.8040* | 0.5993* | 0.7379* | 1 |

*Izoh: Kattaliklar hajmi = 14; ** 5% muhimlilik darajasi; * 1% muhimlilik darajasi*

Ayni paytda yalpi ichki maxsulotning (YaIM) ishlab chiqarishning umumlashtirilgan va haiqiqy ko'rsatkichlari aholining har yuz kishisiga nisbatan belgilanadigan obunachilar soni (LNBB) va internetdan individual foydalanuvchilar (LNICT) bilan shu qadar yaqinlashadiki, buning natijasida 4-jadvaldagi 1 va 2-modellar to'plamidagi farazni aniq tasdiqlay olmaydi.

Xuddi shuningdek, 4-modelda internetdan individual foydalanuvchilar (LNICT) va aholining har yuz kishisiga nisbatan telefondan foydalanuvchilar (LNTEL) o'rtasidagi muvofiqlik natijasida modeldan chekinish koeffitsienti yuqori bo'ladi. Shuning uchun ham eng yaxshi namuna sifatida 3-modelni tanlaymiz (4-jadval).

**4-jadval**

**Axborot texnologiyalarining turizm industriyasi taraqqiyotiga ta’sir qiluvchi omillarining modellardagi natijalari**

| O’zgarishlar | Kichik kvadratlar usuli koeffisiyentlari (Model 1) | Kichik kvadratlar usuli koeffisiyentlari (Model 2) | Kichik kvadratlar usuli koeffisiyentlari (Model 3) | Kichik kvadratlar usuli koeffisiyentlari (Model 4) |
|---|---|---|---|---|
| LNBB | 0.217*** (0.000) | | 0.202*** (0.000) | |
| LNICT | | 0.261*** (0.004) | | 0.254*** (0.002) |
| LNGDP | -5.230 (0.217) | -3.906 (0.473) | | |
| LNCON | | | -0.699 (0.267) | -0.814 (0.368) |
| LNTEL | 0.814 (0.819) | -6.226 (0.221) | -0.588 (0.866) | -7.793068 (0.107) |
| Doimiy | 29.88142 0.13 | 36.1881 0.144 | 11.36744 0.155 | 24.77894** (0.028) |
| Kattaliklar hajmi | 10 | 13 | 10 | 13 |
| R-квадрат | 0.9159 | 0.7495 | 0.9114 | 0.758 |
| F- тест | 21.79 | 8.98 | 20.57 | 9.4 |

*Izoh: * 10% muhimlilik darajasi; ** 5% muhimlilik darajasi; *** 1% muhimlilik darajasi, koeffisiyentlarning me’yoriy xatolari qavs ichida ko’rsatilgan*

Isda eng kichik kvadratlar usulidan foydalanib bajarildi.

Olingan natijalarni tasdiqlash (tekshirish) uchun turizm sohasida bajarilgan xizmatlar qiymatini hisobladik. Bunda qiymatni iste’molchilar bahosi ko’rsatkichlariga nisbatan, logarifmli funktsiya orqali bajariladi (5-jadval).

**5-jadval**

**Axborot texnologiyalarining turizm industriyasi taraqqiyotiga ta’sir qiluvchi omillar modellarining asosiy iqtisodiy-statistik ko’rsatkichlari**

| | O’zgaruvchan bog’liqlik: LNSUM | |
|---|---|---|
| O’zgarishlar | Kichik kvadratlar usuli koeffisiyentlar (модель 3) | Kichik kvadratlar usuli koeffisiyentlar (модель 1) |
| LNBB | 0.316*** (0.000) | 0.324*** (0.000) |
| LNGDP | | -2.277513 (0.685) |
| LNCON | -0.100 (0.910) | |
| LNTEL | 11.310** (0.056) | 11.802** (0.051) |
| Doimiy | -10.544 (0.343) | -1.287 0.96 |
| Kattaliklar hajmi | 11 | 11 |
| R-квадрат | 0.9404 | 0.9417 |
| F- тест | 36.79 | 37.71 |

Izoh: * 10% muhimlilik darajasi; ** 5% muhimlilik darajasi; *** 1% muhimlilik darajasi, koeffisiyentlarning me’yoriy xatolari qavs ichida ko’rsatilgan

Natijalar ko'rsatishicha, keng tarmoqli aholiga murojaat miqdori naqadar yuqori bo'lsa, turistlar tashrifi shu darajada oshadi; aholining har yuz kishisiga nisbatan belgilanadigan obunachilar soni (LNBB) ning koeffitsienti 0.202 (1%lik interval bilan) (4-jadval, 3-model).

Ushbu modelda biz, turizm sektorining taraqqiyot ko'rsatkichi sifatida qo'llaymiz, 1-modelda esa, taraqqiyot ko'rsatkichi sifatida yalpi ichki mahsulot (YaIM) ulushining haqiqiy ko'rsatkichiga murojaat qilinadi.

Axborot kommunikatsion texnologiyalr rivojining mablag' to'plamidagi hissasiga nisbatan oladigan bo'lsak, aholining har yuz kishisiga nisbatan belgilanadigan obunachilar soni (LNBB) ning ulushi ijobiy va sezilarli, ya'ni bu ko'rsatkich 0.316 (1% foizlik interval bilan) (5-jadval, 3-model).

Ko'rinadaki, ushbu holatda sektori indikatordan foydalaniladi. Shunday qilib, 1 va 3-modellar LLNB koeffitsientining adolatli baho ekanligidan baho beradi.

Shuningdek, biz iqtisodiyotdagi umumiy rivojning turistlar oqimiga yoki turistik xizmatlar vositasida erishadigan mablag'lar tushumiga sezilarli ko'rsatmasligiga guvoh bo'lamiz.

Telefon vositasidagi obuna (aloqa) turizm xizmatlari qiymati oshishiga ijobiy ta'sir ko'rsatsada, lekin tashriflar miqdoriga sezilarli ta'sir ko'rsatmaydi.

***Yakuniy qism.***

Taxlil natijalari axborot kommunikatsiya texnologiyalarining turizm sohasi rivojidagi hissasi salmoqli. O'zbekiston turizm bozoriga AKT vositalarining tatbiq qilinishining ustuvor jihatlari aniq ko'zga tashlanadi: cheklanmagan miqdorda axborotga ega bo'lish imkonini beradi, masofali xalqaro muloqot yuritish hamda mablag'ni tejash sharoitini yaratadi. Ilg'or texnologiyalar vositasida axborot jam;ash va kikr almashinuv turistik industriya faoliyatini jadallashtiradi. Bular barchasi, oxir-oqibatda xarajatlar sarfini kamaytirib, daromad miqdorining o'sishga olib kelsdi.

Xullas, mamlakatimizda turizm bozorining sust rivojining va tur mahsulotlarining dunyo bozoridan jadal o'rin topishi qiyin kechayotganligining sabalaridan biri mavjud imkoniyatlar haqidagi ma'lumotlarning xorijlik fuqarolarning ham kam miqdorda yetib borayotganidir. Xorijliklar esa, allaqachon axborotni zamonaviy axborot vositalariga murojaat asosida olishga odatlanishgan. Hozirgi globallashuv sharoitida zamonaviy axborot texnologiyalari va boshqa inovatsion aloqa vositalaridan foydalanmasdan turib, to'laqonli turistik bozorni shakllantirish haqida o'ylashning o'zi noo'rin.

Turistik firmalar va turistik menijmenti xalqaro bozordan o'rin izlayotib, informatsion texnologiyalari tatbiqi bilan bog'liq muammolariga duch kelishi muqarrar. Ularning joriy qilinishi xalqaro hamkorlikni ta'minlash va turizm bazasi zmonaviy talqinning muhim shartiga aylangan. O'zbekistonda turiozm industriyasi rivoji va kelajagini rejalashtirish jarayoni e'lon qilayotgan ststistik ma'lumotlarda kamchiliklar, chalkashliklar mavjudligi barchaga ma'lum. Ushbu sharoitda amaldagi axborot tizimini tahlil qilish, uni mukammallashtirish va turizm menejmentini takomillashtirsh borasida bajarilayotgan ishlarning negizida yangi rusumdagi axborot kommunikatsiya texnologiyalari joriy qilish maqsadi turishi talab qilinadi.

***Manba va adaboyotlar:***


*1. Зорин И.В. Теоретические основы рекреационной географии. М.: Наука, 1975.*

*2. Староселец Е.А., Мельникас Б.И. Математическая модель оптимального размещении массового загородного отдыха населения крупных промышленных центров. - Известия вузов. Строительство и архитектура, 1978, № 2.*

*3. Олейников Е.С. Оптимальные модели развития и размещения мест курортно-рекреационного обслуживания.-3 кн.: Проблемы и методологические основы районной планировки. Киев: КиевНИ-ИП-градостроительства, 1978.*

*4. Hill M., Schechter M. Optimal goal achievement in the devel¬opment of outdoor recreation facilities.-Urban and Regional Plan-nong (ed. Wilson A.G.). London:Pion Press, 1971.*

*5. Penz A.J. Outdoor recreation areas: capacity and formulation of use policy.-Management Science, 1975, 22, №2.*

*6. Management Science Applications To Leisure-Time Operations, Ladany, S.P. (ed.) (No 4 in the Studies in Management Science and Systems series edited by Dean, B.V.), NorthHolland/ American Elsevier Publishing Co., Amsterdam/New York, 1975.*

*7. Квартальнов В.А. Теория и практика туризма: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 672 с*

*8. Калачанов В.Д., Кобко Л.И. «Экономическая эффективность внедрения информационных технологий» (Изд-во МАИ, 2007 г.).*

*9. Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма: Учебное пособие. - М.: Издательство РДЛ, 2004.- 376 с.*

## AXBOROTLASHGAN JAMIYAT SHAROITIDA INTERNET XIZMATLARI BOZORI TAHLILI

**Gafurova Dilshoda Ramazanovna**

Katta o'qituvchi, Muxammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

**Djalalov Jamoliddin Muzafarovich**

Assistent, Muxammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

***Annotasiya.*** Ushbu maqolada axborotlashgan jamiyatni shakllanishi elektron hukumatni asosi bo'lib xizmat qilishi borasidagi nazariy yondoshuvlar keltirilgan. Shu o'rinda internet xizmatlarining rivojlanishi globallashuv jarayoniga ta'siri, axborotlashgan jamiyat shakllanishidagi o'rni, qolaversa electron xukumat qurishda qanday rolni bajarishi, o'rni, axamiyati qanchalik xissa qo'shishi muammolarini ilmiy ochishga bag'ishlangan. Maqolada tadqiqot oldiga qo'yilgan maqsadga erishish uchun axborotlashgan jamiyat internet rivojlanishi bilan bog'liqlik darajasi ilmiy yoritib, internet xizmstlsri bozori taxlili amalga oshirilgan. Natijada, internet xizmatlari bozorini rivojlanishi raqobatbardoshlikni kuchayishi, narxlarni pasayishi, xizmat turlarini kengayishi va aynan shu omillar innovatsion yondoshuvni taqozo etishi, oqibatda esa abonentlar sonini ortishi va axborot almashinish jarayoni jadallashuviga sabab bo'lishi aniqlandi.

***Tayanch tushunchalar:*** Internet, axborotlashgan jamiyat, raqobatbardoshlik, axborot madaniyati, narx, interaktiv xizmatlar, elektron hakumat, internet xizmatlari sifati.

***Аннотация.*** В данной статье рассматриваются теоретические основы формирования информационного общества и его заслуга в построении электронного правительства. В связи с этим, в данной статье рассматривается влияние развития Интернет-услуг в процесс глобализации, роль в формировании информационного общества, а также роль в построение электронного правительства, задачи о том что какой вклад вносит интернет услуги в построении электронного правительства. Для достижения поставленной цели проведены научные исследования о взаимосвязи интернет услуг с формированием информационного общества и проанализирован рынкок Интернет услуг. В результате было выявлено что развитие рынка Интернет-услуг повышает конкурентоспособность, приводит к снижению цен, к расширению видов услуг и именно для этих факторов требуется инновационные подходы, что в конечном результате приводит к увеличению количества абонентов и к ускорению процесса обмена информацией.

***Ключевые слова:*** Интернет, информационное общество конкурентоспособность, информационная культура, цена, интерактивные услуги, электронное правительство, качество интернет услуг.

Axborotlashgan jamiyat atamasi ilk bor Yaponiyada paydo bo'lib, ushbu atama yuqori sifatli axborot mo'l-ko'l bo'lgan va uni saqlash, taqsimlash va foydalanish uchun barcha vositalarga ega bo'lgan jamiyatni ifodalaydi. Axborotlar manfaatdor kishilarga tez va oson, hamda qulay shaklda yetkazib beriladi. Axborot xizmatlari uchun narxlar shu darajada past bo'lishi kerakki, jamiyatning har bir a'zosi undan ehtiyojiga qarab foydalana olsin.

Axborotlashgan jamiyat deganda barcha faoliyat sohalariga intellektual mehnat quroli sifatida dunyoviy bilim manbalariga, kutubxonalariga kirish, ulardan samarali foydalanish, ixtiyoriy (qog'ozdagi, matn yoki tasvir ko'rinishidagi) axborotni juda qisqa muddat ichida qayta ishlash, jarayonlarni, voqealarni va hodisalarni modellashtirish imkonini beruvchi kompyuterlar va boshqa axborot texnika va texnologiyalari kiritilgan jamiyatni tushuniladi.

Axborotlashgan jamiyatda inson axborotlarni qayta ishlashda zamonaviy vositalar bilan ishlashga o'zini tayyorlashi kerak. Bu shuni ko'rsatadiki inson axborotlarga murojaat etishda ma'lum darajadagi axborot madaniyatiga ega bo'lishi kerak.

Axborot madaniyati – axborotlar bilan maqsadga intilib ishlashni bilish va axborotlarni olish uchun, qayta ishlash, kompyuterli axborot texnologiyani va zamonaviy texnik vositalarni va usullarni qo'llashni anglatadi[1]. Faqat yuqori darajadagi axborot madaniyatiga ega bo'lgan kishilargina tabiiy, ijtimoiy va ekologik resurslarni aniq xisobini qila oladilar. Bu esa barcha tarmoq

yo'nalishlaridagi boshqaruv masalalarini tezlik bilan xal etish imkonini beradi va respublikani ravnaq topishida muhim o'rin egallaydi.

Axborot texnologiyalari rivojlanishining zamonaviy jahon darajasi shundayki, respublikada jahon axborot makonining infratuzilmalari va milliy axborot - hisoblash tarmog'i integratsiyasiga mos keluvchi milliy tizimni yaratish iqtisodiyot, boshqarish, fan va ta'lim samaradorligining muhim omili bo'lmoqda. Bu muammolar ancha murakkab va ayni paytda respublikamiz uchun dolzarbdir. Hozirda olib borilayotgan iqtisodiy, tuzilmaviy va boshqa o'zgarishlarni amalga oshirish natijalari respublikada axborotlashtirish bilan bog'liq muammolarning qanday va qaysi muddatlarda hal etishga ham bog'liqdir.

Mamlakatimiz rivojlangan davlatlar qatoridan mustahkam o'rin egallashi uchun zamonaviy axborot texnologiyalarini hayotimizning barcha jabhalariga keng joriy etish zarur. Buning uchun, birinchidan, zamonaviy axborot texnologiyalarini rivojlantirish, davlat muassasalari va xo'jalik sub'ektlari, muassasa va tashkilotlar, xususiy shaxslar uchun axborot xizmatini yo'lga qo'yish; Ikkinchidan, ilm, fan, ta'lim, texnika, ijtimoiy, iqtisodiyot va uni boshqarish sohalarida axborot tizimlarini shakllantirish. Uchinchidan, respublikaning jahon axborot tizimlari va xalqaro tarmoqlarga ulanishini ta'minlash kerak.

Axborotlashgan jamiyat haqida olimlar turlicha fikr yuritadilar. Masalan, yapon olimlarining hisoblashicha, axborotlashgan jamiyatda kompyuterlashtirish jarayoni odamlarga ishonchli axborot manbaidan foydalanish, ishlab chiqarish va ijtimoiy sohalarda axborotni qayta ishlashni avtomatlashtirishning yuqori darajasini ta'minlashga imkon beradi. Jamiyatni rivojlantirishda esa harakatlantiruvchi kuch moddiy mahsulot emas, balki axborot ishlab chiqarish bo'lmog'i lozim. Axborotlashgan jamiyatda nafaqat ishlab chiqarish, balki butun turmush tarzi, qadriyatlar tizimi ham o'zgaradi. Barcha harajatlar tovarlarni ishlab chiqarish va iste'mol etishga yo'naltirilgan sanoat jamiyatiga nisbatan axborotlashgan jamiyatda intellekt, bilimlar ishlab chiqariladi va iste'mol etiladiki, bu hol aqliy mehnat ulushining oshishiga olib keladi. Insondan ijodkorlik qobiliyati talab etiladi, bilimlarga ehtiyoj oshadi. Axborotlashgan jamiyatning moddiy va texnologik negizini kompyuter texnikasi va kompyuter tarmoqlari, axborot texnologiyalari, telekommunikatsiya aloqalari asosidagi turli xil tizimlar tashkil etadi. Axborotlashgan jamiyatda jamiyat a'zolarining faoliyati axborotni ishlab chiqarish, saqlash, qayta ishlash va amalga oshirish bilan bog'liq bo'ladi va aynan axborotlashgan jamiyat elektron hukumat yaratish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Elektron hukumat bu hukumat xizmatlarini elektron vositalar, axborot texnologiyalari va tizimlari asosida taqdim etish tushuniladi. Elektron hukumat bu kompyuterlashtirish jarayoni deb tushunish katta xato bo'lar edi. Elektron hukumat bilimga asoslangan, fuqarolarni manfaatlari yo'lida shaffoflikka asoslanib tashkil etilgan hukumatdir.

Axborotlashgan jamiyatga o'tishda kompyuter va telekommunikasiya axborot texnologiyalari negizida yangi axborotni qayta ishlash sanoati yuzaga keladi. Axborotlashgan jamiyatda «axborot mahsuloti», «axborot xizmati», va «xizmatlar bozori», «axborot madaniyati» degan tushunchalar paydo bo'ldi. Axborot mahsuloti insonlarning axborot faoliyati mahsuloti bo'lib, biror ko'rinishda tarqatish uchun mo'ljallangan ma'lumotlar to'plamidir. Axborot xizmati – axborot mahsulotlarni olish va foydalanuvchi ixtiyoriga berish. Tor ma'noda axborot xizmati deganda axborot texnologiyalari asosida kompyuterdan olinadigan xizmatlar tushuniladi. Axborot mahsuloti va xizmatlar bozori bu intellektual mehnat mahsulotlarini sotishdagi iqtisodiy, huquqiy va tashkiliy munosabatlar tizimi. Axborot bozori ham boshqa bozorlarga o'xshaydi, lekin u o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lib, bozor munosabatlarida quyidagi qatnashchilarni ko'rish mumkin:

- xomashyo yetkazib beruvchilar – bozorga kitob, jurnal, gazetalar va h.k. yetkazib beruvchi boshlang'ich nashrchilar;
- sanoatchilar (ikkilamchi nashrchilar) – ikkilamchi, shu bilan bir vaqtda asosiy mahsulot (dastur mahsulotlari, ma'lumotlar bazasi, spravochniklar, kataloglar, to'plamlar va h.k) ishlab chiqaruvchilar;
- chakana savdo qiluvchilar – kutubxonalar, do'konlar, axborot va provayder markazlari, internet kafelar;
- xaridorlar – axborotning so'nggi foydalanuvchilari va iste'molchilari. Tabiiyki, bunday rivojlangan axborot bozorida muvaffaqiyatli ish olib borish uchun ishlab chiqaruvchilar va iste'molchilar mos axborot madaniyatiga ega bo'lishlari kerak.

Axborot hamisha jamiyat hayotida ham, alohida shaxs hayotida ham muhim o'rin egallagan. Insoniyat tarixida axborotlarni yig'ish, saqlash va uzatish vositalarining rivojlanish jarayoni bir tekis kechmagan va bir necha bor axborot sohasida "Axborot inqilobi" deb ataluvchi global ahamiyat kasb etuvchi hodisalar yuz bergan.

Birinchi axborot inqilobi yozuvning kashf etilishi bilan bog'liq. Yozuv insoniyatga bilimlarni to'plash va uni avlodlarga uzatish imkonini berdi.

O'z yozuviga ega bo'lgan sivilizatsiyalar boshqalariga nisbatan yuqori iqtisodiy va madaniy darajaga erishganligi ma'lum. Bunga misol qilib, Qadimgi Misr, Ikki daryo oralig'i davlatlari, Xitoy kabilarni keltirish mumkin. Bu borada piktografik va ierografik yozuvdan alfavitli yozuvga o'tish alohida ahamiyatga ega bo'ldi.

Ikkinchi axborot inqilobi (XVI asr o'rtalari) – kitob bosishning ixtiro qilinishi bilan bog'liq. Bu hodisa axborotlarni saqlabgina qolmay, ularni ommaga yoyish imkoniyatini yaratdi. Savodxonlik alohida tabaqalar doirasidan chiqib, ommaviy tusga kirdi. Bular ilmiy texnika rivojlanish jarayonini tezlashtirdi. Kitoblar bilimlarning alohida mamlakat chegarasidan chiqib, umuminsoniy sivilizatsiya yaratilish jarayoniga turtki bo'ldi.

Uchinchi axborot inqilobi (XIX asr oxiri) elektrni ixtiro etilganligi bilan bog'liq bo'lib, bu ixtiro natijasida telegraf, telefon va radio paydo bo'ldi va rivojlandi.

To'rtinchi axborot inqilobi (XX asrning 70 yillari) mikroprotsessor ixtiro qilinishi va shaxsiy kompyuterlarning paydo bo'lishi bilan bog'liq.

Axborot inqilobi bosqichlari internet paydo bo'lishi va rivojlanishi bilan yangi bosqichga ko'tarildi deb aytsak xato bo'lmaydi. Mobil aloqa va internet xizmatlarini rivojlanishi axborotlashgan jamiyatni shakllanishi va rivojlanishi, hamda elektron hukumatni qurishga poydevor yaratib berdi.

Keyingi yillarda uyali aloqa xizmatlari bozori ham tez rivojlanib, uyali aloqa abonentlarining soni 2016 yil holatiga ko'ra, 22,9 mln.taga yetdi, asosiy telefonlar 28,2 mingtaga oshdi. Internet xizmatlari xam mos ravishda kengayib bormoqda.

Tahlillarimiz shuni ko'rsatadiki, 2016 yilga kelib respublikada ma'lumotlar uzatish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish quyidagilarni tashkil etadi:

- Internetdan foydalanuvchilar soni 13 mln. dan oshdi.
- Ma'lumotlar uzatish tarmog'iga ulanish xizmatini ko'rsatuvchi xo'jalik sub'ektlari soni 2056 taga etdi.
- «UZ» domen zonasida ikkinchi darajali domenlarni ro'yxatdan o'tkazuvchi tashkilotlar soni 7 ta, ro'yxatga olingan milliy domenlarning soni 30.8 mingtadan oshdi.

O'zbekistonning asosiy telekommunikatsiya xizmatlari bozordagi raqobat MDHga kiruvchi boshqa mamlakatlardagiga qaraganda sekin rivojlanmoqda. O'zbekiston uyali aloqa bozorida tarmoqning birlashish va kichik operatorlarni siqib chiqarish jarayoni kuzatilmoqda. 2015 yildan bugungi kungacha UMS kompaniyasining bozor ulushi 23,37% foizga, Bilayn kompaniyasiniki 35,56% bo'lsa, Uzmobile kompaniyasining ulushi 4% ga uyali aloqa boshqa operatorlarining ulushi 15 % kamaydi.

Milliy Internet tarmog'idan foydalanuvchilarning xalqaro axborot tarmoqlaridan, jumladan, Internetdan foydalana olishini ta'minlash maqsadida, yo'ldoshli va yerdagi raqamli kanallar yordamida bevosita aloqa tashkil qilingan. Internet tarmog'iga ulanishni ta'minlaydigan xalqaro kanallarning o'tkazish qobiliyati 2016 yilga kelib 2048 Mbit/s tashkil etdi.

Mamlakatimizda internet provayderlari reytingi quyidagi rasmda keltirilgan[2]:




***1-rasm. O'zbekistonda internet provayderlari reytingi***

Kompaniyalar orasida raqobat boʻyicha eng ustuni Turon telekom ekanligi maʼlum boʻldi. Internet provayderlari taqdim etayotgan xizmatlarning raqobat afzalliklarini aniqlash uchun ushbu xizmatlarni solishtirma tahlilini amalga oshiramiz. Internetdan foydalanuvchilarning umumiy yoshi 18 yoshdan 60 yoshgacha, Oʻzbekiston hududida internetdan foydalanuvchilar soni – 13 mln. kishi. 2% xatolik, 95,4% ehtimollik bilan 1625 kishi orasida tanlov oʻtkazildi.

Internet provayderlari tomonidan taqdim etilayotgan xizmat turlarini ikki asosiy turga ajratish mumkin:

- ADSL orqali taqdim etilayotgan internet
- Optik aloqa liniyalari orqali taqdim etilayotgan internet

Oʻtkazilgan soʻrov natijasiga koʻra 70% soʻrov oʻtkazilgan aholi ADSLdan foydalanishni maʼqul koʻradi. Buning asosiy sababi, xali koʻp joylarda optik aloqa liniyalari oʻtkazilmaganligidir.

SHu bilan birga tahlillar shuni koʻrsatadiki, internet xizmatlarining raqobat afzalliklari orasidagi asosiy omillarga quyidagilar kiradi:

- Taqdim etilayotgan xizmatlarning sifati
- Xizmatlarning Respublika boʻyicha taqdim etilish hududlari
- Taqdim etilayotgan xizmatlarning narxlari
- Servis xizmatlari

Soʻrov oʻtkazilishi natijasiga koʻra 53,5% soʻrovda ishtirok etgan abonentlar taqdim etilayotgan xizmat turlaridan qoniqmaganlar.

Internet xizmatlari sifatini baholash natijalari boʻyicha oʻtkazilgan soʻrovnoma natijalari quyidagi jadvalda keltirilgan:

**Jadval 1**

**Taqdim etilayotgan internet xizmatlari sifatini baxolash,%**

| Baxolash | «Komnet» | «TPS» | «Uzonlayn» | «Sarkor» | «Turon» |
|---|---|---|---|---|---|
| Qoniqarsiz | 39,1 | 11,1 | 7,1 | 3,3 | 6,7 |
| Qoniqarli | 30,0 | 35,4 | 22,5 | 55,4 | 48,8 |
| yaxshi | 24,6 | 37,2 | 43,8 | 34,0 | 27,2 |
| zoʻr | 6,3 | 16,3 | 26,6 | 7,3 | 17,3 |
| Umumiy foiz | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

Tadqiqotlar shuni koʻrsatdiki, soʻrov oʻtkazilgan abonentlarning 57%i internet provayderlar tomonidan amalga oshirilayotgan aksiya reklamalariga umuman eʼtibor bermaydilar.

***Manba va adaboyotlar:***

*1. X.A.Muxitdinov. O’zbekistonda infokommunikatsiya xizmatlarining moliyaviy iqtisodiy samaradorligini oshirish muammolari.T.: “Akademiya” 2007.*

*2. http://sputniknews-uz.com*

# ЎЗБЕКИСТОНГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Мамараимов Илхомжон Ражаббаевич**

Катта илмий ходим-изланувчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси

***Аннотация.*** Мазкур мақолада хорижий инвестицияларни жалб қилиш зарурлиги, ҳолати, таркибий ўзгариш тенденциялари ўрганилиб, истиқболда ҳал этилиши талаб этиладиган йўналишлар ёритилган.

***Таянч тушунчалар:*** инвестиция, хорижий инвестиция, асосий капиталга инвестиция, хоржий инвестиция иштирокидаги корхона

**Аннотация.** В этой статье освещаются сущности привлечения иностранных инвестиций, текущие обстоятельства, изучаются тенденции структурных изменений и направления, которые должны быть решены в будущем.

**Ключевые слова:** инвестиции, иностранные инвестиции, капитальные вложения, компания с участием иностранных инвестиций

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, модернизациялаш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувини таъминлашда асосланган инвестиция сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатда инвестицион фаолиятни иқтисодий муҳит шарт-шароитларига мувофиқ ривожлантириш, уларнинг жамият иқтисодий ҳаётининг барча жабҳадаги фаоллигини таъминлаш, миллий ишлаб чиқариш жараёни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда зарурий омилларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ютуқларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг, айниқса, турли тармоқларнинг инвестициялари таъсири муҳим роль ўйнайди.Мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишга борасидаги вазифаларга тўхталган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов шундай дейди: “Инвестицияларни, авваломбор, иқтисодиётимизни тубдан ўзгартиришга, юқори технологияларга асосланган янги замонавий саноат корхоналарини барпо этишга йўналтирдик”[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4-мартдаги «2015-2019-йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-4707-сон Фармони, 2015 йил 11-февралдаги «2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2298-сон ва 2016 йил 23 декабрдаги«Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил Инвестиция Дастури тўғрисида»гиПҚ-2697-сон Қарорлари билан бир қаторда 2017 йил 7-февралдаги«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам кимё саноати корхоналарининг келгусида модернизация қилиш, ишлаб чиқариш ва технологик янгилаш асосида улардаги мавжуд қувватлар самарадорлиги ва ҳажмини ошириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш ва ишга туширишга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда иқтисодиётга киритилаётган инвестициялардан билиш мумкин.Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2010-2015 йилларда инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортди. Ўтган йиллар давомида асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва таркибида аҳамиятли ўзгаришлар рўй берган. Буни қуйидаги 1-жадвалда кўриш мумкин.

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби[2]**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
| Жами инвестициялар | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Республика бюджети | 7,4 | 6,0 | 5,1 | 5,5 | 4,7 | 4,8 | 4,5 |
| Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари | 0,4 | 0,5 | 0,4 | 0,4 | 0,3 | - | - |
| Корхона ва аҳоли маблағлари | 47,3 | 50,2 | 50,8 | 53,1 | 52,7 | 55,7 | 53,2 |
| Банк кредитлари ва қарз маблағлари | 9,1 | 11,1 | 11,4 | 11 | 11,4 | 14,7 | 10,2 |
| Чет эл инвестицияси ва кредитлари | 28,8 | 25,1 | 21,7 | 20,3 | 20,2 | 24,0 | 21,8 |
| Нобюджет фондлар | 7 | 7,1 | 10,6 | 9,7 | 10,7 | 11,2 | 10,3 |

1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, инвестиция жараёнларини молиялаштиришда давлат бюджетининг иштироки ва роли камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Буни бошқа маблағлар улуши кўпайиши билан изохлаш мумкин. Ўсиш суръатларини инвестицияларнинг таркибий қисмлари бўйича кўриб чиқилса, энг юқори кўрсаткич корхона ва аҳоли маблағларига тўғри келган ҳолда, 2010 йилда 47,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йил якунларига кўра 53,2 фоизни ёки 5,9 фоизли пунктга ўсган. Кейинги манба чет эл инвестицияси ва кредитлари бўлиб, 2010 йилда 28,8 фоиздан 2016 йилга келиб 21,8 фоизни ёки 7 фоизли пунктга пасайган. Нобюджет фонд маблағларидан 2010 йилда 7,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 10,3 фоизни ёки 3,3 фоизли пунктга ўсган. 2010-2014 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан 04-05 фоизда асосий капиталга инвестициялар киритилган. Банк кредитлари ва қарз маблағлари 2010 йилда 9,1 фоизни, 2016 йил якунлари бўйича 10,2 фоизни ёки 1,1 фоизли пунктга ўсган.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, сўнгги йилларда мамлакатлар олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида корхона ва аҳолининг ихтиёридан бўш маблағларининг вужудга келиши оқибатида уларнинг инвестицион салоҳият ошганлигини билан изоҳлаш мумкин.

Истиқлол йилларида мамлакатда самарали қонунчилик базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг кўламли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Макроиқтисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланиш инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада кучайишига ва иқтисодиётимизга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми ўсди.Иқтисодиётимиздаги анча юқори ўсиш суръатлари ҳисобидан марказлашмаган манбалар, биринчи навбатда хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши ортиб бормоқда. Агар 1990 йилда мамлакатимизнинг инвестиция портфелида хорижий инвестициялар деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 2016 йил якунларига кўра ҳукумат кафолати билан жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар 6,5 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 15,5 фоизни ташкил қилди.

Марказлаштирилган инвестициялар ўсишига хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолатидаги кредитлар аҳамиятли даражада таъсир этди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давридабундай инвестициялар улуши ўсди. Мамлакатда иқтисодий барқарорлик инқироз ва инвестицияларнинг фаоллашуви даврида чет эл инвестициялари ва ҳукумат кафиллигидаги кредитларларнинг 4,5 фоизга қисқаришига олиб келди[3].

Инвестиция ва саноат соҳасидаги фаол сиёсат натижаси сифатида мустақиллик йилларида юртимизда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарадиган янги автомобиль заводлари ташкил этилди. Жаҳондаги етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газкимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари барпо этилди[4].

**2-жадвал**

**Ҳудудлар бўйича хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳолати[5]**

| Ҳудуд номи | Жами хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар | Фаолият юритмаётган корхоналар | | Жами республика бўйича фаолият юритмаётган корхоналарда улуши |
|---|---|---|---|---|
| | | сони | улуши | |
| Жами | 5198 | 185 | 3,6% | 100% |
| Қорақалпоғистон | 73 | 6 | 8,2% | 3,2% |
| Андижон | 158 | 4 | 2,5% | 2,2% |
| Бухоро | 86 | 5 | 5,8% | 2,7% |
| Жиззах | 75 | 5 | 6,7% | 2,7% |
| Қашқадарё | 49 | 3 | 6,1% | 1,6% |
| Навоий | 63 | 1 | 1,6% | 0,5% |
| Наманган | 98 | 11 | 11,2% | 5,9% |
| Самарқанд | 263 | 17 | 6,5% | 9,2% |
| Сурхондарё | 60 | 4 | 6,7% | 2,2% |
| Сирдарё | 72 | 4 | 5,6% | 2,2% |
| Тошкент в. | 597 | 59 | 9,9% | 31,9% |
| Фарғона | 158 | 4 | 2,5% | 2,2% |
| Хоразм | 37 | 1 | 2,7% | 0,5% |
| Тошкент ш. | 3404 | 61 | 1,8% | 33,0% |

Келгуси йилларда таркибий ўзгаришларни иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтиириши, солиқ юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция ва модернизаци қилишга қаратилнан лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон еспубликаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 17 млрд. доллардан зиёд маблағ жамланади.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун ишончли кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокида 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини қуриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган заводни барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс қуриш, “Мерседес-Бенц” шассиси баъзасида кўп ўринли автобуслар, “Клаас” компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни

ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин[6].

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатлари инвестиция фондларини жалб этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрали участкаларини қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги итехникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодийдастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасинингмажлисидаги маърузасида хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишларни танқидий таҳлилни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолганлигини, маҳаллий ҳокимларнинг айби билан мамлакатимиз ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ўта қониқарсиз аҳволда қолаётганлиги таъкидланди. Масалан, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятларида атиги 18 та лойиҳани амалга оширишга 55 миллион доллар ёки ҳар бир лойиҳага ўртача 3 миллион доллардан хорижий инвестиция жалб этилган.

Шундан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлари ҳар чорак якунига кўра тижорат банклари билан биргаликда хорижий инвестицияларни олиб кириш бўйича ишларнинг аҳволи тўғрисида шахсан Президентга ахборотнома киритиш вазифаси юклатилди[7].

Умуман олганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол инвестицион сиёсат туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида ривожланиш кўрсаткичлари мустаҳкамланмоқда. Кейинги йилларга мўлжалланган иқтисодий прогнозлар ҳам инвестицион дастурларнинг жалб этиш орқали давлатнинг ялпи ички маҳсулотини ошиши ҳақидаги ижобий кўрсаткичлардан далолат бермоқда. Боиси Ўзбекистон олиб бораётган инвестицион сиёсат, давлат томонидан молиявий рағбатлантириш даражасининг юқорилиги, инвесторлар учун яратиб берилаётган шароитлар туфайли юртимиз иқтисодиётида инвестиция дастурларинг роли ошиб бормоқда. Энг муҳими, кейинги йилларга мўлжалланган инвестицион дастурлар нефть, кимё, газ, энергетика тизими, кончилик, нодир ва рангли металларни қазиб олиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга қаратилган. Бундай ҳолатда иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари, жумладан макроиқтисодий барқарорлик тўла таъминланади, кичик ва ўрта бизнесга катта рағбат кўрсатилади.

Мамлакатимизда кенг кўламли инвестицион тизимни такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилади.

**I-босқичда (2015 йилгача) асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:**

- қонунлар ишлаб чиқишнинг такомиллашуви ва унинг фаолияти барқарорлиги. Инвестицион институтларнинг ва инвестицион фаолиятнинг ислоҳоти;
- маблағ, хизмат кўрсатиш, товар бозорининг ишлаш мониторингини самарали фаолият кўрсатиши;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга асослангансаноат сиёсати, хусусан “консессион” шаклидаги йирик тармоқларда;

Инвестицион сиёсатнинг узоқ муддатли истиқболида стратегик мақсад бўлиб мамлакатда иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ва инвестицияларни самарали жалб этиш ва ўзлаштиришда инвестицион тизимни яратиш хизмат қилади.

- иқтисоднинг юқори рақобат секторларининг ривожланишини рағбатлантириш, инфляция бошқарув сиёсатини амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш инфраструктурасини янгиланишга қаратилган мамлакатнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш;
- кенг кўламдаги давлат ва хусусий инвестицияларни, тармоқларнинг ўсиши бирлаштириш.

**II босқичда (2020 йилгача) I босқичдаги масалаларни амалда қўллаган ҳолда**

**қуйидигилар муҳим бўлиб хизмат қилади:**

- ташқи савдо, капитални экспорт қилишни кейинчалик либераллаштириш. Савдо ва инвестицион тартибининг ошкоралиги, фаол экспорт сиёсатини ўтказиш, экспортни ривожланишининг катта ҳажмдаги экспорти;

- миллий фонд бозори институтларини ривожлантириш, аҳолини омонатларини рағбатлантириш, капитал бозорида корхона ва фуқаролар мулкини тақсимланиш тизимини ривожлантириш;

- инвестиция бозорини шакллантириш, инновацион хавфни ва инвестицион суғурта тизимини такомиллаштириш.

**III босқичда (2021-2030 йй.)** Бозор иқтисодиёти мустаҳкамланишида ва хусусий секторривожланишида, инвестиция институтлари такомиллашмоқда, самарали молиявий тизим шаклланмоқда, ишлаб чиқаришда инновациялар жорий этилиб, инвестициялар ва иқтисодиёт самарали ўсмоқда, мулк ва инфратизимнинг минтақалар ва тармоқлардаги ривожланиш мувозанатсизлиги бартараф этилмоқда.

Шундай қилиб, ислоҳотлар йилларидаги яратилган мамлакатдаги иқтисодиётнинг инвестицион фаолиятнинг такомиллашуви негизи, механизмлари, Ўзбекистонни узоқ муддатли истиқболида ижтимоий-иқтисодий худудларнинг юқори даражасига чиқишига имкон яратади. Бу эса мамлакатда иқтисодиётни ўсишини билдиради, унда республика аҳолисининг юқори, ўрта даромад даражасидаги мамлакатлар қаторига киради, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида юқори технологик ривожланишлар амалга ошади.[8]

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар-нинг молиялаштиришнинг рағбатлантириш, бирмунча қулайлик яратаётган бўлсада, ҳали бу борада ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш, муайян йўналишлар бўйича муаммоларни бартараф этишнинг даврни ўзи тақозо этмоқда. Боиси ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш билан боғлиқ транспорт харажатлари, қимматли қоғозлар ва валюта алмашинувидаги айрим имтиёзларни ошириш бу борадаги амалга оширилаётган ишларни янада яхшилаган бўлур эди.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.– Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. – Б.146*

*2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасимаълумотлари*

*3. Федяшева Г., КаримовМ. Инвестиционное развитие Узбекистана: Достижения и перспективы. – Рынок, Денги и Кредит. Декабр 2013 №199 8-б*

*4. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2011) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б. 41-46.*

*5.Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари асосида*

*6. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2011) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б. 111.*

*7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. – Б.27-28.*

*8. Г.Федяшева, М.Каримов. Инвестиционное развитие Узбекистана: Достижения и перспективы. – Рынок, Денги и Кредит. Декабр 2013 №199 8-б*

# РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯХШИЛАШГА ТАЪСИРИ

**Абдилакимов Гафур Абдихаликович**

Катта илмий ходим-изланувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти, уларни ташкил этишга ундовчи шарт-шароитлар ҳамда зоналарда инвестицион жозибадорликни ошириш ҳисобига юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш масалалари баён этилган.

***Таянч тушунчалар:*** эркин иқтисодий зоналар, инвестицион муҳит, инвестиция, юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш, солиқлар, имтиёзлар, рақобатдошлик.

***Аннотация.*** В данной статье изложена роль свободной экономической зоны в развитии экономики страны, предпосылки призывающие к их организации, вопросы стимулирования производства высокотехнологической продукции за счёт повышения инвестиционной привлекательности территорий.

***Ключевые слова:*** свободно экономические зоны, инвестиционная среда, инвестиция, производство высокотехнологической продукции, налоги, льготы, конкурентность.

Мувозанатланган иқтисодий сиёсат туфайли кўпчилик мамлакатларда инқироз авжига чиққан даврда ҳам Ўзбекистон Республикаси нафақат инқирозга бардош бера олди, балки иқтисодиётни ривожлантиришнинг юқори суръатларини таъминлаган мамлакатлардан бири бўлди.

Шу муносабат билан, ўтиш даврининг бошида 90-йилларда эркин иқтисодий зоналар механизми таклиф қилиши мумкин бўлган имкониятлар, миллий иқтисодиёт институтларининг ушбу механизмдан муваффақиятли ва самарали фойдаланишга тайёрлиги масаласи мамлакатимизда пухта ўрганилиб чиқилди. Натижада 1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди. Шу тариқа дастлабки қадам қўйилиб, эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш учун зарурий ҳуқуқий асос тайёрланди. Миллий иқтисодиётнинг бозорга қаратилган асосларини яратиш ва хусусий секторнинг ролини ошириш бўйича бир қатор ислоҳотлар ўтказилди. “Эркин зоналар тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан кейин Ўзбекистонда биринчи эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) ташкил қилингунгача орадан 20 йил вақт ўтди. 2008 йилда Навоий шаҳрида ташкил қилинган эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ) Ўзбекистонда биринчи эркин иқтисодий зона бўлди[4, 5 б.].




***1-расм. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасининг истиқболда қамраб олиш кўлами[6, 6 б.].***

Қўйилган мақсадларга кўра ушбу эркин индустриал иқтисодий зонаси нафақат Навоий вилояти, ҳатто Ўзбекистон ҳам эмас, балки бутун Марказий Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё, Яқин Шарқнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. (1-расм).

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона, МДҲ мамлакатлари доирасида биринчи тўлақонли эркин зона бўлиши билан бирга, уларнинг иқтисодий ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади (2-расм) [5, 15 б.].




*2-расм.“Навоий” ЭИИЗ нинг транспорт йўлакларини кенгайтириш йўли билан қамраб олиш стратегияси.*

Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил қилинган кундан бошлаб унга хорижий инвесторлар тобора кўпроқ қизиқиш билдирмоқдалар. Бугунги кунда ЭИИЗ ҳудудида Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлардан хорижий инвесторларнинг 20 дан ортиқ корхоналари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар.




*3-расм. Ўзбекистоннинг транспорт йўлаклари*

“Навоий” ЭИИЗ нинг транспорт коммуникациялари ва салоҳиятининг Бош схемаси 4-расмда келтирилган.




***4-расм. "Навоий" ЭИИЗ нинг Бош схемаси***

"Навоий" ЭИИЗни ташкил қилиш тажрибаси ва минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436 Фармони билан "Ангрен" Махсус индустриал зонаси ташкил қилинди [5, стр. 18]. Шуни қайд қилиш лозимки, ҳудудни танлаш минтақаларнинг саноат ва инвестицион салоҳиятини, уларнинг транспорт йўлаклари орқали ташқи бозорларга чиқишида қанчалик қулай жойлашганлиги асосида амалга оширилган (3-расм).

«Ангрен» эркин иқтисодий зонаси (5-расм) Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри билан Фарғона водийси ўртасидаги транспорт тугуни сифатидаги стратегик жойлашув, Қозоғистон, Россия, Хитой бозорларига чиқишнинг қулайлиги билан тавсифланади.

Тўпланган тажриба асосида, Жиззах вилоятида "Жиззах" эркин индустриал зонаси ва Сирдарё вилоятида унинг филиали ташкил қилинди, бу ерда транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ зона ҳудудида Хитой компанияларининг иштироки билан 100 мингта мобиль телефонлар ишлаб чиқариш, шунингдек чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва ем ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 6 млн доллар атрофида бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди.

"Жиззах" ЭИЗда саноат ҳудуди мавжуд, Тошкент билан Самарқанд орасида жойлашганлик, Тожикистон, Қозоғистон, Россия бозорларига чиқишнинг қулайлиги билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасининг ЭИЗлари – "Навоий ЭИИЗ, "Ангрен" ЭИЗ, "Жиззах" ЭИЗ нинг салоҳияти қуйидагича:

- марказий зона: Шимолий-Шарқий зона – Марказий зона.
- минтақанинг саноат салоҳияти: кимё саноати, нефть-кимё саноати, енгил саноат, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, қурилиш материаллари;
- фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш: қурилиш материаллари, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати;
-чуқур қайта ишлаш: минерал-хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги хомашёси;
-логистика: аэропорт ("Навоий" Халқаро аэропорти), темир йўл, Халқаро автомагистраль;
- махсус афзалликлари: ҳаво йўллари, Бухоро билан Самарқанднинг орасида жойлашганлик, Туркманистон, Афғонистон ва Яқин Шарқ бозорларига чиқишнинг қулайлиги.




*5-расм. "Ангрен" ЭИЗ нинг схемаси*

ЭИЗларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлашда мамлакат Ҳукумати томонидан таклиф қилинадиган имтиёзлар ва енгилликлар пакети муҳим роль ўйнайди. Шуни қайд қилиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида ЭИЗларга бир қатор солиқ имтиёзлари тақдим қилинади, бу ушбу зоналар ҳудудида ишлаб чиқариш тармоқларини яратишни инвестициялаш фойдасига ишлайдиган ўта салмоқли омил ҳисобланади. Имтиёзлар ва енгилликлар пакетини ишлаб чиқишда мамлакатимиз Ҳукумати ҳар бир минтақанинг бир қатор ижтимоий-иқтисодий омилларидан келиб чиқиш билан бирга ҳар бир ЭИЗга нисбатан индивидуал ёндашувни қўллади. Бошқача қилиб айтганда, "Ангрен" ЭИЗ ва "Жиззах" ЭИЗ учун "Навоий" ЭИИЗнинг резидентлари учун ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амал қилаётган имтиёзлар пакетидан шунчаки нусха кўчириб олинмади. Ўзбекистондаги ЭИЗларнинг резидентлари учун солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзларнинг солиштирма таҳлили 6 ва 7 расмларда келтирилган.




*6-расм. "Навоий" ЭИИЗ инвесторлари учун имтиёзлар пакети*




*7-расм. "Ангрен" ЭИЗ инвесторлари учун имтиёзлар пакети*

Эркин иқтисодий зоналарда солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар аниқ белгилаб қўйилган:

-фойда солиғи;

-юридик шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ;

-ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

-кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови;

-республика йўл Жамғармасига мажбурий ўтказмалар;

-ер солиғи;

-республика мактаб таълими Жамғармасига мажбурий ўтказмалар;

ЭИИЗнинг бутун фаолият даврида экспорт қилиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга зарур бўладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва материалларга божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари), Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ЭИЗлар ҳудудига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган лойиҳалар доирасида олиб кириладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва материалларга божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари).

Индивидуал ёндашув фақатгина солиқ имтиёзларини белгилашда эмас, балки бу имтиёзларни тақдим қилиш шартлари ва муддатлари бўйича ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига мувофиқ, "Ангрен" ва "Жиззах" ЭИЗлар учун таклиф қилинадиган имтиёзларни олиш учун зарурий инвестициялар ҳажмининг қуйи чегараси "Навоий" ЭИИЗга қараганда пастроқ қилиб белгиланган.

Бу омилларни ҳисобга олиш билан "Ангрен" ЭИЗда капитал талаб ишлаб чиқаришга қараганда меҳнат талаб ишлаб чиқаришни кўпроқ даражада шакллантириш мақсадга мувофиқ деб белгиланган. "Ангрен" ва "Жиззах" ЭИЗлардан фарқли ўлароқ, "Навоий" ЭИИЗ учун ажратилган ҳудуд ҳеч қандай қурилмаларга эга эмас. Шунингдек ЭИИЗ капитал талаб ва илм талаб ишлаб чиқаришлар учун ҳудуд сифатида режалаштирилган (8- ва 9-расмлар).

"Ангрен" ЭИЗ ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати 44 млн доллар бўлган 5 та лойиҳа бўйича юқори технологияли маҳсулотлар – энергия тежовчи диодли ёруғлик лампалари, турлича диаметрли мис трубалар, кўмир брикетини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, шунингдек шакар ишлаб чиқарувчи янги завод ва бошқа корхоналарнинг қурилиши тугалланган (10-расм).




*8-расм. “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш объектларининг жойлашуви*




*9-расм. «Ангрен» ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш обьектларининг жойлашуви*




***10-расм. “Ангрен” ЭИЗ ҳудудида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш***

Фаолият кўрсатаётган “Навоий”, ”Ангрен” ва ”Жиззах” ЭИЗнинг ижобий тажрибаларидан янги ва юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил, 26 октябрдаги Фармони қабул қилиниб, имтиёзлар янада кенгайтирилди. Фаолият кўрсатиб келаётган зоналарни - эркин иқтисодий зоналар деб номланиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Фарғона вилоятларининг ресурс ва ишлаб чиқариш фаолиятидан тизимли ва самарали фойдаланиш, хорижий ва миллий инвестицияларни минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиб юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”,”Ғиждувон”,”Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил қилиш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди. Ушбу ЭИЗлар учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги Фармонида белгилаб қўйилган қўшимча имтиёзларни қўллаш белгилаб қўйилди.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича Дастурни ишлаб чиқишда минтақаларнинг табиий ресурслар ва индустриал салоҳияти, мамлакатнинг экспорт салоҳияти каби омиллардан келадиган самарани максималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёндашув иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркин бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик жамият қуришда айниқса муҳим ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг салоҳиятини оширишга бўлган бундай ёндашув, шубҳасиз, мустаҳкам илмий базага эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

***Манба ва адабиётлар:***

*1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг2017 йил 12 январдаги “Ургут”,”Ғиждувон”,”Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил қилиш тўғрисидаги Фармони.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил26 октябрдаги”Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.*

*3.Собрание законодательных актов Республики Узбекистан.*

*4. Развитие свободных экономических зон Республики Узбекистан, МВЭСИТ – 2016.*

*5. Аналитический доклад ЦЭИ, Институт макроэкономических исследований«Состояние и перспективы развития свободных экономических зон в Республике Узбекистан».*

*6. ЦЭИ, Аналитическая записка развитие транспортных коридоров Республики Узбекистан, 2015.*

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ КАЧЕСТВА КАК ГЛАВНОГО ФАКТОРА РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИЯТИЯ


**Ташмухамедова Гулноза Равшановна**

Аудитор, Системы менеджмента качества ООО «Trans Advertisement», "Tuv Thurungen"



***Аннотация.*** Бугунги кунда бутун дунёда маҳсулот ва хизматлар сифати масалаларига катта эътибор қаратилиб келмоқда. Маҳсулотнинг асосий мезони бўлмиш сифат халқ фаровонлиги ва соғлиги учун улкан аҳамият касб этади. Шунингдек, маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш бозордаги рақобат билан курашишнинг асосий воситаларидан биридир. Сифат тизимларини такомиллаштириш ва ташкилотларни бошқаришнинг мавжуд моделларини қайтадан кўриб чиқиш орқали давлат иқтисодиётининг умумий самарадорлигига эришиш мумкин.



***Таянч тушунчалар:*** сифат бошқаруви, профилактика ҳаракатлари, нуқсон, сифат, сифат менежменти тизими, жараён.



***Аннотация.*** Сегодняшний день во всем мире предается огромное значение вопросам качества продукции и услуг. Всем известно, что качество как основной критерий к продукту имеет важное значение для благосостояния и здоровья народа. Также для любой организации, приоритетом является повышение качества продукции и услуг как основного инструмента для борьбы с конкуренцией на рынке. Эффективности государственной экономики в целом можно достичь путем совершенствования системы качества и пересмотра существующих моделей управления организациями.



***Ключевые слова:*** Менеджмент качества, предупреждающие действия, дефект, качество, система управления качеством, процесс.


Нужно отметить что, важную роль играет понимание предприятиями сущности качества и пути обеспечения качеством. Для этого был сделан обзор взглядов ведущих ученых в области качества для более глубокого понимание этой науки. Внедрение качества в организациях является важным условием для успешного развития бизнеса, укрепления положения компании на внутреннем и международном рынках. Но самое важное является поддержания системы обеспечения качеством в надлежащем уровне.

Высокие стандарты качества являются обязательной предпосылкой долгосрочного и продолжительного успеха в любой организации. Данная статья служит для реализации задач, определенных в постановлениях, принятого 9 июня 2009 года Кабинетом Министра Республики Узбекистан №173 "О дополнительных мерах по расширению внедрения на предприятиях республики систем управления качеством, соответствующих международным стандартам", Указа Президента Республики Узбекистан от 24.01.2003г. № УП-3202 «О мерах по кардинальному увеличению доли и значения частного сектора в экономике Узбекистана» и постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19.10.2015г. №298 «Об утверждении программы развития национальной инфраструктуры качества на период до 2020 года» По состоянию на 2 февраля 2017 года на 4234 предприятиях Республики внедрены и сертифицированы системы управления качеством.

***Анализ литературы***

Нужно отметить, что страны как США, Япония и Западная Европа внесли большой неизгладимый вклад в научно-теоритическое развитие системы управление качеством изучая основные концепции и принципы СМК. Из зарубежных специалистов можно выделить ведущих исследователей, как Э. Деминг, Дж. Джуран, К. Исикава, Ф. Кросби, Дж. Стинг, А. Фейгенбаум, Дж. Харрингтон, В. Шухарт, Е. Кондо, Г. Нив, В. Лапидус, Л.Закса. Х.Куме, Д.Мердока и др. Из Российских ученых можно выделить имена влиятельных исследователей как Ю.Адлер, В.А. Матюшина, Н. К. Розо-

вой, Азгальдов Г.Г., Бенцман Б.Л., Бойцов В.В., Версан В.Г., Винокуров В.А., Войтоловский.

Несмотря на стремительное развитие деятельности в области качества последние годы, внедрение и функционирование СМК на отечественных промышленных предприятиях не отличается совершенством и нуждается в постоянной развитии. На сегодняшний день, нужно учитывать потребности нестабильного рынка и делать обширные исследования для существенного повышение эффективности СМК. Нужно отметить что СМК имеет большой потенциал для развития и достижения организационного совершенства. При всем многообразии исследований, остаются не достаточно изучены проблемы обеспечения качества. Очень важно наладить связь между научно-исследовательской и производственно-хозяйственной деятельностью, выражающееся в поиске возможностей использования теоретических разработок в области системного управления качеством на практике.

***Методология исследования***

Теоретической и методологической основой исследования служат основные положения и теории применяемые при определении качества разработанные зарубежной наукой. Работа носит изыскательный характер, так как в данной статье обсуждаются разные гипотезы и теории ученых. В процессе изучения и написания статьи использованы различные материалы от ведущих специалистов в области качества.

***Анализ и результаты***

Огромное количество исследований доказали, что управление качеством является неотъемлемой частью управления организацией. [Gharakhani Д., 2013] Несмотря на то, что сам термин «качество» легко понятен компаниями и потребителями как лозунг для определения превосходного атрибута продукта или услуги, все же термин «качество» имеет более глубокий смысл.

Нужно отметить, что ученые США, Японии и стран Западной Европы, изучая основные концепции и принципы, внеслиогромный вклад в научно-теоритическое развитие системы управления качеством. Ведущие специалисты в области философии качества, такие как Эдвард Деминг, Филип Кросби и Джозеф Джуран,по-разному давали определение качеству. Эдвард Деминг, являясь признанным и уважаемым консультантом и экспертомв области качества, много сделал для развития промышленности и движения качества Японии. Как специалист в статистических исследованиях он создал основы качества и оперативного управления в сочетании со статистическим методом и был признан "Отецом третьей волны индустриальной революции". [Tsutsui, W., 1996]По мнению Деминга [1986], только потребители могут по-настоящему определить истинное качество продукта или услуги, в связи с этим разные потребители могут определять качество по разным критериям. Тем не менее, восприятие качества со стороны разных потребителей будет совпадать. Деминг считает, что система менеджмента качества должна обеспечивать стабильность в удовлетворении потребностей и предвосхищении ожиданий клиентов.

В книге «Выход из кризиса» [1986] Деминг отметил, что классификация качества может быть чрезвычайно сложным процессом, так как ожидания и потребности клиентов должны быть преобразованы в важные характеристики в целях разработки, дизайна и производства продукта для полного удовлетворения клиентов.

Профессор Гарвардского университета Дэвид Гарвин [1987, 1988] предложил восемь параметров для определения качества: производительность, эстетика, характеристика, надежность, соответствие, долговечность, удобство обслуживания и воспринимаемое качество. Эти показатели сложно реализовать полностью, но можно применять в зависимости от стратегии компании.

Мнение Ф.Кросбиотносительно качества сильно расходится с философией Деминга. В то время как Деминг принимал и измерял качество с точки зрения заказчика, Кросби воспринимал его с оперативной точки зрения, без дифференциации качества по уровням, предполагая, что оно может присутствовать или отсутствовать вовсе. Кросби [1979] решительно заявлял: "Качество -это соответствие требованиям, и эти требования должны быть определены в измеримом и четком виде". Его главный аргумент в том, что стоимость качества состоит из общей стоимости соответствия и стоимости несоответствия в целом. Тем не менее, это предположение полностью соответствует современным требованиям бизнеса.

Джозеф Джуран [1986],еще один ведущий ученый в сфере менеджмента качества, предпочел другой подход. Он описал качество, как "пригодность для использования" с помощью различных параметров, таких как качество дизайна, качество соответствия, безопасность, области использования и доступность. Джуран использовал логический подход , охватывающий все жизненные процессы продукта - от проектирования, производства, развития процесса до распределения, инспекции и послепродажного сервиса. Более того, ученый разработал статистические ме-

тоды для оценки надежности и стоимости системы качества, которые можно презентовать руководителям организации для понимания значимости качества в денежном выражении [Garvin, D. A. 1987].

Экономист обращал внимание на особенности продукта и воспринимал качество так, чтобы оно соответствовало требованиям клиентов. Джуран одним из первых, запустивший концепцию внутренних и внешних клиентов, доказывая значимость обоих, однозначно коррелировал качество с ожиданиями клиентов.

Все эти специалисты внесли значительный вклад в теорию управления и повышения качества, и, хотя их взгляды различаются, они являются основой философии TQM.

Можно смело утверждать, что в современной экономике будущее за качеством продукции и услуг. Система менеджмента качества может обеспечить прозрачность всех процессов и операций, внедрить философию непрерывного совершенствования.

Вдобавок, по мнению Миллара [1987],в будущем будет существовать два типа компаний: - те, кто принял систему управления качеством, и те, кто ее не принял. На сегодняшний день, компании по всему миру, независимо от размера и отрасли устанавливают стратегии, направленные на качество продукции и услуг, позиционируя СМК как «незаменимый инструмент» для каждой организации [Hoang,D.T., 2010].

Очень важно понять и осознать основные принципы управления качеством и его главные функции. Было проведено большое количество исследований, касающихся значимости обеспечения качества в организации, и разработаны различные теории и гипотезы. На самом деле, основным направлением всех исследований, связанных с управлением качеством, было улучшение существующих методов управления и моделей для достижения высокой степени совершенства и превосходства, ориентированных на конкурентоспособность и эффективность организации.

Деминг утверждает, что высшее руководство играет важную роль в предприятии и любые организации представляют собой системы. Кроме того, он определяет семь основополагающих принципов философии качества:

1. Цикл Plan-Do-Check-Act.
2. Система глубоких знаний.
3. Цепная реакция улучшения качества.
4. Предупреждение путем совершенствования процессов.
5. 14 заповедей Деминга.
6. Статистика[Common and special cause variations].
7. Смертельные и страшные болезни. [Martin, L., 1999].

**Таблица 1: PDCA (Планирование, Исполнение, Контроль, Воздействие)**



На самом деле, каждый из этих принципов является чрезвычайно актуальным и востребованным со стороны ведущих школ менеджмента. Большинство из этих принципов направленона непрерывное развитие предприятия с использованием превентивных мер, статистических методов и практических рекомендаций, которые могут обеспечить ощутимые результаты.

Принципы Кросби в основном сосредоточены на профилактических мерах в вопросах управления качеством. Кросби пропагандировал тезис: "Делай это правильно с первого раза и каждый раз". Он в основном делал акцент на программе«ноль дефектов», предполагая, что любые несоответствия в компании могут значительно снизить качество продукции. В соответствии с принципами Деминга и других специалистов ошибки и недостатки неизбежны, в то время как Кросби не был согласен с тем, чтобы бороться и справляться с постоянно возникающими несоответствиями и ошибками в деятельности компании. Он активно предлагал решения и стратегии, которые предназначены для предотвращения возможных ошибок заранее [Garvin, D. A. 1987].

Кросби акцентировал внимание на "четыре фундамента качества" как основополагающих принципов качества:

1. Качество может быть описано как соответствие определенным требованиям. Важно, чтобы от клиентов поступали четкие требования , после анализа которых должны быть смоделированы продукт или услуга.

2. Ноль дефектов - это стандарт для обеспечения качества. Ресурсы как квалификация и навыки, инструменты и оборудование должны быть полной мере доступны, чтобы обеспечить разработку и производство бездефектной продукции.

3. Профилактика и предупреждение дефектов является специальной системой или частью качества. Это может устранить нежелательные затраты на дефекты и ошибки. [Гарвин, Д., А, 1990]

Очевидно что, высокое качество продукции может быть достигнуто с помощью продуманной и грамотно организованной системы управления качеством. Это достигается путем взаимосвязанных процессов производства, направленных на достижение поставленной цели - создание условий для обеспечения требуемого уровня качества объекта производства при минимальных затратах. [Гладков,П. 2008]

Выводы и предложения

Можно утверждать, что надлежащий уровень качество можно достичь и поддерживать. Но, не все предприятия глубоко понимают важность достижения долгосрочного качества или не имеют достаточно знаний в этой области.

Учитывая мнения известных специалистов и ученых можно перечислить несколько рекомендаций для решения проблем с обеспечением качества напредприятиях РУз.

1. Нужно очень тесно работать с ожиданиями и потребностями потребителей и создать клиенто ориентированную культуру в деятельности предприятия.

2. Можно установить параметры или критерии к качеству продукции, учитывая требования рынка, индустрии и потребителей. Позаимствовать программу «ноль дефектов» для сокращения дефектов и браков.

3. Уделять больше внимание профилактике и предупреждению возможных несоответствий, изучить и внедрить риск-менеджмент.

4. Не ограничиваться только стандартами и требованиями, а на постоянной основе совершенствовать процессы и деятельность предприятия путем постоянного повышения качества продукции.

Улучшение и обеспечение качества продукции - наиважнейшее направление интенсивного развития экономики, источник экономического роста, эффективности общественного производства. В этих условиях возрастает значение комплексного управления качеством продукции и эффективностью производства.

Для достижения высоких результатов в организации и обеспечения качества товаров и услуг нужно постоянно совершенствовать систему и работать над улучшением процессов. Внедрение Системы менеджмента качества и других отраслевых и международных стандартов значительно увеличит эффективность управления и конкурентоспособность компании. Но совершенно очевидно, что этого недостаточно. Руководители предприятий и ведущие менеджеры должны глубоко вникать в суть и определение качества для возможности полноценного обеспечения нашего рынка высококачественными товарами и услугами.

***Источники и литература:***

1. Deming, E., (2014) Out of crisis: The new paradigm for managing people, systems and processes, 6th edition, Alpina publisher, Moscow, 2014 (Russian version)

2. Faingenbaum, A.V., 1983, Total quality control, McGraw-Hill book company, New york, 3rd edition,

3. Faingenbaum, A.V, 1951, Quality control: principles, practices and administration, McGraw-Hill book company, New york Available at: http://catalog.hathitrust.org/Record/005762512. [Last accessed: 16.02.15]

4. Garvin, D. A. (1987). Competing on the eight dimensions of quality. Harvard Business Review, v. November-December,

5. Garvin, D. A. (1988) Managing quality: the strategic and competitive edge. EUA, New York: Harvard Business School.

6. Gierczak,B.,(2014), Management methods and concepts for building competitive advantage in hospitability companies, Sport tourism,[pdf] Available at: http://eds.a.ebscohost.com.ezproxy.sunderland.ac.uk:2048/eds/pdfviewer/pdfviewer?vid=7&sid=cf74f63d-a742-4b71-b99a-1bd13cbce5cb%40sessionmgr4003&hid=4111[Last accessed: 10.03.15]

7. Hoang,D.T., 2010, Total quality management (TQM) strategy and organisational characteristics: Evidence from a recent WTO member, Total quality management, vol-21/9, Available at: www.sciencedirect.com[Last accessed: 10.02.15]

8. Juran, J.M. The Quality Trilogy: A Universal Approach to Managing Quality, Quality Progress19(1986):

9. Morgan et al., (2011), IBM SPSS for introductory Statistics: Use and interpretation. Tayloy&Francis

10. Tsutsui, W., 1996, W.,Edwards Deming and the origins of quality control in Japan, Journal of Japanese studies, vol-22/2, [pdf online] Available at:http://www.jstor.org/discover/10.2307/132975?sid=21106003465053&uid=70&uid=2490690933&uid=2134&uid=2490690943&uid=2&uid=60&uid=3739272&uid=3[Last accessed: 10.03.15]

11. Гладков,П.С,2008, Менеджмент качества, учебное пособие, Ивановский государственный химико-технологический университет, Иваново, 2008

12. Портал www.lex.uz

# КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ БЕЛГИЛОВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

**Жалолов Илҳомжон Исомиддинович**

Ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети

***Аннотация.*** Мақолада "Корхоналарнинг иқтисодий потенциали" тушунчасининг мазмуни ёритилиб, уни белгиловчи асосий омиллар ўрганилди ва корхоналарнинг иқтисодий потенциалини аниқлаш бўйича таклифлар берилди.

***Таянч тушунчалар:*** иқтисодий салоҳият, корхона, иқтисодий кўрсатгичлар, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш ресурслари, молиявий кўрсатгичлар.

***Аннотация.*** В содержании статьи широко представлены, понятие "экономического потенциала предприятия", были изучены основные факторы и выражены предложения для определения экономического потенциала предприятий.

***Ключевые слова:*** экономический потенциал, предприятие, экономические показатели, трудовые ресурсы, производственные ресурсы, финансовые показатели.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг эркин фаолият юритиши мамлакат иқтисодиётининг юксалишига сабабчи бўлувчи асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов такидлаганларидек, "...Иқтисодни жонлантириш учун корхоналарни хусусийлаштириш ишига жиддий киришмоқ керак. Бу ишдаги асосий вазифа маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Хусусийлаштириш маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлигига қаратилиши лозим, уларнинг эркинлигини эса хусусий мулк таъминлайди" [2]. Корхоналарнинг юксалишида давлат ҳар томонлама шарт -шароитларни яратиб бериш билан катта роль ўйнайди. Мамлакат иқтисодий потенциалининг ўсиши корхоналарнинг иқтисодий потенциалининг ўсиши билан боғлиқ. Шунинг учун корхона эгаси учун ҳам, мамлакат учун ҳам корхоналарнинг иқтисодий потенциалини юксалтириш манфаатдорлиги мавжуд. Бозор иқтисодиётининг рақобат шароитида корхоналарнинг иқтисодий потенциалини аниқлаш ва уларга баҳо бериш асосий вазифалардан бири саналади.

***Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.***

1.Бугунги кунга қадар кўплаб олимлар корхонанинг иқтисодий потенциали тушунчасига турлича фикрларни бериб келганлар. Махаллий олимларимиз М.Қ.Пардаев, Б.А.Хасанов, Ж.И.Исроилов, А.Н.Холиқуловлар "Иқтисодий таҳлил" дарслигида "Корхона иқтисодий потенциали - корхонанинг моддий ресурслари, меҳнат ресурслари ва номоддий активлари билан баҳоланади"[3], деб таърифлаб ўтганлар.

2.Ю. Брехова ва А. Курбановалар [7], бир қанча олимлар фикрларини жамлаган ҳолда иқтисодий салоҳиятни аниқлашга нисбатан икки хил ёндашувни илгари суришган: ресурсли ва натижавий. Ресурсли ёндашувга кўра иқтисодий салоҳиятга мавжуд ресурслар ва захиралар комбинацияси сифатида қаралади. Бунда иқтисодий салоҳиятни баҳолаш алоҳида олинган ресурслар ҳажмини сифат ва сон жиҳатидан аниқлашни назарда тутади. Бироқ, бу ёндашув орқали жами иқтисодий салоҳиятни аниқлаш бирмунча муаммоли. Шу билан бирга, ушбу ёндашувга мойил олимлар иқтисодий салоҳиятни «хўжалик субъектининг умумий ресурслари», «асосий ишлаб чиқариш қувватлари»; «субъектнинг мавжуд ресурслари жамланмаси ва молиявий ва хўжалик фаолияти учун ишлатиш имкониятлари» деб таърифлашади.

Натижавий ёндашувда эса иқтисодий салоҳиятга «корхонанинг рақобатбардошликка эришиш учун моддий ва номоддий активларни яратиш, сақлаш, ривожлантириш, инсон ресурсларидан ва бизнес муҳит имкониятларидан фаол фойдаланиш қобилияти»; «корхонанинг ривожланиш, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун ресурсларни қайта ишлаш қобилияти»; «жорий давр учун компания қуввати ёки унинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг ривожлашини таъминлаш, бошқа мақсадларни амалга ошириш қобилияти» [6] каби таърифлар берилади.

3. И.А.Гунина ўзининг мақоласида корхонанинг иқтисодий потенциалига оид қуйидаги фикларни билдирган: "Корхонанинг иқтисодий потенциали бу- корхонанинг узоқ муддатли иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган меҳнат ресурслари, молиявий ва ишлаб чиқариш ресурслари, инноватцион фаолият, ахборот ва бошқалар мажмуини ўз ичига олган бир тизим ҳисобланади[8].

4. Ковалев В. В. Финансовый анализ китобида "Корхонанинг иқтисодий потенциали – бу мулкий ва молиявий имкониятлар йиғиндиси" деб тариф бериб ўтган [9].

5. Козлова Т. В., Заболотская Н. В. Оценка экономического потенциала предприятия китобида ”Корхонанинг иқтисодий потенциали - бу ўз ходимлари ва раҳбарлари қобилиятига асосланиб мавжуд ресурслардан (меҳнат, моддий, номоддий ва молиявий) фойдаланган ҳолда товар ва хизматлар яратиш орқали максимал фойда олишдир” деб таъриф берганлар.

***Тадқиқот методологияси (Research Methodology).***

Олимларнинг фикрини инобатга олган ҳолда корхона иқтисодий потенциалига 1-расмда қуйидаги омиллар орқали таъриф беришимиз мумкин: Корхона потенциалига баҳо беришда тадбиркорлик қобилияти омили сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Чунки ишлаб чиқарувчи барча ресурларга эга бўлиши мумкин, лекин бу ресурсларни ишлатишни билмаса, ундан самарали фойдалана олмаса ёки аниқ дастурга эга бўлмаса, ҳеч қандай иқтисодий салоҳиятга эришиб бўлмайди.




*Манба: Муаллиф ишланмаси*

***1-расм.Корхона иқтисодий потенциали***

Шу сабабли корхона иқтисодий потенциалини фақат учта омил яъни, моддий ресурслар, номоддий активлар ва меҳнат ресурслари белгилай олмайди, шунинг учун тўртинчи омил тадбиркорлик қобилиятидан фойдаланган ҳолда корхона иқтисодий потенциалини белгилай олади. Корхона потенциалини белгилашда тадбиркорлик қобилияти қай даражада юқорилигини аниқлаш учун корхонанинг бир неча йиллик фойдасини таҳлил қилиш керак бўлади. Йиллар давомида фойдани таҳлил қилганда, молиявий натижалар орқали, яъни фойданинг турларини таҳлил қилиш орқали корхонанинг иқтисодий потенциалига ва тадбиркорлик қобилиятига баҳо бера оламиз. Тадбиркорлик қобилиятига қуйидаги 2-расмда кўрсатилган кўрсаткичлар орқали баҳо бериш мумкин.




*Манба: Муаллиф ишланмаси*

***2-расм. Тадбиркорлик қобилиятига баҳо берувчи кўрсаткичлар***

Кўпгина адабиётларда узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестициялар корхона иқтисодий потенциалини белгилашда моддий ресурслар омилига киритилган, бизнинг фикримизча инвестиция тадбиркорлик қобилияти омилига киритилиши лозим. Чунки корхонада мавжуд бўш маблағларни фойда олиш мақсадида тадбиркорлик қобилиятидан фойдаланган ҳолда бошқа тадбиркорлик объектларига йўналтирилади. Агар бу инвестиция фаолиятидан фойда эмас зарар билан чиқса, бунга моддий ресурслар эмас, тадбиркорлик қобилияти сабабчи бўлади. Ивестицияларга баҳо беришда турли объектларга йўналтирилган инвестициянинг ҳар биридан қайтган фойдани тўғри аниқлаб билиш керак.

Инвестициядан қайтган фойданинг фойдалилик даражасини аниқлаб корхонанинг инвестиция потенциалига тўғри баҳо берилади. Корхонани бошқарувчи ходимлар тадбиркорлик рискларини тўғри баҳолай олишлари зарур.

Тадбиркорлик фаолиятида корхонани бошқаришдан мақсад юқори самарадорликга эришиш ҳисобланади. Шунинг учун корхоналар аниқ бошқариш тизимига эга бўлиши керак. Айниқса раҳбарнинг бошқарувчанлик қобилияти катта роль ўйнайди. Чунки раҳбарда бошқарувчанлик қобилияти мавжуд бўлмаса, моддий ресурслари қанчалик катта бўлмасин, корхонанинг иқтисодий потенциалига эришиб бўлмайди. Биз барча ресурслардан фойдаланган ҳолда сифатли махсулот ишлаб чиқаришимиз мумкин, лекин уни таннархини тўғри шакллантира олмасак, маҳсулотни сотишда бозорда ўз ўрнимизга эга бўлмасак корхона ўз олдига қўйган мақсадларга эриша олмайди. Шунга кўра бошқарув ҳисоби қуйидаги иккита катта бўлимни ўз ичига олади:

-ишлаб чиқариш харажатларини калькуляциялаш;

-ишлаб чиқариш фаолияти устидан назорат.

Корхонада маҳсулотни сотиш баҳосини шакллантиришда таннарх ва бозордаги рақобатга асосланиб нарх белгиланади. Бу жараённинг қанчалик тўғри ёки нотўғри амалга оширилгани йил якунида молиявий натижаларнинг маълумотлари таҳлили кўрсатиб беради. Корхонада ишлаб чиқарилган тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя қилинишида ишлаб чиқариш фаолияти устидан назорат иқтисодий самарадорликка эришишда катта роль ўйнайди. Корхонада ҳар бир жараёнларнинг аниқ мақсад ва режа асосида бажарилиши учун назорат зарур бўлади. Фақат самарали назорат орқали аниқ мақсадларга эриш мумкин.

Рақобат шароитида бозорда ўз ўрнига эга бўлишнинг асосий талабларидан бири инновацион ғояларга эга бўлиш ва уни тадбиқ қилиш ҳисобланади. Жорий асрни ўзгаришлар асри десак, адашмаймиз. Шунинг учун замонга хос инновация ғояларини ишлаб чиқиш корхонанинг нафақат иқтисодий барқарорлигини, балки бозорда ўз мавқейини сақлашга ҳам имкон беради.

Корхонанинг асосий воситалари ва айланма маблағлари моддий ресурс манбасини ташкил қилади. Корхонанинг иқтисодий потенциалини белгилашда корхона балансидаги жами асосий воситаларнинг қийматидан фойдаланилади. Лекин жами асосий воситаларнинг таркибига катта этибор қаратиш лозим. Асосий воситаларни самарадорлигини таҳлил қилишда ишлатилмаётган ва самарадорлиги паст бўлган асосий воситалар салбий таъсир кўрсатади. Чунки асосий воситалар самарадорлигини ҳисоблашда уларининг жами қиймати ҳисобга олинади . Шунинг учун уларни ҳар доим қайта рўхатдан ўтказиб туриш ва кераксизларини янгилаш асосий воситалар самарадорлигини ошишига олиб келади. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда янги техника-технологиялар бошқа техника-технологияларга нисбатан самарали ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан корхоналар томонидан янги технологик асбоб-ускуналардан фойдаланишларини қўллаб қувватлаш мақсадида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган база янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади.[1] Бундан асосий мақсад корхоналарнинг асосий воситалар таркибини тубдан янги техника ва техналогиялар билан таъминлаш ҳисобланади. Бу борада ҳар йили давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, улар амалга оширилади. 2013 йилда мамлакатимизда жами инвестициялар миқдори 13 млрд АҚШ долларини, шундан 3 млрд АҚШ доллари хорижий инвестицияларни ташкил қилади. 2014 йилда мамлакатимизда жами инвестициялар миқдори 14,6 млрд АҚШ долларини, шундан 3,1 млрд АҚШ доллари хорижий инвестицияларни ташкил қилади. 2015 йилда мамлакатимизда жами инвестициялар миқдори 15,8 млрд АҚШ долларини, шундан 3,3 млрд АҚШ доллари хорижий инвестицияларни ташкил қилади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, корхонанинг жами асосий воситаларини ишлатилаётган ва ишлатилмаётган асосий воситаларига бўлиш мумкин. Чунки корхона самарадорлигини аниқлашда ишлатилмаётган асосий воситалар инобатга олинмаслиги керак. Шунинг учун ишлатилмаётган асосий воситалардан фойдаланилишини таъминлаш ёки мумкин қадар сотиш керак.

Корхона иқтисодий потенциалига баҳо берувчи омиллардан яна бири бу корхонанинг айланма маблағларидир. Айланма маблағлар самарадорлигини таъминлашда уларни тўғри шакллантириш лозим. Масалан, ишлаб чиқаришга зарур бўлган ва сифатли хом-ашё ва материалларни сотиб олиш орқали уларни ишлаб чиқаришда самарали ишлатилишини таъминлаш мумкин. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, фақатгина айланма маблағларнинг миқдори билан эмас, балки уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида айланиш тезлигини таъминлаш орқали ҳам иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Корхонанинг иқтисодий потенциалини белгилашда номоддий активлар жуда катта роль ўйнайди. Патент, лицензия, товар белгилари, франчайз корхона фаолиятини юргизишга рухсат берувчи омиллардир. Чунки айрим корхоналар барча ресурларга эга бўлсада, кимнингдир яратган тизимидан фойдаланиш орқали яъни унинг патенти ёки товар белгисини сотиб олиш орқали корхонанинг ишлашини таъминлай олади. Шунинг учун корхонада қанчалик номоддий активларнинг кўплиги ва уларнинг самарали ишлашини таъминлаш орқали корхона ўзининг иқтисодий потенциалига эриша олади.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларнинг динамикаси**

| | 2013 | 2014 | 2015 |
|---|---|---|---|
| Инвестицияларнинг умумий ҳажми (млрд. доллар) | 13 | 14,6 | 15,8 |
| Шундан: Хорижий инвестициялар (млрд. доллар) | 3 | 3,1 | 3,3 |
| Қурилишга жалб қилинган маблағлар ҳажми (млрд. доллар) | 2,7 | 4,2 | 7,4 |
| Қурилиши тугатилиб фойдаланишга топширилган объектлар сони | 150 | 154 | 158 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти маърузалари (2013, 2014, 2015 йиллар)*

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат корхонанинг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини олайлик. Унинг содир бўлиши учун албатта модий-техник таъминоти, яъни ускуналар, жиҳозлар , бино, хом-ашё кабилар зарур. Аммо ҳар қандай илғор техника, юқори сифатли хом-ашё ўз-ўзидан иқтисодий жараённи содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга албатта меҳнат ресурсларининг иштироки зарур. Демак, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда меҳнат ресурсларининг ҳам иштирокини таъминлаш лозим экан. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб, янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотнинг сотилиши эса корхонанинг барча харажатларини қоплаб, фойда олишни таъминлайди. Меҳнат ресурсларининг самарали ишлашини таъминлаш орқали корхонанинг пировард мақсади амалга ошади. Бундан кўриниб турибдики, корхона иқтисодий потенциалини баҳолашда фақатгина бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашган корхона тасарруфидаги моддий бойликларни (активларни) таҳлил қилиш билан чегараланиб қолиш, унинг иқтисодий фаолияти тўғрисида тўлиқ хулоса қилиш учун етарли эмас экан. Бу эса ўз навбатида, корхонанинг иқтисодий аҳволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурслари ва тадбиркорлик қобилиятини ҳам қўшган ҳолда таҳлил қилишни тақозо қилади. Корхонанинг меҳнат ресурслари потенциалига 3-расмда кўрсатилган кўрсатгичлар орқали баҳо бериш мумкин.

Малакали ходимларга ҳар доим талаб ошиб боради. Чунки кундан кунга бозорда истеъмолчилар талаблари ўзгариши билан фан ва техника- технологиялар, бошқарув тузилмаси ва дастурий таъминотлар ҳам ўзгариб бормоқда. Бу жараён корхоналарнинг ишлаб чиқариш йўналишининг ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун ҳар доим корхонада ходимлар малакасини оширишга бўлган талаб ошадики, камаймайди.

Корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ҳар доим ходимларнинг янги технологияларни, дастурий таъминотларни ишлата олиши, янги ғояларга эга бўлиши, бошқарув тизимини ўрната олиши ва малакали бўлиши билан боғлиқдир. Меҳнат ресурсларининг потенциалига баҳо беришда ходимлар малакасини ошириш учун сарфланган маблағлар инобатга олиниши лозим. Шунга қараб корхона ходимларнинг малакаси қанчалик оширилган ёки оширилмаганлигини аниқлаш мумкин.




*Манба: Муаллиф ишланмаси*

**2-расм. Корхона меҳнат ресурслари потенциалини баҳоловчи кўрсаткичлар**

**1-жадвал**

**Корхона иқтисодий потенциалини аниқловчи кўрсаткичлар**

<table>
<tr><td rowspan="3">Моддий ресурслар</td><td rowspan="2">Асосий воситалар</td><td>Янги техника-технологиялар</td><td>Бошқа асосий воситалар</td><td>Фойдаланиш мумкин бўлган асосий воситалар</td><td>Тўлиқ ишлатилмайдиган асосий воситалар</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ишлатилаётган асосий воситалар</td><td colspan="2">Ишлатилмаётган асосий воситалар</td></tr>
<tr><td>Айланма маблағлар</td><td>Ишлаб чиқаришга зарур материаллар</td><td>Пул маблағлари</td><td colspan="2">Кам ишлатиладиган бошқа айланма маблағлар</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Номоддий активлар</td><td>Фаолиятни юритишга рухсат берувчи номоддий активлар</td><td>Лицензия</td><td>Патент</td><td>Товар белгилари</td><td>Бошқалар</td></tr>
<tr><td>Дастурий таъминотлар</td><td>Бухгалтерия дастурлари</td><td>Ишлаб чиқариш дастурлари</td><td>Бошқарув дастурлари</td><td>Бошқалар</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Меҳнат ресурслари</td><td>Жами ходимлар сони</td><td>Ўз мамлакатида малака оширган ходимлар</td><td>Хорижда малака оширган ходимлар</td><td>Хориж тажрибасига эга хорижий ходимлар</td><td>Ёш мутахасислар</td></tr>
<tr><td>Ходимлар малакасини оширишга сарфланган маблағлар</td><td colspan="2">Ўз мамлакатида малака оширишга сарфланган маблағлар</td><td colspan="2">Хорижда малака оширишга сарфланган маблағлар</td></tr>
<tr><td rowspan="4">Тадбиркорлик қобилияти</td><td>Фойда таҳлили</td><td colspan="2">Рентабеллик кўрсатгичлари</td><td colspan="2">Динамик қаторлар</td></tr>
<tr><td>Инновацион ғоялар</td><td colspan="2">Ўзида ишлаб чиқарилган инновацион ғоялар</td><td colspan="2">Сотиб олинган инновацион ғоялар</td></tr>
<tr><td>Инвестициялар</td><td colspan="2">Қимматли қоғозларга</td><td colspan="2">Бошқа объектларга</td></tr>
<tr><td>Бошқарув тузилмаси</td><td colspan="2">Содда</td><td colspan="2">Мураккаб</td></tr>
</table>

*Манба: Муаллиф ишланмаси*

Буни инсон капиталига қилинган инвестиция десак хато бўлмайди. Бу инвестиция албатта келажакда фойда олиш мақсадида қилинади. Бугунги рақобат шароитида корхоналар ташқи бозорларга кириб бориш мақсадида дунё бозорларини ўрганишга ҳаракат қилишади ва уларнинг тажрибасини ўрганиш учун ўз ходимларини хорижда малака ошириши учун юборишади ёки тажрибали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишади. Бу ҳам корхонанинг истиқболларини белгилашда катта аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса рақобат муҳитида корхоналар ўзларининг иқтисодий салоҳиятларига баҳо беришлари истиқболда иқтисодий барқарорликни сақлаб туришнинг бир калитидир. Ҳар бир корхона ўзининг иқтисодий потенциалини аниқлаб, бозор иқтисодиётига хос бўлган талаб ва таклиф ҳамда рақобат натижасида юзага келган

ўзгаришларга мослашиб бориши зарур. Бунинг учун корхона жорий даврда ва келгуси даврларда ўзининг куч қудратини баҳолай олиши керак. Моддий ресурслар, номоддий активлар, меҳнат рерсурслари ва тадбиркорлик қобилияти кўрсатгичларини таҳлил қилиш орқали корхона иқтисодий потенциалини аниқлаши мумкин.

Тўртта омил кўрсаткичларини аниқлаб, натижаларни жадваллардан фойдаланган ҳолда иқтисодий таҳлил ўтказиш асосида корхона иқтисодий потенциалига баҳо берилади. Бу баҳо корхонанинг кейинги фаолиятида жорий режаларни ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқишга асос бўлади. Корхона ўзида мавжуд барча куч қудратидан фойдаланган ҳолда максимал фойдага эришиши мумкин.

Шуларни инобатга олиб корхона иқтисодий потенциалига 2-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали тўлиқлигича баҳо бериш мумкин.Ҳар бир корхона нафақат максимал фойдага эришишга, балки бозорда ўзининг юқори мавқеъига эга бўлишига интилади. 2-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш орқали корхона ўзининг нафақат фойдасини, балки бозордаги мавқеъини ҳам аниқлай олади. Ундан ташқари бу маълумотлар корхона қандай имкониятларга ва куч қудратга эга эканлигини аниқлашда ёрдам беради. Чунки корхонада ишлатилмай келинаётган захира имкониятлари мавжуд бўлиши мумкин. Бу эса келажакда корхонани ривожлантириш учун дастурларни ишлаб чиқишда замин яратиб беради. Корхонанинг иқтисодий потенциалини аниқлашнинг мақсади ҳам шундаки, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали яна бошқа имкониятларни яратиш ва корхонанинг самарали истиқболини белгилаш ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, корхоналар иқтисодий потенциалига баҳо беришда фақат моддий ресурслар базасини таҳлил қилиш етарлича бўлмайди. Моддий ресурслар базасини таҳлил қилиш билан бирга номоддий активлар, меҳнат ресурслари ва тадбиркорлиқ қобилиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш нафақат жорий, шунинг билан бирга истиқболдаги иқтисодий салоҳиятни аниқлаш имконини беради.

Корхоналарнинг асосий воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда уларнинг таркибини янги техника ва технологиялар билан жихозлаш, эски ва ишлатилмаётган асосий воситаларни сотиш ёки улардан фойдаланишни таъминлаш таклиф қилинади.

Корхонанинг иқтисодий потенциалини аниқлашда қуйидагилар таклиф қилинади:

-номоддий активларнинг қийматини ҳисобга олиш;

-ходимлар малакасини оширишга сарфланган маблағлар ва уларнинг таркибини инобатга олиш;

- бошқарув тузилмасининг таркиби ва унга сарфланган маблағлар қийматини ҳисобга олиш;

-корхона фаолиятининг натижаларини иқтисодий, молиявий ва статистик таҳлил қилиш.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2008 йил (2016 йил ўзгаришлар билан)159-модда, 356-модда*

*2. Каримов И.А. “Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996. 23-бет.*

*3. Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Холиқулов А.Н., “Иқтисодий таҳлил”, дарслик. Тошкент, 2011 138-бет*

*4. Набиев Ҳ.Ғ., Набиев Д.Н., “Иқтисодий статистика”, дарслик, Тошкент, 2008. 425-бет*

*5. Муратов Р.С., Джалолова И.А., Орипов С.Ш., “Корхона иқтисодиёти”, дарслик, 2014. 127-бет*

*6. Абдураупов Р.Р., “Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий потенциалини бошқариш механизмларини такомиллаштириш”, докторлик диссертацияси автореферати. 2016 йил*

*7. Brehova J., Kurbanova A. The Economic Potential of the Company: Approaches to the Definition and Methodology for Assessing // European Journal of Applied Sciences. Vol. 5 No 6: 2013. pp. 166-171.*

*8. Гунина И. А. Методологический подход к исследованию возможностей развития экономического потенциала предприятия на основе анализа регионально -отраслевых тенденций // Машиностроитель. 2004. № 12.*

*9. Ковалев В. В. Финансовый анализ: методы и процедуры. — М.: Финансы и статистика, — 2001. — 560 бет.*

*10. Козлова Т. В., Заболотская Н. В. Оценка экономического потенциала предприятия // Экономический анализ: теория и практика. — 2009 (5). —42–47 бет.*

# БАНК ИШИ
# БАНКОВСКОЕ ДЕЛО

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИНИ БЕЛГИЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ НОРМАТИВЛАР ОРҚАЛИ АНИҚЛАШ МУАММОЛАРИ

**Карабаев Нодир Абдухамидович**

Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича мутахассис, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

***Аннотация.*** Ушбу мақолада тижорат банклари рейтингини аниқлашда уларнинг белгиланган иқтисодий нормативларни бажаралиши таҳлили АТ “Асака” ва “Ипотека” банкларининг маълумотлари асосида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, банкларнинг бозордаги ҳолатини аниқлашда белгиланган иқтисодий нормативларнинг қанчалик унинг фаолиятига таъсири юзасидан хулосалар шакллантирилади. Банк рейтингини аниқлашда Ecostan модели орқали баҳолаш таклиф этилади.

***Таянч тушунчалар:*** банк рейтинги, Базел-III талаблари, капитал етарлилиги, банк рақобати, биринчи даражали банк капиталининг етарлилик коэффициенти, Капитал етарлилик коэффициенти, банкнинг ливераж коэффициенти, жорий ликвидлик коэффициенти, Ecostan модели.

***Аннотация.*** Данная статья посвящена анализу данных исполнения установленных экономических нормативов акционерно-коммерческих банков “Асака” и “Ипотека” при определении рейтинга данных коммерческих банков. Кроме того, по итогам исследования в статье сделаны заключения, как установленные экономические нормативы коммерческих банков влияют на их деятельность при определении их рыночного состояния. Также в статье предложено использование модели Ecostanдля определения рейтинга банков.

***Ключевые слова:*** рейтинг банка, требования Базель-III, достаточность капитала, конкуренция банков, коэффициент достаточности капитала первой степени, коэффициент достаточности капитала, коэффициент банковского левеража, коэффициент текущей ликвидности, модель Ecostan.

Тижорат банкларининг фаолиятини доимий равишда баҳолаб боришда бугунги кунда турли рейтинг агентликлари фаолият олиб боради. Тижорат банклари рейтингини баҳолашда унинг ички ва ташқи омилларига алоҳида эътибор қаратилади.

Тижорат банкининг фаолиятини комплекс таҳлил қилишда шундай методикадан фойдаланиш керакки, у таҳлилнинг энг юқори даражадаги самарадорлигига эришишга имкон берсин. Бугунги кунда тижорат банкларининг рейтингини аниқлашда унинг энг муҳим кўрсаткичлари капиталлашиш даражасини оширишни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг капиталини назорат қилиб бориш, доимий таҳлил қилиб, сифатини ошириб боришни тақозо этади. Банк капитали ва банкнинг ликвидлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларнинг белгиланган стандартлардан юқори бўлиши тижорат банклари капитали самарадорлигидан, банк тўлов қобилиятининг мустаҳкамланганлигидан, аҳоли ва инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончи ошаётганлигидан далолат беради. Тижорат банкларини назорат қилиш мақсадида белгиланган иқтисодий нормативларни доимий равишда ошириб бориш, белгиланган меъёрлардан кам бўлмаслигини таъминлаш банк тизимидаги асосий муаммолардан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларнинг доимий равишда бошқарилиб турилиши банкнинг бозордаги фаолиятини яхшилашга рэнкинг ва рейтингини кўтарилишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПК – 1438-сонли ва “Тижорат

банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли Қарорларида банк тизимида амалга оширилиши керак бўлган аниқ мақсадлар белгилаб берилган. Хусусан, Базель Қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, тижорат банкларини янада капиталлаштириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган (И.А.Каримов 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамиз тижорат банкларини иқтисодий нормативларни бажарилишини таъминлаш банкларнинг ички рейтингини аниқлаш масалаларини индикатори ҳисобланади.

***Адабиётлар таҳлили.***

Халқаро стандартлар асосида самарали банк назоратининг амалга оширилиши, банкларнинг иқтисодий нормативларини бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борилиши мамлакатимиз банкларига халқаро рейтинг агентликлари томонидан тақдим этилган “барқарор” ижобий рейтинг баҳоларини қайта тасдиқлаш имконини берди.

Бу борада амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида Moody’s халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболларига кетма-кет олтинчи йил «барқарор» рейтинг баҳосини берди (http://www.cbu.uz/). Standard & Poor’s ва Fitch Ratings рейтинг агентликлари ҳам Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» сифатида баҳолади. Шундай қилиб, республикамизда фаолият кўрсатаётган 26 та банкнинг барчаси катта учлик рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларига эгалар.

Банк тизими фаолиятининг асосий индикаторлари, чунончи, «банкларнинг умумий капитали етарлилиги», «тижорат банкларининг ликвидлиги», «депозитлар ҳажмининг динамикаси», «кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши» ҳисобланади. Мақоламизда банкларнинг белгиланган иқтисодий нормативларини бажарилишини назорат қилиш асосида барқарор рейтингга эришишнинг муҳим кўрсаткичи эканлигини таҳлил қиламиз. Бунинг учун бугунги кунда банк рейтингини назарий асосларини таҳлил қилган айрим тадқиқотларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тижорат банклари рейтингини аниқлашнинг энг муҳим элементлари берилаётган маълумотларнинг ишончли ва объектив эканлиги ҳисобланади. Банк рейтингини аниқлаш бу мустақил рейтинг агентликлари томонидан амалга оширилиб, тижорат банкларини банк бизнесини олиб боришда бозорда унинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилиши зарурлигини белгилаб беради (Галикеев, 2001). Банкнинг бозорда фаолият олиб боришининг энг муҳим омили бу, унинг ишбилармонлик фаолияти (business reputation) бу фаолият банкнинг инвестицияларни жалб этиши ва банклараро кредитларни олиши ҳамда бошқа кўрсаткичлар орқали аниқланади. Унинг манбасини ўлчаш бу рейтинги ҳисобланади (Андрианова, 2000). Банк рейтинги унинг ривожланиши ва фаолиятини самарали бошқаришда муҳим роль уйнайди. Банк рейтинги (англ. bank rating) – банклар фаолиятини тизимли баҳолаш бўлиб, бунда турли банкларнинг баланси ва молиявий кўрсаткичлари ўзаро таққослаш асосида аниқланади (Carey, 2001). Таққослаш мезонлари сифатида кўрсаткичлар ҳажми, банк ривожланишини белгиловчи омиллар, сифатли кўрсаткичлар ҳамда банкка бўлган ишончлилик даражаси олинади. Банк рейтинги банкларнинг бошқа кредит институтлари орасида ўрнини белгилаш учун муҳим ҳисобланади. Банкларни рейтингини аниқлашда асосий эътибор бошқарув сифати ва молиявий кўрсаткичлар таҳлилигига қаратилади (Jacobson, Lindé, Roszbach, 2006). Банк рейтингининг асосий мақсади банкнинг мижозлари олдидаги ишончлилик даражасини аниқлашдан иборат. Банк ишончлилигини баҳолаш - бу банк мижозлари учун ҳам, банк билан  ишлаётган турли структуралар қолаверса, банкнинг ўзи учун ҳам муҳим муаммолардан бири саналади. Чунки банклар ўзларининг ҳамкорларини баҳолаб бориши зарур. Банкларнинг рейтинги фаолият олиб бораётган банкларнинг қайси бир маънода ишончлиликка эга бўлган ҳолатини кўрсатиб берса, банк тўғрисидаги қўшимча маълумотлар банкнинг молиявий ҳолатини адекватлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Айрим мутахасислар фикрича, банкларни рейтинг асосида баҳолаш - бу турли кредит ташкилотларини молиявий кўрсаткичлари асосида баҳолашнинг таққослама тизимидир (https://migcredit.ru/manual/reytingovaya-otsenka-bankov). Айрим рейтинглар эксперт хулосаси асосида баҳоланади. Жумладан, бунга банкларнинг хизмат кўрсатиш серви-

сини мисол килиб келтириш мумкин. Ривожланаётган давлатларда банкларнинг энг муҳим кўрсаткичи бу кредит ишончлилиги ҳисобланади. Банк рейтинги юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, унинг асосий молиявий кўрсаткичлари асосида, ёки қисқача балансиасосида тузилади.

Бошқа кредит ташкилотларига нисбатан банклар ташқи рейтинг агентликларига катта муаммо келтириб чиқарадилар. Банклар фаолиятининг назоратини олиб бориш жараёнида турли рискларга дуч келишади. Бу уларнинг ташқи фаолиятига баҳо бериш имкониятини пасайтириб юборади. Шунинг учун банкларнинг ташқи рейтинги бошқа ташкилотларга нисбатан энг қуйи чегарада бўлади (Morgan, 2002).

АҚШ йирик банкларида кредит рискларини бошқаришда ички кредит рейтинги муҳим роль уйнамоқда (Thomas, Brady, William, English, and William Nelson, 1998). Молия тизимида кредит рейтинги муҳим роль ўйнасада, унинг сифати тушунарли эмас. Ҳозирги кунда рейтинг агентликлари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларни баҳолашда турли кўламдаги тушунарсизликлар юзага келмоқда. Ушбу муаммо турли кўринишда бўлиб, биринчидан, бу молиявий инвестор ва эмитент ўртасида, рейтинг агентлари кўрсатган хизматига ким ҳақ тўлаши асосий муаммо сифатида кўтарилган. Ушбу муаммо 1975 йилда пайдо бўлиб, кредит рейтинги хизматига “инвестор тўлайди” ёки “эмитент тўлайди” моделини яратилишга олиб келган (White, Pagano, Volpin, 2010).

Яратилган моделларда рейтинг агентликлари томонидан берилган натижалар банк бизнесини ривожланишига хизмат қилган бўлса, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ижобий баҳоланган. Аммо кейинги тадқиқотларда асосий эътибор рейтинг агентликларига қаратилиб унинг мижозларига нисбатан эътибор паст бўлган. Рейтинг агентликлари кейинги йилларда мустақил ўз хулосаларини шакллантирган ҳолда маълумотлар тақдим эта бошлади (Partnoy, 2002; Fulghieri ва бош. 2010) Айрим тадқиқотчилар фикрича, рейтинг агентликлари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро яқинлик бозорда банклар фаолиятининг сунъий равишда юқори рейтинги эълон қилинишига олиб келган (Griffin ва Tang (2011). Рейтинг агентликлари банкларнинг кредитга лаёқатлигини объектив баҳолаши уларнинг узоқ муддатли фаолият олиб боришини таъминлашига олиб келади (Bar-Isaac, Shapiro, 2011). Кейинги йилларда банкларнинг рейтингини аниқлашда рейтинг агентликлари томонидан берилаётган баҳо сифатини ошишига хизмат қилмоқда. Ушбу ҳолатнинг ўзгариши жаҳон глобализация жараёнининг тез ривожланиши бозордаги инвесторларнинг рейтинг агентликлари натижасига “реакция” билдириш жараёнининг тез мослашиши билан баҳолаш мумкин (Bolton, Freixas, Shapiro, 2012). Инқироз даврида кредит рейтинги учун энг муҳим индикатор кредит риски ҳисобланади. Бу ҳар бир инвестор учун энг муҳим кўрсаткич саналади. Бозордаги ҳолатнинг “тебраниш частотаси” айнан рейтинг баҳосига асосланади (Hilscher ва Wilson, 2011). Банкларнинг рейтингини аниқлашда бозорда рейтинг агентликлари ўртасидаги рақобатнинг ошиб бориши, уларнинг фаолият репутациясини камайишига аксинча рейтинг сифатини пасайишига олиб келади (Camanho, Deb ва Liu, 2010).

Олиб борилган айрим тадқиқотларда банк рейтинги маълум бир муддатда аниқ бир компания олдидаги мажбуриятини бажара олиш қобилиятини кўрсатувчи катталик ҳисобланади деб таъкидлаб ўтадилар (Mathis, McAndrews ва Rochet (2009)). Банк рейтинги бу банк фаолиятини таҳлил қилишнинг бир варианти ҳисобланади. Рейтинг асосида банкнинг молиявий фаолиятини комплекс баҳолаш ва ушбу таҳлилни хамма учун очиқлигини таъминлаш ҳисобланади. Бундай таҳлилий маълумотга эга бўлиш банклар, банк мижозлари – жисмоний ва юридик шахслар ҳамда банкни назорат қилувчи органлар учун зарур (Kiff, Kisser, ва Schumacher, 2012). Олиб борилган тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, банклар рейтингини аниқлашда асосий эътибор унинг кўрсаткичлари асосида шаклланиши ва шу асосда баҳо берилиши тадқиқ этилган. Шунинг учун белгиланган нормативларнинг бажарилишини назорат қилган ҳолда банкларга баҳо бериш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

***Тадқиқот методологияси.***

Мақоламизда илгари суриладиган методология банклар учун белгиланган иқтисодий нормативларнинг бажарилиши асосида бозордаги ҳолатига баҳо беришдан иборат. Бугунги кунда банклар ўртасидаги рейтингни баҳолашни турли усулларини татбиқ этиш асосида улардан амалиётда фойдаланиш юзасидан хулосалар шакллантирилган. Ривожланаётган давлатларда банк рейтингини баҳолашнинг турли усулларидан фойдаланилади. Жумладан, экспертларни берган маълумотларига асосланган ҳолда банкларнинг жамланма рейтинги ишлаб чиқилади. Бунда асосий эътибор банклар бераётган маълумотларининг қанчалик ишончлилигига боғлиқ бўлади. Олинаётган ахборотларнинг сифати банкларнинг рейтингини тўғри баҳолаш имконини беради. Аммо шу билан бирга ушбу

моделни қўллаш кўпгина омилларга боғлиқ. Маълумотларни қайта ишлаш, таққослаш ҳамда хулосаларни шакллантириш мураккаб математик аппаратларга таянади.( Kiff, Kisser, ва Schumacher (2012).). Эксперт хулосасига таянган ҳолда рейтингни аниқлаш учун биринчи навбатда баҳолаш тизимини яратиб, унда ахборотни олиш учун фойдаланиладиган технологияларни шкаласи киритилиши зарур. Агар олинган маълумотларда сифат кўрсаткичлари кўп бўлса, бунда жуфтли ва кўп ҳадли методлардан фойдаланган ҳолда турли таснифларга бўлиб чиқиш керак. Агар ахборотлардан сонли кўрсаткичлар кўпроқ бўлса, бунда таққослама методлар орқали шкалалари аниқланиб объектлар баҳоланиши зарур бўлади. Эксперт ахборотларига таянган ҳолда банклар рейтингини аниқлашда улар икки турга бўлиниб ўрганилади, сифатли баҳолаш усули ва сонли баҳолаш усули.

Экспертлар асосида рейтингни баҳолашда биринчи олинадиган ахборотлар қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

- эксперт томонидан маълум бир объектларни баҳолаш балли яъни, $\{y_{ij}\}$m*n матрица тузилиб бунда $y_{ij}$ i-чи объектни, j- эксперт томонидан баҳоланиши;
- ахборотларни етказилиши бўйича ўртача баҳолаш варианти. Бунда эксперт томонидан ўрганилаётган объектларни сифатини ўсиш (камайиш) даражасига қараб танланади. $\{R_{ij}\}$ матрица тузилиб, бу ерда $R_{ij}$ ранг бўлиб, i-чи объект ва бошқа объектларни j- эксперт томонидан баҳоланиши;
- жуфт матрица асосида солиштириш. Ушбу баҳолаш усули оддий кўринишда бўлиб, эксперт томонидан ахборотларни солиштириш ва уларни даражаларга ажратиш қиёслаш асосида амалга оширилади. Бунда, $\{I_{ikj}\}$ матрица тузилиб, $I_{ikj}$ -жуфт таққослаш асосида, j- эксперт томонидан i ва kобъектлар таққослаганда қуйидаги ҳолатлар юзага келиши мумкин: $I_{ikj}$=1 агар j- эксперт томонидан iкобъектдан унча катта фарқ қилмаса, акс ҳолда $I_{ikj}$=0 га тенг бўлади.

Экспертлар томонидан банкларни рейтингини аниқлашда балли ва сонли методлардан фойдаланганда асосан статистик аппаратдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Таҳлилллар шуни кўрсатадики экспертлар ўрганган объектлар учун қўйилган баҳоларни умумлаштирган ҳолда унинг салмоғи олинади яъни қанча улушга эга эканлиги асосида баҳоланади. Банк рейтингини баҳолашнинг яна бир усули сифатида (Bartholomew, Knott & Moustaki (2011). Latent Variable Models and Factor Analysis: A Unified Approach(3rd Ed.). London: Wiley) Latent Structure Analysis (LSA) деб номланиб П. Лазорсфег томонидан таклиф этилган. Ушбу моделнинг қулайлиги шундаки биринчи босқичда барча экспертлар томонидан объектлар жуфт-жуфт кўринишда солиштириб чиқилади. Натижада ҳар бир эксперт учун A_(k= {a_ij }k)матрица тузилади. Агар, i объект, j объектга нисбатан устунроқ бўлса, у ҳолда a_ij=1, ҳамда a_ji=0. Агар экспертлар томонидан объектлар бир хил деб баҳоланса у ҳолда a_ij=a_ji=0,5 га тенг бўлади. Барча экспертларни натижасига кўра қуйидагича матрица тузилади:

$$P = \frac{1}{n} * \sum_{k=1}^{n} A_k \ (1)$$

Бу ерда, p_ijҳар бир элементи i -чи объектни j-чи объект билан ўзаро солиштириш эҳтимоллигига боғлиқ бўлади.

Объектлар рейтинги LSA кўрсаткичлари асосида камайиб бориш тартибида таҳлил қилиб борилади. Ушбу методнинг устун томони бунда экспертлар иштирокида объектларга холисона баҳо берилади. Экспертлар қанчалик кўп бўлса, уларнинг берадиган хулосаси ишончли бўлиб, натижани тўғри чиқишини кафолатлайди.

Юқорида таҳлил қилинган методлардан ташқари бугунги кунда қуйидаги методлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, the amount of benefits method (ABM), Choosing preferences by ranking scores (CP) ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Эксперт баҳолашидан кейин амалиётда кенг тарқалган методлардан бири баҳолаш функциясини балансли ёндашув асосида (balance approach) куриш методи ҳисобланади. Ушбу методга кура рейтинг банкларнинг баланс маълумотлари асосида аниқланади. Бунинг асоси сифатида маълумотларни математика ва математик – статистик асосида таҳлил қилиш ётади. Банкларнинг барча турдаги фаолиятини ўрганадиган LSA кўрсаткичлари банк баланси асосида қурилган турли методлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Жумладан, “The ideal method of enterprise” (ime) деб номланиб 100 баллик тизимда баҳоланади. Бунда банк ҳар томонлама идеал кўринишда фаолият олиб бораётган бўлса, унда энг юқори 100 балл берилади. Қолган банклар рейтинги камайиб бориш тизими асосида баҳоланади.

Юқорида кўриб чиқилган банк рейтингини аниқловчи методлар маълум бир камчиликларга эга. Жумладан, банкларни кўрсаткичларини баланс маълумотлари асосида коэффициентини аниқлашда аниқ маълумотларга таянилади, бу эса доим банкларнинг кўрсаткичларини шаффоф ҳолатда берилишини таъминлаш заруратини келтириб чиқаради. Аммо банклар ҳар доим маълумотларини шаффоф ҳолатда тақдим этмай-

ди. Бундан ташқари экспертлар томонидан берилаётган баҳолар турлича ёндошув асосида амалга оширилади бу ҳолат ҳам рейтингни аниқ баҳолаш имконини бермайди.

Ҳозирги кунда юқоридаги методлардан фарқли ўлароқ кенг фойдаланиб келаётган регрессион қолдиқ методини (method of regression residuals)келтириб ўтиш мумкин. Ушбу методнинг қулайлиги бунда банкларнинг энг муҳим кўрсаткичлари параметрлари билан бирга унинг самарадорлигига ҳам эътибор қаратилади.

Олинган маълумот асосида банкларнинг самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу методда банк фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичи сифатида банк фойдаси, параметрлари сифатида соф капитали ва активлари олинади. Бунда банкнинг фойдаси унинг праметрларини ўзгаришига боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири регрессион қолдиқни ташкил этади. Банк рейтинги рангини аниқлашда фойдаланиладиган ўзгармас катталик ёки критерия банк фойдасини регрессион қолдиққа бўлиш орқали топилади.

Банк рейтингини аниқлашда фойдаланилаётган методлар ичида энг муҳимларидан яна бири бу VAR (value-at-risk) деб номланади. Ушбу методдан АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Исроилда кенг фойдаланилади. Ушбу методда банкларнинг олинган натижаларидан йўқотиш эҳтимоли 1% ёки 5% атрофида бўлиши мумкин. Ушбу методда банкнинг барча кўрсаткичларини бозордаги кўрсаткичлар билан боғлиқлиги жадвали тузиб чиқилади.

Юқоридаги методлар орқали банкларнинг рейтингини аниқлаш икки ҳолатни ҳисобга олиш зарурлигини белгилаб беради. Биринчидан, бу банклар фаолиятини ўрганиш бўйича эксперт сўровномаларини ўтказиш бўлса, иккинчидан, банкларнинг баланс маълумотлари орқали ҳамда экспертлар хулосасига кўра натижалар умумлаштирилиб рейтинги аниқланади. Умумий ҳолатда эътибор қаратадиган бўлсак, биз таклиф этаётган модел белгиланган иқтисодий нормативларни бажарилиши асосида рейтингни эълон қилиш ёки Ecostan модели деб юритилади.

Таклиф этилаётган модел банкларнинг барча кўрсаткичларини ва уларнинг энг муҳим фаолиятини қамраб олган. Таклиф этилаётган моделда банклар учун белгиланган иқтисодий нормативларнинг киритилиши банкларнинг бозордаги ҳолатини тўғри баҳолаш имконини беришга ёрдам беради.

***Таҳлил ва натижалар.***

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг дастлабки даврларидан бошлабоқ тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилди.

Тижорат банклари фаолиятига нисбатан республика Марказий банки томонидан ўрнатилган дастлабки, асосий иқтисодий нормативлардан бири банк капиталининг минимал миқдори кўрсаткичидир. 2011 йил 1 январдан бошлаб банк капитали минимал миқдори қуйидагича қилиб белгиланди:

- тижорат банклари учун 10 млн ЕВРО миқдори эквивалентида;
- хусусий банклар учун 5 млн ЕВРО миқдори эквивалентида.

АТ «Асака» банк ушбу нормативга таҳлил қилинаётган охирги беш йил давомида тўлиқ риоя этиб келган. Буни қуйидаги жадвалда банкнинг ҳар йили маълумотлари асосида кўришимиз мумкин:

**1-жадвал**

**АТ “Асака” банкнинг капитали (млрд сўм)**

| Йиллар | 31.12.2011 й | 31.12.2012 й | 31.12.2013 й | 31.12.2014 й | 31.12.2015 й |
|---|---|---|---|---|---|
| Банк капитали минимал миқдори | 536,8 | 698,5 | 795,7 | 801.7 | 915.7 |

*Манба: АТ “Асака” банкнинг молиявий хисоботлари асосида тузилди.*

Тижорат банклари фаолиятига нисбатан қўлланилаётган иккинчи норматив банк капиталининг етарлилик даражаси ҳисобланади. Ушбу норматив банк жами капитали суммасини банк активларининг рискка тортилган суммасига бўлиш йўли билан аниқланади ва унинг минимал миқдори 0,10 қилиб белгиланган эди, 2016 йил 1 январдан бошлаб К1 нинг энг кичик даражаси 0,115 (11,5 фоиз) миқдорида белгиланди. 2019 йил 1 январдан бошлаб банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда К1 нинг энг кичик даражасини 0,145 (14,5 фоиз) миқдорида таъминлашлари шарт.Капитални консервация қилиш буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча

захирадан иборат. Бундай захирадан мақсад банклар томонидан молиявий ва иқтисодий қийинчилик даврларида зарарларни амортизация қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган капитал захирасининг таъминланишини кафолатлаш ҳисобланади .

Қўйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, АТ «Асака» банк ушбу нормативга тўлиқ риоя этиб келмоқда:

**2-жадвал**

**Капитал монандлига қўйилган талабларнинг бажарилиши (коэфицентларда)**

| Йиллар | 2011 й. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| АТ “Асака” банк (Капиталетарлилик коэффициенти) - Н1 | 16 | 16 | 16 | 17 | 17 |
| АТИБ “Ипотека” банк (Капиталетарлилик коэффициенти) - Н1 | 15 | 16,8 | 13,7 | 13,2 | 11,6 |
| Белгиланган норма | Мин 11.5 | Мин 11.5 | Мин 11.5 | Мин 11.5 | Мин 11.5 |

*Манба: Муаллиф томонидан АТ “Асака” банкнинг молиявий хисоботлари асосида мустақил тузилди.*

Шунингдек, Республикамизнинг бошқа тижорат банклари ҳам ушбу талабларга тўлиқ жавоб бериб келмоқда. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикамиз тижорат банклари халқаро Базел қўмитасининг капитал монандлигига қўйилган талабларини тўлиқ бажариб келмоқда. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг келгуси рисклардан химоя қилувчи асосий мезон десак муболаға бўлмайди.

Бу борада, банкларнинг капиталлашув жараёнини босқичма-босқич ошириб бориш белгилаб олинди. Республикамиз тижорат банкларига нисбатан қўлланилаётган навбатдаги иқтисодий норматив банк асосий капиталининг, яъни биринчи даражали банк капиталининг етарлилик коэффициенти деб аталади.Қуйидаги жадвалда, тижорат банклари капиталининг монадлигига қўйилган минимал талабларнинг амалга ошириш босқичлари келтириб ўтилган:

**3-жадвал**

**Капиталнинг монандлигига қўйилган минимал талаблар (%)**

| Капиталнинг монандлигига қўйилган минимал талаблар (%) | | | |
|---|---|---|---|
| Талаб кучга кириш санаси | Регулятив капиталга, (К1) | I даражали капиталга, (К2) | I даражали асосий капиталнинг регулатив капиталдаги улуши |
| 01.09.2015 | 10 | 7,5 | 6 |
| 01.01.2016 | 11,5 | 8,5 | 7 |
| 01.01.2017 | 12,5 | 9,5 | 7,5 |
| 01.01.2018 | 13,5 | 10,5 | 8,5 |
| 01.01.2019 | 14,5 | 11 | 9,5 |

*Манба: “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ЎзМБ қарори. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.*

Қўйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, АТ «Асака» банк ушбу нормативга таҳлил қилинаётган йиллар давомида тўлиқ риоя этиб келган.Коэффициентнинг мазмуни шундан иборатки, ҳар бир тижорат банкида асосий капиталнинг жами капиталдаги улуши 2016 йил 1 январдан кейин 85 фоиз кам бўлмаслиги лозим. Масалан, қуйидагижадвалда АТИБ “Ипотека банк”нинг биринчи даражали банк капиталининг етарлилик коэффициентирини кузатишимиз мумкин:

**4-жадвал**

**Биринчи даражали капитал етарлилиги коэффиценти**

| Йиллар | 2011 й. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| АТ “Асака” банкнинг биринчи даражали банк капиталининг етарлилик коэффициенти - Н2 | 8.9 | 9.1 | 9,4 | 9.5 | 9,6 |
| АТИБ “Ипотека” банкнинг биринчи даражали банк капиталининг етарлилик коэффициенти - Н2 | 13.9 | 13.7 | 11.2 | 10.9 | 9,6 |
| Белгиланган норма | Мин 8.5 | Мин 8.5 | Мин 8.5 | Мин 8.5 | Мин 8.5 |

*Манба: Муаллиф томонидан АТ “Асака” банкнинг молиявий хисоботлари асосида мустақил тузилди.*

Амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг барча тижорат банкларида ушбу нормативга риоя этиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, банклар капиталининг асосий қисми устав капиталидан иборат, иккинчидан, банклар активларининг таркибида юқори рискли активларнинг улуши ривожланган хорижий давлатлар тижорат банкларидаги каби юқори эмас. Шу сабабли, банклар ушбу нормативни бажаришда қийинчиликлар сезишмайди.

Республикамиз тижорат банкларига нисбатан қўлланилаётган учинчи иқтисодий норматив Левераж коэффициенти ҳисобланади. У Биринчи даражали капитални номоддий активларни жами актив айириб ташланганига бўлиш орқали топилади.

Қўйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, АТ «Асака» банк ушбу нормативга таҳлил қилинаётган йиллар давомида ижобий натижа кўрсатган: Агарда АТИБ “Ипотека банк”нинг левераж коэффициентларига эътибор қаратсак, ушбу тижорат банки хам иқтисодий меъёр талабларини бажариб келмоқда. Айнан, левераж коэффициенти активларни капитал билан таъминланиш кўрсаткичи ҳисобланади.

**2.16-жадвал**

**Ливераж коэффициенти**

| Йиллар | 2011 й | 2012 й | 2013 й | 2014 й | 2015 й |
|---|---|---|---|---|---|
| АТ “Асака” банкнинг левераж - Н3 | 0.079 | 0.084 | 0.085 | 0.089 | 0.091 |
| АТИБ “Ипотека банк”нинг левераж - Н3 | 0.065 | 0.064 | 0.062 | 0.071 | 0.066 |
| Белгиланган норма | Мин 0.06 | Мин 0.06 | Мин 0.06 | Мин 0.06 | Мин 0.06 |

*Манба: Муаллиф томонидан АТ “Асака” банкнинг молиявий хисоботлари асосида мустақил тузилди.*

Республикамиз тижорат банкларининг жорий фаолиятининг барқарорлигини тавсифловчи норматив жорий ликвидлилик коэффициенти ҳисобланади. Ушбу коэффициентнинг минимал даражаси 0,30 қилиб белгиланган.

Мамлакатимиз тижорат банкларига нисбатан қўлланилаётган нормативлардан бири битта қарздорга ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳига берилган таъминланган кредитлар учун рискнинг максимал миқдори - Н5,унинг максимал даражаси 0,05 қилиб белгиланган. Бундан ташқари яна қуйидаги иқтисодий нормативлар белгиланган:Битта қарздорга ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳига берилган таъминланмаган кредитлар учун рискнинг максимал миқдори - Н6, Барча йирик кредитлар учун рискнинг максимал миқдори - Н7, бир эмитент қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг максимал миқдори - Н8, олди-сотди учун қимматли қоғозларга қилинган инвестиция ларнинг максимал умумий миқдори - Н9, барча эмитентларнинг устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг максимал умумий миқдори - Н10, бир инсайдерга ёки ўзаро алоқадор шахслар гуруҳига берилган таъминланган кредит /лизинглар суммаси - Н11, бир инсайдерга ёки ўзаро алоқадор шахслар гуруҳига берилган таъминланмаган кредит/лизинглар суммаси - Н12, банкнинг барча инсайдерларига берилган кредитларнинг умумий суммаси - Н13 деб аталади.

Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики деярли республикамиздаги барча банклар ушбу нормативларни бажариш юзасидан банклар-

да бошқарув назоратини олиб борадилар. Таклиф этилаётган, Ecostan модели орқали банкларни рейтингини аниқлашда ҳар бир норматив орқали алоҳида бозордаги ҳолатига рэнкинг бериш тавсия этилади.

***Хулоса ва таклифлар.***

1. Ушбу иқтисодий нормативлар рискларни бошқариш механизмида энг кенг қўлланиладиган услублардан хисобланади. Албатта, ушбу меъёрлар рискларни тўлиқ самарали бошқаради деб айтиш қийин, аммо бу механизм тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларини бошқаришда бугунги кундаги энг мухим услуб хисобланади.

2. Мажбурий нормативларни ҳисоблашни амалдаги методикаси ҳам ҳар доим ҳам банк активлари ва пассивлари баланслилик даражасини тўғри акс эттирмайди, чунки, банк активлари ва пассивларининг реал сифатини улар ҳаракатини ўзига хос хусусиятларини тўлиқ даражада ҳисобга олмайди.

3. Ecostan модели орқали банкларни рейтингини аниқлашда ҳар бир норматив орқали алоҳида бозордаги ҳолатига рэнкинг бериш тавсия этилади.

***Манба ва адабиётлар:***

1. Каримов И.А.2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Bar-Isaac, H. and J. Shapiro (2011a). ‘Ratings quality over the business cycle’, working paper. Bar-Isaac, H. and J. Shapiro (2011b). ‘Credit ratings accuracy and analyst incentives’, The American Economic Review: Papers and Proceedings, 101(3), 120-124.
3. Becker, B., and T. Milbourn (2010). ‘How did increased competition affect credit ratings?’, HarvardBusiness School Finance Working Paper 09-051.
4. Bolton, P., X. Freixas and J. Shapiro (2012). ‘The credit ratings game’, Journal of Finance, 67(1), 85-112.
5. Camanho, N., P. Deb and Z. Liu (2010). ‘Credit rating and competition’, Journal of Financial Economics, 470-487.
6. Carey, M.: Some evidence on the consistency of bank’s internal credit ratings. Working paper, Federal Reserve Board, 2001.
7. Fulghieri, P., G. Strobl and H. Xia (2010). ‘The economics of solicited and unsolicited credit ratings’, mimeo.
8. Griffin, J. and D. Tang (2011). ‘Did credit rating agencies make unbiased assumptions on CDOs?’, American Economic Review: Papers & Proceedings, 101(3), 125-130.
9. Harald Hau, Sam Langfield and David Marques-Ibanez. Bank ratings what determines their quality? Working paper series no 1484 / october 2012. 43 pp.
10. Hilscher, J. and M. Wilson (2011). ‘Credit ratings and credit risk’, working paper, mimeo.
11. Hörner, J. (2002), ‘Reputation and competition’, The American Economic Review, 92(3), 644-663.
12. http://www.cbu.uz/
13. http://www.federalreserve.gov/pubs/bulletin/1998/1198leadw.pdf
14. https://migcredit.ru/manual/reytingovaya-otsenka-bankov
15. www.thebanker.com/top1000worldbanks
16. Jacobson, T., Lindé, J., Roszbach, K.: Internal rating systems, implied credit risk and the consistency of banks’ risk classification policies. J. Bank. Finance 30, 2006.
17. Kiff, J., M. Kisser, and L. Schumacher (2012). ‘An inspection of the through-the-cycle ratingmethodology,’ IMF Working Paper, forthcoming.
18. Kiff, J., M. Kisser, and L. Schumacher (2012). ‘An inspection of the through-the-cycle ratingmethodology,’ IMF Working Paper, forthcoming.
19. Mathis, J., J. McAndrews and J.C. Rochet (2009). ‘Rating the raters: Are reputation concernspowerful enough to discipline rating agencies?’ Journal of Monetary Economics, 56, 657-74.
20. Morgan, D. (2002). ‘Rating banks: risk and uncertainty in an opaque industry’, The American Economic Review, 92, 874-888.
21. Pagano, M. and P. Volpin (2010). ‘Credit ratings failures and policy options’, Economic Policy, 62, 401-431.
22. Partnoy, F. (2006). ‘How and why credit rating agencies are not like other gatekeepers’, in Financial Gatekeepers: Can They Protect Investors?, ed. Y. Fuchita and R. Litan, Brookings Institution Press and Nomura Institute of Capital Markets Research, 59-102.
23. Thomas F. Brady, William B. English, and William R. Nelson, ‘‘Recent Changes to the Federal Reserve’s Survey of Terms of Business Lending,’’ Federal Reserve Bulletin, vol. 84 (August 1998), pp. 604–15.
24. White, L. (2010). ‘Markets: The credit rating agencies’, Journal of Economic Perspectives, 24(2), 211-26.
25. Андрианова Л.Н. Рейтинг на рынке ценных бумаг и ведущие международные рейтинговые агентства // Финансы, 2000, № 8. С. 58—60.
26. Галикеев Р. Финансовая устойчивость банка и методы рейтинговой оценки // Финансист, 2001, № 2. С. 47—53.
27. Галикеев Р. Финансовая устойчивость банка и методы рейтинговой оценки // Финансист, 2001, № 2. С. 47—53.
28. Кромонов В.С. Методика составления рейтинга надежности. Учебник. — 2-е изд., стер. — М. Издательство «Омега-Л», 2011. — 325 с.
29. Рейтинговое агентство "ahbor-reyting" №42 аналитический обзор банковского сектора анализ деятельности банков февраль, 2016.

# ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ МОНЕТАР СИЁСАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Мардонова Ашура Турсунбоевна**

Доцент, и.ф.н., Самарқанд давлат университети

***Аннотация.*** Мазкур мақолада мамлакатимизда пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари, уни амалга ошириш усуллари ва воситалари назарий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, мақолада пул-кредит сиёсати инструментларининг самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** банк тизими, пул-кредит сиёсати, пул-кредит сиёсатининг воситалари, мажбурий захира талаблари, пул массаси, тўловга қобилиятлилик, қайта молиялаш ставкаси, дисконт сиёсати, актив операциялар.

***Аннотация.*** В данной статье с теоретической точки зрения рассмотрены приоритетные направления денежно-кредитной политики в нашей стране, методы и средства ее реализации. Кроме того, даны практические рекомендации по повышению эффективности инструментов денежно-кредитной политики.

***Ключевые слова:*** банковская система, денежно-кредитная политика, средства денежно-кредитной политики, нормы обязательных резервов, денежная масса, платежеспособность, ставка рефинансирования, дисконтная политика, активные операции.

Ҳар бир давлатда иқтисодиёт турли макроиқтисодий сиёсат усуллари орқали бошқарилади. Шу усуллардан бири Марказий банкнинг монетар сиёсати ҳисобланади. Бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлаш ва уни самарали бошқариш, монетар сиёсат воситаларининг мақсадли даражаларига эришиш, банк тизимининг ликвидлигини ҳамда молиявий бозорлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш Марказий банк зиммасига юклатилган.Бу сиёсат Марказий банкнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Молия-банк тизимининг ривожланиши, унинг фаолиятини сифат жиҳатдан яхшиланиши, айниқса, банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш масалалари бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Ушбу вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан иқтисодиётда амал қилувчи пул-кредит механизмларининг такомиллашув даражасига узвий боғлиқ. Бу иқтисодиётда вужудга келадиган айрим номутаносибликларни ўз вақтида ва муваффақиятли бартараф этиш, монетар сиёсат инструментларининг (қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий заҳиралар нормаси) таъсирчанлигини оширишда тўсиқ бўладиган муаммоларни аниқлаб ўз вақтида ҳал қилинишини тақозо этади.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонунда ҳам Марказий банк монетар сиёсатининг стратегик мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш эканлиги эътироф этилган.

Монетар сиёсатнинг олиб борилиши, унинг таъсир доирасини кенгайтириш ёки иқтисодиётга пул-кредит инструментлари орқали таъсир кўрсатиш юзасидан иқтисодчи олимларнинг қарашлари турлича. Шунга қарамай, монетар сиёсатни Марказий банк томонидан миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлашга, пул массаси, банк тизимининг ликвидлиги ҳамда тўлов балансини тартибга солишга, макроиқтисодиёт ва молиявий барқарорликни, иқтисодий ўсишни мустаҳкамлашга йўналтирилган воситалар, усуллар ва чора-тадбирлар йиғиндиси деб эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Монетар сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланишидан камида ўттиз кун олдин Олий

Мажлис Сенатига бу ҳақда ахборот беради. Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий конъюнктуранинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичларини, муомалада бўлган пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегараларини, Марказий банк ички активларининг ўзгариши, валюта ҳамда фоизсиёсатининг асосий йўналишларини, пул-кредит соҳасини тартибга солишга доир ҳаракатларнинг аниқмақсадли асосий кўрсаткичларини ўзичига олади.

Монетар сиёсат бевосита ва билвосита восита(инструмент)лар орқали амалга оширилади. Бевосита воситалар – молиявий институтлардаги молиявий активлар нархлари(фоиз ставкалари)ни ёки улар ҳажмини тўғридан-тўғри бошқариш орқали олиб борилади. Марказий банк томонидан тижорат банкларидаги мавжуд депозит кўринишидаги пулларни ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар нархлари ва ҳажми назорат қилинади. Билвосита воситалар Марказий банк томонидан молиявий институтлар ресурсларига бозор механизмлари (мажбурий захира талаблари, очиқ бозордаги операциялар, тижорат банкларини қайта молиялаш ва Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси, тижорат банкларидан депозитларни қабул қилиш ва бошқалар) орқали иқтисодиётдаги пул массасига таъсир кўрсатади.

Марказий банк пул-кредит сиёсатини амалга ошириш механизмида анъанавий инструментлардан (кайта молиялаш сиёсати, мажбурий захира сиёсати, очиқ бозор сиёсати, валюта сиёсати ва депозит сиёсати) фойдаланиш амалиёти ҳал қилувчи ўрин тутади.

Аксарият мамлакатларда қўлланилиб келаётган пул-кредит сиёсатининг воситаларидан бири бу тижорат банкларининг мажбуриятларига нисбатан мажбурий захира талаблари меъёрини белгилашдир. Пул-кредит сиёсатининг бу воситаси қўлланилиши жиҳатидан содда бўлиб, тижорат банкларининг тўловга қобилиятлилиги даражасига таъсир қилади. Шунинг учун ҳозирда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда пул-кредит сиёсатининг билвосита усулларидан айнан шу воситаси кенг кўламда қўлланилмоқда. Ўзбекистонда энг самарали восита (инструмент) ҳам айнан шу воситадир. Мажбурий захира талаблари ўз мажбуриятларига нисбатан тижорат банкларининг Марказий банкда сақлаши шарт бўлган депозитнинг мажбурий даражаси (меъёри)дир. Мажбурий захира меъёрини ўзгартириш орқали Марказий банк мамлакатдаги пул массаси ҳажмига, тижорат банкларининг кредит бериш салоҳиятига ҳамда тижорат банкларининг тўловга қобилиятлилигига таъсир кўрсатади. Марказий банк мажбурий захира ставкасини оширган тақдирда тижорат банкларининг кредит бериш салоҳияти пасаяди, бу ўз навбатида, мамлакатда пул таклифи ҳажмини пасайтиради ва аксинча, мажбурий захира ставкаси камайтирилганда банкларнинг кредит бериш салоҳияти ортади.

Марказий банк ўзи белгилаган энг кам миқдорда банкларгарезерв сақлаш тўғрисида кўрсатма беради. Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервларнинг энг кам миқдори Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари билан белгиланиб, у омонатларнинг ҳажми, тури, муддатига, банкларнинг бошқа мажбуриятларига боғлиқ бўлади. Мажбурий резервларнинг миқдори жалб этилган маблағлар ва омонатларнинг ҳар бир тоифаси бўйича барча банклар учун бир хил. Мажбурий резервлар Марказий банкда нақд пул ёки омонатлар кўринишида Марказий банк белгилайдиган тартибда депозитга ўтказилади.

Мажбурий резерв талабларининг нормативлари ёки таркиби белгилангани ёки ўзгартирилгани тўғрисидаги кўрсатмаларда камида бир ойлик муддат кўрсатилади, резервларнинг таркиби ёки миқдорига доир янги нормативларни банклар ана шу муддатгача бажариши шарт. Ўз навбатида, Марказий банк мажбурий резервлар бўйича фоизларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қуйида келтирилаётган 1-жадвалда мамлакатимизда Марказий банк мажбурий захира ставкасининг динамикасини кўришимиз мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2016 йилда ҳам инфляция ва пул массасининг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида диверсификацияланган мажбурий захира нормалари қўлланилиб, тижорат банклари томонидан жалб қилинган юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатли депозитлари учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди. Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралари ҳажми 2017 йил 1 январь ҳолатига қарийб 644 млрд. сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 20 фоизга кўп.

Пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида пул-кредит сиёсатида қўлланиладиган асосий

инструментлардан яна бири қайта молиялаш сиёсатидир. Қайта молиялаш сиёсати – Марказий банкнинг тижорат банкларига бериладиган кредитнинг фоиз ставкаси ҳисобланади. Қайта молиялаш сиёсатини қўллаганда Марказий банк ставкани ошириши ёки тушириши мумкин. Агар Марказий банк пул массасини камайтиришни режалаштирса, унда у қайта молиялаш ставкасини юқори қилиб қўяди, бунда тижорат банклари ўзларининг кредит ресурсларини Марказий банкдан оладиган ссуда ҳисобига эмас, балки аҳоли қўлидаги пуллар ҳисобига кўпайтириши мумкин ва аксинча. Агар Марказий банк пул массасини оширишни хоҳласа ставкани пасайтиради ва тижорат банклари учун ресурс базасини кўпайтириш учун энг самарали манба бу Марказий банк томонидан берилган ссудалар ҳисобланади.

**1-жадвал.**

**Марказий банкнинг мажбурий захира талаблари(фоизда)**

<table>
<tr><td>Амал қилиш муддати</td><td>Юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатли депозитлари учун</td><td>Юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатли депозитлари учун</td><td>Юридик шахсларнинг 3 йилдан ортиқ муддатли депозитлари учун</td><td>Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари учун</td></tr>
<tr><td>1994 йил 1 майдан</td><td colspan="2">30</td><td>10</td><td>30</td></tr>
<tr><td>1995 йил 1 январдан</td><td colspan="2">25</td><td>10</td><td>25</td></tr>
<tr><td>1996 йил 1 июлдан</td><td colspan="2">25</td><td>10</td><td></td></tr>
<tr><td>1997 йил 1 декабрдан</td><td colspan="2">20</td><td>10</td><td></td></tr>
<tr><td>2000 йил 1 майдан</td><td colspan="3">20</td><td></td></tr>
<tr><td>2005 йил 1 февралдан</td><td colspan="3">15</td><td>5</td></tr>
<tr><td>2005 йил 1 августдан</td><td colspan="3">15</td><td>8</td></tr>
<tr><td>2007 йил 1 сентябрдан</td><td colspan="4">13</td></tr>
<tr><td>2008 йил 1 ноябрдан</td><td colspan="4">15</td></tr>
<tr><td>2009 йил 1 сентябрдан ҳозирги кунгача</td><td>15</td><td>12</td><td>10,5</td><td>Чет эл валютасидаги депозитлар учун ҳам шу меъёрлар ўрнатилган</td></tr>
</table>

*Манба: http://www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти) маълумотлари асосида*

Қуйида келтирилаётган 2-жадвалда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг динамикасини кўришимиз мумкин.

Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг, иқтисодиётнинг кредит ресурсларига бўлган талабини етарли даражада қондириш ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2016 йилга белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2016 йил мобайнида йиллик 9 фоиз миқдорида сақлаб турилди. 2017 йилда ҳам қайта молиялаш ставкасининг 9 фоиз миқдорида сақлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айни пайтда тижорат банклари ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

**2-жадвал**

**Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси (фоизда)**

| Амал қилиш муддати | % |
|---|---|
| 01.01.1998 — 31.03.2000 | 36 |
| 01.04.2000 — 30.04.2000 | 30 |
| 01.05.2000 — 31.05.2000 | 28,8 |
| 01.06.2000 — 30.06.2000 | 27,6 |
| 01.07.2000 — 31.12.2001 | 24 |
| 01.01.2002 — 15.07.2003 | 30 |
| 16.07.2003 — 09.09.2003 | 24 |
| 10.09.2003 — 04.07.2004 | 20 |
| 05.07.2004 — 20.12.2004 | 18 |
| 21.12.2004 — 14.07.2006 | 16 |
| 15.07.2006 — 31.12.2010 | 14 |
| 01.01.2011 — 31.12.2013 | 12 |
| 01.01.2014 — 31.12.15 | 10 |
| 01.01.2015— х.в. | 9 |

*Манба:http://www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти).*

Пул-кредит сиёсатида пул миқдорини тартибга солишда очиқ бозор операцияларидан, яъни қимматбаҳо давлат қоғозларини таклиф қилиш усулидан ҳам кенг фойдаланилади. Ушбу операцияларни Марказий банк асосан нуфузи катта банклар гуруҳи билан бирга амалга оширади. Марказий банк қимматли қоғозларни бозорда сотиш ёки харид қилиш йўли билан пул таклифига таъсир этади, яъни пул бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди. Дейлик, пул бозорида муомалада пул миқдори ортиқчалиги мавжуд. Табиийки, Марказий банк ортиқча пул массасини камайтириш ёки йўқ қилишга ҳаракат қилади. Бунинг учун, у ўз қимматли қоғозларини очиқ бозорда аҳоли ва банкларга таклиф этади, улар эса уни харид қила бошлайдилар. Давлат қимматбаҳо қоғозларининг (сотиш ёки харид қилиш йўли билан) таклифи ошиб борган сари, унга бўлган баҳоси пасаяди, ўз навбатида, унга бўлган фоиз (яъни, қимматли қоғозларини сотиб олганларга фоиз шаклида ҳақ тўланади) ошади, бу эса унга бўлган талабни оширади. Банклар ва аҳоли қимматли қоғозларни кўпроқ харид қила бошлайди, пировард натижада банкларнинг захиралари қисқаради, ўз навбатида, бу ҳол пул таклифининг банк мультипликаторига тенг нисбатда қисқаришига олиб келади. Бу банк захира ва пул таклифининг ортишига сабаб бўлади.

Амалда Марказий банк юқоридаги учта асосий инструментлардан ташқари дисконт сиёсати, таргетирлаш ва бошқа усуллардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Республикамизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда Марказий банк томонидан қатъий монетар сиёсатининг юритилиши, ўз навбатида, мамлакатимизнинг пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари динамикасида, жумладан, тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича ҳамда банклараро кредитлар бўйича фоиз ставкаларида ўз аксини топмоқда. Хусусан, 2016 йил давомида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар даромадининг ошиши ҳисобига республикамиздаги молия институтлари ресурс базасининг кенгайиши банклараро пул бозоридаги ресурслар таклифининг кўпайишига ва ўз навбатида, молиявий ресурслар нархининг арзонлашишига сабаб бўлмоқда.

Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш мақсадида аҳолини ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк капиталига жалб қилиш учун қўшимча акцияларни, шунингдек, бошқа қарз қимматли қоғозларини чиқариш ҳамда уларни жойлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, тижорат банкларининг умумий капитали 2017 йилнинг 1 январь холатига кўра, 2016 йилнинг 1 январьҳолатига нисбатан 20,2 фоизга ошиб, қарийиб 9,4 трлн. сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин.




*1-диаграмма. Тижорат банкларининг жами активлари динамикаси*

Маълумотлардан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг жами активлари қолдиғи 2015 йил 1 январьҳолатига 52103 млрд.сўмни, 2016 йил 1 январьҳолатига 65176 млрд.сўмни, 2017 йил 1 январьҳолатига эса 80362 млрд. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Сўнги йиллар мобайнида мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибадор турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмокда. 2016 йил якунлари бўйича маълумотлар орқали тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитларнинг умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 25,2 фоизга ошиб, 44,6 трлн.сумни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига хизмат қилмокда. Хусусан, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ҳажми 2016 йилда 25,1 фоизга ошиб, 53,4 трлн. сўмга етди. Мазкур кредитларнинг 80 фоизини инвестициявий мақсадларга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ташкил этди(2-диаграмма).




*2-диаграмма. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси.*

Юқоридаги диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг кредит қўйилмалари2015 йил 1 январьҳолатига 33533,9 млрд.сўмни, 2016 йил 1 январьҳолатига 42685,2 млрд.сўмни, 2017 йил 1 январьҳолатига эса 53378,5 млрд. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 86,8 фоизи ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бу тижорат банкларининг ҳамда умуман, мамлакатимиз банк тизимининг етарли даражада шаклланган ресурс базасига эга эканлигидан ва ҳар қандай ташқи омилларнинг салбий таъсиридан ҳимояланганлигидан далолат беради.

Ўз навбатида, хорижий молия институтла-

ридан жалб қилинаётган маблағлар, асосан инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари бўйича узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил ошиб бориб, 2016 йил якунлари бўйича 56,9 фоизни ташкил этди.Бунда кўрсатилаётган молиявий хизматлар, жумладан, ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошиши муҳим омил бўлмоқда.

2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 15,9 трлн. сўмни, шундан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробарга ортиб, 3,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди.

**3-жадвал**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиган кредитлар, млрд.сўм**

| **Ажратилган кредитлар миқдори** | **йиллар** | | |
|---|---|---|---|
| | **2014** | **2015** | **2016** |
| Жами ажратилган кредитлар миқдори | 9158 | 12112 | 15870 |
| Шу жумладан: микрокредитлар | 1907 | 2526 | 3326 |

Таъкидлаш лозимки, банк тизимида қўлга киритилаётган мазкур ютуқларнинг замирида албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали пул-кредит сиёсати ётади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати мамлакатда ЯИМ, бандлик ва баҳолар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, бундан кейин ҳам ички ва ташқи молия бозорларидаги ўзгаришларни инобатга олиб, монетар сиёсатнинг тегишли бозор инструментларини кенг қўллаган ҳолда қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш лозим. Бунда монетар сиёсат инструментларининг самарадорлигини янада ошириш ва кўрилаётган чора-тадбирларнинг пул бозори ҳолатига таъсирини кучайтириш бўйича аниқ мақсадли ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мамлакатимиз банк тизимини янада ривожлантириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва иқтисодиёт тармоқларини кредитлашни янада кенгайтириш мақсадида қатъий ва самарали пул-кредит сиёсатини юритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий резервлар талаблари ва қайта молиялаштириш ставкаларидан оқилона фойдаланишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг 3,23-моддалари.*

*2. Раҳимова М.Р. "Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти" - (ўқув қўлланма) – ТДИУ, 2007, – 234-бет.*

*3. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.1982.С.170*

*4. Макконелл Л., Брю Л. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. Т.1. – М., 1992.С.38*

*5.http://www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг расмий сайти).*

# СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ РАСЧЕТА ВАЛОВОГО РЕГИОНАЛЬНОГО ПРОДУКТА И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ

**Якубов Искандар Адылович**

К.э.н., доцент, Ташкентский государственный экономический университет

**Рахимов Хасан Шукуржонович**

Ассистент, Ташкентский государственный экономический университет

**Ҳакимов Ҳакимжон Абдулло ўғли**

Стажер иследователь, Ташкентский государственный экономический университет

***Аннотация.*** Мақола минтақавий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланган ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ)ни ҳисоблашнинг услубий ёндашувларини такомиллаштириш ва унинг иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ этиш масалаларига бағишланган. Бунда энг аввало минтақавий иқтисодиёт асослари ва бу борадаги ахборот манбаалари тадқиқ этилган. Тадқиқот натижаларидан минтақавий тузилмаларга улар ривожланишининг тармоқ параметрларини ҳисобга олган ҳолда баҳо беришда, шунингдек, ҳудудларда инвестицияларни мутаносиб тақсимлаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

***Таянч тушунчалар:*** ялпи минтақавий (ҳудудий) махсулот, ялпи қўшилган қиймат, хуфиёна иқтисодиёт, ҳудудий ва миллий кўрсаткичлар, якуний истеъмол, ялпи жамғариш.

***Аннотация.*** В статье рассматривается вопросы совершенствование методических подходов расчета одного из ключевых показателей системы региональных счетов (СРС) – валовой региональный продукт (ВРП) и ее влияние на экономический рост. Это обуславливает в первую очередь особенности региональной экономики и ограничение информационных источников. Исследование также позволит проводить глубокую оценку региональной структуры с учетом отраслевых параметров развития, выделять приоритеты регионов при распределении инвестиции.

***Ключевые слова:*** валовой региональный продукт, валовую добавленную стоимость (ВДС), теневая экономика, региональные и национальные данные, конечное потребления, валовое накопление.

При анализе и оценке структуры экономики регионов Узбекистана используется показатель - валовой региональный продукт. Этот показатель представляет собой валовую добавленную стоимость, произведенную на территории региона за определенный период времени и характеризует процесс производства товаров и услуг единицами - резидентами региональной экономики. Он предназначен для характеристики взаимосвязанных аспектов экономического процесса в регионе: производство товаров и услуг, их конечное использование и распределение доходов. В зависимости от направлений исследования ВРП, его оценка может производиться в текущих и сопоставимых ценах.

Комплексное развития регионов и обеспечения непрерывного роста валового регионального продукта является важной задачей на каждом этапе экономического роста. «Сама жизнь и опыт прошлых лет требуют от нас устранить серьезные проблемы в обеспечении комплексного развития территорий, создания и коренной перестройки инфраструктуры» [1].

Вышеизложенные положения повышают актуальность данного исследования.

***Использованные методы и материалы (Materials and methods).***

Стабильный рост валового регионального продукта является основным фактором роста регионов. Непрерывный рост ВРП также определяет будущее развития регионов. С этой точки зрения в статье изучены теоретические и методические основы ВРП, также анализирована динамика валового регионального продукта. Для целей сопоставительного и структурного анализа использованы данные государственного Комитета Республики Узбекистан по статистике. В ходе исследовании использованы методы анализа, синтеза и сопоставительного анализа.

***Обзор научной литературы (LiteratureReview).***

Статистическое изучение влияния социально-экономических показателей на уровень развития регионов является актуальной задачей на современном этапе развития. Целью исследования является установление влияния социально-экономических факторов расчета валового регионального продукта для оценки и анализа структуры экономики.

При написании статьи авторы опирались на методические подходы к оценке динамики валового регионального продукта ряда зарубежных авторов.

В работе С.В.Панкова и А.П.Цыпина “Моделирование влияния социально-экономических факторов на валовой региональный продукт” (2015) установлена степень влияния социально-экономических факторов на валовый региональный продукт для определения неравномерности развития субъектов Российской Федерации [2, с 243].

В работе Абу Х., Орлова И.В. “Сравнительный эконометрический анализ величины валового регионального продукта в регионах Российской Федерации” (2014) изложены основы эконометрического анализа и дана оценка параметров регрессионного уравнения, характеризующего влияние факторов на ВРП[3, с 9].

В статье Нещадин А., Кашин В. “Динамика развития валового регионального продукта регионов РФ” (2013) исследована дифференциация субъектов Российской Федерации по основным социально-экономическим показателям[4, с157].

В статье Гордеева С.С., Кочеров А.В. “Анализ и формализация динамики валового регионального продукта в условиях экономической нестабильности” (2014) сделаны ряд выводов относительно влияния факторов и дифференциации субъектов Российской Федерации по уровню их развития [5, с102].

***Результаты (Results).***

Показатель ВДС, рекомендуемый для расчета на региональном уровне, также как и показатель ВВП, являются ключевым показателем системы национальных счетов (СНС) для ВВП и региональных счетов (СРС) для ВРП.

Особенности региональной экономики и ограничения информационных источников обуславливают то обстоятельство, что система национальных счетов (СНС) на региональном уровне не может быть использована полностью. Тем не менее, многие расчеты по отдельным обобщающим показателям проводятся на базе методологически основанных принципов и определениях СНС. Это позволяет проводить глубокую оценку региональной структуры с учетом отраслевых параметров развития, выделять приоритеты регионов при распределении инвестиций.

Для целей сопоставительного и структурного анализа, обобщения различных характеристик социально-экономической ситуации в регионе за определенный период времени рассчитывается номинальный валовой региональный продукт - объем ВРП в текущих ценах рассматриваемого периода.

Для анализа изменения валового регионального продукта за определенный период (в первую очередь, за год) рассчитываются темпы реального ВРП. При этом темп реального ВРП по отношению к предыдущему периоду (году) рассчитывается в сопоставимых ценах предыдущего периода (года).

Показатель ВРП как основной сводный показатель, обобщающий характеристики функционирования экономики региона за определенный период, предусматривает согласование данных по всех отраслям и секторам экономики.

В основу расчетов ВРП закладываются два исходных принципа. Первый - принцип циклического рассмотрения, согласно которому данные уточняются в соответствии с порядком и сроками получения областными статистическими управлениями наиболее важной базовой информации. Расчеты начального этапа опираются на данные текущей отчетности и предварительные расчеты. Соответствующие результаты предназначены для оперативной оценки общего объема и тенденций изменения показателя ВРП. В дальнейшем расчеты проверяются на основе более широкой информационной базы и уточненные результаты могут применяться в целях более подробного анализа развития региональной экономики.

Вторым принципом построения валового регионального продукта является сбаланси-

рованное сочетание оценок различной периодичности: годовой и квартальной. Годовая оценка является основной, она сглаживает факторы сезонности, достигается наибольшая согласованность показателей производства по различным отраслям экономики, использования товаров и услуг на потребление и накопление, а также процессов формирования доходов.

Существенное значение для определения годовой оценки в качестве главной имеет более широкая информационная база, необходимая для расчета показателя ВРП.

Квартальные оценки ВРП разрабатываются в целях предварительного определения ожидаемых результатов года, а также для характеристики текущей экономической динамики; они являются внутригодовыми показателями, значения которых уточняются в ходе построения годовых оценок на основе более детальной информации.

Важнейшим условием формирования показателя ВРП является совместная реализация двух вышеназванных принципов: годовые и квартальные оценки пересматриваются во взаимной связи и в определенном порядке.

Методология расчетов показателей на региональном (ВРП) и республиканском (ВВП) уровнях в большинстве случаев совпадает, однако между ВРП и ВВП имеется существенная разница. Отдельные элементы ВВП в настоящее время не могут быть рассчитаны на региональном уровне или распределены между областями (добавленная стоимость коллективных услуг, услуг финансовых посредников и т.д.). Поэтому они включаются в расчет только для республики в целом.

Суммарный ВРП, рассчитанный по всем областям, отличается от ВВП республики на величину добавленной стоимости: нерыночных коллективных услуг, оказываемых государственными учреждениями обществу в целом (услуги обороны, государственного управления, пенсионного обеспечения); других нерыночных услуг, финансируемых за счет республиканского бюджета, информация по которым отсутствует на региональном уровне (часть услуг жилищного хозяйства, культуры, искусства, образования, науки); услуг финансовых посредников (особенно банков), деятельность которых редко ограничивается одним регионом; услуг внешней торговли, информацию по которой во многих случаях можно получить только на республиканском уровне. Кроме того, ВВП и ВРП в рыночных ценах отличаются на величину налогов на экспорт и импорт, так как их общую величину невозможно полностью распределить между отдельными регионами из-за специфики учета.

В результате этого суммарный ВРП заметно меньше ВВП. За последние годы его величина колеблется в Узбекистане в диапазоне от 86% до 90% объема ВВП. Остальное  это так называемая нераспределенная часть ВРП (10,0-14,0%), которая колеблется во времени и неодинаково проявляется на уровне регионов. Если услуги и затраты централизованного управления и международной деятельности в большей мере осуществляются в г.Ташкенте, то деятельность армии в основном затрагивает места дислокации воинских частей - прежде всего провинцию. Для более корректных межрегиональных сопоставлений важно уменьшить долю ВВП, нераспределенную по территориям.

При межрегиональном сопоставлении ВРП учитываются региональные различия цен на товары и услуги и оцениваются размеры “теневой экономики”; регионы весьма различаются по части наличия “затенения” ВРП, что зависит от многих условий (развитие предпринимательства, уклад населения, природно-экономические условия и т.д.). В Узбекистане при оценке “теневой” (ненаблюдаемой) экономики применяются производственный метод и метод конечного использования. Основными методами оценки являются: метод товарных потоков (на основе балансов отдельных продуктов), другие интегральные методы (на основе альтернативных расчетов доходов домашних хозяйств), косвенные методы (на основе обследований домашних хозяйств и некорпоративных предприятий, данных о численности занятых в профессиях с регулярным дополнительным доходом (врачи, адвокаты, парикмахеры и др.), данных сравнительного анализа соотношения затрат и выпуска у разных групп предприятий (крупных ималых, государственных и частных и др.), данных учета земли, жилищ, автомобилей и т.д., данных налоговых служб, ГАИ, БТИ и др., а также данных других источников) [6].

Особой проблемой оценки динамики ВРП и расчета его на перспективу является расчет ВРП и его стоимостных показателей в сопоставимых ценах. В сопоставимых ценах расчеты ВРП производятся по темпам роста. Поэтому оценка сопоставимости ВРП проведенные за 2010-2015 гг., в основном, также по темпам роста и по индексам (в расчете на душу населения) в сопоставлении со среднереспубликанским уровнем, а расчеты на перспективу делаются исходя из стоимостных показателей базисного периода (например, 2010 г.), в ценах этого года.




***Рис.1. Доля регионов в ВВП Республики Узбекистан [7]***

Реализация пакета целевых государственных программ дальнейшего реформирования, структурных преобразований и диверсификации экономики на 2015-2019 годы придала дополнительный импульс осуществляемым в регионах масштабным преобразованиям. В результате в 2015 году достигнуты стабильно высокие темпы развития экономики регионов. Если в целом в Узбекистане рост ВВП составил 108,0%, то выше этого уровня отмечены рост валового регионального продукта (ВРП) в Республике Каракалпакстан, Самаркандской, Хорезмской, Сурхандарьинской, Джизакской, Наманганской областях и в г. Ташкенте (рис.1.).

Высокую долю ВРП в ВВП имеет город Ташкент (15,6%), Ташкентская (9,7%) и Кашкадарьинская (7,5%) области. Самую низкую имеет Сырдарьинская (1,8%), Джизакская (2,3%) области и Республика Каракалпакстан (2,6%).

ВРП, также как и ВВП, рассчитывается двумя методами: производственным и методом конечного использования.

Расчет производственным методом представляет собой разность между выпуском товаров и услуг (В) в целом по региону (области), с одной стороны, и промежуточным потреблением (ПП) - с другой, или как сумма валовых добавленных стоимостей, создаваемых в отраслях региональной экономики (ВДС). При этом объемы добавленной стоимости по отраслям рассчитываются в основных ценах, то есть не включающих налоги на продукты, но включающих субсидии на продукты. Для расчета ВРП в рыночных ценах необходимо добавить чистые (за вычетом субсидий) налоги на продукты (ЧН пр). ВРП на стадии производства рассчитывается по формуле:

$$\text{ВРП} = (\text{В - ПП}) + \text{ЧН пр, или ВРП} = \sum ВДС_i + \text{ЧН пр}$$

Производственный метод является основным при расчете ВРП, он применяется при расчетах ВРП в странах СНГ, в частности, в Узбекистане. Использование производственного метода обусловлено тем, что производственный метод позволяет получить размер валового регионального продукта на исходной стадии - стадии производства, а также тем, что информационное обеспечение для расчета ВРП производственным методом более разработано и доступно на уровне области.

ВРП, рассчитанный методом конечного использования, представляет собой сумму расходов всех экономических секторов региона на конечное потребление (КП) и валовое накопление (ВН):

ВРП = КП + ВН, при

КП = КПд + КПн,

ВН = ВНк + ΔМОС + ЧПц ,,

где КПд - расходы на конечное потребление домашних хозяйств;

КПг - расходы на конечное потребление государственных учреждений на индивидуальные товары и услуги, на коллективные услуги;

КПн - расходы на конечное потребление некоммерческих организаций, обслуживающих домашние хозяйства;

ВНк - валовое накопление основного капитала;

ΔМОС - изменение запасов материальных оборотных средств;

ЧПц,- чистое приобретение ценностей.

При расчете регионального конечного по-

требления возникают трудности, вызванные тем, что значительная часть материальных и финансовых ресурсов региона формируется за счет обмена с другими регионами и этот обмен трудно зарегистрировать; в результате объем показателей использования может не отразить на региональном уровне объем производства, то есть не будут сбалансированы на региональном уровне показатели использования и производства. Перечисленные факторы обуславливают необходимость расчета ВРП производственным методом как сумма произведенных в отраслевых секторах добавленных стоимостей по всем отраслям экономики региона. Как известно, добавленная стоимость отрасли определяется как разность между стоимостью произведенных в отчетном периоде товаров и услуг (выпуском) и стоимостью товаров и услуг потребленных в том же периоде в процессе производства (промежуточным потреблением). Методика расчета регионального выпуска, промежуточного потребления и добавленной стоимости осуществляется по той же принципиальной схеме, что и на республиканском уровне.

Расчеты региональных показателей для характеристики ВРП базируются на следующих методах: “снизу - вверх”, “сверху - вниз” и “смешанный”.

Метод “снизу - вверх” предусматривает использование в качестве исходной информации данные единиц - резидентов, суммирование которых дает обобщающие данные по региону, а сумма их по регионам равна показателям на национальном уровне.

Метод “сверху - вниз” - предусматривает использование в качестве исходной информации показателей на национальном уровне и их последующее распределение по регионам. Этот метод обеспечивает согласование региональных и национальных данных.

“Смешанный” метод - это комбинация региональной информации, имеющейся в регионах, и информации на уровне страны. Будучи выражена в определенных показателях, она распределяется между регионами в централизованном порядке.

Для Узбекистана характерно использование двух методов - “снизу - вверх” и “смешанный”. При анализе теоретических основ формирования ВРП в регионах были использованы Временные методические рекомендации по квартальному расчету показателя СНС “Валовая добавленная стоимость” на региональном уровне.

Наиболее распространенным в практике экономического анализа является индикатор доли важнейших секторов экономики (промышленности, сельского хозяйства и т.д.) в ВВП и ВРП, который используется в качестве характеристики уровня индустриального или аграрного развития как в развитых, так и в развивающихся странах при международных сопоставлениях.

Опыт расчета ВРП на основе национальных счетов в странах СНГ сравнительно небольшой. Обобщение этого опыта применительно практически ко всем странам СНГ дает возможность проследить особенности внедрения национальных счетов ВРП в различных странах СНГ с учетом специфики периода.

Основными приоритетными направлениями региональных расчетов в области национальных счетов являются: расчет ВРП в текущих ценах в разрезе областей; расчет индексов по оценке физического объема ВРП и показателей счета в постоянных ценах; использование доходов (расчетов на конечное потребление домашних хозяйств, валовое накопление основного капитала и т.д.).

Эти показатели дают более точное представление о формировании ВРП, валовой добавочной стоимости отдельных отраслей и т.д.

***Обсуждение (Discussions).***

Основными методическими рекомендациями для расчета ВРП являются: СНС 2008 г., Европейская система счетов 2010 г. Эти рекомендации используют многие страны, в том числе и Узбекистан.

Все страны Содружества уже в течение длительного времени производят оценки ненаблюдаемой экономики (ННЭ) и включают их в расчеты ВВП. Эти оценки производятся странами на основе концепций СНС-2008, адаптированных к условиям стран Содружества, и с этой точки зрения являются в основном сопоставимыми как между собой, так и в более широком международном контексте. При оценке ННЭ для включения ее в ВВП предпочтение отдается производственному и распределительному методу.

Теоретически есть все основания производить расчеты по составлению счетов для региона любого уровня: область, район и отдельные населенные пункты. Однако, чем ниже уровень региона, тем больше проблем и ниже уровень информационного обеспечения для расчетов. Поэтому главная проблема - совершенствование расчетов ВРП на региональном уровне, где есть необходимая для этого статистическая база. Поэтому расширение статистической отчетности, ее достоверность является важнейшей предпосылкой для совершенствования расчета ВРП.

Для сбора материалов и расчета ВРП большинство стран СНГ используют центральные и региональные органы государственного

управления и статистики, научные учреждения, коммерческие и международные организации (Всемирный банк, МВФ и др.), а также министерство экономики, министерство финансов и национальные банки.

Так, если сформулировать основные проблемы и трудности по расчету ВРП, то они выглядят следующим образом:

***I. Методологические проблемы.***

1.1. Проблемы учета и измерение ненаблюдаемой деятельности по регионам.

1.2. Проблема с распределением объема услуг транспорта по регионам.

1.3. Расчеты по регионам неучтенных ресурсов, особенно услуг финансовых посредников, услуг страхования и услуг НКООДХ и нерыночных коммерческих услуг.

1.4. Распределение по регионам услуг внешней торговли, налогов на экспортно-импортные операции, субсидий на проведение геологоразведочных работ и т.д.

***II. Информационные проблемы.***

2.1. Трудности с получением необходимой годовой информации, особенно на стадии квартальных оценок, по отдельным предприятиям.

2.2. Несоблюдение соответствия объемов производства и финансовых результатов по обособленным структурным подразделениям.

2.3. Отсутствие по регионам индексов цен по отдельным видам экономической деятельности, необходимых для исчисления ВРП в постоянных ценах.

2.4. Трудности расчета ВРП на районном уровне ввиду отсутствия необходимой информационной базы.

***Заключение(Conclusions)***

Основные направления дальнейшего совершенствования расчетов ВРП и его компонентов должны выражаться в следующем:

1. Совершенствование информационной базы в части внедрения новых выборочных исследований и форм отчетности.

2. Шире использовать оценку ВРП не только в текущих, но и в постоянных ценах.

3. Внедрение в статистическую практику региональных расчетов элементов счетов образования и использования доходов (т.е. расчета ВРП методом суммирования доходов и отдельных компонентов конечного использования).

В Узбекистане уже проводятся специальные выборочные обследования для отдельных компонентов ВРП (обследование фермерских хозяйств для определения промежуточного потребления поквартально, обследование общественных организаций с целью оценки доходов и расходов, обследование объектов индивидуального жилья для определения стоимости 1 кв. м жилья, а также ряд обследований по выявлению незарегистрированной экономической деятельности домашних хозяйств).

4. Необходимо обеспечить возможности определения на региональном уровне расходов государственных учреждений, финансируемых за счет внебюджетных фондов.

5. Представляется целесообразным, единицы находящиеся на экстра-региональной территории, относить к этой территории, а не к тому региону, где находится контролирующая их организация; а добавленная стоимость финансовых учреждений, страховых организаций должна быть отнесена к тем регионам, где находится соответствующая организация.

6. Налоги на экспортно-импортные операции следует относить к “нераспределенной части”.

7. Для совершенствования информационной базы возможно расширение смешанного метода расчета, при котором для расчета ВРП будет использована часть информации на региональном уровне, а информация, которая доступна только на уровне страны в целом, будет распределяться между регионами в централизованном порядке по методу “сверху вниз”.

Важнейшей приоритетной задачей экономических и социальных преобразований Республики Узбекистан, повышения благосостояния, уровня и качества жизни населения страны является продолжение структурных преобразований в экономике и обеспечение ее конкурентоспособности на основе реализации пяти известных принципов «узбекской модели» развития.

Существенное замедление темпов роста мировой экономики и сокращение внешнего спроса, снижение мировых цен на важнейшие экспортные товары диктуют необходимость дальнейшего повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана, углубления экономических реформ и интенсификации структурных преобразований на основе реализации следующих приоритетных задач.

Осуществление комплексного и последовательного развития регионов республики, как основного фактора обеспечения дальнейшего устойчивого экономического роста, повышения уровня жизни населения страны, особенно в сельских местностях.

Ключевым направлением в реализации данной задачи является разработка в разрезе каждой области, района и города соответствующих программ социально-экономического развития, предусматривающих реализацию в среднесрочной перспективе проектов по

созданию новых производственных мощностей в сфере промышленности и переработки сельскохозяйственной продукции, развитию инженерно-коммуникационной инфраструктуры и сферы услуг, созданию на этой основе условий для роста промышленного потенциала регионов, сокращения субвенционных районов и городов, повышения занятости и доходов населения и их учет на основе системы регионального счетоводства.

***Источники и литература:***


*1. Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя.//«Народное слово», 16.01.17 г.*

*2. Панкова С.В., Цыпина А.П. Моделирование влияния социально-экономических факторов на валовой региональный продукт //Вестник Оренбургского государственного университета. 2015. №13. С. 243-248.*

*3. Абу Х., Орлова И.В. Сравнительный эконометрический анализ величины валового регионального продукта в регионах Российской Федерации//Современные наукоемкие технологии. 2014 № 7, С, 9-10.*

*4. Нещадин А., Кашин В. Динамика развития валового регионального продукта регионов РФ // Ощество и экономика. 2013 № 6 С. 157-170.*

*5. Гордеева С.С., Кочеров А.В. Анализ и формализация динамики валового регионального продукта в условиях экономической нестабильности //Вестник Челябинского государственного университета. 2014. № 15. С. 102-107.*

*6. Королев М.А., Иванов Ю.Н., Карасева В.Л. Опыт стран СНГ в измерении ненаблюдаемой экономики. // Вопросы статистики, №11/2004.*

*7. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за январь-декабрь 2015 года. CenterforEconomicResearch, Ташкент–2016. с 79.*

*8. Бреднева Л.Б. К вопросу об измерении дифференциации регионов по уровню экономического развития //Вестник ХГАЭП. 2015. №1. С 75-77*

*9. Якубов И.А., Расулова И.А. Конкурентоспособность экономики регионов. Монография. Изд. Узбекистан. 2007 г.*

# ЁШ ОЛИМ МИНБАРИ
# ТРИБУНА МОЛОДОГО УЧЕНОГО

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Рустамов Жонибек Равшанбек ўғли,**
**Актамова Нигора Равшанбек қизи**

Магистратура талабалари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Ушбу мақолада Ўзбекистонда лизинг хизматлари ривожланишининг асосий тенденциялари кўриб чикилган. 2012-2016 йилларда лизинг бозори ривожланиши кўрсаткичларининг ўзгариши таҳлил қилинган. Мақола сўнгида тадқиқот натижаларига кўра хулосалар ва мамлакатимизда лизинг бозорини ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.
***Таянч тушунчалар:*** лизинг, лизинг берувчи, лизинг олувчи, асосий воситалар, лизинг портфели, лизинг компанияси, банк, лизинг битими.
***Аннотация.*** В данной статье рассмотрены основные тенденции развития лизинговых услуг в Узбекистане. Проанализированы изменения индикаторов развития рынка лизинга 2013-2014 гг. В итоге по результатам исследования сделаны выводы и даны предложения по развитию рынка лизинговых услуг в страны.
***Ключевые слова:*** лизинг, лизингодатель, лизингополучатель, основные средства, лизинговый портфель, лизинговые компании, банк, договор лизинга.

Хизматлар соҳаси таркибида молиявий хизмат турлари алоҳида ўринга эга бўлиб, улар бўш турган маблағларни иқтисодий фаолиятга жалб қилиш ҳамда фаолият юритаётган ёки фаолият юритмоқчи бўлган корхона ва ташкилотларни молиялаштириш ёки модернизациялаштириш орқали чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишни, маблағлар айланмаси ва фаолият узлуксизлигини таъминлайди. Иқтисодиёт реал секторининг жадаллик билан ривожланиши молиявий ресурсларга бўлган талабнинг янада ошиб боришига замин яратади. Молиявий ресурсларга бўлган талабни самарали қондириш манбаларидан бири бу лизингдир. Лизинг хизматлари бугунги кундамолиявий хизматлар таркибида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва мамлакатимизда юқори даражада ривожланаётган молиявий хизмат турларидан бири. Лизинг хизматларининг тез ва сезиларли даражада оммалашиб боришихизматлар соҳаси, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ошиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши, тармоқлараро кооперацияларнинг ривожланиши ва бошқа кўплаб йўналишларга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб лизинг хизматларини ривожлантириш бўйича республикамизда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда лизинг хизматлари ривожланишини ва такомиллашишини таъминлаш мақсадида бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни лизинг амалиётларини юритишнинг зарур меъёрларини ўз ичига олган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4749 сонли фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш-та устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган III бўлимида “суғурта, лизинг ва молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва

аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш” [4] кабисоҳани ривожлантириш бўйичаистиқболли стратегик режалар келтирилган.




***1-расм. Янги лизинг битимлари сонининг динамикаси. [5]***

Лизинг сектори фаолиятининг такомиллашувини ва ривожланишини соҳада қайд этилган рақамлар ва кўрсаткичлар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, 2016 йилда лизинг бозорида лизинг хизматлари кўрсатувчи 126 та ташкилот иштирок этган бўлиб, улардан 69 таси лизинг амалиётлари билан фаол шуғулланган, шу жумладан уларнинг 21 таси тижорат банклари ҳисобланади. Охирги беш йил ичида амалга оширилган янги лизинг битимлари сонининг динамикасини кузатсак, 2012 йилда мамлакатимиз лизинг ташкилотлари томонидан 7026 та лизинг битимлари тузилган, 2013 йилда бу кўрсаткич 4,8 фоизга камайган. Янги лизиг битимлари 2014 йилга келиб 4848 тагача камайган, аммо 2015 йилда 16,1 фоизга ўсган. Лизинг берувчилар томонидан 2016 йилда5540 та янги лизинг битимлари тузилган.Курсаткичлар 2015 йилга нисбатан 2,6 фоизга камайган (1-расм).




***2-расм. Янги лизинг битимлари хажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўмда) [6]***

